

Комил Аваз

Шоҳ бўлди  
ишқ ичинда

*(драмалар, филм сценарийлари)*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриети  
Тошкент-2007

Комил Авазнинг ушбу тўпламига сўнгги йилларда ёзган, қарийб барчаси Огаҳий номли вилоят театрида сахналаштирилган драмалари ва тасвирга олинган, олишга мўлжалланган филм сценарийлари кирган. Унинг тарихий драмаларида Хоразмнинг қадим илму урфон хазиналари, алломалари, шеърят мулкининг султонлари, шоҳу шуаро ҳаёти, ижодий муҳит рақам қилинган эрса, комедияларида халқнинг урф-одатлари, умуминсоний қадриятлар қаламга олинган. Ватанфурушлик ва наркомания иллатларига қарши битилган фожеаларида турли оқимлар, тинч ҳаётимизни кўролмаётган тажовузкорлар таъсирида айрим ёшлар адашиб, ташқи кучларнинг дўқ-пўписаси, бешафқат мажбурлаши оқибатида иложсизликдан Ватанга хиёнат қилишгача боришлари, улар орасида оқ-қорани таниб, гумроҳлик йўлига кириб чиққан, афсус-қадомат билан экстремистлар чангалидан қутилишга ҳаракат қилаётганликлари, наркомания балосига гирфтор бўлганлар турмушининг инқирозлари ўз ақсини топган.

Унинг филм сценарийларида ўлмас мавзу — Меҳр-муҳаббат, дўстлик, солиқлик туйғулари ихлос билан тараннум қилинади. «Лазги» телефилмида Хоразмда машҳур бўлган «Лазги» рақсининг 9 тури, уларнинг яратилиш тарихи, ижро услублари рақам қилинган.

Муаллифнинг ушбу тўплами, сиз азиз ўқувчиларни, театр, кино мухлисларини суюкли мулкига айланади деб ният қиламиз.

ISBN 978-9943-06-041-8

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.  
2007 йил.

## Сўзбоши

Шоир ва драматург, таниқли алиб Комил Аваз тафаккур қамрови кенг ижодкорлар сирасига киради. У қайси мавзуга қўл урмасин, ёзган асаридан қалб ҳарорати уфуриб туради. У яратган образлар жозибалдорлиги билан кишини ўзига ром этади, ўқувчининг бутун диққат-эътиборини тортади. Унинг ушбу тўпламига сўнгги йилларда ёзган, қарийб барчаси Огаҳий номли вилоят театрида саҳналаштирилган драмалари сувратга олинган ва олшга мўлжалланган филмлари кирган.

Алиб Хоразмнинг қадим илму-урфон хазинасига салмоқли ҳисса қўшган алломаларни, шеърят мулкининг султонларини, шоҳу, шуаро ҳаётини, ўша давр ижодий муҳитини ҳаққоний тасвирлашга, буюк шахсларнинг тарих саҳнасида тутган мақеларини бадиий ёритишга интилади. Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг:

Шоҳ бўлди ишқ ичинда соҳиб асрорим менинг,  
Ишқ маншгурида туғродур бу шаҳкорим менинг, —

байтидаги «Шоҳ бўлди ишқ ичинда»ни драмага ва китобга сарлавҳа этилишида улқан рамзий маъно бор, негаким, дунё фалсафасида ишқ мавзуи салмоқли, салдомли маснадга эгадур. Шу боисдан ҳам Паҳлавон Муҳаммаднинг ушбу:

Гуфтамаш: «Дар олами ишқи ту қорам бо ғам аст»,  
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст», —

(Мен унга дедим: «Сенинг ишқинг оламида ишим ғам чекишдур», Мийғида кулиб дедики: «Бу ғам эмас, олам ишидур».) байтига Ҳусайн Бойқаро минг тилло мукофот бергани тарихдан маълум ҳақиқатдир.

Ушбу пьесада муаллиф Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоийнинг дўстлиги, бир-бировларига бўлган ихлосини ўзга бир меҳр билан қаламга олади.

Ҳ у с а й н Билҳақ, сен Хондамир, тарих қилким, шоҳлик сарупосини кийиб, Хуросон тахтига бизнинг илгимиз етгунга қадар ҳам биз кун-тун муттасил Алишер била ҳамламу ҳамфаолият бўлиш орзусида эдук. Инчунун, Ҳақ таолонинг инояти бирла, Алишербек ўша аввойил ёшлигиданоқ, аслан бешиклигиданоқ, эмикдошлиг

важҳидин ҳам биз ила яқинлиғ нисбасиға ва қалин ҳамнафаслиқға мушарраф бўлғондур. Бизнинг тахтга ўлтириш бахтиға мушарраф бўлғонимиздан бери Алишер Навоийнинг дийдору машваратлариға муштоқлиғ шоҳлиқнинг бутун манфаатларидин ҳам чандон юқори туруп. У хайру-эҳсон шавкати ва бахт-саодат равнақи учун мунтазам сайълар кўрсатдиким, биз онинг чиндан ҳам фозиллиғ ва саодатға чорловчи пурмаъно мулоҳазалари ва доно маслаҳатлариға амал қилиб келдук! Умрлари узун, иқболлари сарбаланд бўлғай!

Шунингдек, Алишер Навоийнинг Хоразм адабий муҳитиға таъсири, Огаҳий, Феруз, Комил Хоразмийлар мулоқоти, Хоразм гўяндалари томонидан ижро этилмиш Навоий, Огаҳий, Феруз қўшиқлари, ўқувчини мозийға, алломаларнинг ажиб, донишлик суҳбатлариға ошно этади. Драманинг I-кўринишида:

О г а ҳ и й Мен ҳозир Алишер Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида, мутаржимлиғ қилғоним, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул-вақоеъ» тазкираси ва бошқа битикларда келтирилгон воқеълардан бир шингил айтиб берай, маҳфили-мажлисимизға хуш келса, не ажаб...

Муаллиф 2-кўринишда воқеани Хоразмдан Хиротға, Ҳусайн Бойқаро саройиға ва кейинги кўринишларда яна Хоразмға кўчириб, қизиқарли, ҳаётий лавҳаларни қаламға олади.

Комил Авазининг қатор тарихий драмаларида ўтмиш бўйи басти билан кўз олдингизда нечоғлик ҳаққоний намоён бўлса, комедияларида халқнинг урф-одатлари, умуминсоний қадриятлар халқчил мавзудан усталик билан фойдаланилганлиги маҳсули, ўлароқ, жамиятимизда гоҳо-гоҳо учраб гурадиган жирканч ишлар билан машғул разил шахслар фаолияти юмор ва ўткир сатира орқали аёвсиз фош этилади.

Маълумки, Комил Аваз кейинги йилларда ёзувчилар орасида энг сермахсул ижодкорлардан бири сифатида эл-юртға танилган. Фақат сермахсул десак жудаям тўғри бўлмас. У халқ дилидан ўрин олишға улгурган, китобхонлар қалбини ром эта олган таниқли ёзувчи бўлганлиги учун бўлса керак, 2000 йил Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўйналган «Жавлон журра» асари учун Республика миқёсида «Йилининг энг яхши драматурги» деб топилган. У «Жавлон журра» драмасида сохта табиблар мавзусиға қўл урган ва уларнинг «экстрасенслик» фаолиятидаги қилмишларини моҳирона фош этган.

Комил Аваз наркомания иллатлари ва уларға қарши кураш («Сўнган умидлар») ҳамда ватанфурушлик (Иеъмаъ Солеев билан

ҳамкорликда ёзган «Ўткинчи булутлар») асарларида тинч ҳаётимизни кўролмаётган тажовузкорлар таъсирида айрим ёшларнинг адашиб, ташқи кучларнинг дўқ-пўписаси, бешафқат мажбурлаши оқибатида иложсизликдан Ватанга хиёнат қилишгача боришлари, улар орасида оқ-қорани таниб, гумроҳлик йўлига кириб чиққан, афсус-надомат билан экстремистлар чангалидан қутилишга ҳаракат қилаётганликлари, наркомания балосига гирифтор бўлганлар турмушининг инқирозлари ўз аксини топган. Адиб бу муаммоларни шундай моҳирона тасвирлаганки, уларни ўқиган ҳар бир ўқувчи қалбида наркоманларга қарши исён кўтарилади. Адибнинг ёзувчилик маҳорати шундаки, у яратган образлар гуё биз билан бирга яшаётгандай. Бизда улар билан курашиш, уларни тўғри йўлга ундаш ҳисси пайдо бўлади.

Тўпламга кирган «Довдир», «Муҳаббатимсан» мусиқий киносценарийлари талабалар ҳаёти, муҳаббати, садоқати, илму-урфонга бўлган ихлоси билан ўзига мафтун этади. Шу сабаб, Республикамиз экранларида намоиш этилган «Муҳаббатимсан» филми ўз вақтида шов-шувга сабаб бўлгани бежиз эмас. «Лазги» телефилмида Хоразмда машҳур бўлган «Лазги» рақсининг 9 тури, уларнинг яратилиш тарихи, ижро услублари рақамга олинганки, бу наинки рақс мухлисларини, балки шу соҳа мутахассиларини, қадимият билан шуғулланувчи аҳли илмниям бефарқ қолдирмайди.

Фикримча, ушбу тўпламдан ўрин олган асарларнинг чоп этилиши ўзбек адабиётини янги асарлар билан бойитишда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Мазкур асарларнинг тарбиявий аҳамияти, уларнинг ўсиб келаётган ёш авлодга таъсир кучи бениҳоя улқандир.

Алалхусус, адабиётимиз хазинасини янги бадиий асарлар билан тўлдираверишида Комил Авазга муваффақият доимо ёр бўлишини тилаб қоламан.

Ҳайитмат Расул,  
драматург

# ДРАМАЛАР

---

## Меҳр фарзанди («Авесто»)

*(2 қисмли мусиқий тарихий драма)*

Қатнашувчилар:

Зардушт — 40 ёшларида  
Пурушасп — Зардуштнинг отаси, коҳин  
Дугдава — Зардуштнинг онаси, художўй  
Хавонини — Зардуштнинг хотини  
Иставатр — Зардуштнинг катта ўғли  
Хварнатр — Зардуштнинг дўсти  
Фречиста — Иставатрнинг севгилиси  
Мадюмоҳ — Зардуштнинг амакиваччаси  
Братарвахш — Кўпхудолик тарафдори  
Хурий — Важвакнинг хотини  
Эшим, Карапан, Гандар, Важвак  
Руҳоний  
Солномачилар:  
Норун — олов, нур  
Замхур — тупроқ, ер  
Умма — сув  
Шишто — шамол  
Оломон, сипоҳлар

## Муқаддима

Парда «Бузрук» куйининг қадимий чертими билан очилади. Тоғ тепаликлари. Нимқоронғулик. Саҳнага томошабинлар орасидан **Ф р е ч и с т а** ва залнинг ҳар икки тарафидан 5 дан 10 нафар фаришталар чиқа бошлайди. Саҳна тўридан Солномачилар киради. Салдом билан хорал бошланади.

Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким,  
Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой,  
Қашшоқда ҳам бўлсин ошу нон,уй-жой,  
Ушбу эътиқодим менинг дилимдир,  
Ўвузликка қарши йўлим илмдир.  
Бу диндан юзини ўйирса ҳар ким,  
Уни жазолагай албат, худойим.

*(Хорал пасая бошлаганида саҳна олдига Норун,Замхур,Умма,  
Шипто тўртови аста юриб келишади. Фаришталар ҳар қайси ҳар  
тепаликда Солномачиларга қулоқ қўйиб туришади)*

**Н о р у н** (хорал тамом бўлгач)  
Мен оловман, нурман — Норунман мен!  
Тириклик занжирининг тўрт ҳалқасин,  
Бириман мен!  
Яратганга айтгум шукрлар!  
Дунё борки, то абад  
Меҳриёриман оламнинг!  
Холис ният яхшилик ила  
Сажда этгум якка Ўзига!

**З а м х у р** Мен тупроқман — Замхурман мен!  
Тириклик занжирининг тўрт ҳалқасин,  
Бириман мен!  
Яратганга айтгум шукрлар!  
Дунё борки, то абад  
Меҳвариман оламнинг!  
Холис ният яхшилик ила  
Сажда этгум якка Ўзига!

**У м м а** Мен Уммаман — сувман мен!  
Тириклик занжирининг тўрт ҳалқасин,

Бириман мен!  
Яратганга айтгум шукрлар!  
Дунё борки, то абад  
Ободларман оламини!  
Холис ният яхшилик ила  
Сажда этгум якка Ўзига!

Ш и ш т о Мен шамолман — Шиштоман мен!  
Тириклик занжирининг тўрт ҳалқасин,  
Бириман мен!  
Яратганга айтгум шукрлар!  
Дунё борки, то абад  
Ризқивориман оламнинг!  
Холис ният яхшилик ила  
Сажда этгум якка Ўзига!

Н о р у н Ҳа! Биз тўртовлон бир вужудмиз,  
Ажралмас занжир!  
Замхур, Умма, Шишто ва мен—  
Олов, тупроқ, шамолу сув.  
Ғар шикаст етмаса замонлар сабаб  
Холис ният яхшилик ила  
Сажда этгум якка Ўзига!

*(Лаҳза сукунат)*

З а м х у р Сажда этгум якка Ўзига!  
У м м а Сажда этгум якка Ўзига!  
Ш и ш т о Сажда этгум якка Ўзига!

*(Лаҳза сукунат)*

Т ў р т о в и Якка яратганга шукрлар бўлсин!

*(Солномачилар садр уриб, зикрга туша бошлайдилар, фаришталар  
тиз ташлаб, кўлларидаги оқ рўмолларини осмонга кўтарганча илтижо  
қилиб турадилар)*

Н о р у н «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ху-ҳақ!  
Т ў р т о в и Ҳақ-ху-ҳақ!  
З а м х у р «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ху-ҳақ!



Т ў р т о в и    Ҳақ-ҳу-ҳақ!

У м м а            «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ҳу-ҳақ!

Т ў р т о в и    Ҳақ-ҳу-ҳақ!

Ш и ш т о        «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ҳу-ҳақ!

Т ў р т о в и    Ҳақ-ҳу-ҳақ!

Зикр кучаяди. Саҳна аста-секин қоронғилашади.

Парда

# 1 - Қисм

## 1 - Кўриниш

Муқаддимадаги сахна. Сахнада одамлар тўлолон қилишаяпти.

Э ш и м Одамларни йўлдан ураётган, гумроҳликка бошлаётган, элимизни парокандаликка маҳкум қилаётган ким?! Бу Зардушт! Бундай бетавфиқни, бундай бебошни, бундай ноқасни юртдан бадарға қилиш керак!

К а р а п а н Уни сазойи қилиш керак! Тушунсангиз-чи одамлар!

Г а н д а р Йўқ! Бундайн юрт бузғувчининг жазоси ўлим! Уни ўлдирмоқ лозим! Отга судратмоқ керак!

В а ж в а к Тўғри, ўлдирмоқ керак!

*(Одамлар орасида ғала-ғовур)*

Э ш и м Ҳа! Ўлдириш керак!

К а р а п а н Йўқ қилиш керак! Сазойи қилиш керак!

Г а н д а р Ҳа-ҳа! Отга судратиш керак!

В а ж в а к Ҳа-ҳа! Ўлдириш керак!

*(Сахнага томашабинлар орасидан Фречиста ва залнинг ҳар икки тарафидан 5 дан 10 нафар фаришталар чиқа бошлайди. Фречиста «Тани мақоми Рост»нинг айтими билан сахнага кўтарилади)*

Еру сувдан, шамол, ўтдан оламни яратлинг,  
Кимни тупроқ кимни сув,ўт,кимни олов этиб.

*(Фречиста ашулани тугатиши асносида бир чеккада сахна олдига яқинроқ турган Иставатр ёнига келади)*

Ф р е ч и с т а (Иставатрга) Нега жимсан? Эшитаяпсанку одамларнинг важоҳати ёмон. Даҳшатли ҳукмнинг гувоҳи бўла туриб нега жим турибсан? Ахир отанг Зардуштни қоралашаяпти, ўлимга ҳукм қилишаяпти! Отангни ҳимояси учун бирор нарса де, гапир ахир!

И с т а в а т р Нима дей! Ахир улар ҳақ!

Ф р е ч и с т а Нима дединг?! И-е! Ҳали сен отангни пок ниятларига қаршимисан?

И с т а в а т р Тушунсанг-чи, Фречиста! Икковимизнинг севгимиз ҳаққи қасам ичиб айтаманки, отам ноҳақ! Наҳотки аждодлар

сигиниб келган Худоларни инкор қилса, йўқ қилса! Парвардигордан ҳеч кимга қелмаган ваҳий отамга келадими? Ҳаммаси чўпчак! Мен ишонмайман!

**Ф р е ч и с т а** Ҳали шунақами Иставатр?! Зардуштдай ота билан фахрланиш ўрнига жим туришингга қара! Эшитаялсанми, элатимизни парокандаликка маҳкум этаётганмиш отанг! Аксинча, ахир Зардушт қабилаларни парокандаликдан қутқармоқчи, яқдил қилмоқчи-ку! Ахир булар одамларни ўйлаётгани йўқ! Булар Братарвахшнинг ялогини ялаётган пасткашлар-ку! Оломон ҳамиша оломон! Мен сени ҳамфикр, дардкаш йигит деб ўйлар эдим. Афсус, минг афсус, янглишибман! Йўлимиз бошқа-бошқа экан!

*(Фречиста минбар — тепалик томон кета бошлайди)*

**И с т а в а т р** Тўхта, Фречиста! Тўхта, сен мени тушунмадинг! Отамни бу хатарли йўлдан қайтариш керак!

**Ф р е ч и с т а** Аксинча, унинг йўли ҳақ йўл! Овора бўлма!

**И с т а в а т р** Тушунсанг-чи Фречиста! Севгимиз ҳаққи тушунсанг-чи! Уни қайтармоқ лозим! Ахир у менинг отам!

**Ф р е ч и с т а** Муҳаббат дединг! Муҳаббатли одам отангдек бўлади! (тепалик — минбарга кўтарилади) Тўхтанг, эй аҳли элат! Ҳақ йўлига бошловчи бир ҳодий одамни элатдан бадарға қилиш, санойи қилиш, ўлимга ҳукм қилиш инсофданми? Йўқ?! Оқил танангизга бир ўйланг! Ҳар элатнинг, ҳар уруғнинг худоси бўлак бўлса, қачон ҳам-фикрлик бўлади, қачон осойилталик бўлади, қачон адолат бўлади? Қачон тенглик бўлади?

**Э ш и м** Сенга қандай тенглик керак?

**К а р а п а н** Худолар қаҳрига учрашдан кўрқсанг-чи!

**Ф р е ч и с т а** Кимдан кўрқай, қайси Худодан? Наҳотки яккаю-ягона оламни битга Худо эмас, кўпхудолар яратган бўлса?! Наҳотки одамзод ўзлари ўйлаб топган худолар амрига кўр-кўрона бўйсунса, жонсиз нарсаларга тошга, ёғочга эътиқод этса, сигинса?!

**Э ш и м** Халойиқ, эшитаялсизларми?! Ёмоннинг қусри юқумли бўлади леб тўғри айтишган! Ана у ярамас, баттол Зардуштнинг сўзлари бу! Худоларнинг қаҳридан кўрқ, эй Фречиста!

**Ф р е ч и с т а** Қайтариб айтаман, қайси Худонинг қаҳридан кўрқишим керак? Кўғирчоқ тошданми? Безабон санамданми? Хўш, қайси биридан? Айтинг-чи, қайси биридан? Ахир одам дунёга келибдики, яхши яшамоқ, яхши ном қолдирмоқ илинжида кун кечиради, охиратини ўйлаб, Худога сажда қилади, дардини айтади.

Қани менга айттинг-чи, қайси Худо одамлар дардига яхшироқ қулоқ қўяди, орзусига етказди, қайси Худо?

**М а д и ю м о ҳ** Халойиқ! Фречистанинг гапида жон бор! (бир лаҳза жимлик) Чўпон кўп бўлса, қўйлар харом ўлади! Боболаримиздан қолган нақл бу! (оломон ичида ғала-ғовур) Элатлар ўртасидаги жанжаллар, келишмовчиликлар нимадан келиб чиқаяпти? Мана шу Фречиста айтган кўпхудоликдан эмасми?!

**Важвак** (Мадийумоҳга) Учир овозингни! Сенга ўхшаган ғаламислар касофатидан элатимиз инқирозга юз тутаяпти, элдан барака кўтарилаяпти!

*(Бир чеккада сиполик билан қулоқ қўйиб турган Братарвахш бошқа тепа устига чиқади. Ғала-ғовур сая пасаяди)*

**Б р а т а р в а х ш** Халойиқ! Ҳақиқатдан ҳам элатимиз нуфузи кундан-кунга пасайиб бормоқда! Фароғатимизга путур етаяпти! Ким сабаб? (жимлик) Зурдушт сабаб! Бирнинг касофати мингга деб шуни айтадилар! Мана бугун Фречистанинг галини ҳам эшитдингиз! Шундай оқида қизнинг миясини заҳарлаган Зардушт эртага Фречистага ўхшаган ақли мўрт ёш йигит-қизларимизни йўлдан уриши тайин! Чунки ёшлар ҳали ниҳол, қайга эгсанг, шу ёққа эгилади. Биз бунга йўл қўймаймиз!

*(Шу пайт тўдадан шошинқираб бир кампир пастроқ тепаликка кўтарилади)*

**К а м п и р** Тўғри айтдинг Братарвахш! Бизнинг фаровон яшашимизга сабабчи Худолар номига доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Худоларга шукр бўлсин, сувимиз сероб, моли-мулкимиз мўл, кўзу кўнглимиз тўқ! Қани менга айт-чи, Фречиста! Узоқ йили сув бўлмаганда, ерларимиз сувсиз қақшаб, молларимиз қирила бошлаганида Самарана ўз фарзандини Дайтёга қурбонликка берганида сен қаерда эдинг? Сен ҳам эл қатори Худоларга нола қилиб турган эдинг-ку дарё буйида! Ё йўқмидинг?! (оғир жимлик) Ахир шундан сўнг сув сероб, экинларимиз мўл бўлди, уйларимиз донга тўлди. Қадим-қадимдан бари элатларда не-не забардаст йигитлар, сулув қизлар ўзларини қурбонликка беришлари учун курашиб келадилар. Олий мукофотга эришмоқ ҳаммага ҳам насиб этавермайди, Худоларга қурбонликка ҳаммаю мушарраф бўлавермайди. Ана шу эътиқодни бузаётган Зардуштга ўхшаган Худосизларнинг касофатидан элатимизга келган вабони йўқотгунча қанча одамлар қирилиб кетганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ! Уликларни йиғиштириб олишга одам топилмаган. Фақат қурбонликлар эвазига жон сақладик.

Худоларнинг раҳми келди бизга, эй Фречиста! Кузингни оч, нодон қиз! Қайт бу йўлингдан!

**Фречиста** Асло! Тушунсангиз-чи одамлар! Зардушт қурбонликка, одамларни қурбон қилишга қарши у! Ўзингиз ўйлаб кўринг ахир ҳалойиқ, жонсиз худолар йўлига жонли одамни қурбон қилиш ваҳшийлик эмасми, илмсизлик эмасми?!

*(Оломон ичида ғала-ғавур)*

**Братарвахш** Оғзинга қараб гапир, Фречиста! Бу ерда шаллақилик қилма! Ким айтди сенга ота-боболаримиз илмсиз деб? Ким айтди сенга Худоларни жонсиз деб? Ахир бало-қазолардан, турли офатлардан сақлаб келаётган шу Худолар-ку!

**Оломон** Тўғри, тўғри, тўғри!

**Фречиста** Нимаси тўғри ҳалойиқ?! Нимаси?! Ахир Худолар баҳонасида кимларнингдир ўйлаб топган топилдиқлари одамларни қашшоқ қилади, хонавайрон қилади! Нега тушунушни хоҳламаяпсизлар, одамлар?!

**Братарвахш** Бас қил!

**Фречиста** Йўқ! Сенга ўхшаганлар бузаянги халқни, элни, элатни!

**Братарвахш** Сен халқни чалғитма! Мен Худолар йўлида жонимни беришга тайёрман! Одамлар мени қурбонликка раво кўрса ниятимга етган бўлардим! Халойиқ! Менинг айтар сузим шу: кимки бизнинг Худоларимизга тош отса, йўлимизга ғов бўлса, унинг жазоси шармандали ўлимдир! Худолар номи билан қасам ичаман! То мен тирик эканман шаккоқлар тухумини қуритаман, уйларига ўт қўяман, ўт!

*(Муסיқа кучаяди. Саҳна сал қоронғилашиб, одамлар тарқала бошлайдилар. Одамлардан ажралиб қолган Фариишталар тепаликларда туриб қолишади. Фречиста «Тани мақоми Рост»—нинг айтимиини айтаб, аста ёқтилана бошлаган саҳна олдига келади)*

Бўлдим нечун афканда<sup>1</sup> ҳол, нурга иттисол<sup>2</sup> этиб?  
Тош отурлар кўксима қадримни поймол<sup>3</sup> этиб.  
Еру сувдан, шамол, ўтдан оламни яратдинг,  
Кимни еру кимни сув, ўт, кимни олов этиб.  
Хуршед жамолингдан ёғилмиш нур-зиё, яхшилиқ,

<sup>1</sup>афканда—хор. камтар.

<sup>2</sup>иттисол—етишиш.

<sup>3</sup>поймол—оёқ ости.

Вале нечун нодонларни хирадмандга<sup>4</sup> ялов<sup>5</sup> этиб?

Басдур аъмолик элдошлар, басдур жоҳиллик ҳам,  
Яшарсиз билмадим ахир нени хаёл этиб.

Очинг кўзни, боқинг ҳарён, нурафшондир бу олам,  
Ҳеч бўларми қуёшни, нурни завол этиб.

Тушунмаслар жаҳолатдин қутқаргум қанлай?  
Кездим неча элатларни сўзни увол этиб.

Бу янглиғ гумроҳлик давом этгай токай?  
Олий ҳакам Ахурага бергум савол этиб.

Муқаддас руҳ дер: «Ҳақиқат олий шарофатдур»,  
Муборак юз очиб ҳар тонг шамси жамол этиб.

Сани яккаш фироқингда оҳ урарман, Ахурам,  
Одамлар қалбини ёрит нурингни ирсол<sup>6</sup> этиб.

*(ашула тамом бўлгач, Фречиста аста тенага чиқади)*

**Ф р е ч и с т а** Зардуштга омонлик бер, эй Олий Худо! Нечун эзгуликка ёмонлик билан жавоб берадилар? Ақллилар устидан нодонларнинг ҳукмронлиги токайгача давом этади?! Эй Худойим! Сенинг номинг ила бадном бўлса бу оқил Зардушт, унда бу дунёда адолат йўқ экан! (йиғлайди) Ҳа! Адолат йўқ экан!

*(Яна мусиқа кучаяди, 4 солномачи зикр тушиб, саҳнага чиқади. Фаришталар эса, яна қўлларидаги рўмолларини баланд кўтариб, Худога илтижо қилиб туришади)*

Н о р у н	«Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ху-ҳақ!
Т ў р т о в и	Ҳақ-ху-ҳақ!
З а м х у р	«Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ху-ҳақ!
Т ў р т о в и	Ҳақ-ху-ҳақ!
У м м а	«Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ху-ҳақ!
Т ў р т о в и	Ҳақ-ху-ҳақ!
Ш и ш т о	«Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ху-ҳақ!
Т ў р т о в и	Ҳақ-ху-ҳақ!

Зикр кучаяди. Саҳна аста-секин қоронғиланади.

## Парда

<sup>4</sup>хирадмандга—дона..

<sup>5</sup>ялов—байроқ..

<sup>6</sup>эрсол—юбориш, етказиш..

## 2-Кўриниш

Саҳнада паст-баланд тепалик. Бир тепалик ортида Зардуштнинг уйи ёнаятти. «Бузрук» куйи дуторбасда чалинмоқда. Оломон ичида гала-говур кучаяди. Эшим билан Карапан саҳна олдига келади.

Э ш и м Халойиқ! Ана энди шумоёқ Зардуштдан қутилдик! Уйи билан бирга ёниб кулга айланди у!

К а р а п а н Тўғри айтдинг! Эшигини тамбаладим, маҳкам қилдим, чиқолмайди! Тамом вассалом!

Г а н д а р Демак,энди у ўзининг Маздаси билан у дунёда топишаверади. Ниятига етди, ўзидан кўрсин!

*(Саҳнага кимлар биландир Мадуюмоҳ ҳовлиқиб киради)*

М а д и ю м о ҳ Бу нима гап одамлар! Зардуштнинг уйи ёнаятти-ку! Нега қараб турибсизлар? Қани ўчираилик!

*(Муסיқа кучаяди. Бир-икки нафара одамлар Мадуюмоҳ билан тепаликка чиқа бошлашади)*

Г а н д а р (Тепалик устига чиқаётиб) Ўчириб бўпсан! Ёниб адо бўлди! (Тепалик устидан ёнаётган уйга қараб) Шум ниятлари билан ўзиям ёнаятти! Зардушт ёнаятти! Эшитаяпсанми?!

В а ж в а к Худоларнинг қаҳрига учраган одамнинг жазоси шу!

М а д и ю м о ҳ Нима?! Зардушт ёнаятти?! (газабга миниб) Эй,нонқўрлар! Ёввойилар! Қонхўрлар! Сизлар учун яхшилик, эзгулик истовчи покдил бир одамни тириклайин ўтда ёқиш мумкинми?! Қонхўрлар!

Б р а т а р в а х ш Беҳудадан-беҳуда чиранаверма! Худоларнинг хоҳиши шу! У ўлиши керак! Ёниб ўлиши керак!

*(Шу пайт ҳовлиқиб Хварнатр киради)*

Х в а р н а т р Нима гап халойиқ! Ўт қандай кетган?! Нега ёнади?! Нега тек турибсизлар? Оловни ўчирмоқ керак!

Б р а т а р в а х ш Вақтида келдинг, Хварнатр! Ана энди дўстингни кулига сажда қил! Ёниб кул бўлди! Ана бор! Қара. кўр! Ният қилган оловига етди!

Х в а р н а т р Нима?! (тили калимага келмай қотиб қолади) Йўқ! Мумкин эмас! Эҳ, лаънати малъунлар!... (Братарвахшага) Бу мудҳиш жиноятни сен ўйлаб толгансан! Мана бу ёввойи одамхўрлар сенга эргашган! (кета бошлайди)

Э ш и м Сенинг ҳам жазоинг шу! Билиб қўй, Хварнатр!

*(Шу пайт зал ўртасидан «Тани мақоми Рост»нинг айтимиани айтиб Фречиста кириб келади. Фаришталар олдинги кўринишлардагида саҳнанинг икки тарафидан чиқиб келишади)*

Басдур аъмолик эллошлар, басдур жоҳиллик ҳам,  
Яшарсиз билмадим ахир нени хаёл этиб.

**Ф р е ч и с т а** (тепага чиқиб бораётиб бақиради) Бу қандай бедодлик, бу қандай даҳшат?! (оломонга) Сизлар ҳам Худо олдида жазосиз қолмайсиз! (Братарвахшга) Зардушт ўлимига фотиҳа берган сен барибир ит ўлимида ўласан! Ҳа! Қасосли дунё бу! Барибир ўласан!

*(Фречиста Хварнатр орқасидан кўтарилиб, шаҳд билан тепалик орқасига ўтиб кетади)*

**Б р а т а р в а х ш** (Тепаликка кўтарилаётган Фречиста орқасидан, унга эшиттириб) Шошма! Сенга ҳам навбат келади! Эл бузғуч! Эл юзига оёқ қўйган, қарғишига учраган одам ўлимга маҳкумдир! Ҳа! Ўлимга маҳкум! (оломонга) Қани, халойиқ, энди тарқалинг!

*(Шу пайт дод солиб Дугдава, Пурушасп, Ҳавонини кириб келишади)*

**Д у г д а в а** Вой-дод! Бу не кўргулик?! Мни боламни тириклай ўтда ёққанлар у дунёю бу дунё дўзахда чирисин! (дод солиб йиғлайди) Илоҳо, нуридийдамни ёққанларнинг қўллари акашак бўлсин! Сен золим, жаллод Братарвахш, ёниб кул бўлғайсан! Эй, нохуна одамлар! Нега бу қонхўрнинг изига эргашасизлар?! Токайгача гуноҳга ботасизлар, қўлларингизни қонга булғайсизлар? Етимлар ошига оғу соласизлар?! Наҳотки яхшиликка ёмонлик қайтса?! (йиғлайди) Адолат ўрнига адоват бўлса?! Эҳ, бегуноҳ кетган болам! (хушидан кетади)

**П у р у ш а с п** Кўзингни оч, Дугдава! (одамларга аланглаб қарайди) Бу кўргулик ҳам бормиди, Худойим?! Одамлар кўзини боғлаб, бегуноҳ ўғлимни ўтда куйдурганча, мени куйдирсанг бўлмасмиди? Шуми ёзғитинг?! (хотинига илтижоли боқади)



Кўзингни оч, очсанг-чи кўзингни. Дугдава! Ёзгитдан қутилиб бўлмайди, онаси, қисмат экан, чорамиз қанча. Дугдава, кўзингни оч! (келинга) Ҳавонини, сув бер онангга!

Ҳ а в о н и н и (Тиз чўкиб ўтирган жойидан кўзгалиб) Яна қандай азобларинг бор бизларга, эй, жами Худолар?! Бормисизлар ўзи?! Агар бор бўлсангиз, эримнинг жонига қасд қилганлар жазосини ўзингиз беринг! Етим қолган болаларим ҳаққи илтижо қиламан! (сукунат) Эҳ, Зардушт бу йўлдан қайт деб неча бор айтдим сенга, кулоқ бермадинг! Аитганингдан қайтмадинг! Шу изғирин совуқда уйсиз, отасиз қолган болаларнинг куни не кечади?! (осмонга қўлларини кўтариб) Ўзингиз қўлланг, эй Худолар!

*(Аста мусиқа бошланади, Ҳавонини кета бошлайди. Шу пайт тепалик ортидан одамларнинг овозлари «Мўъжиза!», «Ё Худойим, мўъжиза!»)*

М а д и ю м о ҳ (тепаликка биринчи чиқиб) Халойиқ! Мўъжиза! У тирик! У ёнмаган! Тирик!

Э ш и м Ким тирик?!

М а д и ю м о ҳ Зардушт! Зардушт тирик!

*(Мусиқа кучаяди. Зардушт орқадан тепаликка кўтарилади. Унинг орқасидан Фречиста, Хварнатр ва қолган одамлар тепалик ортидан аста кўтарилиб чиқа бошлайдилар Оломон ҳайратдан қотиб қолади. Мусиқа кучайиб, аста пасаяди)*

П у р у ш а с л Ё, Парвардигор! Қудратингга шукр! Тур, Дугдава, ўғлинг тирик! Эй, Ҳавонини, эринг тирик!

*(Ҳавонини чаққонлик билан Зардуштнинг олдига кўтарилади)*

М а д и ю м о ҳ Мана одамлар! Оллоҳнинг қудратини кўринг! Уй ёниб адо бўлди, лекин у тирик! Оллоҳнинг қудратига ким шак келтиролади? Ким уни йўқ дея олади? Ким?

К а р а п а н Мумкин эмас, мумкин эмас! Тирик қолиши мумкин эмас! (осмонга қўлларини кўтариб) Ўзингиз гувоҳсизку, ахир эй Худолар! Ўзим тамбаладим ахир!

Б р а т а р в а х ш Ёлгон гапирма! Тамбаласанг чиқолмасди! Сен сотқинлик қилгансан! Ҳа, сен сотқинсан!

К а р а л а н Йўқ! Ахир авлиёлар олдида қасам ичаманки, эшикни ўзим тамбаладим, ўзим маҳкамладим!

Х в а р н а т р Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила, аблаҳ! Сенми ҳали Зардуштни тирикларга еқмоқчи бўлган қотил?!

(унга ташланади ва икки ўртада муштлашув бошланади. Эшим Карацанни тарафини олади)

**Э ш и м** Кўлингни торт Хварнатр! Кўлингни чопиб ташлайман!  
(муштлашувга аралашуви билан Хварнатр тарафдорлари ҳам муштлашувга қўшилиб кетадилар)

**З а р д у ш т** Тўхтанглар эй, аҳли элат! (одамлар бирдан тўхташади) Менга ўлим истаганлар эшитинг! Сиз мени тириклай ёқмоқ истадингиз, уйимни кул қилдингиз! Лекин мен тирикман! Мана, кўриб турибсиз, тирикман!

**Б р а т а р в а х ш** Одамлар! Бу алвастининг гапига ишонманг! Демак буни уйдан чиқадиган яширин йўли бор. йўқса, ёнмай қолмасди!

**К а р а п а н** Ахир мен тамбаладим деб айтдим-ку, демак яширинча йўли бор!

**М а д и ю м о ҳ** Йўқ! Бекорларни айғибсан! Биз мана гувоҳмиз ёниб турган утни ичидан чиқди! Бирор гард юкмаган! Ёлгон гапирсам, тилдан қолай. Мазда қарғасин!

**Б р а т а р в а х ш** Сен даҳрий, Худоларнинг лаонатига учрайсан!  
**Д у г л а в а** (ўзига келиб, ҳаяжон билан) Болам! Ўзингмисан, нуридийдам?! Кўзларимга ишонмайман! (тепаликка чиқа бошлайди. Зардушт чаққонлик билан тушиб онасини, отасини қўлтиқлаб тепага олиб чиқади) Худога шукр, тирик экансан! Халойиқ! У тирик! Болам тирик! Ҳақиқат бор экан! Адолат бор экан! Худойимнинг хоҳишидир бу! Мен Унга сажда қиламан! Ҳа, сажда қиламан!

**Б р а т а р в а х ш** Дугдава! Тўхтат бу томошангни! Эй халойиқ! Қаранг қандай гўзал найранг! Биринчиси десан, иккинчиси Мазда дейди, учинчиси сажда қил дейди. Одамларнинг қадимий эотиқодини бузишга ким ҳуқуқ берди сенларга? Ким?!

**П у р у ш а с н** Бунинг нимаси найранг, нимаси томоша, нимаси бузғунчилик? Хўш, нимаси? Сен Худонинг жазосидан қўрқаяпсан, жазавога тушаяпсан! Бу жиноятнинг учун, бу қонхўрлигининг учун жавоб беришга мажбурсан!

**Б р а т а р в а х ш** Сен коҳинсан! Сен афсунгарсан Пурушасп! Афсунгарлар Худолар қаҳрига учраган, лаонатланган оламдир! Мен афсунга ишонмайман! Биз ишонмаймиз!

**О л о м о н** Тўғри! Биз ишонмаймиз! Биз ишонмаймиз!

**З а р д у ш т** Эй, аҳли элат! Инсон нима учун яшайди бу дунёда? (жимлик) Насл қолдирмоқ, яхши яшамоқ, ҳалол меҳнат қилмоқ, авлодларга дуней арзни беталофот қолдирмоқ учун эртаю

кеч ният қилади, сажда қилади! Қани менга айтинглари-чи, инсон қайси Худога сажда қилади? Қайси Худога арз қилади? Қайси Худога?! (оломон ичида ғала-ғовур) Наҳотки дунёга келган одам тенгликдан маҳрум бўлса, кимдир бой, кимдир гадо бўлса?! Ахир бу кўпхудоликнинг қусри эмасми? Наҳотки қалб битта бўлсаю, Худолар кўп бўлса? Ахир битта қалбга битта Худо сиғади! Қалб бир, олам бир, Худо бир! У қудратли, мададкор, асрагувчи, кўргувчи, сўровчи, яратгувчи-Хундодур! Худодур! Нега сиз Яратганга ишонмайсиз, шак келтирасиз?!

**Б р а т р в а х ш** Бас қил! Сенинг бадбахтлигинг боис Худолар ғазабидан элатимизга офатлар келмоқда! Юртимиз инқирозга юзланди! Қ одамлар! Бу шумоёқни оёғини кесмасак, бу бадбахтни ўлдирмасак, тинчимайди эл! Бунга ўлим! Фақат ўлим!

*(Оломон ичида ғала-ғовур, айрим одамлар қўлларига тош ола бошлайди)*

**М а д и ю м о ҳ** Халойиқ, тўхтанглари! Тўхтанглари, халойиқ! Худонинг суюкли бақдаси бу! Биз ишонмадик, хувғин қилдик! Ёқмоқчи бўлдик, лекин у ёнмади! Қайси юз билан унга тош отасиз? Ахир бу Худонинг назари тушган илоҳий, одам! Унга ваҳий келган! 10 йиллар давомида тоғу тошлар орасида юрди. Маздага сажда қилди, мадад сўради! У сизларга яхшиликни, эзгуликни, меҳнат қилиб фаровон яшашни тилайди! Хундоднинг инояти шу ахир!

*(Оломон ичида ғала-ғовур)*

**Б р а т р в а х ш** Тўғри айтдинг Мадийумоҳ! Бу ноқис феол тоғу тош орасида юрди, эл безори бўлди! Энди келиб-келиб ваҳий келди деб, сизларни алдаяпти, элни бузаяпти! (Зардуштга) Сен элатнинг, Худоларимизнинг ҳукмига оёқ қўйдинг! Минг хил найранг билан Ахура Маздангни улуғлаясан! Валекин элатнинг ҳукми ҳукмсен ўлимга маҳкум қилингансан! Сен барибир ўласан! Ўлишинг муқаррар! (ололмонга) Энди, тарқалинг!

*(Братарвахш шаҳд билан чиқиб кетади, орқасидан унинг тарафдорлари эргашади. Саҳнада Зардуштнинг тарафдорлари аввалгига қараганда кўпроқ қолади. Мусиқа бошланади. Тенадигалар Зардушт билан бирга настга тушадилар. Зардушт салобат билан сўзлай бошлайди)*

**З а р д у ш т** Мен ўлимдан қўрқмайман! Розиман! Бу менинг учун бейик мартаба! Фақат одамлар ўртасидаги бугунги бемехрлик,

ноаҳиллик, тарқоқлик мени ташвишга солади! Ахир, ҳар бир миллатнинг ишонч меҳвари яхлит бир зотиқод атрофида айланмоғи лозим! Йўқ эрса, миллат юксалишдан тўхтайти, инқирозга юз тутаети! Одамлар мана шу ҳақиқатни фаҳмлаши керак! Афсус, фаҳмлашмаяпти!

**Хварнагр Йўқ!** Албатта фаҳмлайди! Сен энди якка эмассан! Мана қара, кўпаяпмиз! Бу сенинг эътиқодингининг инъикосидур!

**Мадюмоҳ** Биз сенга ишонамиз! Ниятларингни поклигига ишонамиз! Сен одамларга суян, одамлар сенга суянади!

**Пуршасп** Ўғлим! Сен бошлаган йўл, муқаддас йўл! Дунё пайдо бўлибдики бу йўлдан ҳали ҳеч ким юрмаган. Братарвахшга ўхшаган тўғаноқ одамлар беадалдур. Лекин барибир одамлар эртамикеч сенга эргашаети, чунки сен ҳақсан, Хурмузднинг элчисисан!

**Фречиста** Тўғри айтдингиз отахон! Зар-душтга келган ваҳий одамлар қалбига барибир ўтади!

**Ҳавонини Йўқ!** Сен қизалоқ нимани ҳам билардинг! Братарвахш айтганидан қайтмайди! (жимлик) Сен, Зардушт! Ўлимга маҳкум қилингансан! Баландларвоз гапларга мафтун бўлгандан кўра, болаларимизни ўйласанг яхшироқ бўларди! Қишдан қандай чиқамиз? Кимнинг ўйига сиғамиз?!

**Дугдава** Худо беради, Худо олади, келин! Сабрли бўлмоқ лозим!

**Пурушасп.** Уй ҳам бўлар, қизим! Танзимиз соғ, кўлимиз бут, зотиқоди-миз собит! Худонинг ўзи қўллайди!

*(Музиқа авжланади. Солномачилар зикр тушиб кириб келадилар)*

**Норун** Олов сўра Яратгандан! Ҳақ-ху-ҳақ!

**Тўртови** Ҳа-ху-ҳақ!

**Замхур** Ризқ сўра Яратгандан! Ҳақ-ху-ҳақ!

**Тўртови** Ҳа-ху-ҳақ!

**Умма** Сувни мўл қилсин Яратган! Ҳақ-ху-ҳақ!

**Тўртови** Ҳақ-ху-ҳақ!

**Шишго** Ҳавони соф этсин Худо! Ҳақ-ху-ҳақ!

**Тўртови** Ҳақ-ху-ҳақ!

*(Пурушасп, Дугдава, Ҳавонини, Хварнагр, Фречиста, Мадюмоҳ ва аста-секин зикр тушиб айланаётган Солномачиларга қўшиладилар ва улар билан бирга зикр тушиб, айлана бошлашади. Зардушт уларни ўртасида секин ҳаракат қила бошлайди)*

Н о р у н  Хизмат этгум якка башарга! Ҳақ-ху-ҳақ!  
Ҳ а м м а с и  Ҳақ-ху-ҳақ!  
З а м х у р  Хизмат этгум якка башарга! Ҳақ-ху-ҳақ!  
Ҳ а м м а с и  Ҳақ-ху-ҳақ!  
У м м а  Хизмат этгум якка башарга! Ҳақ-ху-ҳақ!  
Ҳ а м м а с и  Ҳақ-ху-ҳақ!  
Ш и ш т о  Хизмат этгум якка башарга! Ҳақ-ху-ҳақ!  
Ҳ а м м а с и  Ҳақ-ху-ҳақ!

Муסיқа кучайиб, зикр авжланиб бораверади.

Парда

## 2-Қисм

### 1-Кўриниш

Муқаддимадаги сахна. Тоғ ортидан қўтарилаётган қуёшнинг илк нурлари бир нуқтага жамланган. Тоғ тепасида қора фонда **З а р д у ш т** Ахура Маздага нола қилаётти.

**З а р д у ш т** Эй, дунёни яратувчи Ахура Мазда!  
Эй донишманд Худо!  
Менинг ҳолимдан хабардорсан!  
Ўзинг огоҳсан!  
Яна йўл кўрсат!  
Не қилай?!  
Кўраяпсанку одамларнинг  
жоҳиллигини!  
Илм бергил, инсоф бергил,  
бергил эътиқод!  
Қалбига сол яхшилиқни, эзгуликни,  
покликни!  
Тоқим улар хаёлидан, онгидан  
Сенинг номинг зикри кетмасин  
ҳеч вақт!

**О в о з** : Мен барча нарсани  
Яратувчи, Кўрғувчи,  
Асрағувчи Ахура мазда!  
Кўрқма Зардушт, йўқ айлағум  
жоҳилларнинг ғанимлигини!  
Мен қудратман, нажотбахшман,  
ҳимоятгар паноҳман мен!  
Кимки менинг исмимни кун-тун  
ёд этса, зикр этса то абад  
ул кимсани маҳв этолмас  
Аҳриманнинг-ёвуз руҳининг  
ёвуз нияти!  
Ҳар кун беш маротабадан  
Сажда қилсинлар  
Покланиш учун!

З а р д у ш т Қачонгача зўранонлик  
ожизликни маҳв этади?

О в о з Тарқоқлик-ожизликнинг ибтидосидур!  
Ризқ мўл бўлмас бирлашмагунча!  
Қудрат ҳам, равнақ ҳам, адолат ҳам,  
куч ҳам  
Орий Важда истиқболида!  
Кимки мўл ғалла экса,  
Эзгулик уругин сочса,  
унинг эотиқоли мустаҳкам бўлғусидур  
абадул-абад!  
Зотан, ерла буғдой ўса бошласа,  
Қора кучлар терга ботади!  
Совурулгандан буғдойлар,  
Заифлашар ул ёвуз руҳлар!  
Супраларда ун тайёр бўлгач,  
Улар фиғон чекишади!  
Буғдой ундан овқат еганда,  
Даф бўлади деғу жинлар бариси!  
Шу сабабдан ҳар бир ҳовлида,  
Буғдой ундан бўлсин таомлар!  
Буғдой ундан бўлсин таомлар!  
Ер, сув, яшиллик оламин,  
Жонивору боғ-роғларни, зиротни  
Эозозлаган халқ, буюк халқдур!

*(Шу пайт аввалги кўринишлардагидай Фречиста фаришталар  
қушовида тепадан «Тани мақоми Рост»нинг айтимини айтиб, аста-  
секин Зардуштингёнига яқинлашади)*

Очинг кўзни, боқинг ҳарён, нурафшондир бу олам,  
Ҳеч бўларми қуёшни, нурни завол этиб.

*(Қушиқ тамом бўлиши билан фаришталар ғойиб бўлади)*

Ф р е ч и с т а Нолангни эшитдим, эй Зардушт! Ҳар тонг  
кетасан бу чўққи сари! Юзу-кўзларингда балқитан нурдан  
сезаяпманки, ноланг восил бўлган Яратганнинг даргоҳида!

З а р д у ш т (Фречиста томонга ўгрилиб) Дуруст дединг,  
Фречиста! Хунлодга етмаган нола, нола эмасдур! Нолаю нидо

қалбдан, борки вужуддан қайнаб чиқмоғи лозим! Бугун ҳам У мени эшитди! Эҳ, эшитса эди Маздани менга ўхшаб, бир марта, бирор марта одамлар, йўқоларди жоҳиллигу худбинлигу аомолик!..

**Ф р е ч и с т а** Куйинишингга ўрин йўқ, Зардушт! Ахир сен ҳали ҳеч кимга муяссар бўлмаган бейик мартабага мушарраф бўлмоқдасан! Сен Хундоқ билан одамлар ўртасидаги тирик кўп-риксан! Унинг ҳукмини, истагию хоҳишини ет-казувчи илоҳий зотсан, пайғомлар соҳибсан! Аммо стакчилик мушкул вазифа! Бу оғир йўлда неки кўмақ даркор бўлса, мана мен муттақоман! Асоман мен! Мен сен билан фаҳрланаман, устод!

**З а р д у ш т** Биладан, Фречиста, биладан! Менинг эътиқодимга бўлган иккосинг баланд! Ахир Хундоқ ўзи яратган олам мезонини бузмай, равнақ топсин деб одамни яратган, илму донишлик берган, Фречиста!

*(Шу пайт Братарвахш билан Эшим, Зардушт ва Фречистага сездирмай саҳнанинг бир бурчагида пайдо бўлади. Ёруғлик Братарвахш билан Эшимни ёритилади. Зардушт билан Фречиста қоронғуликда кўринмай қолади. Ваҳимали мусиқа бошланади)*

**Б р а т а р в а х ш** Ҳукмдор талаб қилаяпти! Бугун бу иблис Зардуштни йўқ қилишинг керак! Акс ҳолда бизни йўқ қилишади! Бу кўппакка эргашувчилар кўпаймоқда! Уни ошқора йўқ қилиш, оломоннинг ғазабини кўзғатади! Ҳукмдорнинг ташвиши ўринли, салтанат хавф остида! Тушундингми?!

**Э ш и м** Тушундим саркардам! Бугун йўқ қиламан! Безовта бўлманг! Ўқ бошоғи заҳарланган, сал тегса, тамом! Гумдон бўлади!

**Б р а т а р в а х ш** Юр, кетдик! Омадингни берсин!

*(Улар кетади. Мусиқа кучаяди. Саҳна ёритилади)*

**З а р д у ш т** Фречиста! Кўпхудолик-омийлик, илму донишсизлик оқибатидур! Худбин одамлар дунёни ваҳшийларча талон-тарож қиладилар, авлодларга вайроналик қолади! Бунинг бариси Яратганнинг ҳукмига зиддур! Худойрим буни кечирмайди! Сен билан биз, Фречиста, одамлар қалбига илму донишлик, дунёни танишлик хосиятларини солмоғимиз даркор! Бу йўлда бизни Ахура Мазда қўллайди! Мен сенга суянаман, Фречиста!

**Ф р е ч и с т а** Ташаккур, устод! Неқадар ойдин орзулар, эзгу ниятлар, нурли тафаккур! Сен билан бўлган ҳар бир мулоқот яшашга, садоқатга, муҳаббатга ундайди!



**З а р д у ш т** Ха! Муҳаббат-тириклик шажарининг устивори,  
бахти-саодатидур! Муҳаббатни юракларга солғувчи ҳам якка Ўзи  
Парвардигорнинг!

**Ф р е ч и с т а** Ана шу бахту-саодатдан мени мосуво этмасин  
Танграм! Зардушт, менга имдод эт, мен одамларга фақат яхшилик  
қилай, севай, севилай! Фарзандларим Хундод йўлида покрав  
яшасинлар! Бу менинг муқаддас, покиза орзуларимдир!

*(Шу пайт Фречиста бир қадам ёнбошига ўғрилиб ҳаракат қилганида  
Зардуштга отилган ўқ Фречистанинг кўкраги орқасига санчилади.*

*Фречиста «Оҳ!» дея йиқила бошлайди. Фарёд чекиб йиқилаётган  
Фречистани Зардушт ушлаб қолади ва чаққонлик билан ўқни суғуриб  
олади)*

**З а р д у ш т** (бақириб) **Фречиста! Фречиста!**

*(Фречиста бошини аста кўтаради. «Бузрук» куйи салдом билан  
бошланади. Фречиста речетатив услубда айтимилик айта бошлайди)*

**Ф р е ч и с т а** Эй фалак! Тенгсизлигингдан ал-амон!  
Мен суйдим, мени суймади оломон!  
Ўқ отдилар муҳаббатимга!  
Найлайин фалак!..  
Бунга қандай бардош берар  
Иставатр!  
Қандай бардош беради у?!

**З а р д у ш т** (мусиқа фонида) Қайси аблаҳ жонингга қасд  
қилди, Фречиста! Менга отилган ўқ эди бу! Эҳ, Фречиста! Сени  
келин қилмоқчи эдим! Қиз бўлардинг менга садоқатли, суюкли!

**Ф р е ч и с т а** Иставатр! (аҳволи оғирлашганидан базўр  
сўзлайди) Иставатр, рози бўл! Зардушт!.. Сен ҳам рози бўл!.. Рози  
бўлинг, одамлар!.. Ассалом Аҳура Мазда! Эй, Олий Илоҳим! (жон  
бери)

*(Шу пайт Фарришталар пайдо бўлади Фречистанинг овози билан  
«Тани мақоми Рост»нинг айтими авж билан эшиттирилади.*

Сани яккаш фироқингда оҳ урарман. Аҳурам,  
Одамлар қалбини ёрит нурингни ирсол этиб.

*(Кўшиқ тамом бўлгач, мусиқаси аста давом этаверади, Фарришталар  
турган жойида қолишади. Саҳнага шиддат билан Иставатр киради.*

**И с т а в а т р** Салом ота! Фречистада гапим бор эли!

**З а р д у ш т** Афсус, энди Фречиста сенинг олдинга боролмайди!

**И с т а в а т р** Нега? Нечун келолмайди?!

**З а р д у ш т** Энди у бақо оламига рихлат қилди, ўғлим!

**И с т а в а т р** Нима?! Бақо оламига?! Нечун?!

**З а р д у ш т** Мана! (қўлидаги ўқни кўрсатиб) Менга отилган ўқ, Фречистанинг кўкрагига санчилди!.. Нобуд қилди уни!.. Эҳ, қотиллар, қотиллар! Эҳ, муҳаббатли яшашга иштиёқманд эди-я! Уша маъшум ўқ, менга тегса бўлмасмиди?! Эҳ, қотиллар, қотиллар! Эй Парвадигор! Бу не кўргулик?! Бу не кўргулик?!..

**И с т а в а т р** Афсус, надоматга ўрин йўқ ота! Бунинг ўлимига сен сабабчисан! Сен!

**З а р д у ш т** Йўқ! Ўзингни бос, Иставатр! Неки содир бўлса, Хундоднинг иродаси билан бўлади!

**И с т а в а т р** Яна Хундод дейсан-а! Сен туфайли бир бегуноҳ киз нобуд бўлди! Тушун-санг-чи, ота! Нобуд бўлди! Мецинг севгим нобуд бўлди! (юқорига кўтарилаётиб, янада жаҳл билан) Бунга Оллоҳнинг не алоқаси бор?!... Ота! Сени Фречистанинг қони тутади! Бизни хонавайрон қилганинг озми, а?! Озми?!.. Қандай севар эдим мен уни! Севар эдим-а!.. Фречиста! Кўзингни оч!.. Энди сенсиз қандай яшайман! (йиглайди) Эй, бевафо дунё!.. Яна қандай жафоларинг бор?!..

**З а р д у ш т** Ўзингни бос ўғлим, ноумид бўлма! У Яратганнинг йўлида шаҳид кетди!

**И с т а в а т р** Шаҳид! Оллоҳнинг иродаси! Сени билганинг шу! Ҳаёт мезонинг шу! Йўқ, ота! Худо ожизларнинг қалқонидир, ота! Бизнинг йўлимиз бошқа-бошқа! Якка худонг билан мана шу тоғу-тошлар орасида яшайвер!

*(Иставатр шиддат билан Фречистани кўтариб кета бошлайди.  
Муסיқа кучаяди. Фаришталар ибтидоий рақсини давом  
эттирадилар)*

**З а р д у ш т** Тўхта, Иставатр! Тўхта ўғлим! Тўхта деяпман! (Иставатр кулоқ солмай чиқиб кетади. Фаришталар унинг орқасида эргшиб ғойиб бўлишади. Зардушт икки қўлини осмонга кўтариб нола қилади) Эй, Худойим! Менга нажот бер, имдод бер менга! Қувват бер, тўзим бер, бардош бер!.. Сабрдан ўзга чорам қолмади! Не қилай энди?! Не қилай?!

*(Шу пайт Эшим, Карпан, Гандар шиддат билан киришади.  
Уларнинг орқасидан кетма-кет Мадиямоҳ киради)*

**Э ш и м** Ана, ушланг уни! Қотил шу!  
**К а р п а н** Фречистанинг қотили шу!

М а д и ю м о ҳ Йўқ, ишонмайман! Ахир Фречиста Зардуштнинг  
эътиқоди билан фахрланар эди! Унинг тарафдори эди у!  
Э ш и м Алжирама! Гувоҳлар бор! Қани ушланг!

*(Шу ерда Хорал бошлинади. Караван, Гандар ва Эшимнинг ишораси билан саҳнада пайдо бўлган сипоҳлар тепага чиқиб, Зардуштнинг қўлига занжир соладилар ва настига қараб судрай бошлайдилар. Зардуштга ёрдам бериш учун талпинган Мадийтоҳнинг кўкрагидан итариб, Эшим силтаб ташлайди.*

Э ш и м Қоч йўлдан, итвачча! Ҳаммангни тухуминг бир!  
Ҳаммангни йўқотиш керак! Йўқотамиз ҳам! Аблахлар! (сипоҳларга)  
Қани, кетдик! Ҳукмдор олдида жавоб беради бу баттол!

*(Улар Зардуштни тепадан олиб тушиб, саҳнадан олиб кетганларича Хорал давом этади)*

Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким,  
Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой,  
Қашшоқда ҳам бўлсин ошу-нон, уй-жой,  
Ушбу эътиқодим менинг дилимдир,  
Ёвузликка қарши йўлим илмдир.  
Бу диндан юзини ўтирса ҳар ким,  
Уни жазолагай албатта, кудойим.

*(Хорал тамом бўлади. Улар чиқиб кетишгач, саҳнага зикр тушиб, Солномачилар кириб келадилар.*

Н о р у н «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и Ҳақ-ҳу-ҳақ!  
З а м х у р «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳақ-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и Ҳақ-ҳу-ҳақ!  
У м м а «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳа-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и Ҳақ-ҳу-ҳақ!  
Ш и ш т о «Ҳақиқат олий шарофатдур» — ҳа-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и Ҳақ-ҳу-ҳақ!

Зикр кучаяди. Саҳна аста-секин қоронғилашади.

Парда

## 2-Кўриниш

Парда драма лейтмотиви «Бузрук» куйи билан очилади. Зиндон. Нимқоронгулик. Зиндон бурчагида ўтирган З а р д у ш т ора-сира куринади. Зиндон тепасида нимёруғликда Б р а т а р в а х ш, Э ш и м, К а р а п а н лар.

Э ш и м (вақтихушлик билан) Мана, Братарвахш, Зардуштни ҳам кишанладик! (заҳархандалик билан) Унини ўчирдик!

К а р а п а н Шунча ваҳима қилдик-а! Бир кишан билан тинчиди қолди.

Б р а т а р в а х ш Йўқ! Калтафаҳмлиқ қилма! Йўлбузарни зиндонбанд қилмоқ бу ҳали ачиган мияларни енгдим дегани эмас! Энди чала кўрларнинг кўзлари очилади, овозлари авжланади, тарафдорлар кўпаяди!

Э ш и м Нега энди? Бош кесилгач, гавда лош-да! Авомнинг қўлидан нимаям келади!

Б р а т а р в а х ш Сен айтган авом, аввалги авом эмас! Улар заҳарланган. Яккахудолик уларнинг энди ялови,туғидур! Биз кўп кеч қолдик, Эшим! Уни аллақачонлар йўқ қилиш керак эди!

К а р а п а н Ҳалиям кеч эмас! Ҳозир нима қилсак қўлимизда. Уни хоҳлаймиз заҳарлаймиз, хоҳлаймиз у ўзини ўзи осади.

Б р а т а р в а х ш Учир овозингни Карапан! Қандай каллаварамсан! Энди кеч! Унинг заҳарли фикрлари ёмон ярадай ўрмалаб авомни йўлдан оздираяпти! Энди тўхтатиб бўлмайди. Йўл топиш керак, йўл! (оғир жимлик) Уни ўлдирсак, йўқ қилсак, авом оёқланади! Демак, тавбасига таяниши керак!..

Э ш и м Таянтириш ҳам гапми?! Таянтирамиз! Мингта усул бор!

Б р а т а р в а х ш Йўқ! Ўтга ёқдик таянмади! Устига қурғопин куйдик таянмади! Бу иш осон эмас!

К а р а п а н Тўғри гапирдинг. Бу Яккахудога бас келиш қийин. Тегирмондан ҳам бутун чиқади.

Э ш и м Чиқмайди! Чиқолмайди! Қулимизда чақмоқ бор!

К а р а п а н Нима у?

Э ш и м Фарзанд! (жимлик) Отага қарши фарзанд! Ота учун фарзанддан ҳам буюк-роқ зот йўқ! Фарзанд турганда Худоям кўзига кўринмайди.

Б р а т а р в а х ш Гапингда жон бор... Демак, ўғлини ишга солиш керак. Ё Худо, ё ўғил!

К а р а п а н Қайтмаса-чи?

Б р а т а р в а х ш Унда уни ўлдирамиз! Шартимиз шу бўлади!

Э ш и м Иставтрни-я?!

Б р а т а р в а х ш Ҳа! Ё худо, ё ўғил!

*(Чироқ ўчади, мусиқа кучаяди. Шундан сўнг, аста нимеруғлик билан  
зундон ёритилади. Мусиқа пасаяди Зардушт олдига соқчилар  
Иставатрни олиб киришади ва соқчилар чиқиб кетишади)*

**И с т а в а т р** Салом, ота!

**З а р д у ш т** Салом, сениям ҳибса олишдимиз? Нечун?

**И с т а в а т р** Сен учун, ота!

**З а р д у ш т** Мен учун? Нега?

**И с т а в а т р** Сен бизни ўйламадинг! Элдан чиқдинг. юртдан чиқдинг (жимлик) Нега бизни яратдинг, дунёга келтирдинг?! Нега?! Ўн йил-а! Мен мурғак бошим билан нималарни кўрмадим, нималарни эшитмадим! Одамлар худолардан қайтган лисизнинг фарзанди деб бизни ҳақорат қилдилар. Югуи яшадик чидадик, хўрландик чидадик! Яна қанча чидаш мумкин?! Энди охириги имкон бердилар ота, қайт бу йулингдан, ота! Қайт деямаг, қайт!

**З а р д у ш т** Нима дединг? Қайт дедингми?! Ўйлаб гапир, жонимни суғуриб олмоқчимисан?! (кўрагини очиб) Мана, ол! Ўлди! Булар улдирганидан, сенинг улдирганинг минг марта афзал! (оғир жимлик) Нега жимсан? Нега яратдинг дединг, узинг савол бердинг, ўзинг жавоб бердинг ўғлим! Ахир шунга тушунмаган одамнинг яшашидан маъни не? Ахир у кимнинг маҳсули? Худонинг маҳсули эмасми? Нега энди сув камайса сув худосига, ўт камайса ўт худосига, ёмғир ёғмаса ёмғир худосига сизиниш керак?! Ахир бу кўр-кўрона итоаткорлик эмасми?! Манқуртлик эмасми?! Эркин фикрлашдан маҳрум қилиш учун кўпхудолик ўйлаб топилган топилдиқдир!.. Сен бўлсанг, ўғлим бўла туриб йўлингдан қайт дейсан. Ахир менинг бутун борлиғим ўзимники эмас, Яратганники! Тушунсанг-чи, ўғлим!

**И с т а в а т р** Сен ҳам тушун. ота! Магарам қайтмасанг, мени ўлдиришади! Ё яккахудо де, ё мени де!

*(Оғир жимлик)*

**З а р д у ш т** Наҳотки тушунмасанг! Қайтариб айтаман, мен Хундолнинг элчисиман, Яратганнинг амрини бажараман. Одамлар қалбига Унинг истагини солиш менга буюрилган. Ахир Хундол одамни нега яратди? Нега унга ақл берди, илрок берди? Чун-ким ҳар бир одам чехрасида Худойимнинг таважжуҳи бор! Шунинг учун ҳам у ҳазрати одамдур! Лекин одамлар бу мантиққа тушунмайди, такаббурлик қилади. бир-бирларини амал учун, бойлик учун гажийди, бу фоний дунёнинг муваққатлигидан беҳабар худбинлик қилади. Худолар кўплигидан кимга ишонишини билмайди. Ахир эзгулик ва ёвузлик махлуқот вужудида доима мавжуд-ку! Ўйлаб кўр, нега ўлган одам жасади олдига биринчи бўлиб итни киритишади? Нега ўликни даҳмага олиб боришларида ҳам олдинда итни

юритадилар? Нега? Чунким, жасадга кирган иллат — насу итнинг қарашидан даф бўлади, соғлом одамга хуруж қилолмайди. Кўрдингми, наинки одам, ҳатто ит ҳам Яратганнинг измидадир. Ишончсизлик одамларни эътиқоддан маҳрум қилади!

**И с т а в а т р** Хўш, ишонч дейсан, эътиқод дейсан, сен ишониб нима орттирдинг? Аҳволинг, мана!

**З а р д у ш т** Аҳволимга ачинма! Яратган билан дийдорлашмоқ йўлида неки озор бўлса, бари шарафдур. Тушунсанг-чи, ўғлим, ҳар қандай пок ният риёзат чекмагунча даргоҳида қабул бўлмайди.

**И с т а в а т р** Демак сен, ўлимимга розисан?

**З а р д у ш т** Йўқ! Қайси ота ўз фарзандини ёмон кўради? Хўш айт-чи, қайси бир ота?! Мен сизларни севаман, ахир! Лекин бу ўткинчи дунё бугун бор, эртага йўқ. Боралиган жойимиз бир. Рухиятингни сўндирма, ўғлим! Мени бу йўлдан қайтариш учун озор чекма!

**И с т а в а т р** Демак қайтмайсан?

**З а р д у ш т** Тушунсанг-чи, ўғлим! Менинг ихтиёрим ўзимда эмас! Аксинча сен қайт! Кўзингни оч, ўғлим! Биз бирлашайлик, Яратган бизни қўллайди!

**И с т а в а т р** Йўқ! Ва яна йўқ! Демак, хайрлашамиз. (жимлик) Хайр, ота!

*(Иставатр чиқиб кетади)*

**З а р д у ш т** Эй, Хундодим, Худойим! Синовларинг бунча бешафқат!... Эй, воҳ, Иставатр!.. Наҳотки ниятига етди қузғунлар?! Наҳотки буларнинг қўли баланд келса, эй Худо?! Сенинг амринг билан яшайман тун-кун, ўзинг қўлла, ўзинг имдод эт!

*(Қарғаларнинг қағиллаши баробарида мусиқа бошланади. Фречиста овози билан «Бузрук» дан байт ижро қилинади)*

Сани яккаш фироқингда оҳ урарман, Аҳурам,  
Одамлар қалбини ёрит нурингни ирсол этиб.

*Ашула бошланиши билан ҳур қизлар пайдо бўлиб, Зардушт теварагида шлоҳий рақсга тушадилар. Э ш и м билан Каранан кириб З а р д у ш т ни олиб чиқадилар. Ҳур қизлар рақси давом этаверади.*

Парда

### 3-Кўриниш

Саҳна нимқоронғи. «Бузрук» куйи чалинапти. Хварнатр бошлиқ Зардушт тарафдорлари қўлларила тўқмоқлар билан ҳибсага олинган Зардуштни озод қилиш учун пистирма олдига тўпланишган.

**Х в а р н а т р** (Мадиямоҳга) Мени олдимда қоласан! Ўзинг яхши биласан, улар қуролланган, эҳтиёт бўлиш керак! (ёнида кўзидан ўт чақнаб турган йигитларга) Сен, сен, сен, сен сипоҳларга ташланасан! (яна бошқаларига) Сенлар Братарвахш тарафдорларини тириклай қўлга туширасан! Тушундингизми?

**Б а р ч а с и** Тушундик!

**Х в а р н а т р** Бу аблаҳлар, Зардуштнинг уйига ўт қўйгани камлик қилгандай, бегуноҳ Фречистани ўлдирди! Ахир, бизни Яхшиликка, Ростликка, Ҳақиқатга ундаётган Зардуштни йўқ қилишмоқчи! Улар бизни яна қабоҳат, жоҳиллик сари ундашмоқчи! Биз бунга йўл қўймаймиз! Зардушт якка эмас! У ҳақ ахир!

**Б а р ч а с и** (секин, ички қатойилик билан) Тўғри айтдинг! Бунга йўл қўймаймиз!

**Х в а р н а т р** Қани, энди жой-жойингизни эгалланг!

*(Муסיқа кучаяди. Саҳнага сипоҳлар қуришовида энжир билан қўллари боғланган Зардушт кириб кела бошлайди. Улар орқасидан Эшим, Каранан, Гандар, Важааклар киради. Шу пайт кўкқисдан Хварнатр одамлари қўлларида тўқмоқлар, айримларининг қўлида машалалар билан кириб, сипоҳларга, Братарвахш нинг одамларига ташланадилар. Улар орасидаги шиддатли олишув қанчаллик тез бошланган бўлса, шунчалик тез ниҳоясига етади. Олишув пайтида саҳнанинг турли жойларида еруғлик ёниб-ўчиб туради. Шу ҳаракатларга мос муסיқа ижро қилинади. Шу вақт саҳнага шиддат билан Братарвахш ҳамда Рухоний кириб келади)*

**Б р а т а р в а х ш** (жаҳд билан) Нима гап?! (Эшимга) Нега тўхтадингиз?

**Х в а р н а т р** Биз тўхтатдик! Зардушт нега ҳибсага олиниши керак? Нима айби бор? (жимлик) Жонига қасд қилдинг, Оллоҳ сақлади! Уйига ўт қўйдинг, чидади! Уйини хонанайрон қилдинг, чидади! Энди ўзини ҳибсага олдинг! Биз бунга йўл қўймаймиз!

**О д а м л а р** Йўл қўймаймиз! Йўл қўймаймиз!

**Х в а р н а т р** Ана, эшит одамлар сўзини! Шунини икки қулоғинг билан ҳам эшитиб ол! Ким қасд қилса, жафо толғусидур! Ҳақиқатдан

қочиб қутулолмайсан! Ёруғликка, нурга қарши тош отиш ваҳшийлик эмасми?! Сен (Зардуштни кўрсатиб) Мана бу қуёшга, нурга қараб тош отдинг!

**Б р а т а р в а х ш** (кесатиб) Буми ёруғлик? Буми нур?! Аждодлар эътиқодига тош отган бу иблис ҳақу, ҳақиқат учун, одамлар ҳаловоти учун курашган мен ноҳақ бўлдимми?! Йўқ! Бу ҳам оз бунга!

**Р у ҳ о н и й** Братарвахш тўғри айтди халойиқ! Худоларимизга шак келтирган, динимизни булғаган, қадим эътиқодимизни оёқ ости қилган бу ноқасни афу этиш нонкўрлик бўлади!

**З а р д у ш т** Эй, Рухоният ҳақими! Худолар делинг, қани айтчи, қайсибирига сиғинасан, сажда қиласан?

**Р у ҳ о н и й** Ҳаммасига! Оламнинг сир синоатига, тилсимига сен тушунмайсан! Одамларни йўлдан урма!

**З а р д у ш т** (кулади) Бу сенинг ожизлигинг! (жимлик) Дунёнинг қудрати, оламнинг мўъжизаси олдидаги ожизлик, одамларни сиғинишга, сажда қилишга олиб келади! Бу табиий ҳолку! Бунинг нимаси сир-синоат, нимаси тилсим?

**Р у ҳ о н и й** Тилсимга тил текизма! Худоларимизнинг борлигини ўзи тилсим эмасми?!

**З а р д у ш т** Йўқ! Тилсим-одамларнинг миясидаги дунёнинг яратилишига бўлган ишонч ва ишонсизликдир! Шу қуср сенда ҳам бор!

**Р у ҳ о н и й** Ҳақорат қилма!

**З а р д у ш т** Бу ҳақорат эмас, бу ҳақ! Ҳар бир одам дунёнинг яратилишига ишонсизлик билан эмас, ишонч билан қарамоғи лозим! Ана шу ишонсизлик Худоларни кўпайтирган! Сен ҳам кўр-кўрона бунни тарғиб қиласан!

**Р у ҳ о н и й** Йўқ! Сен тарғиб қилаётган қуёшга, оловга, сувга, ерга ота-боболаримиз ҳам сиғиниб келган! Хўш, айт-чи, бунинг нимаси янгилик?

**З а р д у ш т** Кўрдингми! Бу, илмсизликдур! Ахир қуёш, олов, сув, ерни ким яратган? Қайси Худо?! Ахир, олам бўлак-бўлак эмас, бир бутун яралган! (жимлик) Қуёшга эмас, унинг нурига сиғиниш керак! Оловга эмас, унинг тафтига сиғиниш керак! Уни яратган якка Ўзига, Яратганга сажда қилиш керак! (суқунат) Тушунсангизчи, одамлар! Буларга эргашиш жоҳилликдур!

**Р у ҳ о н и й** Жоҳиллик делинг! Ким айтди сенга Худоларимизни жоҳилликка қарши эмас деб? Ким айтди?! Ахир Худоларимизнинг раҳнамолиги билан элатлар қургун, яйловларда молларимиз беҳисоб! Худоларимиз қаҳридан кўрқ!



Зардушт Сен айтган беҳисоб моллар қирилиб кетаяпти! Зўравонлар тортиб олаяпти! Элатларда қирғин бўлаяпти! Қабилаларнинг худолари кўп бўлар экан улар ҳеч қачон жаҳолатдан қутилолмайдилар, бирлашолмайдилар, бир туғ остида буюк давлат бўлолмайдилар!

*(Оғир жимлик)*

**Х в а р н а т р** Зардушт ҳақ! Якка Худога ишонмас эканмиз, бир туғ остига бирлашмас эканмиз, элатлар орасида қирғинлар бўлаверади, одамлар бир-бирларини гўштини еяверади! (одамлар орасида ғала-ғовур) Элдошлар! Токайгача кўр-кўрона буларга эргашамиз?! Меҳр-оқибатдан Мосуво яшаймиз?! Уйимизга ўт қўяди, индамаймиз! Бегуноҳ қизни ўлдирсалар индамаймиз! Етар! Бас! Буларни жазолаш керак!

*(Оломон ичида ғала-ғовур. Шу пайт Рухоний қўл силтаб майдонни тарк этади)*

**Б р а т а р в а х ш** Йўқ! Ҳаққингиз йўқ! Тар-тиб бор, ингизом бор, қонун бор! Ҳукмни ҳукмдор чиқаради!

**М а д и ю м о ҳ** Бекорларни айтибсан! Жияним жонига қасд қилдинг, ошқора, халқ номидан, уйига ўт қўйдинг, ошқора, халқ номидан! Фречистани ўлдирдинг, у ҳам халқ номиданми?!

**Б р а т а р в а х ш** Тухмат қилма! Фречистани ўлдирган қотил, ана! Турибди олдингизда!

**О л о м о н** Ким!? Ким?!

**Б р а т а р в а х ш** Зардушт!

**М а д и ю м о ҳ** Зардушт?! Йўқ! Ишонмайман!

**О л о м о н** Ишонмаймиз! Исбот керак! Исбот!

**З а р д у ш т** Халойик! Кўрқоқнинг куроли-тухматдир! Мана! (қўлидаги узун учлик ёй ўқини боши узра кўтаради) Мана, Фречистанинг ўлимига сабаб бўлган ўқ!.. Эрта тонг чоғи, Хундодга нола қилаётган пайтимда Фречиста мана шу ўқнинг қурбони бўлди! (оғир жимлик) Аслида бу ўқ, менга отилган ўқ эди!

*(Оломон ичида ғала-ғовур. Шу пайт «Тани мақоми Рост»нинг айтими Фречистанинг овозида баланд овоз билан эшиттирилади. Фаришталар пайдо бўлади ва ибтидоий рақсларини ижро қилишади. Ашула тугагач фаришталар гойиб бўладилар)*

Сани яккаш фироқингда оҳ урарман, Ахурам,  
Одамлар қалбини ёрит нурингни ирсол этиб.

**Х в а р н а т р** (Кўшиқ тамом бўлгач) Братарвахш! Сенинг буйруғинг билан Зардуштнинг жонига қасд қилинди, уйига ўт қўйилди, Фречиста ўлдирил-ди! (жимлик) Халойик! Ўзингиз ҳал қилинг! Шундай ваҳшийларнинг, қонхўрларнинг жазоси нима?!

**О л о м о н** Ўлим! Ўлим! Фақат ўлим!

**К а р а п а н** (тиз ташлаб талвасага тушади) Йўқ! Йўқ! Менда айб йўқ! Братарвахш буюрди, мен ўт қўйдим! Буйруқни бажардим!

**Э ш и м** Тур ўрнингдан, хотинақ! Уй ёна-ётганда кўкрагингга уриб, энди чиқолмайди, эшигини тамбаладим, ёниб кул бўлади деган сен эмасми?!

**К а р а п а н** Нима?! Нима делинг?! Барча қилгиликни сен қилдинг! Эшикни тамбалатган ҳам ўзинг! Зардуштни ичкарида қолдирган ҳам сен!.. Зардуштга отилган ўқда эса...

**Э ш и м** (унинг сўзини бўлиб) Ўчир овозингни! Овозингни ўчир леяпман сенга! Тухмат қиладиган тилларингни суғуриб оламан!

*(Оғир жимлик. Шу пайт оломон ичидан Хурий ўртага отилиб чиқади)*

**Х у р и й** (Эшимга) Сен кимни тилини суғурмоқчисан?! Эримнинг айби йўқ! Мана бу Братарвахшнинг тилини суғуришинг керак! Ҳамма айб унда! Кеча оқшом бизни дастурхон атрофида, тонгда Зардушт тоққа чиқади, шунда заҳарланган ўқ билан уни отасан демаганмидинг? Дегандинг! Яна уни Худо сақлади! Лекин бир бегуноҳ қиз нобуд бўлди! Ўғни менинг эриммас, (Эшимни кўрсатиб) у отган!

**Э ш и м** Ёлғон!

**Х у р и й** Ёлғон бўлса, Худолар номи билан қасам ичаман! Эримни қотилликка юбормадим!

*(Шу пайт Братарвахш ичоқини чиқариб, Хурийга ташланмоқчи бўлади. Унга яқин турган Хварнатрнинг йигитлари чапдастлик билан тўсиб, уни қўлларини қайиришади. Караван Хурийга ёрдамга интилади, уни ҳам тўхтатишади)*

**Б р а т а р в а х ш** (йигитлар қуршовида ўз одамларига) Бас қилинг! Кўрқоқлар! Бас қилинг! Зардуштнинг уйига ўт қўйишни мен буюрганман! Ҳукмдорнинг буйруғини бажарганман! Халойикнинг истагини бажарганман! Ўқ оттирган ҳам мен! Зардушт менинг тирик душманим! Уни йўқ қиламан деб қасам ичганман! У ўзининг ярамас ваозлари, иродлари билан оёғимизга тушган тушовдир! Мен

Худоларимиз номидан уни ўлдиришга қасам ичганман! То тирик эканман қасамимдан қайтмайман!

**З а р д у ш т** (Очиқ юз билан) Тирик қоласан, Братарвахш, тирик қоласан! (жимлик. Братарвахшни қуршаб турган йигитларга қараб) Юборинг йигитлар! Булар Ахриманнинг-ёвуз руҳнинг васвасасига тушган жохил одамлардур! Эртами-кеч буларнинг ҳам кўзи очилади! Мен шунга ишонаман! (Аста мусиқа бошланади. Шу пайт сахнага аста-секин Пурӯшасп, Дутдава, Ҳавонинилар кириб Зардуштнинг сўзларига қулоқ қўйишади.) Олий Илоҳим Аҳура-Мазданинг пок ниятлари Ахриманнинг-ёвуз кучларини барибир енгади! Одамлар бу хайрихоҳликка сажда қиладилар! Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалга эътиқод қилган одамнинг мартабаси улуғ, толеои баланд бўлажак! (жимлик. Яна йигитларга мурожаат қилади) Жавоб беринг буларга!

*(Братарвахш, Эшим, Карпан, Гандар, Вазжавк, Хурийлар чиқиб кетишади.)*

**Х в а р н а т р** Олийжанобсан Зардушт! Мен сенга ҳавас қиламан! Биз сенга ҳавас қиламиз! Ҳеч кимга насиб этмаган муборак мартабага сен муяссар бўлдинг! Сен Олий Илоҳимнинг ердаги элчисисан! Сеҳрли қалб эгасисан! Бутун Вардивардон сенга эргашади. Узоқ-яқин жамики ерларда то дунё борки сенинг номинг эозозланади, улуғланади! (Зардуштнинг ота-онасига) Шундай покиза қалб эгасини дунёга келтирган сиздай мўотабар ота-онага таозим қиламиз!

**О л о м о н** Таъзим қиламиз!

*(Мусиқа кучаяди. Хорал бошланади. Пайдо бўлган Фариталар Зардуштни қадимий рақслари асносида секин тепага бошлайдилар)*

Тенглик бўлсин жаҳон мулкила ҳоким,  
Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой,  
Қашшоқда ҳам бўлсин ошу-нон, уй-жой,  
Ушбу эътиқодим менинг дилимдир,  
Ёвузликка қарши йўлим илмдир.  
Бу диндан юзини ўгирса ҳар ким,  
Уни жазолагай албатта, худойим.

**З а р д у ш т** (тепароқда хорал тамом бўлгач) Менким, Спитама муғлар фарзанди Зардуштман! Менга келган илоҳий муждада илму огоҳлик китоби-«Авесто»ни битмоқ буюрилган! Бу китобга меҳри тушган ҳар бир одамнинг йўли равон, эътиқоли бутун бўлғусидур!... Замонлар келади одамлар илму донишлик китоби-«Авесто»ни

қалбларига жо қиладилар! Яхшилик уруғини сочадилар! Меҳр-муҳаббат ниҳолларини ўстирадилар! Авлодлар ўртасида дўстлик, омонлик ришталари маҳкам бўлади! Башариятнинг ўчмас чироғи-«Авесто» авлодлар йўлини ёритиб турғусидир абадул-абад!

*(Мушиқа авжсланиб пасаяди. Солномачилар зикр тушиб кирадилар. Фаришталар настга тушиб, зикрга қўшиладилар. Зардушт чиқиб келаётган қуёш истиқболига қараб кўтарила бошлайди)*

Н о р у н      Илму огоҳлик китоби-«Авесто»—ҳа-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и    Ҳа-ҳу-ҳақ!  
З а м х у р      Илму огоҳлик китоби-«Авесто»—ҳақ-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и    Ҳақ-ҳу-ҳақ!  
У м м а          Илму огоҳлик китоби-«Авесто»—ҳақ-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и    Ҳақ-ҳу-ҳақ!  
Ш и ш т о      Илму огоҳлик китоби-«Авесто»—ҳақ-ҳу-ҳақ!  
Т ў р т о в и    Ҳақ-ҳу-ҳақ!

Зикр давомида сахна секинлик билан бутунлай ёришади. Ёруғлик тепадан тушаётган «Авесто» китобини кучли ёритади. Мушиқа кучаяди.

Парда

ТАМОМ

30.10.2000 й.

# Олис юлдузлар

(Маъмун Академиясининг 1000 йиллигига бағишланган 9  
кўринишли мусиқий драма<sup>1</sup>)

Тақризчилар: А.Саъдуллаев,

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги;

**К.Сафаров,**

Хоразм Маъмун академияси раиси, профессор;

Маслаҳатчи: **К.Абдримов,**

физика-математика фанлари номзоди, доцент.

## Қатнашувчилар:

И б н М а ъ м у н — Хоразмшоҳ, 45-50 ёшларда,  
Б е р у н и й — Абу Райҳон, 36-40 ёшларда,  
И б н С и н о — Ҳусайн, 25-30 ёшларида,  
И б н И р о қ — ҳисоб илми олими, 60 ёшларда,  
С а ҳ л и й — Вазири Акбар, 50 ёшларда,  
И б н Х а м м о р — табиб, 60 ёшларда,  
М а с и ҳ и й — файласуф, 50 ёшларда,  
М и с қ о в а й х — тарихчи, 45 ёшларда  
Ш а й х у л и с л о м — дин арбоби, 65 ёшларда,  
Ж а в ҳ а р и й — диндор, 50 ёшларда,  
Ж а й ж о н и й — маъданшунос, 45 ёшларида,  
Б о з о р г а д о н — бой, 45 ёшларида,  
Н а с т а р и н — 20 ёшларда,  
М о ҳ и д и л — 20 ёшларда,  
С у н б у л а — 20 ёшларда,  
Ж у м а т у л — 45 ёшларда,  
З у л ф и з а р — 23 ёшларда,  
Э ш и к о ғ а с и — 40 ёшларда,  
П и р н а з а р — шогирд, 25 ёшларида,  
О т а н и ё з — шогирд, 20 ёшларида,  
Сарой ходимлари, соқчилар, раққосалар, котиблар,  
қуржоқчилар, масхарабозлар, созандалар ва бошқалар

<sup>1</sup> Ушбу драма Неймат Солаев билан ҳамкорликда битилган.

## I - Кўриниш

Асар лейтмотиви — Уд, буломон, қўшнай, танбур қўшилувиди ижро этилган «Ҳафифи Сегоҳ» куйи билан очилади. ғала-ғовур бозор. Савдо-сотик авжида. Саҳнанинг чап ёнида олдларида тахтачалар, сиёҳдон, қаламлар билан 4-5 нафар котиблар арзномаю хатлар ёзиб бериш учун харидор кутяпти. Улардан биттаси бир одамга хат ёзиб бериб ўтирибди. Бериги четда ўтирган семиз котибнинг остига нақшиндор ғиламча тўшалган. Саҳнага ёзув тахтачасини кўтариб О т а н и ё з киради-да, келиб С е м и з к о т и б ёнидан сал нарига ўтиради. Бари котиблар, ҳатто иш билан машғуллари ҳам О т а н и ё з н и н г келиб ўтирганига ёмон кўз билан қарашади, айниқса Семиз Котиб унга ёвқараш қилади. Шу пайт масхарабозлар мусиқаси чалиниб, саҳнани гир айланиб, 2 масхарабоз томоша кўрсата бошлайди:

1-М а с х а р а б о з Эй, масхара! Бу на совуқ ургон дунақдин (хомақдин) буришаварасан?

2-М а с х а р а б о з Сани кўрган сифир сутдан чиқади! Ман буришмин ким буришсин?! Илоннинг ёмон кўрган ўти ини олдида кўкаради! Бирдайин манглаймдасан! (кулги)

1-М а с х а р а б о з Иб-и, иб-и! Сан ўзинг кимсан? Қорнинг тўйса қурвон ҳайит! Бозор кўтарилиб кетди, парвойинг палак!

2-М а с х а р а б о з Тўхта-тўхта! Бозорни нери кўтарилибди!

1-М а с х а р а б о з Сарқита ўргангансан-дон! Бугдойнинг баҳоси икки ҳисса ошибди! Гуппи оламан десан, ёнина ёндошиб бўлмийди!

2-М а с х а р а б о з Дур! Тўхта! Ундин бўлса, бозора хотин-потин кирган бўлмасин?!

*(Шу пайт саҳнадан бозор Н а з о р а т ч и с и бир юзига рўмола туширилган хотинни олиб ўтади.)*

2-М а с х а р а б о з (сўзида давом этади) Ина айтмадимми! (Н а з о р а т ч и г а) Хой, нима қилибди бу жувон?!

Н а з о р а т ч и Аравани тагига яшириниб жияк сотиб ўтирган экан!

1-М а с х а р а б о з (2-Масхарабозга) Балосан. бало! Ер тагинда илон юрса биласан! Аммо лекин, бугунни на кун аканини билмийсан!

2-М а с х а р а б о з Новвини билмийман?! Бай-бай жақакладинг-дон, лекин!

1-М а с х а р а б о з Эй, манглайинг бир ал тахтадин қора! Бугун биласанми қайси кун?

2-М а с х а р а б о з Эзаварма! Айт, бугун на кун?

1-М а с х а р а б о з Бугун қизил гул очилди! Қизил гул!

2-М а с х а р а б о з Бугун қизил гул очилгон бўлса, вунда сангана?

1-М а с х а р а б о з Сан масхара, бир тасқара акансан-қу! Қарақара, йигит-қизлар чаккасинда қизил гул! Ахир бугун «Қизил гул» байрами! Биласанми қизил гул новви дейди?

2-М а с х а р а б о з Новви дейди?!

1-М а с х а р а б о з Қизил гул айтади: очилмағайман,  
Ёмонлар бошинда сочилмағайман.  
Очилсам очилай, яхши очилай,  
Оеқлар остида янчилмағайман!

1-М а с х а р а б о з Ина бу гапингта борман ака!

*(Бирдан от туйёқлари овози эшитилиб, бозор бир лаҳза жимиб қолади.  
Ж а р ч и кириб жар солади.)*

Ж а р ч и Ҳей, халойиқ! Эшитдим, эшитмадим деманглар!  
Бугун «Қизил гул» байрами оқиломи замонаи замири зафар  
Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад, Бушқанзда бўладиган самовий  
нужму навард наззорасида қатнашади!

*(Ж а р ч и буни 2 мартаба такрорлаб чиқиб кетади. О т а н и ё з  
бозор шовқинини унутиб, жарчи орқасидан анграйиб қолади. Шу пайт  
бир М о м о тавозе билан С е м и з к о т и б қаршисига келади.)*

М о м о Болам, бир арзнома ёздирмоқчи эдим.

С е м и з к о т и б (юпун кийинган М о м о г а беписандлик  
билан) Ақчангиз борму?

М о м о (рўмоли учидаги тугунни еча бошлаб) Бор-бор! 4-5  
данак пулим бор!

С е м и з к о т и б (масхаралаб) 4-5 данак! 4-5 данак пул билан  
арзнома ёзилмайди!

М о м о Қанча билан ёзилади?

С е м и з к о т и б Бир дирҳамдан камига бўлмайди!

М о м о Вой-бўй! Амал тегса тентакка, гул қистирар телпакка!  
На мунча? Менда дирҳам нима килади! Ёзиб берадиганинг икки  
огиз арз!

С е м и з к о т и б (бирдан туюқиб) Пулсиз гириклан, имонсиз  
ўлик яхши! Қани жўна бундан! 4-5 данакмиш-а!...

(М о м о аста кета бошлайди.)

О т а н и ё з (М о м о ни чақириб) Ҳей, она! Онажон!

М о м о (О т а н и ё з г а ўгирилиб) Менми? Мени чақираяпсанми?

О т а н и ё з Ҳова! Келинг арзини изни узим ёзиб бераман!

М о м о (андак ийманиб туради ва Отаниёзга яқинлашади, сўнг С е м и з к о т и б г а теккизиб) Арслон занжирда ҳам Арслон! Барака топ, ўғлим!

О т а н и ё з Қани, онажон, айтинг арзингизни!

(Момо Отаниёзнинг олдига чўккалаб арзномасини айта бошлайди)

С е м и з к о т и б (Отаниёзнинг ҳаракатидан ғазабланиб) «Мажлиси уламо» дейдилар, «Дорул ҳикма» дейдилар... Юртда суртса юқмаслар усиб кетди. Воҳ, Оллоҳ! (О т а н и ё з г а ўқрайиб қараб) Ширага ёпишган чивиндек юрт ризқига ёпишди булар!

*(Мусиқа бошланади, саҳнанинг бериги ён томонидан «Сайёр хонанда-созандалар» кириб томоша курсати бошлашади. Уларнинг томошасида қадимги халқ эртаклари қаҳрамонлари ҳаётидан лавҳалар ва улар ижросида бахши йўлларида қўшиқлар ижро қилинади.)*

### Й и г и т

Олма, олма дермисан,

Олма берсам ермисан?

«Олма берган қўлларингдан

Айланайин»—дермисан?

### Қ и з

Ёрга отдим олмани ман,

Севганим учун сани ман.

Мунча пичинг қилма ахир,

Кўнглинг бўлса, ол мани ман.

*(Мана шу ижролар асосида О т а н и ё з М о м о н и н г арзномасини тугаллаб, ёзганини думалоқлаб ўранди-да, М о м о г а узатади. М о м о дуо қилиб, С е м и з к о т и б г а мағрурона қараш билан саҳнадан чиқиб кетади. «Қ у р ж о қ ч и л а р» саҳнага кириб томошаларини бошлашади.)*

1-Қ у р ж о қ Эй, Полли порлама! Йўл бўлсин?

2-Қ у р ж о қ Бўлаварсин, мўл бўлсин! Эй, Холли шарлама!  
Мандан йўл сўрасанг, малрасага қатнаб юрибман!

1-Қ у р ж о қ Иби, иби! У ерда нима қиласан?

2-Қ у р ж о қ (салобатли йутал билан) Уғиб юрибман!

1-Қ у р ж о қ (хоҳолаб кулади) На укыйсан?



2-Қ у р ж о қ (виқор билан) Элем! Элем!

1-Қ у р ж о қ Элем дейсанми?.. Гадо мол төпса, солмоққа хуржун топмас! Санго элем нега гарак?!

2-Қ у р ж о қ (яна ҳам виқор билан) Олим! Олим бўламан!

1-Қ у р ж о қ (кулади) Олим бўлсанг, хўбдон бўлма, касдон бўл! Аммо лекин, қарирсан, қартарсан, ахир аслинга қайтарсан! Ҳозир на кўп, олим кўп, лекин сурнайчи қит!

1-К у р ж о қ Ина ахир?! Ҳеч бўлмаса сурнайчиларнинг олими бўламан! Карнай чаламан!

*(Шу пайт бозорда ола-говур бошланади. «Қ ў т и р ч о қ б о з»лар томондан оломон бир ўғри болани қувлаб кела бошлайди. Улар сахнага кирмасдан «Ўғрини тут!», «Ушла ўғрини!» деган хитоблари эшитилади ва ўзлари кириб келишади. Шу тақовул қичқиришиб ўғрини қувлаганча сахнанинг иккинчи томонига ўтиб кетадилар.)*

С е м и з к о т и б (ўрнидан туриб, ўғри кетган томонга қараб қичқиради) Юрт бузилди! Ўғри кўпайди! Ўғри! (кейинги «Ўғри» деганида О т а н и ё з г а газаб билан қарайди.)

Ҳ а м м а л а р Тўғри! Тўғри!

3-К о т и б Тўғри! Тарозидан урган ҳам, газдан урган ҳам ўғри!

С е м и з к о т и б (О т а н и ё з г а ўғрилиб) Рухсатсиз жой эгаллаганлар ҳам ўғри!

2-К о т и б Бозордаги каззоблардан аъямон!

Шу пайт ўнг томонга ўғрини қувлаб ўтиб кетганлар қайтиб яна «Ўғрини тут!», «Ушла ўғрини!» деб сахнага қайтиб кирадилар. Семиз котиб қочиб келаётган ўғри қаршисига чиқиб, уни чалиб йиқитади. «Ур-ҳо, ур!» бошланади. Шу пайт Отаниёз дик этиб ўрнидан туради-да, одамларни ораламоққа киришади. Бир гала-говурда ўғри оломон кўлидан сиғгирилиб чиқади ва қочиб кетади. Отаниёз Семиз котиб «кўмагида» таёқлана бошлайди.

С е м и з к о т и б (қолган котибларни имлаб) Мана, ўғри! Ур ўғрини!

2-К о т и б Бир бечорани кассасини кесиб, боласини ўлдирган бу! Ур! (оломонга қўшилиб тепа бошлайди)

*(Шу пайт от туёқларининг дупури эшитилади. Ҳаммалар бир лаҳза жим бўлиб қолишади. Сахнага И б н И р о қ , А б у Р а й ҳ о н ҳамда 2 навкар кириб келади.)*

И б н И р о қ Нима гап?!

С е м и з к о т и б Мана бу ўғри бир бечоранинг ҳамёнини ўғирлаб, боласини ўлдирди!

И б н И р о қ (оломонга) Тўғрими шу? (оғир жимлик) Бунинг гапи тўғрими?!

К о т и б л а р Тўғри! Тўғри!

И б н И р о қ (С е м и з к о т и б г а) Чик буёққа! Қуръон билан онт ич!

С е м и з к о т и б (каловланиб) Менми?.. Йўғ-е... Мен, эшитдим холос.

И б н И р о қ Ким кўрган? Ким Қуръон билан онт ичади? (оғир жимлик) Хўш, қани ким кўрган бўлса ўртага чиқсин! (ҳеч ким ўртага чиқмайди)

С е м и з к о т и б (сал қалдини ростлаб) Сиз ўзи кимсиз?

И б н И р о қ Мен, ибн Ироқмен!

Ҳ а м м а «Ў!» «Буни қаранг-а!»

И б н И р о қ (Отаниёзга) Буларнинг даъвоси тўғрими?

О т а н и ё з Йўқ, тақсир! Мен бугун биринчи марта бозорга келишим. Камбағаллик касридан арзномами, хатми ёзиб бир ярим дирҳам ишламоқ эди ниятим. Онам билан оғир кечар кунимиз! (котибларни кўрсатиб) Жойни қизғондилар, оқибати кўриб турганингиз, тақсир! (жимлик)

И б н И р о қ Нима билан исбот қиласан? Гувоҳинг борму?

*(Аста мусиқа бошланади)*

О т а н и ё з Гувоҳим Ҳақ! Қуръони Карим билан онт ичаман! (ўртага чиқади)

3-К о т и б Ҳақиқий ўғри қочиб кетди тақсир! Бу оралайман деб жазога маҳкум бўлди. Бугун бозорга илк бор котиб бўлиб келгани ҳақ!

*(Семиз котиб 3-Котибга еб ташлагудек ўқрайиб қарайди)*

Ҳ А М М А Шундай бегуноҳ болани таёқлабдилар-а! Тавба!

О Т А Н И Ё З Тақсир, менда гуноҳ йўқ! Раҳм қилинг! Менга жавоб беринг! Қайтиб бозорга чиқмайман!

И б н И р о қ Отинг ким?

О т а н и ё з Отаниёз.

И б н И р о қ (Б е р у н и й г а) Абу Райҳон! Бунинг ихлоси зўр экан.

Б е р у н и й Эътиқоду иймонли ёшлар ҳозир бизга жуда зарур, устоз.

И б н И р о қ (О т а н и ё з г а) Қани, биз билан юр-чи!

*Мусиқа кучаяди*

Парда

## 2-Кўриниш

*Расадхона. Мусиқа. Ним қоронги саҳнанинг тепа бурчагидан пастда, саҳнанинг бери бурчагида ярим айлана шаклидаги деворга қуёш нурулари тушиб турибди. Парда очилганда қуёш нурулари деворнинг сал тепароғига тушади, кейин аста-секин нурулар пастлай бошлайди. Қуёшнинг тик келган пайтидаги ҳолатини ўлчаш учун И б н И р о қ ҳамда Муҳаммад ал-Б е р у н и й , шогирдлар ҳозирлик кўрмоқдалар. Мусиқа аста пасаяди.*

**Б е р у н и й** Устоз, Мусо ал-Хоразмий ҳазратларининг фаразларидан бизнинг ўлчовлар бироз фарқ қилгандайму?

**И б н И р о қ** Албатта, аммо фарқи услубда, натижа эса бир. Мусо Хоразмий даврида қалъалар ўртасидаги масофаларни туяларда юриб ўлчаганлар. Биз илми ҳандаса ила уни соддалаштирдик. (*Шогирдларнинг вужудлари қулоққа айланиб эшитадилар*) Азиз устозларим ал-Каражий, ал-Ҳамдакийлар алломаи замона ал-Хоразмий ишларини ривожлантирганлар. Уларнинг шогирдлари Шайх Хусайн Нажмиддин, Ҳунайнийлар (шогирдларга қараб) Ҳозир сизлар ўқиб ўрганаётган форсийдаги Абу Вафо Бузжонийнинг мулки муқалласини менинг даъватим ила аробийдан форсийга ўтирган эдилар. (фараҳбахш сокинлик.)

**Б е р у н и й** Бузжоний ҳазратлари билан хат орқали кўп мувоҳаса этганмиз. У киши Бағдодда, камина Кат қалъасида туриб Ой тутилишини биргаликда кузатганмиз.

**И б н И р о қ** Ҳа, Бузжонийнинг илми нужумда ҳам хизматлари каттадир. (жимлик) Сиз билан ер сатҳи қатламларини силжишлари хусусида гапиришган эдик, хотирдан кўтарилибдур.

**Б е р у н и й** Устоз, замин бўлақлардан иборат бўлгани учун силжишлар рўй беради. Билҳақ, заминни мукамалроқ ўрганмоқ боис, ер юзидаги муҳим жойларнинг, сувлар ва қуруқликларнинг кенглиги, узунлиги, қалъаларнинг ўрни, улар ўртасидаги масофалар аниқ ўлчаб турилмоғи керак.

**И б н И р о қ** Дуруст дедингиз. Сувлар, қуруқликларнинг жойлашуви ва уларнинг табиатга таъсирини алоҳида рақам қилмоқ даркор.

**Б е р у н и й** Билҳақ, Ернинг қибла тарафида сувлар кўп. Улардан илиқ шамол эсиб, яшашга қулай шароит яратади. Магарам сувлар ўрнида қуруқ ерлар бўлганида улардан иссиқ шамоллар эсиб, яшаш имкониятини бермаган бўлур эди. (жимлик) Қибла тарафида

сахро бўлгани учун Миср иссиқ, қибласида Форс денгизи бўлгани туфайли Шероз салқин.

**И б н И р о қ** (мамнун) Ер куррасининг сувратини ясаганда буларга алоҳида эътибор берганингиз жуда маъқул бўлибдур.

**Б е р у н и й** Птоломейнинг «Жуғрофия», Жайҳонийнинг «Йўллар ҳақида»ги китобларини мутолаа қилдим.

**И б н И р о қ** Бу маълумотлар етарли бўлмас. Хоразм тўғрисида аниқ билимлар даркор.

**Б е р у н и й** Шаксиз. Айрим жой ва қалъалар номини, улар ўртасидаги масофаларни шу жойларни кезган ҳамда кўрган кишилардан сўраб билганман. Уларнинг айтганларини бир-бирига таққослаб, текшириб чиққанман.

**И б н И р о қ** (ўйчан) Кузатмоқ, текширмоқ, таққосламоқ илмнинг бош мезонидур...

**Б е р у н и й** (астагина) Устоз, ўлчов вақти яқинлашди.

**И б н И р о қ** (хаёлларидан фориг бўлиб) Устурлоб билан бошқа ўлчов олотларини олинг. (Берунийга) Айлана бўлаклари аниқ ўлчанганму?

**Б е р у н и й** Деворга айлананинг тенг тўртдан бир бўлаги дарж этилган. (кўрсатади) Шогирдлар нур тушишига илҳақлар.) Пирназар, Отаниёз!

**П и р н а з а р** , **О т а н и ё з** Лаббай устоз!

**Б е р у н и й** (Ибн Ироққа андак ҳаяжонланиб) Устоз, бир фотиҳа беринг!

**И б н И р о қ** Омин, ишимиз бароридан келсин! Оллоҳнинг ўзи қўллаб-қувватласин! Ва ла ҳавла ва ла қуввата илло биллаҳил, алиййул азим!

**Б е р у н и й** (Шогирдларга) Қани, чиқинг юқорига!

*(Ибн Ироқ, Беруний ва шогирдлар юзларига фотиҳа тортадилар. Пирназар билан Отаниёз, ўлчов асбобларини олиб, зинапоядан кўтарила бошлайди. Ибн Ироқ билан Б е р у н и й саҳнанинг бериги бурчагида нималарнидир муҳокама қилишади. Шу пайт виқор билан Жайҳоний киради. Шогирдлар тепада бир-бирларига ўлчов ҳаракатларини тушуштириб ўз ишлари билан банд бўлаверадилар.)*

**Ж а й ж о н и й** (бирпас кузатиб тургач) Тасдиқ! Дуруш-дурмушинингиз, илму аъмолингиз бари шоҳона! Тасдиқ! Юртим деган олимлар ернинг галли-ғаши, эл гами билан андармон! (залга қараб, Ибн Ироқ, Беруний ҳам эшитсин деб баланд овозда) Булар осмонда!..

**И б н И р о қ** Ў. аллома Жайжоний! Келинг, назарингиз бунчалик улуғ! Хаста кўзга осмон қоронғу-да...

**Ж а й ж о н и й** Топиб айтдингиз, ибн Ироқ! Иброҳим Адҳам тахтдан кечгани билан шухрат ҳирсидан қутула олмади! Риезати ниёз эмас, ноз бўлди. Салтанат олқишида юлдузга етсанглар ҳам асл қадрла ҳечсиз!

**Б е р у н и й** Ҳеч дедингиз, тақсир, сиз ҳам бир ҳеч бўлиб кўринг!

**Ж а й ж о н и й** (хо-холаб кулади) Бале, Абу Райҳон, бале!

**И б н И р о қ** Жайжоний! Биз-ку юлдузлар билан гумроҳ эканмиз, эл галли-ғашида юрган сизлар нима қиялгисизлар?

**Ж а й ж о н и й** Буюринг, ибн Ироқ! Амрингизга муштоқмиз!

**И б н И р о қ** (кесатиб) Ибн Сино Бухораи шарифдан келиб Гурганжда хайрли ишларни қилмоқда. янги шифохона бунёд этиш ташвишида юрибди. (бирдан жаҳл аралаш Жайжонийга) Фитнакорликни бас қилинг! Ифвою адоватнинг, ғаламисликларнинг охири вой!

**Ж а й ж о н и й** (тутоқиб) Нима дединг?! Базмбоз шоҳнинг маллоҳи!... (шу пайт ташқаридан ғала-ғовур эшитилади. **О т а н и ё з** чаққонлик билан зинадан тушиб ташқарига отилади ва тезда ҳавлиқиб қайтиб киради)

**О т а н а з а р** Жавҳарий ўз гумашталари билан жазавага тушиб, ғала-ғовур кўтариб келяпти!

*Муסיқа фонида ғала-ғовур кучаяди.*

## Аванпарда тушади

### 3-Кўриниш

Аванпарда олди. Тун. Ваҳимали муסיқа. **Ж а в ҳ а р и й** кириб келади ва безовта у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлайди. Салдан кейин аланглаб **Б о з о р г а д а н** киради. Муסיқа пасаяди.

**Ж а в ҳ а р и й** Мавлоно, омонликму? Бунча кеч қолдингиз?

**Б о з о р г а д а н** Минг кўз, минг қулоқ ( оғир жимлик) Ажаб замон бўлди-ютганинг ўзингники, чайнаганинг омонат! Хўш?

**Ж а в ҳ а р и й** Эртага учрашасиз. Бошқа гап бор!

**Б о з о р г а д а н** Яна нима гап?

**Ж а в ҳ а р и й** Бу Абу Райҳон дегани бошимизга бир бало бўлди! Тилло кони топганмуш.

**Б о з о р г а д а н** Топиб бўпти! Ҳозир... (саҳна ёнбошида кўринмай турган соқчисини имлаб чақиради. Барзанги йигит киради.) Оёғингни қўлингга ол-да, Жайжонийни топиб кел! (Соқчи «хўб» дегандай бошини сидкиб чиқиб кетади.)

**Ж а в ҳ а р и й** Хабарингиз борму, Бухоролик ибн Сино билан бирлашиб харита тузганмиш...

**Б о з о р г а д а н** (Унинг гапини бўлиб) Бўлмаган гап! (газабли) Олим бўлиб олимларча фикрламайсиз! Харита эмиш! Қизил тупроқ топган чиқар.

**Ж а в ҳ а р и й** Сиз билмайсиз-да, Ибн Сино бало! У фақат табиб эмас, илми ҳабибдур! Қолаверса, базмбоз шоҳ ҳам уларнинг оғзига қарайдур! Ибн Ироқ Абу Райҳонни болалигидан олиб тарбият қилган! Унга Беруний нисбасини берган ҳам шу!

**Б о з о р г а д а н** Ҳали шундайму?! Ибн Ироқ! Шарти кетиб парти қолган тулки!

**Ж а в ҳ а р и й** Уни қўятуринг! Ҳамма гап Берунийда! «Байтул ҳикма» раисман деб дунёга жар солмоқда!

**Б о з о р г а д а н** Оббо! У нима дегани?

**Ж а в ҳ а р и й** Уму?! Бир тўда ҳардамхаёллар йиғналган жой! Ердан қуёшгача бўлган оралиқни ўлчаймушлар...

**Б о з о р г а д а н** Банггихона десанг-а! Шуларму тилло кони топадурғон?! Ўзинг ҳам вас-вас бўлибсан!

*(Шу пайт аланглаб Ж а й ж о н и й кириб келади)*

**Ж а й ж о н и й** Бу не ваҳима?! Ўт кетдиму?!

**Б о з о р г а д а н** **Ж а в ҳ а р и й** ! Гапиринг энди!

**Ж а в ҳ а р и й** Мавлоно Бозоргадон! Бу ишга енгил қараманг! Шоҳ куп қилса, мени юртдан бадарга қилар! Сиз билан Жайжоний икковинг омон қолишинг даргумон! Ҳуфёна кон очилса!..

**Ж а й ж о н и й** Жавҳарий! Нафасингизни иссиқ қилинг! Биз ҳам тирик жонмиз! Нонини оғзидан олдирадиган аҳмоқ йўқ! Шу валадизино мени илмсиз деб саройдан ҳайлатди! Юрагимда мол ачиғи эмас, жон ачиғи! Тилло конини топғонимни билмайди-да, бу ғаламис Беруний! Мендек билгир маъданшуносни хор қилди! Энди, ўлиб ҳам қутулолмайди мендан у баттол!

**Ж а в ҳ а р и й** Қопағон ит ҳурмайди, Жайжоний! Ўзингизни босинг! (Бозоргаданга) Бақли (берк) эшик бало қайтарар, кондаги ишларни тўхтатинг!

**Бозоргадан Чумчуқдан кўрққан тариқ экмайду!** Қочган ҳам Худо дейди, қувган ҳам. Кон ишини тўхтамайман! Берунийни йўқотмоқ керак!

**Жавҳарий** Ўртада шоҳ Маъмур!..

**Бозоргадан Бизла Султон Маҳмуд!** Хабар бор! Тез орада бари бузгунчиликларга чек қўядур! Ўзларини олим санаб юрган шакоклар қочарга жой топмайдилар!

**Жайжоний** Султонингиз келадиму, шоҳингиз келадиму, барибир ишни ўзимиз қиламиз!

**Жавҳарий** Баракалло! (Бозоргаданга «ханжарни беринг» дегандай имо қилади)

**Бозоргадан** (ханжарини чиқариб) **Жиҳод амри билан тобланган тиғ бу!** Уни кўрқув ва ваҳимадан фориғ, ўч, алами ҳақ, аҳди маҳкам кишигина қўлига олур!

**Жайжоний** Беринг мавлоно! (қўлларини чўзиб) Мана шу қўллар! Шунча вақт қонима ташна қилди, қонини ичурмен!!

**Бозоргадан** (ханжарни бераркан) **Жиҳод амрининг даъвати шулким, бу ишни Оллоҳдин ўзгага билдириш хиёнат!**

**Жайжоний** (ханжарни олиб пешонасига теккизади ва ўпади) **Шиддатимда жиҳод амри, нусрати Оллоҳ!**

**Жавҳарий** (фотиҳага қўл очиб) **Савобинг шаҳдингда, Оллоҳу Акбар!**

*Бариси юзига фотиҳа тортади. Муסיқа кучаяди.*

## Парда

### 4-Кўриниш

Парда «Хафифи Сегоҳ» куйи билан очилали. Настариннинг боғи. Базм авжида. Асрий гужумлар билан ўралган сарҳовуз икки ёнида ипак гиламлар тўшалган шоҳсупада шўх-шодон қизлар (**Настарин, Сунбула, Зулфизар** ва бошқалар) мена-чена, кўзаларда шарбатлар билан, безатилган дастурхон атрофида ўтириб қизлар рақсини томоша қиляптилар. Рақс тугаганда **Моҳидил** жўшқин бир ҳолатда кириб келади. Ҳамма унга қарайди.

**Моҳидил** **Қизлар!**.. Ина гап!

**Сунбула** Поҳ, эшиласан-ей... Яна на гап топиб келдинг?

**Моҳидил** **Вой-буй!** Кўрмабсан, дунёга келмабсан!

**Зулфизар** Ҳай, на бало. Бадахшоннинг лаълисими?  
**Моҳидил** (кулганча лабини сўриб Бай... бай!.. Маззи!...

**Сунбула** Лабзинами? (Хамма кулади)

**Зулфизар** Айтсанг-а!

**Сунбула** Тоқдим! Фаранг рўмоли! (ҳамма кулади)

**Моҳидил** (янада очилишиб)

Зулайҳони дали девона этган

Ҳуснда унингдек инсон топилмас!..

**Зулфизар** (Моҳидилга монанд)

Умидим тозадир билмайди жоҳил

Юсуфнинг ҳуснида нуқсон топилмас...

**Моҳидил** Ана сумбат! Ана қомат! Бухорон шарифдан бир йигит келибди! Шоҳларни даволаган табиб экан! Ҳамма дарднинг давосини топибди, лекин... (кулганча қиймириб Настаринга имо қилади)

**Настарин** Моҳидил?!

**Моҳидил** (Настаринга қиймириб)

Бедаво дардим анго аҳли ҳаким

Жам бўлиб жаҳд этса ҳам имкон топилмас...

**Настарин** (қизаринқираб, гапни буради) Қизлар! Фозилу фузалонинг ҳиммати ила мудроқ ақлларни қўзғайдиган, рангин ҳаётни ўз охорида музайян этадиган «Байтул ҳикма» жаҳон аро бир маскан бўлди.

**Моҳидил** Жумлаи оламга «Обисто»ни берган юрт бу! Эзгу калом, эзгу фикр, эзгу амал матлабимиз!

**Сунбула** Бобокалон Мусо Хоразмий илми жамолининг жилваси бу!

**Настарин** Бале, юноний муаррих мадх этган Она Тўмарис ворисларимиз! Бу даргоҳга зиё бахш этолмасакда илму ҳикматни аҳли аёл аро тарғиб этмоқ фарзимиздур!

**Моҳидил** Настарин, сиз айём устоз танладингиз! (ҳаммалари завқ билан Настаринга қарайди)

**Зулфизар** Абу Райҳоннинг заковатига қойил! (бирдан шўхлик билан Настаринга қарайди) У ёқда ул пешво, бу ёқда бу пешво! (Настарин юзида қизиллик акс этади)

**Сунбула** Зулфизар! Рашк қилаяпсанми?

**Зулфизар** Рашк-ку зийнат! Илоё қўз тегмасун!

**Сунбула** Кўнгулларнинг нозини, ошиқларнинг созини дутор сўйласун! Зулфизар, дуторни ол!

**Зулфизар** Ҳа... Моҳидил айтсин, ё ўзинг айт! (Настаринга нозли боқиб) Ҳа, Настарин?

**Настарин** Булар ўйнайди. Сунбула! Сен ҳам ол дуторни!



*(Ҳаммаларда жонланиш. Зулфизар билан Моҳидил дуторни олиб «Айтишув» бошлайдилар. Қизлар икки гуруҳ икки супада-бир гуруҳ Зулфарники, бир гуруҳ Моҳидилники. Ҳар супа олидида бир қиз рақсга тушади.)*

**Зулфизар**  
Шоққи-шоққи билазик,  
Ўн бармоқда ўн узик.  
Юзук сувин ичарлар,  
Ёр деб жондан кечарлар.

**Ҳаммаси**  
Шоққи-шоққи билазик,  
Ўн бармоқда ўн узик.  
Юзук сувин ичарлар,  
Сув деб жондан кечарлар.

**Сунбула**  
Хумор кўзлари сузик,  
Жиға, тумори тузик  
Бармоқлари созлилар,  
Дардин айтиб ёзилар.

**Ҳаммаси**  
Хумор кўзлари сузик,  
Жиға, тумори тузик  
Бармоқлари созлилар,  
Дардин айтиб ёзилар.

*(Шу ерда Жумагул ўйнаб киради ва «Айтишувга қўшилади»)*

**Жумагул**  
Шоққи-шоққи билазик,  
Ўн бармоқда ўн узик.  
Жон бўлар пора-пора,  
Бузуқни юзи қора.

**Ҳаммаси**  
Шоққи-шоққи билазик,  
Ўн бармоқда ўн узик.  
Аввал фолин бичарлар,  
Ёр деб жондан кечарлар.

*(Жумагулнинг даврага кириши, устига-устак лапарда ғализ сўзлар айтиши бизм руҳини сўндиради.)*

**Сунбула** (Жумагулга) Ёмона кетдингиз-ку, Жумагулжон ойбика! Жавобингиз анойи бўлди! «Жон булар пора-пора, Бузуқни юзи қора» У не деганингиз?

**Зулфизар** Сунбула! Эгри мўридан, эгри тутун... (кулги)

**Сунбула** Зулфизар! Тутун ҳам кўҳна ўмчадан чиқади. Ҳали ойбикангиз ёшлар!..

**Настарин** Кўйинг қизлар, ойбикани чўқиб олаверманглар!

**Жумагул** Тегманг буларга, Настарин, тегманг! Зилфизаржон сўзласин! Тутун тортар, тўғри мўри сўзласин! Тегманг!

**Настарин** (Жумагулга) Ёшингиз улуғ, сиз, булар билан тенг бўлманг!

**Зулфизар** (Жумагулга) Ким тутун?!

**Жумагул** Тутунни ютиб, дамингни чиқармай, ичингда сақлаб юрган ўзинг биласан!

**Ҳаммалари** Вой-вой! Ўлмасам!

**Сунбула** (Жумагулга, кесатиб) Бир оғиз гапга шунчами, Жумагул опа?

**Моҳидил** Зулфизар! Сен ҳам бир оғиз гапдан қол!

**Зулфизар** Мен не ледим, қизлар?

**Жумагул** Деб ҳам бир кўр! Суянганинг сув!.. Фарқ бўласан!

**Настарин** (Жумагулга) Ҳаддингиздан ошманг! Сийловни билинг!

**Жумагул** (Настаринга андак насиҳатомуз) Сиз аралашманг, бика қиз! Иллати борнинг оёғи қалтирайди! (Зулфизарга ицора қилиб) Кўргилиги ҳали олдинда буни!

**Зулфизар** (Жумагулнинг сўзини бўлиб) Осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юборинг!

**Ҳамма қизлар** Вой!! Анавун!

**Настарин** Зулфизар, бас қил!

**Зулфизар** Менда алами бор!.. Измига тушмаганни эзгилайди!

**Жумагул** (Зулфизарни қайириб) Иби! Менинг измимга тушганларнинг бари саройнинг гули! Сен-чи?!

**Настарин** (Жумагулнинг сўзини бўлиб) Сизни бу ерга ким қақирди ўзи?

**Жумагул** (сирли жилмайиб, қўлтиғидан буклоғлиқ бир хат чиқаради. Мусиқа бошланади. Жумагул индамай ҳаммаларга намойишкорона кўрсатади) Мана бу!.. ( хатни аста очиб қироат билан ўқий бошлади) Жоним, жаҳоним, кўзимнинг оқу-қораси, Жонимнинг риштаси деб эркаловчи... (Мусиқа кучайиб, хатнинг давомини босиб кетади. Анграйиб қолган Зулфизар «Оҳ» дея ўзидан

кетиб йиқилади. Қизларнинг қий-чуви... Бари саҳнани тарк этади.  
Настарин ёлғиз қолади)

**Н а с т а р и н** (қўшиқ нолон қилади)

Эй, меҳрибон оромим йўқ,  
Сани ўйлаб, сани ўйлаб,  
Бирон ороми шомим йўқ,  
Сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Ки мен кўнгул берибман то,  
Меҳринг жонимга бўлди жо,  
Бўлмай муродим, ман фидо,  
Сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Вайронадур дилу жоним,  
Тийра бўлди хону-моним,  
Қолмади сабру имконим,  
Сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Пинҳонадур ишқим зори,  
Нолонодур дилим тори,  
Очилгай ишқ, гул баҳори,  
Сани ўйлаб, сани ўйлаб.

Еткур додим пайки сабо,  
Мужда келтир сан хушнаво,  
Умидим ўчмагай илло,  
Сани ўйлаб, сани ўйлаб.

## Парда

### 5-Кўриниш

Яна расадхона. Тун энди қорая бошлаган. Шу ҳолатга мос куй чалиниб турибди. Расадхона аввалги кўринишидан анчагина ўзгарган. Унинг бир томони бузилган. Ой нурлари тушиб турган тирқиш катта очилган. ғаламислар томонидан расадхона шикаст топгани яққол кўзга ташланади. **Б е р у н и й** шогирдлари билан кириб келади ва аҳволни кўриб биррав ҳангу манг бўлиб қолади.

**П и р н а з а р** Э, воҳ! Бу ишларни қайси нобакор қилди экан?!  
**О т а н и ё з** Алидода ҳам шикастланибди устоз!

Б е р у н и й (расадхонанинг бузилган жойларини ўйчан кузатади ва аста-секин саҳна олдига келади) Биродарларим! Бу азалий қисмат! Аҳли жаҳолат уламо шуурига тушов солмоқ учун тинмай жаҳду жадал киладур. Аммо бу тушов ўзини ҳалокат домига тортади. Бу тақовул ҳолатга ҳали кўп лучор бўлурсиз... Ҳайиқманг! Қани, қўлни совутмай ишни бошланг.

О т а н и ё з дарров Алидодани тузата бошлайди.

П и р н а з а р тахтачаларни тозалайди

Б е р у н и й Пирназар, Парвин юлдузлар туркуми фалакнинг қай буржила?

П и р н а з а р 22 даража 12 дақиқада.

Б е р у н и й Насрин юлдузларига қара-чи.

П и р н а з а р Энди уфқдан кўтарилляпти... Негадир ёлғиз...

Б е р у н и й Йўғ-е! Наҳотки... Отаниёз, алидода билан бир қараб, кўр-чи.

О т а н и ё з (чаққонлик билан юқорига Пирназар ёнига чиқади ва алидода орқали юлдузларга қарайди) Устоз, Насрин икки, аммо катта доғ бор! Бири хира кўриняпти.

*(Б е р у н и й ҳаяжонланганча юқорига, шогирдлар ёнига кўторилади ва алидодани олиб кузата бошлайди.)*

Б е р у н и й Минг йилда бир келадиган ажаб ҳолат! Юноний Гиппарх битикларида... (тўхтаб Отаниёзга қарайди) Ёз. Аниқ ёз!... Унинг ҳисобича, Наврўз ҳамалнинг олтиланжи кунига тўғри келган. Минг йил ўтиб, бугун бизда Наврўз ҳамалнинг ўн тўртланжи куни қиради. Яна минг йилдан кейин йигирма иккиланжи куни Наврўзни қарши оладилар! (ажиб сокинлик)

*Шу пайт шитоб билан И б н С и н о кириб келади.*

И б н С и н о Абу Райҳон! (Беруний ва шогирдларнинг ҳайрату ҳаяжонларини кўриб сўзлашқан тўхтайди. Беруний аста пастга тушади. У шу кирганидаги завқ билан) Топдим! Охир-оқибат топдим!.. Қанча беморлар чорасиз кўз юмди. «Сайдана»да сиз ҳам рақам этмабсиз! Буйрақлаги тошнинг давоси «йилбўй» экан-ку!

Б е р у н и й Синадингизму?

И б н С и н о Шақсиз! Хоразмликлар баҳорда бир ой баракка йилбўй солиб ёйишларида ҳикмат кўл экан. Доно, илмли халқ-да!

Б е р у н и й Ибн Сино, эсингиздами юноний Гиппарх рисоласи устидаги баҳсларимиз?

И б н С и н о Хўш-хўш?

**Б е р у н и й** Юринг, алидолани олинг-да ўзингиз кўринг!  
(Иккови тепага кўтарилади. Шогирдлар ўлчов асбобини ибн Синога бериб жой бўшатадилар. Ибн Сино туйнукдан юлдузларга қарай бошлайди.) Доғларга эътибор беринг. Бизни аввал чалғитган шу доғлар экан!

**И б н С и н о** Алидоланингиз қўл келди-да!

**Б е р у н и й** Кўп муҳам ҳолатлар аниқ бўлди. Энди сун тошқинларини мукамал ҳисоблаш мумкин!

**И б н С и н о** Шул илм ноқислигидан то ҳануз сув тошқинларига чора тополмаганлар. Дегиш балосини айтинг. Дарё неча марта Хоразмни вайрон қилган.

**Б е р у н и й** Ҳазрат Мусо Хоразмий мироблиғ илмининг асосларини рисодаларида ургу берган бўлсалар-да, бунга эътибор қилмаганлар.

**И б н С и н о** Абу Райҳон! Ахир бу фақат Хоразм муаммоси эмас, дунё қисмати! Мироблиғ муаммоларини «Дорул ҳикма» муҳокамасига киритмоқ даркор.

**Б е р у н и й** Дўстим, ибн Сино! Айни муддаони айтдингиз. Муҳокамада Чин-Мочин, Шому Андалуз, Балху Марв, Арабу Ажамлан яқинда келган аҳли уламо ҳам иштирок этур.

**И б н С и н о** Сиз, Хоразм сув тошувларини бир эсланг.

**Б е р у н и й** Расадхона туйнугидан Хулкар юлдузлари кўринганда «Юлдуз тошуви» бўлади. Деҳқоннинг 100 ҳисоби бошланади-то мезонгача! 100 орасида «қирқ чилғов» тошуви, ундан аввал «Оқ балиқ», «Кўк қамиш» тошувлари бор.

**И б н С и н о** Афсус, бу ҳисоблар ҳамма жойда ҳам мукамал қилинмаган. Хоразмда салтанат мақомида Шоҳ ва Вазири Акбардан кейин мироблиғ мансаби қўйилгани бежиз эмас.

**Б е р у н и й** Ахир, бу музофотда суғорма ерлар аҳади улф-улфдан зиёла.

*Шу пайт лирик мусиқа чалинади. Ёруғлик пастга саҳнага тушади. Настарин билан Сунбула кириб келади. Беруний пастга тушади. Ибн Сино шогирдлар билан кузатишни давом қилдираверади.*

**Б е р у н и й** (Таажжубда) Келинг...

**Н а с т а р и н** Узр. Бир ният илинжида келиб эдик.

**Б е р у н и й** Холис ниятнинг ажри хосият.

**Н а с т а р и н** «Дорул ҳикмат»нинг овозаси дилимизни маҳлиё қилди. Шунинг рағбатида келишга журъат этдик.

**С у н б у л а** Аёл зотиға ул даргоҳға йўл берк эканини кўп айтдим.

Н а с т а р и н Устоз, имкони бўлса, илм машғулотларига биз ҳам қатнашсак.

Б е р у н и й Илмки Оллоҳ инояти экан, қалбида ишқи бор ҳар ким унга интилмоғи кўп шарафдур.

С у н б у л а Ул ошиққа бергаймисиз изн зиёрат этса...

Н а с т а р и н Сунбула!

Б е р у н и й Ошиқнинг муродга етмоғи ғайб иноятидур!

Н а с т а р и н қизариб бир ҳол бўлади. Шу вақт шиддат билан

Ж а в ҳ а р и й ва Ж а й ж о н и й кириб келади

Ж а й ж о н и й (Ж а в ҳ а р и й га) Мана устоз! Кўриб қўйинг фалакиёт илмининг кашфиётини!

Ж а в ҳ а р и й Чорасиз шаҳаншоҳ буларнинг афсун ва ақидалари туфайли омонсиз анкабут тўрига тушиб қолди. Энди ҳолига вой!

Н а с т а р и н Тақсир!..

Ж а в ҳ а р и й (Настаринга) Гумроҳлар макрига алданиб, не ҳолга тушмушсиз! Ахир, сиз аслзодасиз! Хайф!..

Н а с т а р и н Сиз нурдан қўрқасиз! Тотув ҳаёт сизни азоблайдур!

Ж а й ж о н и й (Берунийга) Дини исломни босқилатиб қўймаймиз! Жазонгизни берурмиз! Аҳли муслим оёққа қалқди! (Муסיқа кучаяди. Ж а в ҳ а р и й билан чиқиб кетади)

*(Оғир жимлик. Н а с т а р и н билан С у н б у л а ийманибгина чиқиб кетишади. И б н С и н о настга тушади ва дардкашлик билан Б е р у н и й олдига келади. Муסיқа пасаяди.)*

Б е р у н и й Дўстим!.. Балою офат адоват, фитна авж олган жойга ёғилади! Ифвою фитналарнинг миннати салтанат гарданидалур!..

Муסיқа кучаяди

Парда

6-Кўриниш

*Парда лейтмотив муסיқа билан очилади. Тахтда Маъмун ибн Маъмун. Тахт ошоғида Саҳлий, ибн Ироқ. Шайхулислом, Жавҳарий, ал-Беруний ибн Хлммор, Мисқовайх, Масиҳий, ибн Синоплар давра олиб ўтиришибди. Илм баҳси.*

Ш а й х у л и с л о м Ҳазрат олийлари илм аҳли турмуш чигалликларини ечмоқ муддаосида экан, фикрни бузғувчи, зехни

алловчи мавҳум идшаоларни тарғиб қилишдан не нафъ? (Ибн Маъмун Шайхулисломга йитти қараш қилиб ўринидан туради. Ҳамма туради. Ибн Маъмун уз хаёллари билан саҳна четига келади ва Шайхулисломга «Нима демоқчисиз?» маъносида нигоҳ ташлайди. Шайхулислом шиддат билан ўртага чиқиб давом қилади) Ер ўз меҳварида абадий муқимдур, билъакс нур сояси ҳам ҳаракатда ўзгармас. (истеҳзо билан Беруний томонга ишора қилиб) Абу Райҳон расадхонада олиб бораётган аъмоллар ғарази недур?

**И б н И р о қ** Сиз, Шайхулислом, андак чалғидингиз. Дурбинназар одамларгина моҳиятни илғаб оларлар.

**Ш а й х у л и с л о м** Ибн Ироқ! Ҳар ким айтса ҳам сизга услубмас. Булар дини исломга шак келтирмушлар!

**И б н И р о қ** Эътиқод илмида шундай таъбир бор: Олтиўдан Сенга етмоқнинг иложи борму деб сўраганларида Биру Бор шу илми ҳам одамлар орасига ташладим, деб жавоб берган. Гумон илм кушандасидур! Тавба денг! Билҳақ, тавба илмини хос ҳам олди, авом ҳам олди. Таваккул илмини хос олди, авом олмади. Бироқ, муҳаббат илмини на хос олди, на авом! Даҳшат эмасму бу? Бизнинг бугунги сайъи аъмолимизга фаҳму фаросатлари етмаган экан...

*(Ибн Маъмун тахт томон кела бошлайди. Ибн Ироқнинг сўзи оғзида қолади. Шайхулислом анойи ҳолатда Маъмунга боқади. Маъмун юзида мамнунликни кўриб ерга қарайди. Маъмун ўйчан аста тахтига чиқади. Ҳамма ўтиради)*

**И б н М а ъ м у н** Дуруст дедингиз, аҳли дониш баҳсу муноқаша ила ҳақиқатга еттайлар.

**Б е р у н и й** (жимликни бузиб) Ҳазрати олийлари, ҳақ гапни айтдингиз! Шайхулислом жаноблари расадхонани тилга олдилар. Илм мукошифоти энг юқори даражага кўтарилган мақомотлардагина расадхоналар бунёд бўлган.

**И б н С и н о** Юнон. Бағдод расадхоналари ила ўша музофотлар дунёи арзда шуҳрат топди. То шу кунгача аҳли илм учун назаргоҳдир!

**Б е р у н и й** Мусо ал-Хоразмий Бағдод «Байтул ҳикмат»ида етти иқлим китобларини йиққан. Биз ҳам ана шу ибратни юксалтирмоғимиз лозим. Дўстимиз ибн Сино амир кутубхонасида кўп мутолаа қилган. Арасту китобларини ва унга Форобий битмиш шарҳларни бунда келтирмуш. Ўзининг ҳам мухтасар шарҳлари бор. (Ибн СИНО аста таъзим қилади)

**Ж а в ҳ а р и й** (бирдан қаҳр билан) Абу Райҳон! Арасту дейсиз, Афлотун дейсиз! Забткор Зулқарнайн унинг илми аъмоли ила жаҳонга ўт қўйди! Битта илм бор (пауза) Қуръони Карим! (жимлик. Берунийга) Бизни чалғитма! Анов кунг ернинг бурган жойи осмон ўртасида дединг!

Шаккокликнинг ҳам чегараси бор! «Ва лаа юхитуна бишай-им мин ылмиҳи иллаа бимаа шааа васиға курсиййу-хус самааа-ваати вал арз!»—Оллоҳ таоло билган илми ҳеч бир зот, ҳатто пайғамбарлар ҳам, авлиёлар ҳам билмайди. Фақат Оллоҳ таоло билдирган илмларнигина биладилар холос. Оллоҳ таолонинг аришу курсийси еру осмонни ўз ичига олиб сигдиради. Еру осмонни кўтариб сақлашлик Оллоҳ таоло изминдадур! (У мағрурона ҳаммаларга бир-бир қарайди.)

**И б н И р о қ** Сиз, тақсир, Жавҳарий! Бидъат билан илмнинг фарқига боринг ахир! «Курсий» сурасидаги ўзингизга мос оятни ўқидингиз, ахир ундан олдинги мана бу табаррук каломда: «Ман заллазий яшфаъу ындаҳу илла бизнеҳ. Яъламу маа байна айдийҳим ва маа холфаҳум» Оллоҳ таолонинг изни билан пайғамбарлар ва илмига амал қилган олимлар қиёматда шафоат қила оладилар, деган!

**Ж а в ҳ а р и й** Ана холос, шу гапларни сиз айтаяпсизми?! «Ваш-шарру куллуҳу фи байтин ва мифтоҳу ат-такабурру»—ёмонликнинг жами бир уйдадурки, унинг калити такаббурликдур!

**Б е р у н и й** Ҳар кимнинг лафзи феълини фош қилар. Тақсир. «Ал уламоу варасатул-анбиё»—олимлар пайғамбарларнинг ворисларидур.

**Ж а в ҳ а р и й** Шоҳим! Ҳали дунёнинг оқу-қорасини танимай, ҳатто анбиёлик мақомига даъвогарлик Оллоҳга ширк эмасму? Сиз дину диёнатимиз-нинг паноҳисиз!

**И б н М а ъ м у н** Жавҳарий! Ҳазрат Рисолат demuшки, «Ан-носу ало дини мулуқуҳим»—олимлар подшоҳларнинг маслагида бўладилар. Билъакс, салтанат устуворлиги адолатли сиёсатдадир, токим раъият осойишта ва фаровон, мамлакат руст бўлсин! Иғво, адоват, ғараз ва кин авж олган жойда илм барбод, салтанат махв, мамлакат харобдур.

**Ж а в ҳ а р и й** «Миуззус-салтанати вад-дунё вад-дин»—салтанатни, дунёни ва динни мустаҳкамловчи шоҳдур. Сизга ҳақиқатни айтмоқ ва хийлаю тadbирлардан огоҳ қилмоқ фарзимиздур.

**И б н М а ъ м у н** (ўйчан, Жавҳарийнинг гапига безътибор) Раият бир нарсага кўп муҳтож. Бу хусусда Абу Райхон Беруний билан мусоҳаба қилганмиз. (жимлик) Гурганжда шоҳона «Дорул-шифо» бунёд этмоқ даркор! Вазири Акбар!

**С а ҳ л и й** Буюринг, шоҳим?

**И б н М а ъ м у н** «Дорул-шифо» харажатларини аниқ ҳисоб қилин! Харжини ғазнадан ажратинг!

**С а ҳ л и й** Хўп бўлади шоҳим!

**И б н М а ъ м у н** Ибн Сино, сиз бу ишга бош-қош бўлдурсиз! Неки чигил бўлса, менга еткуринг!



**И б н С и н о** Жоним билан, айни муддао бўлди!

**Ж а в ҳ а р и й** Ҳазрат олийлари, кўп гаплардан беҳабарсиз!  
(ибн Синога ишора қилганча кесатиб) Бу зот Қорахонийлар тегиримонига сув қуйиб, Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурнинг марҳаматларини оёқ ости қилган қочқин! Хоразмга бемақсад келмагандур!

**Б е р у н и й** Жавҳарий! Тухмат қилман! Бу чархи дун қисмати!  
Ибн Сино илм ихлоси билан келди. «Байтул ҳикма» нурафшон бўлди!

**Ж а в ҳ а р и й** (тутоқиб) Биз инсонлар ақлу зеҳнидаги исённи дафъ қилмоқ илинжида Раббоний илмларни тарғиб қилиб ижобати учун тоат-ибодат қилсак, булар шайтоний илм васвасасида раият феълини бузса, кўнгулларига гумон ва исён қутқусини солса! Ал-ҳазар! Ал-ҳазар!

**И б н И р о қ** Жавҳарий! Ҳаддингиздан ошманг! Дину ислом ҳеч вақт илмга қарши бўлмаган. Аслида сиз динни ниқоб қилиб бидъат ва куфрға ботгон қайсар феълингизни намоён этяпсиз!

**Ж а в ҳ а р и й** (жаҳл билан гўлдираб) Сиз!.. Сиз!.. (Ибн Маъмунга ўгирилиб) Шаҳаншоҳ! Билиб қўйинг! Дини исломнинг ҳимоячилари йўқ эмас! Бор! (жимлик) Султон Маҳмуд!..

**Ш а й х у л и с л о м** Жавҳарий?!

**Ж а й ҳ о н и й** (Шайхулисламга заҳрини сочиб) Шайхулислам!  
Сиз ҳам буларга сажда қиласизму? Хайф сизга!

**Ш а й х у л и с л о м** Тавба денг, Жавҳарий!

**Ж а в ҳ а р и й** Тавбани осий бузғунчилар қилади! Кўраминг ҳали! (шитоб билан чиқиб кетади)

(Оғир жимлик.)

**И б н М а ъ м у н** (Афсус билан) Салтанат илм мунозараларига торлик қиларқан... Ҳазрат ибн Ироқ эндиги суҳбатимизни «Дорул ҳикмат»да ўтказиш тадоритини кўринг.

*Ибн Маъмун ўрнидан туради. Шайхулисламдан бошқа ҳамма чиқиб кетади. Ибн Маъмун «Нима гап?» дегандай Шайхулисламга қарайди.*

**Ш а й х у л и с л о м** Ҳазрат олийлари...

**И б н М а ъ м у н** Шоҳлик рутбаси барчани тингламоқни тақозо этади. Жавҳарийнинг сўзларидаги огоҳлик ургусини илғадингизму?

**Ш а й х у л и с л о м** Аъло ҳазрат! Уни илми учун чидаб келяпмиз. Жиртақиликлари жонга тегди. Биз-ку илм мунозарасини қилмоқчи эдик. Бу адабу икромни оёқ ости қилиб, баҳсни адоват ва фитнага айлангирди.

**И б н М а ъ м у н** Султон Маҳмуднинг айғоқчилари кўпайиб бораётгани хусусида гап-сўзлар бор-ку.

Ш а й х у л и с л о м Ҳазрат олийлари илло-биллоҳ бундан бехабарман...

И б н М а ъ м у н Майли, бораверинг. (Шайхулислом ўзича бир нималар деб чиқиб кетади. Маъмун ёлғиз. Ўрнидан туриб сахна ўртасига келади.) Жавҳарий, Жавҳарий!.. Юрагингдаги тилинга чиқди-я! Демак... Султон Маҳмуд Туркистон хонлари билан сулҳ тузиб Хоразмга юзланди деган хабарлар ҳақ экан-да. Кўрамиз Султон! Қариндошлик даъво этдинг. бажо қилдук, синглимизни бердук. Энди яна қандай найранглар топаркансан!

*(Эшиқоғаси кўринади)*

Э ш и қ о ғ а с и Ҳазрат олийлари! Султон Маҳмуддан элчи!

*(Ибн Маъмун изтиробли ҳолатда тахт сари қадам ташлайди. Бургу овозлари эшитилади. Мусиқа кучаяди.)*

Аванпарда тушади

## 7-Кўриниш

Аванпарда олди. Ханотирлиғ руҳидаги мусиқа. Б о з о р г а д а н билан Ж у м а г у л кулишиб, хушкайфиятда кириб келишади.

Ж у м а г у л (ишва билан) Балосиз, бой ота, балосиз! Арининг инини бузгандай қилдим! Зулфизар тамом бўлди!

Б о з о р г а д а н Жайжонийдан эшитдим. Шоҳни ҳам қулоқ қонди қилдук! Ибн Синони бир ёқли қилмоқ керак, ҳаддидан ошиб кетди! Кўҳна амалингни ишлат!

Ж у м а г у л Мойи бўлса пилик йитти ёнади!

Б о з о р г а д а н Мойини оқишиш мендан, бажариш сендан!

ЖУМАГУЛ (бирдан ўзига келиб) Йўқ, бой ота, бўлмайди! Ахир у бедаво сил билан оғриган онамни даволади!

Б о з о р г а д а н Нозингни қўй ҳозир!

Ж у м а г у л Ҳалиям сизни деб бегуноҳ Зулфизарни шармисор қилдим! Ўлардан бери бўлди бечора!

Б о з о р г а д а н Бегуноҳ дейсанму? Ўғиганинг не хат эди?!

Ж у м а г у л (яна бирдан ўзгариб, қаҳ-қаҳа отиб кулиб) Устозим сиз ахир, бой ота! Хаттотлар соғ бўлсин! Шундай хат ёздирдимки, қиз бечора эсидан оғиб қолди!

Б о з о р г а д а н Гапни кўп чўзма! (ҳукм билан) Кўҳна амалингни қиласанми, йўқми?!

Жумагул (орқасига тисарлиб) Мени не савдоларга гирифтор этмадингиз, қай йўлларга солмадингиз! Раҳмингиз келсин! Мендан одамлар балодан қочгандай қочадиган бўлди! Балном бўлдим! Бас! Бас!

Бозоргадан Шундайму?! Яхши! Ҳали излар босилмади... Этагингнинг бир четини сал кўтарсам, Шаҳаншоҳни заҳарламоқчи бўлганинг... Сенинг ўрнингга бошқа бир бегуноҳ куйиб кетди-я!

Жумагул (яна бирдан ўзгариб, ўзини Бозоргаданнинг оёғига ташлайди) Бой ота! Жоним, бой ота!

Бозоргадан Юлун томирингга тегдими?!. (жимлик) Султон Маҳмуд айғоқчисини қўйнингга сақладинг!..

Жумагул (унинг сўзини бўлиб, оёғига ёпишади) Раҳм қилинг, бой ота!

Бозоргадан (жеркиб) Раҳм қил дейсанми? Кеча мениям сотдинг-ку, аблаҳ!

Жумагул Ёлғон! Ёлғон!.. (пешини ўпиб, илтижо қилади)

Бозоргадан (пешини тортиб) Садқаи сар! (шитоб билан чиқиб кетади)

*(Муסיқа бошланади Жумагул бир лаҳза саросималаниб, кейин «хо-хо»лаб кулади-да, телбалана бошлайди Муסיқа кучаяди. Чироқ ёниб-ўчади.*

## Аванпарда кўтарилади

### 8-Кўриниш

*Муסיқа. Сарой. Ибн Моъмун, Саҳлий. Қўллари кишанланган Жавҳарий билан Жайжоний тиз ташлаб ўтирибдилар.*

Ибн Моъмун (Жавҳарийга) Хўш, мақсадингга етдингму?!

Жавҳарий Мен... ман...

Ибн Моъмун Гумаиштанг Бозоргаданни қаёққа қочирдинг?!

Жавҳарий Ҳазрат олийлари! Уни Жайжоний биледи!

Жайжоний Иймонсиз!.. Аблаҳ!...

Жавҳарий Ҳа! Тонасанму?!

Ибн Моъмун Вазири Акбар! Бозоргаданни тезда топинг! Хуфий тилло конини аниқланг!

Саҳлий Аъло ҳазрат! Сув босқинида дарёни Хазарга оқалиган ирмоғи ювиб, буткул лойқага кўмиб ташлади! Коннинг ҳақдини ҳозир ҳеч ким билмайди! Бозоргадан қочиб кетган!

Жайжоний Ёлғон! Султон лашкарларини олиб келяпти у! (Жавҳарийга ўшқиради) Сен сотқинни тилингдан остираман! (яна ҳам жазавага тушиб) Сенларнинг дастингдан Жумагул телба бўлди!

Ҳаммангни остираман! (Ибн Маъмунга) Сен шоҳ эмассан! Сенинг кунинг битган!

И б н М а ъ м у н Жаллод! (Муסיқа бошланади, 2 жаллод шитоб билан киради) Олинг буларни! Каллаларини таналаридан жуло қилинг! (жаллодлар Жавҳарий билан Жайжонийни олиб чиқа бошлайдилар)

Ж а в ҳ а р и й (судралиб чиқаётиб) Олий ҳазрат! Олий ҳазрат!

Ж а й ж о н и й (Жавҳарийдан нафратланганча, Маъмунга бақриб кетади) Кунинг битган шоҳ, сенинг ҳам кунинг битган!

*(Жаллодлар уларни судраб олиб чиқиб кетадилар. Муסיқа кучайиб аста пасаяди. Бир лаҳза оғир жимлик. И б н М а ъ м у н изтиробда. Салдан кейин олимлар киради.)*

Ш а й х у л и с л о м Ҳазрати олийлари! Султон Маҳмуд ўз номини хутбага кўшиб ўқишни ҳукм этибдур! (оғир жимлик)

И б н И р о қ Жаҳонгирлик шухратида ёнаётган забткор симобдай титраб тургон дунёни ўз домига тортмоқда!

И б н Х а м м о р Ажаб замон! Уларни фақат шухрат эмас, нафс ҳирси жазаваси талвасага солади!

М и с қ о в а й х Башарият умрининг сафҳаларидаги қонли излар, вайронагарчиликлар, фисқу-фужур, адоват ва фитнакорликлар аларнинг кирдикорларидур!

И б н М а ъ м у н Сизлар билан ўтган кунлар фахру-шукуҳи юртга саодат ва шафоат бахш этди. Ҳар бирингиз халқ дилида ўчмас зиё бўлиб қолажаксиз... (жимлик) Аммо, Султон Маҳмуд яна бир нафратли талаб куймоқда.

Б е р у н и й Шаҳриёр! Яна қандай талаб?! (оғир жимлик)

И б н М а ъ м у н «Дорул-ҳикмат» олимларини Фазнага юборишни талаб қилмоқда!

М а с и ҳ и й Ул юҳодин ҳар не кутса бўлур! Ҳазрат Фирдавсий Султон Маҳмудга атаб битгон ҳажвни то қиёматгача янграб турур деб башорат қилгон!

«Зоти пастларга ҳеч умид боғлама,  
Қаро тун оқармас, дилинг доғлама.  
Жаҳонгирнинг номи бўлганида пок,  
Билимдонлар дили бўлмас эди чок!»

И б н С и н о Шоири замон яна демушлар:  
Аччиқ мевали дарахтни магар  
Жаннатнинг боғига кўчат қилсалар,  
Кавсардан сув ичса чанқаган маҳал,

Сув эмас, берсалар шарбату асал,  
Етилгач меваси бўладир тахир!»

**И б н Х а м м о р** Иллатки аён, анга даво топмоқ лозим!  
(жимлик) Султоннинг талаби шул эркон, не деюрмиз! (жимлик)

**И б н И р о қ** Юрт тақдири қил устида турғон чоғда аҳли уламо  
иймон қадри ила зиёда бурчлироқдурлар! (жимлик) Ҳазрат соҳиб  
тахт! Сиз амр этинг!

**И б н М а ъ м у н** Амр Оллоҳдин! (оғир жимлик)

**И б н С и н о** (жимликни бузиб) Хоразм умрим дафтарининг  
энг нурли ва маъноли саҳифаси бўлиб қолади! Кўп нарса ўргандим!  
«Тиб қонунлари»га асос булғуси илмларни тўпладим! Қарздормен!  
(жимлик) Аммо, аъло ҳазрат, мен Ҳазнага бормасмен! (жимлик)  
Устоз Масиҳий билан Эрон сари йўл олурмиз! (туноҳкорона бош  
эгади)

**И б н М а ъ м у н** Хоҳишингиз, **Ибн Сино!** (оғир жимлик)  
Фақат сиз эмас, ким қайси манзилга кетмоқни ният қилган бўлса,  
рухсат! (жимлик) Вазири Акбар! Сафар учун неки даркор бўлса,  
бисер қилинг! (Саҳлий «хўб» дегандай бош эгади)

**И б н С и н о** Куллуқ! Юрт тақдири ўртага келган эркан, аҳли  
уламо ноилож /азнага боришга мажбур! Сиз ҳазрат олийларидан бир  
тилагим бор. (жимлик) Расадхона, «Доруш-шифо», «Дорул-ҳикмат»  
ҳувиллаб қолмасун! (аста мусиқа бошланади) Афлотун «Дорул-  
илми»нинг шуҳрати минг йиллар оша бизгача келган. Сиз зоти  
олийларнинг номи билан музайян бўлган «Маъмун байтул-ҳикмат»и  
довруғи неча авлодлар оша нурли келажакка етгусидур!

*(И б н М а ъ м у н тўлиқиб ўрнидан туради. Ҳаммалари туради)*

**И б н И р о қ** Оллоҳ ўз карамини аввал илмлига, кейин  
тушунғонга ва суни ишонғонга бахш этмушдур!

**И б н М а ъ м у н** Дуруст ледингиз, тақсир! Илму ҳикмат  
боқийдур!

*Мусиқа кучаяди*

Парда

## 9-Кўриниш

*Видолашув руҳидаги мусиқа. Саҳнага Настарин, Сунбула. Моҳидил,  
Зулфизар уйчан кириб келади.*

**С у н б у л а** Настарин!

*(Настарин гапирмай интизорлик билан Сунбулага қарайди.)*

**М о ҳ и д и л** (оғир тин олиб) Ҳар дилда бир армон!.. Қандай завқли дамлар эди-я!

**З у л ф и з а р** Настарин бизни илм оламига олиб кирди!  
Дунёни танидик! Устознинг китоботи...

**С у н б у л а** Устоз ўзининг «Ал-осорул-боқия мин ал-қурунул-ҳолия»—Ўтмиш ёлгорликлари китобини Пирназарга қолдирибди.

**З у л ф и з а р** «Хоразмнинг машҳур зотлари» тарих китобини Отаниёзда кўрдим.

*(Қизлар китоблар хусусидага гап чоғида бир-бирларига, айниқса,  
Сунбула билан Зулфизарга маъноли қарашади.)*

**М о ҳ и д и л** Мен бир нарсага суюнаман! Фаламислар қанча гийбат қилмасин шаънимизга доғ туширолмади! (Зулфизарга қиймириб қарайди) Зулфизар! (жимлик) Қасд этди-паст бўлди!  
Жумагул улоқиб кетди!

**З у л ф и з а р** Оллоҳга минг қатла шукур!

**С у н б у л а** Сизларнику билмайман, бу видолашув онларига қандай тоқат қиларканмиз!

**М о ҳ и д и л** Эҳ, чиқонлар, чиқонлар! Устозлар кетяпти, юртдан баҳор кўчгандай!..

*(Шу ерда Н а с т а р и н қўшиқни ўрта авжидан куйлашни бошлайди,  
қизлар жўр бўлади)*

**Н а с т а р и н**

Муқим кўк тоқида юлдуз, Тоҳир-Зуҳро келдию кетди,  
Талпиниб кечаю-кундуз, Вомиқ-Узро келдию кетди.

**Ҳ а м м а л а р и**

Муқим кўк тоқида юлдуз, Тоҳир-Зуҳро келдию кетди,  
Талпиниб кечаю-кундуз, Вомиқ-Узро келдию кетди.

## Н а с т а р и н

Жунун даштига кирди ким, адашмай чиқмади ҳечким,  
Ютиб дардини дилга жим, Қайсу Лайло келдию кетди.

## Ҳ а м м а л а р и

Жунун даштига кирди ким, адашмай чиқмади ҳечким,  
Ютиб дардини дилга жим, Қайсу Лайло келдию кетди.

## Н а с т а р и н

Кетурсиз чорасиз элдин, қолур руҳи равон бунда,  
Ўчмагай меҳрингиз дилдан мубтало келдию кетди.

## Ҳ а м м а л а р и

Кетурсиз чорасиз элдин, қолур руҳи равон бунда,  
Ўчмагай меҳрингиз дилдан мубтало келдию кетди.

*(қўшиқнинг охирида саҳнага Ибн Ироқ, Беруний ҳамда шогирдлар  
кириб тинглаб туришади.)*

Н а с т а р и н (Берунийга дард билан) Устоз, қандай кунларга  
қолдик. Яна дийдор кўришмоқ насиб қилармикан?

Б е р у н и й Дийдор ғайб, Настарин, азал тақдирга шак  
йўқдур! (Настаринга яқинлашади) Настарин! Фоний дунёнинг  
ҳийлаю фитналарига бардош керак! Бу фол бизларнинг қисматга  
тушгон эркон на чора! (жимлик) Балосига сабр, қазосига ризо!  
(оғир жимлик)

Н а с т а р и н Борлиқ илм бунда жам бўлгандай эди. Табаррук  
даргоҳларгина эмас, устозларсиз қалбимиз ҳам ҳувиллаб  
қолаётгандай...

Б е р у н и й Ҳа, Настарин, уларнинг ҳар бири бир дунё.

Н а с т а р и н (хўрсиниб) Хоразмнинг шон-шуҳратини оламга  
ёйган Расадхона, «Дорул-хикмат», «Дорул-шифо» наҳот эгасиз бўлиб  
қолса?

Б е р у н и й (ўйчан саҳна олдига келади. Аста мусиқа бошланади)  
Беқарор хилқатнинг кирдикорлари кўнглингизни чўктирмасун! Ҳар  
не ҳақиқатнинг ҳикматлари бисёр! Оллоҳи Карим инсонни суюб  
яратди! Унга сабр ва умидворлиг шуурини бахш этди! Иншооллоҳ,  
замонлар келадиким, биз яратгон илму урфон юксаклик сари илк  
зинадар бўлиб қолғусидур! (жимлик) Тўғри айтдингиз, Настарин,  
Мусо Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Ироқ, ибн Синодек

даҳолар О л и с Ю л д у з л а р каби зукко авлодни, то абад,  
эзгулик ва комиллик сари чорлаб туражакдур!..

*Шу пайт сахнанининг бир тарафидан Султон Маҳмуд одамлари  
кўринади. Икки навкар сал олдинга қараб юради. Беруний, Ибн Ироқ,  
ибн Хаммор, шогирдлар навкарлар олдига тушиб юра бошлашади.  
Музиқа кучаяди*

## Парда

*9 Февраль 2006 й.*



# Шоҳ бўлди ишқ ичинда

*(5 кўринишли муסיқий драма)*

## Қатнашувчилар:

- Алишер Навоий – 30 ва 50 ёшларида  
Хусайн Бойқаро – 30 ва 50 ёшларида  
Огаҳий – 60 ёшларида  
Феруз – Хива хони, 25-26 ёшларида  
Комил – шоир Комил Хоразмий, 40 ёшларида  
Хондамир – тарихчи, 20 ёшларида  
Қозикалон – Хирот қозиси, 50 ёшларида  
Хадичабегим – Хусайин Бойқаро хотини, 40  
ёшларида  
Матвафо – гўянда, 40 ёшларида  
Давлатбахт – Хадичабегимнинг канизаги, 20  
ёшларида  
Арзгўй – Хиротлик, 45 ёшларида;  
Созандалар, гўяндлар, раққосалар

## 1-Куришиш

Хива. Шамлар ёқилган сўлим боғ саҳни. Олисдан гумбазу,  
миноралар Ой нурида жилоланиб, оқшом қўйнига сирли фарах  
бахшида этиб турибди. Боғда хон Ф е р у з , О г а ҳ и й , К о м и л  
Х о р а з м и й , М а т в а Ф о позачилар суҳбатлашиб ўтирибди.  
Хизматкорлар, чой, овқат, мева-мастон ташиб турибдилар. Узоқдан  
Ферузнинг «Базмимға келди» газали «Нақши Рост» куйида эшитилади  
(авжидан бошлаб берилса ҳам бўлади)

Базмимға келди ул пари рухсориин айлаб гул букун,  
Чексам не тонг ўтлуғ наво, ул навъким, булбул букун.

Бўлди машомим мушк иси бирла муаттар, эй қўнгул,  
Юз узра ёзмишдур магар ул дилрабо кокул букун.

Кўнглумға таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб,  
Ким, гулузорим илкида мийно қилур кулкул букун.

Сармасти саҳбо бўлғали чиний қадаҳни тўлдуруб,  
Аввал ўзи нўш айлабон тутди манго ҳам мул букун.

Ул оташин юзни кўруб, гулшанда шайдо андалиб.  
Ишқи ўтиға ўртаниб, бўлмиш вужуди кул букун.

Тун бода ичмай, зоҳило, худбинлик изҳор айладинг,  
Бу беадаблик бўйнинга тасбеҳинг этмиш гул букун.

Гарчи эрурман толеи Феруз ила оламға шоҳ,  
Лек ул парилар сарвари олдиладурман кул букун.

О г а ҳ и й (ашула тутагач) Баракалло! Баракалло хон ҳазратлари!  
Феруз дебон тўғри лебман мулаққабингиз. Бахту саодатингиз, толе-  
иқболингиз бундан-да бийик бўлғай!

Ф е р у з Устод! Мени уялтирманг! Сиз абёту салтанатнинг  
огоҳисиз, Огаҳийсиз! Мен камина сизнинг шогирдингизман.

О г а ҳ и й Бале, шогирдимсиз, вале Хоразм мулкининг соҳиб  
саририсиз! (жимлик) Маълумингизким, 1469 ланжи йил рўза ойининг  
биринчи жума куни Ҳиротда хутба Ҳусайин Мирзо номига ўқилди.  
Улуғ устодимиз Мир Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаронинг  
тахтга ўтиришига бағишлаб 90 байтдан иборат «Ҳилолия» қасидасини  
битган. (кўларини хиёл юмиб) Ҳазрат бир жойида шундай дейдилар:

Шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳики ҳақ,  
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин.

Ҳазрат Навоий Ҳусайн Бойқаронинг барча фазилатларидан кўра муҳимроғини ана шу хислатларида кўрадур. Ва бағишловни итмомиға еткурурда дейдилар:

Хисраво, зотингни васф этмак Навоий ҳадди йўқ,  
Аvlo улким, зоҳир эткай бенаволар одатин.

**Ф е р у з** Бале, устоз! Сиз ҳам менинг тахтға ўлтиришим боис ёзган 69 байтги маъвизаи-насиҳатингиз тарих бўлиб қолажак! Устод, Навоий ҳазратлариға бўлган ихлосингиз ҳар недан устунлиғини борлиқ назм аҳли яхши билади.

**О г а ҳ и й** Билҳақ, хон ҳазратлари, билҳақ!..

Огаҳий, ким топқай эрди сози назмингдин наво,  
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго.

Ва янаким, Алишер Навоий Исонафаснинг бағишлавиданму, Худонинг марҳаматидинму Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон мулкига салкам қирқ йил хумронлиғ қилган бўлса, фақирнинг маъвизаи илтижоси бирла Сиз хон ҳазратлари адолат туғини баланд тутиб, ундан-да кўпроқ давр ҳукмронлиғ қилсангиз мамлакат ривож и маснади маъво бўлғуси, халқ комрона яшағусидур, иншоолло! (аста мусиқа бошланади)

Бугун, подшоҳо, сенга салтанат,  
Берубдур худо кўргузуб марҳамат.

Агарчи бу иш бас оғир юк дурур,  
Ғаму меҳнати неча турлукдурур.

Ўзингни бу юк чеккали чоғлағил,  
Камар белға ҳиммат билан боғлағил.

**К о м и л** (давом қилади)  
Бу ишда ўзинг солма, мардона бўл,  
Жалодат шиору далерона бўл.

**О г а ҳ и й** Ва ажабким, Султон Ҳусайн Бойқаро қай бир тарафлари ила сиз хон ҳазратлариға ўхшаб кетади. (жимлик) «Равзатус-сафо» еттинчи жилдида Мирхонд ва унинг ўғли Хондамир

Султон Хусайн Бойқаро хусусида бағоят хўб ҳам муфассал сўз юритмишлар.

**Ф е р у з** Дағи, Бобур Мирзо ҳам «Бобурнома»да Султонни қийиқ кўзлуқ, шерандом бўйлуқ киши эрди. Белидан қуйи ингичка эрди. Бовужудким улуғ ёш яшаб, оқсоқоллик бўлуб, хушранг, қизил, яшил абришимни кияр эди.

**К о м и л** Узр, хон ҳазратлари, устоз Навоий бежиз айтмаган эканлар-да:

Эй Навоий, олтуну шингарфу зангор истама,  
Булди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

**О г а ҳ и й** Баракалло, Комилжон! Ҳазрат дағи айтмушлар:

Чарх агар ҳолима қон йиғламади ҳажр туни,  
Нега бас бўлди шафақдин юзи ул шом қизил...

**Ф е р у з** Устознинг маҳоратлариға тасанно! Қаранг, ул қуёш эл, халқ хулласин-либосини кўк-хузродек яшил қилмиш демушлар:

Истамас бўлса қаро эл рўзгорин ул қуёш,  
Хулласин бас невчун этмиш чархи хузродек яшил.

**О г а ҳ и й** (ўйчан) Алишер Навоий Султон Хусайинни кўп маротаба турли офатлардан сақлаб келгани ҳам тарихдан маълум. Султон тахтга ўлтиргоч, ўн икки имомни хутбада ўқитмоқчи бўладур. Маълумингизким, бул шийилар мазҳабидур. Алишер ҳазратлари ҳамда яқин аъёнлари Султонни сунний мазҳабида қолишга ундайдилар ва бул сайъларидин шунга эришадурлар.

**Ф е р у з** Демушларким, мафосил заҳмати-суяк бўғунлари оғриганидин, бод бўлгани боис Султон намоз қилолмас, рўза ҳам тутмас эркан.

**К о м и л** Астағфурилло! Шул сабабдин эрканму тахт олганидин олти-етти йилдан сўнг ичкуга, майхўрликка берилган эркан-да.

**О г а ҳ и й** Комилжон, иним Хоразмий, Султоннинг ичкуликка берилмиш сабабларини бошқа жиҳотдин изламоқ маъқул. У киши қирқ йилга яқин Хуросонда адолатли ҳукм юргизди. Илло, мен они оқламоқчи эмасмен, лекин у ҳам Оллоҳнинг ожиз бандаси, атроф-жониб ҳавоси, мансаб илинжида ҳар не харомхўрлигдин қайтмайтургон нокаслар хушюмади ва энг азоблиси яқинларнинг сотқинлиғи, баъзи олчоқ, ғаламислар найранги ила ўз пушти камаридин бўлгон фарзандларнинг отага қаршин қўл кўтариши.

Хадичабегимнинг тахт ишларига аралашуви, дағи не-не жангужадаллар асорати майи ноб нўшлиғи бирлан барҳам топажаклек, анга ружу қилмишлар.

**Ф е р у з** (бирдан сергакланиб) Шаъмангиз андак беурин, устоз!

**О г а ҳ и й** Худо сақласун, хон ҳазратлари! Илло, бу гапим сизга тааллуқли эмасдур. Сал теғиб кетган бўлса, Навоидан ибрат деб билгайсиз, чунким, ҳазрат Астрободдалиғида пойтахт Хиротда Маждиддиннинг ўзбошимчалиғи, анинг жонибидағи ёвуз ниятли кимсаларнинг бадкирдорлиғи мамлакат аҳволини мушкул қилган. Султон Ҳусайн Бойқаро яқин аъёнлари била майхўрликка муҳкасидан кетган. Султон ҳалокат сори кета бошлагон. Ҳазрат Султонга Астрободдин хат битуб, бундоғ иллатдин сақланишни, майхўрликка чек кўйишни, магарам буни кескин чеклаб бўлмаса, эрталабдан ичмай, ҳеч булмаса, тушдан кейин ичиш лозим деган...

**К о м и л** Во ажаб! Ина дўстлук, ина яқинлик! Вой-бўй!

**Ф е р у з** (Огаҳийга) Бу янглиг битиклардин бохабармен! Мактубнинг бир жойида ҳазрат шундай ўғит этадилар: «Яна улким, мулк ва мол ишилини, бас додхоқ ишидин фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун кутубхонага кирилса, кутубхона аҳли била машғуллик қилилса. Навобдин ҳар қайси муносиб кўринса, тавориҳ ўқумоқ буйрулса.»

**О г а ҳ и й** (ним табассум билан) Сиз, хон ҳазратлари, ҳали шаҳзодалиқ чоғингиз, 15 ёшми, 16 ёшингиздами фақирга форсий «Қобуснома»ни бериб, туркийга ағдаришимни буюрган эрдингиз! Шунда, қачон ҳукмдорлик нигини илгингизга тегса ҳам элпарвар, назму, созпарвар хон бўлурсиз деб, кўнглумга тугуб эрдим.

**М а т в а ф о** (хонга аста таъзим ила) Бир созлик гурунг бўлли-ёв!

*(У Комил Хоразмийга тўғрими ишорасини қилади, Комил Ферузга илҳақлик билан қарайди)*

**Ф е р у з** (Огаҳийга) Позачининг гапига нима дейсиз, устоз?

**О г а ҳ и й** (кулимсираб, Матвафога боқадн) Хон ҳазратлари, Матвафо бир нарсага бежиз ишорат этмайду: Лаблаги хол суйдирад, кўкракдаги хол куйдирад дейдилар. Бу бизнинг кукрагимиздаги холдур! Айтсун!

**Ф е р у з** (Комилга) Унда тапни (чилдирмани) Мирзобоши олмаса бўлмас!

**К о м и л** (сал талтайиб) Хон ҳазратлари, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, бир эркалик қилсам..

**Ф е р у з** Дуторни олайнму?

**К о м и л** (завқ билан) Тасанно, хон ҳазратлари, тасанно!  
Қўнглимда ини топдингиз! (Оғаҳийга нима дейсиз дегандай қарайди)

**О г а ҳ и й** (лабида табассум ила) Тингловчи фақир бир мен  
эканман-да. (Ферузга мамнуният билан юзланиб) танбур  
чалганингиздин бохабармиз, баҳрамаңдигимизнинг канораси йўқ.  
Дутор машқингиздин ҳам баҳравор ўлсак не тонг!

**К о м и л** (ўзининг газали матлаъсини ўқийди)

Жаҳонда сознинг анвои кўпдур,

Вале, истар галову шоҳ танбур.

Валекин, хон ҳазратларининг муборак дастлари дутор эшувда  
бошқа бир олам

*(Комил ўрнидан туриб хонга дуторни қўш қўллаб узатади)*

**Ф е р у з** (ним табассум ила дуторни олиб, Оғаҳийга) Унчалик  
эмас, устоз, Мирзобоши андак кўпиртириб мақтади. Майли, қани  
дутор бўлса, дутор-да, (беғараз кулимсираб) ботирга яроғнинг фарқи  
йўқ дейдилар! (Матвафога қараб) Нима айтасиз?

**М а т в а ф о** Хон ҳазратлари, сиз нима десангиз шу!

**Ф е р у з** «Рост»нинг талқинига ҳазрат Навоийнинг «Гул  
керамастур»ини ўқисангиз, (Оғаҳийга хуш қараш қилиб) нима  
дедингиз?

**О г а ҳ и й** Бале, нуран ал нур бўлғай, баракалло!

*(Феруз Матвафо позачига бошланг маъносида ишора қилади.)*

**М а т в а ф о** (маъқул дегандай бош ирғаб, салдом билан  
бошлайди)

Гул керамастур манго, мажлисда саҳбо бўлмаса,  
Найлай саҳбони бир гул мажлисоро бўлмаса.

Базмаро хуштур қадаҳ кавқаб, вале эрмас тамом,  
Мутриб хуш лаҳжаи хуршид сиймо бўлмаса.

Меҳру, моҳу, Муштарию, Зухра чун қилди тулуъ,  
Ҳеч наҳс ахтар тулуъи анда қатъо бўлмаса.

Мунча бўлса ҳам муюссар жамъ эмас хотир ҳағуз,  
Токи муғ кўйида бир маҳфуз маъно бўлмаса.

Чун бу ерда ичкаридин руст боғланди эшик,  
Одам эрмас ул кишиким, бодапаймо бўлмаса.

Хуштурур бу навъ амният, вале оқшомгача,  
Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Хар кишига умрида бу навъ бир кун берса даст,  
То абад гам йўқ агар бўлса яна ё бўлмаса.

Умр базмида нишот асбоби дилқашдур баса,  
Гар ҳаводис шаҳнасидин анда яғмо бўлмаса.

Эй Навоий, гар насибингдур абал умри, керак  
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса.

О г а ҳ и й ( ашула тамом бўлгач, хушҳоллик билан) Ташаккур  
Матвафо! (аста мусиқа бошланади) Навоий ҳазратлари руҳи покларига  
бахшида этилгон бу навозиш, иншоолло, дилларимизни пурнур,  
мартабаларимизни бейик қилгай... (ажиб сокинлик) Хон ҳазратлари,  
сиз ҳали ёшсиз, олдингизда улкан ишлар, мамлакат ташвишлари  
баробарида, уй-рўзгор юмушлари, фарзандлар тақдири ила боғлиқ  
гоҳида ечими оғир не-не воқелар содир бўлмоғи мумкин.  
Маълумингизким, Султон Ҳусайн Бойқаро ёшлиғидан қучқорға,  
каптар учуришга, хўроз уруштиришга ихлослиги баробарида  
«Ҳусайний» лақаби билан ажиб назмгў, девон тартиб берган шоирдир.  
Шижоатию, мардонлиги, адолатпарварлиги ҳусусида куп ёзилган.  
(жимлик) Мен ҳозир Алишер Навоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро  
ҳақида мутаржимлиғ қилгоним, Зайнишдин Восифийнинг «Бадоеъул-  
вақоеъ» тазкираси ва бошқа битикларда келтирилгон воқеълардан  
бир шингил айтиб берай, маҳфили-мажлисимизга хуш келса, не  
ажаб...

*(Мусиқа авжланиб аста пасаяди)*

Парда

## 2-Кўриниш

*Парда сақил куй фониди очилади Хирот Шоҳ қасри. Қизғиш-кўкимтир чироқ нурлари тилсимий кўриниш бериб турибди. Ўрта ёшлардаги Хусайн Бойқаро тахт ошоғида хаёл суриб аста одимляпти.*

Х у с а й н (аста таралаётган куй фониди ички монолог)  
Астафурилло! Қаерда янглишдим? Тахт даъвосига мен ҳам ёт эрмасман-ку! Абусаид мирзо била икковимиз ҳам бобомиз Шоҳрух мирзога бирдай аҳли насабмиз. Ёдгор Муҳаммад ила тоғай-жиян эдик, қолаверса, у менинг завжаи ҳалолим Шаҳрибонубегимнинг туғишган иниси, қайин иним эди. Хўш, Шаҳрибонубегимнинг мен ишонган синглиси Поянда Султонбегим нима қилди! У ҳам биродарзодаси Ёдгор Муҳаммадга Хирот қалъасини очиб берди, унинг номига хутба ўқитди! У ҳам завжам! Ёпирай! Қўйнингда ётгонинг кўзингга чўп суқса, душманинг не қилмайди! Икки ўртада Ёдгор бошидан айрилди! (жимлик) Энди, ўғлим Бадиуззамон менга қарши, тирик отасига қарши бош кўтармуш... Унинг онаси Бека Султон бегимнинг кажхулқлиғидин талоқ қилғунимга қадар нечалиф озурда яшаган бўлсам, эндиликда шумоёқ ўғилдин беҳал озурдамен! (Шу ерда Хадича бегим оҳиста босиб кириб келади. Султон андак анграйиб қарайди) Хўш, не гап? (Хадича сўзломмай бироз таралдулланиб туради) Тинчликму?

Х а д и ч а Тинчлик, олий ҳазрат, тинчлик?

Х у с а й н Унда не харосат?

Х а д и ч а (ноз-карашма билан) Йўқ ҳазратим, ўзим сизни кўргум келди?

Х у с а й н Кеча оқшом кўришдук чоғи?

Х а д и ч а Оқшом-оқшом, кундуз-кундуз... (жимлик) Бир гаройиб фикр калламдан кетмайдур, ҳазратим.

Х у с а й н Хў-ўш?

Х а д и ч а (бироз ийманиб) Нега дўстингиз Алишербек уйланмайдилар?

Х у с а й н Нега унинг қайғусини қилиб қолдинг? Ё?..

Х а д и ч а Қандай тилингиз борур? (жимлик) Унда невчун мени хотунлиққа олдингиз? Бўйинингизга осилмагон эдим чоғи? Султон Абусаид мирзодин кўрмаган рўшнолиғни сиздан кўриб, бошим осмондадур! Фунчачилик мартабасидин, бегимлик мартабасига кўтардингиз, минг чандон ташаккур! Лекин, мени аввалғи



гунчачилиғ мартабамни ёдинғиздин кўтаролмаётганинғиз ғалат, олий ҳазрат! (қайрилиб кетмоқчи бўлади)

Ҳ у с а й н Тўхта! (жимлик) Суюкли уғлимиз Музаффар мирзоға эътимоду, эътиқодимиз бийиклиғи сенга бўлган муносабатимнинг инъикоси эмасму? Яна не даркор? Алишербекка келсак, у мен билан болалиғдин бирга ўсиб, бирга катта бўлгон, сафдош, сирдош дўстим! Унинг этағи тоза, порсодур! Аммо, йигитлиғиға шубҳам йўқ!

Х а д и ч а (яна аввалги, нозли ҳолатиға қайтиб) Ана, кўрдинғизму, ўзинғиз ҳам шубҳам йўқ, дея гумонли тусда айтяпсиз! (карашмали табассум билан) Олий ҳазрат, шуни би-ир синов қилмаймиз?

Ҳ у с а й н Нимани-и?

Х а д и ч а Нимани эмас-да, кимни...

Ҳ у с а й н Кимни-и? Хў-ўш?

Х а д и ч а Алишербекни-да...

Ҳ у с а й н (сал қизиқиб) Қандай қилиб?

Х а д и ч а Аслида шуни айтишға кириб эдим. (жимлик) Давлатбахт деган ҳуснда беназир, аммо шаддоду, шумликдаям бир офатихон канизим бор!

Ҳ у с а й н Хў-ўш?

Х а д и ч а Шуни кеч томон ясантириб-тусантириб, Алишербек олдиға юборсам... нима дейсиз?

Ҳ у с а й н (ташвишли ўйланиб) Қандоғ бўларкин? Алишербекнинг кўнғлуни оғритиб қўймасмизму?

Х а д и ч а Асло! Биринчидан, бу ишдан сиз воқиф эмас бўлғайсиз! Иккинчидан, кўлиға егулик-ичкулиғ тугунчак бериб, хизматқор била жўнатғайман! Учунчидан, Давлатбахт бу сиримиздин огоҳ бўлмағай! Аксинча, зимдан сезурманким, Давлатбахтнинг ҳам Алишербекда кўнғли бор! Илож қилиб, саройдан чиқолмай, боши гаранг! Бир оғиз илтифотимдин қанот боғлаб учқай! (кўз қирини анойи қиймириб) Подшоҳликни андақ унутиб, салтанат озорларидан сал бўлсаям фориг бўлинг дейман-да, ҳазратим!

Ҳ у с а й н (очилишиб кулади) Мен не ғамлаю, сен не ғамда! Майли, сен айтгонча бўлсун! Натижасини еткурурсен! (бош чайқаб кулади)

Х а д и ч а (чиқаётиб) Натижаси, иншооллоҳ, эртаға маълум бўлур! (кетади)

*(Борғоҳда ташвишли ҳолатда Эшик оғаси кўринади ва аста йўталади.)*

Ҳ у с а й н Нима гап?

Э ш и к о ғ а с и Қози калон бирлан бир арзгўй кирмоқ истайдур.  
Х у с а й н Айт, кирсунлар!

*(Қози калон бирлан бир арзгўй кириб, таъзим иласалом берадилар)*

Қ о з и к а л о н Ассалому-алайкум, олий ҳазратлари!

А р з г ў й Ассалому-алайкум, олий ҳазратлари!

Х у с а й н Ваалайкум-ассалом! Хўш, не гап?

Қ о з и к а л о н Айтишға тилим бормайдур, олий ҳазрат! (Аста  
Арзгўйга қарайди)

А р з г ў й (кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб) Мен сиздан хун  
сўраб келдим?

*(Оғир жимлик)*

Х у с а й н Хун сўраб?! Қози калон!

Қ о з и к а л о н Лаббай, олий ҳазрат?

Х у с а й н Бу доғули кас не деюр?

Қ о з и к а л о н Шундай, олий ҳазрат! Валадинғиз... Сухроб  
мирзо... бугун хўроз уриштирув сайлида қизиққонлик ила бу  
банданинг ўелини ўлдириб қўйиблур!

А р з г ў й (янада ғазабга миниб) Жонга жон, қонга қон! Хун  
талабмен, хун талаб!

Х у с а й н (бирдан овозини кўтариб) Валадимиз бекор қон  
тўкмагон чиқар, ўглингнинг ҳам гуноҳи йўқ эмасдур?!

А р з г ў й Аксинча! Валадинғиз гуноҳқор, валадинғиз!

Х у с а й н Ўзингни бос! (оғир жимлик) Қози калон, бу воқеани  
тафтиш этдинғизму? Қачон содир бўлмиш! Нега мен беҳабармен!

Қ о з и к а л о н Узр, олий ҳазрат! Мен сизнинг хабаринғиз бор  
деб ўйлабмен! Шаҳарда ола-тасир шовқун! Сизға шиговуллар...

Х у с а й н (ғазаб билан унинг сўзини бўлиб) Нима шиговуллар?!  
Нима шиговуллар?! Сенинг вазифанг нима?! А?! Сенинг  
вазифангмасму бу?! Сухроб мирзо қаерда?!

*(Оғир жимлик)*

Қ о з и к а л о н Қочиб кетмуш! (жимлик) Тафтиш этдум! Бу  
банданинг ўғли бегуноҳдур! Кўрган билганларнинг бариси бунни  
тасдиқ этмушлар!

А р з г ў й Менинг яккаю-ягона қўй оғиздин хас олмайтурғон,  
ростгўй ўғлим тўпга аралашмайтурғон бўлғонидин сайилға ўзим  
мажбур юборғон эрдим, олий ҳазрат! Ҳамма айб менда! Ҳамма айб,  
мен бадбахтда!

**Х у с а й н** (дарғазаб, Қози калонга) Нима бўлгон ўзи?!

**Қ о з и к а л о н** Айтмушларича, хўроз уриштирувда Сухроб мирзо андак фирромлиқ қилгон!

**Х у с а й н** Бефирром қимор эшитганмусен?! Бир санчғонда қочиралигон хўроз тепкисини эговлаб, ўқ янглиғ учлуғ қилмоқдин беҳабар қиморбоз бормикан? Хўш, хўроз уруштирувда Мирзонинг фирромлиғи не бўлмуш?

**Қ о з и к а л о н** Сухроб мирзо рақиб хўрозини мақтов баҳонасида онинг орқасини сийпаламуш чоғи... кўзларни шамғалат этуб, хўрознинг орқа тешигиға бармоғини тиқиб олмуш бўлғай!

**Х у с а й н** (муштини тукканча, тиззасига уриб) А бадбахт, тасқара! (ўрнидан туриб кетади) Орқалангон хўроз уруша билмас! Магарам шу рост бўлса, Мирзо ҳар не жазоға лойиқдур!

**Қ о з и к а л о н** Томоша эткувчилар бул фирромлиғни қоралағонлар. Аммо, бу банданинг ўғли аралашиб, тасдиқ этгон чоғи, ора масофалари яқинлиғдин Мирзо анго танбеҳ бермуш бўлғай! Ул бандан ожиз ростгўйлиғ қилиб, гапидан қайтмоғон ва Мирзо ғазабдин анго ханжар урмиш бўлғай! (оғир жимлик)

**А р з г ў й** Бир оғиз танбеҳини рад этгонға бу қадар қон тўкмоқ мумкинму?! Шоҳнинг ўғли бўлса, фақиру бечорани ўлдир берадиму?

*(Оғир жимлик)*

**Қ о з и к а л о н** Мирзо топилғоч, яна тафтиш этурмиз, гуноҳини яна бир карра аниқлағаймиз, олий ҳазрат!

**Х у с а й н** (оғир ўйга ботиб ) Ҳукмимға қулоқ беринг! (аста мусиқа чалинади) Мирзони топиш ва қайта тафтиш этмоқни Қози калонға топширурмиз! Магарам, Арзгўйнинг гапи рост эрса, Мирзони анинг кўлиға беринг! Ўзи тўксун Мирзо қонини! Бегуноҳ қон тўкмуш банда ким бўлғонидан қатъий назар, салтанат низоми олдида тенг жавоб бермоғи лозим! Менинг фарзандим бегуноҳ одам ўлтуруб, гуноҳға ботгон эркон анинг ҳам жазоси ўлумдур!

*Мусиқа кучаяди*

**Парда**

### 3-Куриниш

Парда нафис лирик куй билан очилади. Тун энди сепини ёйган. Алишер Навоийнинг ижодхонаси. Шамлар ёгдусида Навоий ижод билан машғул. Тугунчак кутариб, навозиш ила аста қадамлар ташлаб Давлатбахт киради

Д а в л а т б а х т (секингина йўталиб) Ассалом!

А л и ш е р (ялт этиб қаради) Ваалайкум-ассалом! (жимлик)  
Хўш, сиз кимдурсиз?

Д а в л а т б а х т (саросималаниб) Давлатбахтман. Бегимнинг канизагиман. (қўлидаги тугунчакка ишора қилиб) Бегим бериб юбориб эдилар.

А л и ш е р (янада ҳайрат ила мулойим) Бегингиз кимдур?

Д а в л а т б а х т Хадичабегим.

А л и ш е р Не ғараздин?

Д а в л а т б а х т Айтишга уяламен.

А л и ш е р (ўрнидан туриб) Келишга уялмағон, айтишга уяласизму?

Д а в л а т б а х т Ёзгон ашъорингиздин қўлимга тушғонини ёд билурман. Сизга ихлосим баланглигидин бегим хабардорлар.

А л и ш е р Тунда келишингиздин не ғараз? Қўрқмадингизму?

Д а в л а т б а х т (чўзиб) Йў-ўқ, кундуз гап-сўз, эл оёғи тинғоч юбордилар. Хизматкор билан.

А л и ш е р Хизматкор қани?

Д а в л а т б а х т Мени ичкари киритиб, кетди.

А л и ш е р Кетди? Нега кутиб турмай кетади?

Д а в л а т б а х т Зарур ишлари бор эди.

А л и ш е р Энди бир ўзингиз, тун оқшомда қандоқ кетурсиз?

Д а в л а т б а х т (нозланиб) Уялтирманг. Мен янги битгон ғазалларингизни эшитиш иштиёғи сабабдин бу оқшомга рухсатим бор...

А л и ш е р (зимдан кузатиб) Шундай денг? Баракал-ло!..

Д а в л а т б а х т (Бирдан завқланиб) Мен ғазалларингизни куйга солиб айтиб ҳам биламен! (рухсат сўрамай ҳам қўшиқ куйлайди)

Не хуш бўлғай иковлон маст бўлсоқ васл боғинда,  
Кўлум бўлса анинг бўйнидау оғзим қулоғинда.

Дами васл ичра волиҳлиғ била рухсорим эғнида,  
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.

Тутуб гаҳи занаҳдонин муқаррар айласам бот-бот,  
Кўруб гуллар очилгон боладин руҳсори боғинда.

Шимиб ютсам гаҳи ҳайвон суйилек завқдин кўргач,  
Тарашшуҳ боладин гул яфроғи янглиғ дудоғинда.

Гаҳ кўз суртаримда, йўқса ҳарён шодлиғ ашким,  
Гул узра қатра шабнамлар киби сиймин сақоғинда.

Гаҳи беҳудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми,  
Белида чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.

Не келса тонгла келсун, бир тун усрук ётса ҳам хуштур,  
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.

Қачон даврон манга бир буйла ишратни раво кўргай,  
Ки ўрганмуш мени ўртарға ҳижрон дарду доғинда.

**А л и ш е р** (Давлатбахтни куйлашдан тўхтатади, давомини кўшиқнинг куйи фонида ўзи ўқийди)

Навобий, сен киму, ишрат майи билмасмусенким, ит  
Агар қон ичса ҳам боши керактур ўз ялоғинда.

*(Давлатбахт не деярини билмай гарангсиб қолади)*

**А л и ш е р** Давлатбахт, кўнглунгизга олманг! Ҳазалининг мақтаъси шулдур. Уни ўзим айтсам ўрунли бўлғай деб тўхтатдим сизни.

**Д а в л а т б а х т** Ким билсун, бек ақа! (очилишиб) Ўтакам ёрилди. Ер ёрилмади кириб-да кетсам.

**А л и ш е р** Ундоғ деманг! Овозингиз ҳам ўзингиздай гўзал эркон!

**Д а в л а т б а х т** (суюниб) Ростданми бек ақа? Сизга ёқдимму?

**А л и ш е р** (Давлатбахтнинг беғуборлиғидан завқланиб кулали) Ёқдингиз! Ёқдингиз Давлатбахт! Хў-ўш, бу гапда сиз, назаримда бунда ётиб қоладигонга ўхшайсуз, шундайму?

**Д а в л а т б а х т** (ийманибгина) Агар сизга малол келмаса... Энди анчайин кеч бўлиб қолди...

**А л и ш е р** Йўқ, ҳеч малоллиғи йўқ. (ён томондаги хоналарга ишорат қилиб) Ана бу томондагиси хобхона, енидагиси меҳмонхона. (суҳбатлашаётган ерни кўрсатиб) Бу ижодхона. Ана, икки хона сизнинг ихтиёрингизда. Хоҳланг ётоқхонада ётинг, хоҳланг меҳмонхонада ётинг. Мен бироз ижод била машғул бўлиш ниятида эдим.

Д а в л а т б а х т Ҳали, ётишга эртароқ эмасму? (бирдан шўхангиз тугунчакни очади) Бек ака! Мана бу тансиқ таомлар (бир-бир санай бошлайди) Товуқ қовурдоғи, каклик димламаси, патир нон, қанду наввот... чой қайнатайму?

А л и ш е р (кулимсираб) Мен ожиз банда нимаям дердим. Даҳлизда човгум, утин тайёр. Майли, бир ғайрат қилинг!

*(Давлатбахт чаққонлик билан чиқиб кетади чироғ бир ўчиб ёнади. Алишер билан Давлатбахт хонтахтага қўйилган тугунчакдаги нарсалардан тотиниб, суҳбатлашяптилар)*

Д а в л а т б а х т Янги ашъорингиздин ўқуб берсангиз, жон қулоғим билан эшитар эдим.

А л и ш е р Шундоғму? Майли... (у ён лавҳ устида турган қоғозлардан биттасини олиб, аста ўқий бошлайди. Давлатбахт ҳар байтдан сўнг «оҳ-оҳ» лаб туради. Алишер ҳар байт сайин аста-секин овозини кўтариб боради)

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лаболаб бода ошомимга айт.

Ком талху бода захру ашк рангин бўлғонин,  
Лаъли ширин, лафзи рангин шўхи худкомимга айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди деб,  
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.

Ул пари ҳажрида нангу номким тарк айладим,  
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимга айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимга айт.

Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,  
Ҳолини зинхорким, кўрсанг дилоромимга айт.

Буни «Чўли Ироқ» куйига солиб айтса бўлғай деб ўйлайман.

Д а в л а т б а х т (Алишер розилиги билан қўлидан ғазални олади-да биринчи байттини «Чўли Ироқ» куйига солиб куйлайди)

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,

Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт...

А л и ш е р Вожабо! Неқадар гузал айтдинғиз... (жимлик)  
Давлатбахт.

Д а в л а т б а х т Лаббай!

А л и ш е р Мен сизни нима учун қадам ранжида қилганинғизни билиб турибман. Хадичабегимнинг ташвишланишига ўрун йўқ. Эртага бориб маликанғизга айтинг, бизнинг йигитлиғимиз дурустдур, аммо бизга рухсат этилмайдур. Инонмасанғиз, келинг, кўринг!

*(Чироғ бир лаҳза ўчиб-ёнади. Алишернинг йигитлиғизига ишонч ҳосил қилган Давлатбахт орқага тисарилиб кулимсираб турибди.)*

Умримиз адоғинача, иншооллоҳ, этагимиз тоза бўлғай! (фараҳбахш жимлик) Ҳозир оқшом бир тутам. Тонг оқаришига ҳам яқин қолди. Энди ётиб даминғизни олинг.

*(Давлатбахт Алишер кўрсатган томонга кириб кетади. Чироғ яна ўчиб-ёнади.)*

А л и ш е р (найза бўйи кўтарилган қуёш ёғдусидан ёришган ижодхонада кўзларини бир нуқтага тикканича ташқаридан келаётган кўшиқ сасига маҳлиё бўлиб қолади)

Кўзунг не бало қаро бўлубдур,  
Ким жонга қаро бало бўлубдур.

Мажмуи давони дард қилди,  
Дардингки манга даво бўлубдур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки санга фидо бўлубдур.

Бегона бўлубдур ошнолин,  
Бегонага ошно бўлубдур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,  
Юз сори анга ҳаво бўлубдур.

Боқий топар улки, бўлли фоний,  
Раҳравга бақо фано бўлубдур.

То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлубдур.

А л и ш е р (кўшиққа ҳайрати ошгандан ошиб қулоқ қўяди ва тамом бўлгач) Астафурилло! Бу нендин тилсимким. дарров кўшиқ

тўқимушлар! Ё тавба! Хиротнинг туруш-дурмуши назму наво-я!  
(мийғида кулимсираб) Авлодлар баҳсиға мавзу ажаб воқеъ тарих  
бўлибтур! Бу воқеъни Султонға ўзим айтай, токим бошқа бировдин  
эшитса, менинг кўнглум бузуғлиғиға йўймоғи мумкин. Шу баҳонада  
янги битилғон ушбуниям олиб борай. (ғазални кўлига олиб ўқий  
бошлайди)

Шоҳ бўлди ишқ ичинда соҳиб асрорим менинг,  
Ишқ маншурида туғродур бу шаҳкорим менинг...

*(Ғазални тўрт буклаганча ич чўнтағиға жойлаб, кийина бошлайди)*

### *Муסיқа кучаяди*

## Парда

### 4-Кўриниш

Парда «Ҳафифи сегоҳ», балки лейтмотив куйи билан очилади.  
Хирот. ораста, сўлим боғ ўртасида чиройли кўшк. Олисдан Алишер  
Навоийнинг «Мажнуну шайдо қилдило» ашуласи эшитила бошлайди.  
Ён тарафдан 50 ёшлар чамасидаги Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро  
ёнларида ёшгина Х о н д а м и р билан кириб келишади.

Х у с а й н (кўшиқ оғушида)

Гар ватан ичра топтим, кимсага йўқ ҳеч айб,  
Дайр пиридин Навоий бу таманно қилдило...  
Бағоят латиф айтғонсиз, дўстим!

А л и ш е р (дўстона ҳазиломуз кулимсираб) Сизға майилроғи  
бу эрконму деб эдим:

Бир қадах куймоқ била оғзимғаю хирқамға ҳам,  
Хирқа майға раҳи, ўзумни бода паймо қилдило

Х у с а й н (очилишиб кулади) Оббо, дўстим-ей! Дуруст,  
жисман майиллиғ йўқ эмас, вале ботинан «дайр»у, «раҳи»дага  
тағмаъноларға ихлосмандлиғ устунроғлигини яхши билурсиз, ахир.

Х о н д а м и р (шоҳға таъзим ила) Узр шаҳоншоҳ ҳазратлари,  
(Навоийга мулойим юзланиб) устоз, Султонимиз шаънлариға  
бағишлаб тахтға ўлтирғонида ёзғон «Ҳилолия» қасиданиғиздағи



Ҳар кунинг байрам ўлуб, жойинг ҳилол ўлсун мудом.  
Кўрмагил беайш умрунг муддати бир соатин,-

демиш байтингизга менгзаяжагини англамоқ ҳам мумкин чоғи?  
А л и ш е р Эҳ, Хондамир, ақлу хушингизга тасанно! Айш-ҳаёт,  
яхши турмуш. хурсандчилиғ, шоду-хуррамлиғ маъноларидағи  
таманнодур!

Х о н д а м и р (Навой байтини эслатади) Ўзингиз демоқчи:

Не ёрлиғ ўлғайким, ҳар кеча тонг отқунча,  
Сен айш ила уйқуда, мен ранж ила уйғоқ.

Ҳ у с а й н Бу, Хондамирни тарих битғувчи десак, балодай  
ғазалхон ҳам экан-ку!

А л и ш е р Саодатли султоним! Хондамир наинки фақирни,  
балки сизнинг ҳам ашъорингиздин кўп ва хўб хабардордур!

Х о н д а м и р (Султон Ҳусайн ғазалидан байт ўқийди)

Эй Ҳусайний, эл саломат куйидин бўлғай жало,  
Гар Навоий янглиғ оҳанги Ҳижозимни десам.

А л и ш е р Билурсиз, Султоним, неча дафтар тарих-«Равзатус-  
сафо»ни ёзмиш Мирхонднинг фарзандидур бу солиҳ ўғлон! Мавриди  
келди айтай шаҳаншоҳим, бу хушбахт ўғлимиздин ниятимиз бисёрдур.  
Замонлар келади Хондамир битмиш тарихдан авлодларимиз  
салтанату, дўстим, сиз янглиғ салотини маснаднишинлар. давру-  
давронлар, умргузаронлиғимизу, хулқу-атворимиз, айшу мамотимиз  
аҳволидин огоҳ бўлурлар.

Ҳ у с а й н Билҳақ, сен Хондамир, тарих қилким, шоҳлик  
сарупосини кийиб, Хуросон тахтига бизнинг илгимиз етгунга қадар  
ҳам биз кун-тун муттасил Алишер била ҳамдаму ҳамфаолият бўлиш  
орзусида эдук. Инчунун, Ҳақ Таолонинг инояти бирла, Алишербек  
ўша аввойил ёшлигиданоқ, аслан бешиклигиданоқ, эмиклошлиғ  
важҳидин ҳам биз ила яқинлиғ нисбасиға ва қалин ҳамнафаслиқға  
мушарраф бўлгондур. Бизнинг тахтға ўлтириш бахтиға мушарраф  
бўлгонимиздан бери Алишер Навоийнинг дийдору машваратларига  
муштоқлиғ шоҳликнинг бутун манфаатларидин ҳам чандон юқори  
туруп. У хайру-эҳсон шавкати ва бахт-саодат равнақи учун мунтазам  
сайълар кўрсатдиким, биз онинг чиндан ҳам фозиллиғ ва саодатға  
чорловчи пурмаъно мулоҳазалари ва доно маслаҳатларига амал қилиб  
келдук! Умрлари узун. иқболлари сарбаланд бўлғай!

А л и ш е р Ташаккур олий ҳазрат! (жимлик) Ўғлим, Хондамир,  
(аста мусиқа бошланади) тарих сафҳаларига рақам қилгинким,

бизнинг саъйю, саҳвларимиздин келгувси авлод ўрناق олсунлар,  
токим аларнинг айшу маошлари ширин, осуда, некбахтлик ила ўтсун!  
Адолат ила ҳукм-фармонраволиғ қилган, шавкатли, шафқатли  
Султон Хусайн Бойқаро қабзанда маоний ҳазойинидин дуру инжулар  
термоққа саъй қилган, файзи комиллиғдин баҳраманд фақири ҳақир  
баҳоли қудрат назму иншо этдим.

Шоҳ бўлди ишқ ичинда соҳиб асрорим менинг,  
Ишқ маншурида туғродур бу шаҳкорим менинг.

Биз қилган аморату, бунёд этган назму тафаккур иморати илоҳо,  
шойиъстай жаҳон бўлсун! Дўстим, Султон Хусайн Бойқаро! Авлодлар  
бизни унутмағайлар! Қачонлардир тинч, осуда замонлар келадиким,  
биз яратмиш маоний, тафаккур мулки авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар  
оша яшагусидур! Иншоолоҳ, келгуси замонлар олдида юзимиз ёруғ,  
тилларимиз равон. иймонимиз бутун бўлғай!

*Мусиқа кучайиб, пасаяди ва Навоий ғазали билан «Бенаво менга»  
қўшини ижро қилинади, раққосилар хиром қиладилар.*

## Парда

### 5-Кўриниш

*2-Кўриниш саҳнаси: Хива. Шамлар ёқилган сўлим боғ саҳни. Олисдан  
гумбазу, миноралар Ой нурида жилоланиб, оқшом кўйнига сирли фараҳ  
бахшида этиб турибди. Боғда хон Феруз, Огаҳий, Комил Хоразмий,  
Мотяафо позачилар суҳбатлашиб ўтиришибди. Ички маҳрамлар,  
ҳодимлар чой ташув хизматида аста дастурхонга қараб кетадилар.  
Олисдан Навоийнинг «Тун оқшом» деб аталмиш ғазали «Фарёд» куйида  
авжланган сари яқинлардан эшитила бошлайди.*

Гун оқшом келди кулбам сари ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,  
Белиға зулфи анбарборидин мушки таноб айлаб.

Кулуб ўлтирдию илгим чекиб ёнидан ер берди.  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Ки эй зори балоқаш ошиғим мансиз нечукдурсан?  
Ман ўлдим лолу айта олмайин майли жавоб айлаб.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўла куйди,  
Ичиб, тутти манга юз наво нозосо итоб айлаб.

Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

**Ф е р у з** (қўшиққа ишора қилиб) Бу ғазал сиз айтмиш ўша  
воқеага ишорамикан?

**О г а ҳ и й** (нўшхандлиғ билан) Худо билади, хон ҳазрат!  
(жимлик) Алишер Навоий боис Ҳусайн Бойқаро замони Хуросон  
мулки, Хирот, салтанат бисёр кўп қаламга олиганким, «Минг бир  
кеча» янглиғ адо бўлмас. Айниқса, Мирхонду, Хондамир, Восифию  
ўзга тарих яратмушлардин айрича, ҳазрат Навоийнинг ўзлари  
замонасию ундан аввал ўтган шоиру фозилу куштгиру, биродару  
бари-барисини хулқ-атворларини, ёзмиш назму наволарини, қилмиш  
аъмолларини гўзал этиб битиб кетганлар.

**Ф е р у з** Дуруст дедингиз устоз, алар битикларидин кўп нарса  
ўрганса бўлур!

**О г а ҳ и й** Ҳованг, хон ҳазрат! Битиклардин маълумки,  
Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий  
ўрталаридаги бир-бирларига бўлган меҳру садоқат ҳарқандай таҳсинга  
лойиқ! (жимлик) Дейдиларки, қачон ҳар қайси ҳазрат ўз уйларида  
бир-бирларидан айри овқат тановул этсалар, ораларида отлиғ чопар  
хабар бергувчи эркан...

**К о м и л** (ҳайратланиб) Нени, устоз?

**О г а ҳ и й** Жомий ҳазратлари таомға алларини урғач, чопар  
келиб Ҳусайн Бойқарога хабар қилар эркан: «Пиримиз таомға қўл  
урдилар» Андин сўнгра подшо ҳазратлари таомға ал урарканлар. Шу  
чопар Навоий ҳазратлари уйлариға келиб: «Олий ҳазрат овқатға  
қарадилар» дегач, Алишербек таомға қўл узатар эрканлар. (сокин  
жимлик) Бу ҳодиса алар умрларининг адоғигача бузилмаган.

**К о м и л** (фарҳбахшлик билан) Вой-бўй! Минг таассуф, бизда  
ҳатто бир дастурхон атрофида ўтириб, айрим одамлар бу янглиғ  
мулозаматға бу қадар риоя қилмағайлар...

**Ф е р у з** (Комил Хоразмийга ўқрайиб) Бунға ким айбдор?

**К о м и л** Ўзимиз, хон ҳазрат, ўзимиз!

**Ф е р у з** Бале! Демак, уламою аҳли фузало оломон инглайган  
(тўпланган) жойда одобу ахлоқ борасида маъвизаю, амри маъруф  
қилишдан тўхтамағайлар, токим сўрашганда фуқаронинг диллари  
(тиллари) юмшоқ. аллари (қўллари) кўксиди, таъзими самимий  
бўлғай!

М а т в а ф о Топпиб айтдингиз, хон ҳазрат! Раъиятда худбинляк,  
кибру-ҳаво ўскинлаб бормоқда. Бозор-ўжардаям бу қол оламини  
ранжитадур.

Ф е р у з (ўйчанлик билан) Бу худкома ҳолга, юртга ўрисларнинг  
келуви, шум оёқлариям сабаб бўлмоқда. (жимлик) Наинки,  
одамларимиз тийнатидағи худписандлиг аломатларидин, ҳатто  
созларимизнинг ҳам бузилиб кетуvidан хавотирламен, ҳофиз...  
Мақомларнинг ҳоли не кечғай...

О г а ҳ и й (оғир жимликни аста бузиб) Навоийнинг вафотидин  
ўн йилча аввал Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан Масковга элчи  
юборилган. Ўруслар ила «биродарлик ва иноқлик» ҳақида шартнома  
тузиш таклиф қилинган эркан. Ҳазрат «Садди Исканшарий»да Ўруслар  
шижоатиға берилган баҳони эшитсангиз, ўшал элчи юбориш ваҳҳида  
шоирнинг ҳам иштироки бўлган дейиш жоиз бўлур.

Жувонғорида эрди Бартосу Рус,

Фалак хингидек борча тунду шамус.

Фалак хингидек — қўрқунчли ҳайвондек шамус, яъниким  
саркашдурлар. (жимлик) Шул боисдин ҳам хон ҳазратлари Ўрусиянинг  
важохатиға беписандлиг ила қараш нодурустдур. Айрим  
сардафтарларингиз, беҳудуд қумлуқдан, пишқириб оқиб турган  
Амударёдан, чангалзор тўқайликдан ўрус ўта билмайди деб орқайин  
юрибдилар.

Ф е р у з Валекин, бу гапингизда жон бор, устоз! Ўзимнинг ҳам  
бошим гарант! Хуфияларнинг келтирмуш хабарларида ўруснинг  
келуви ёмон. Тошканда губирнатор Кафманнинг (Кауфманнинг)  
дағдағаси ерни ўятур. (жимлик) Матмурод девонбеги, Раҳматулло  
ясовулбошилар далерлиғи, сипоҳларимизнинг жасурлиғи, Пано  
тўпчиларнинг мерганлиғи, иншоооло, юзимизни ерга қаратмағай.  
(жимлик) Не бўлса, Худо тақдиридур, устоз! Бошиға тушганни кўз  
кўрар. Биз бир ишни баравж қилмоғимиз лозим! У ҳам бўлса, ўтганлар  
руҳиға таянмоғимиз, аларнинг ибратомуз аъмолларини ўрганмоғимиз,  
тилимизға, иймонимизға содиқ қолмоғимиздур!

К о м и л Билҳақ, хон ҳазрат, улуғ устозимиз Мунис ҳазратлари,  
жойлари жаннатда бўлсун, Навоий ғазаллариға ўнға яқин. мана,  
устозимиз, Огаҳий ҳазратлариям қирққа яқин мухаммас боғлағанлар.  
Навоий бир уммон, андин баҳраворлиғ, мушкулларимизни осон,  
тафаккур нурларимизни порлоқ, назму навомизни баравж қилғай.

О г а ҳ и й Барақалло, Комилжон! Навоий ҳазратлари  
иншоларини кенг ёймоқдин ҳам кўп мадлаолар амалға ошғусидур!  
У мукаррам зот бежиз демағанлар:

Шоҳ бўлди ишқ ичинда соҳиб асрорим менинг,  
Ишқ маншурида туғродур бу шаҳкорим менинг.

**Ф е р у з** (суҳбатдошларига мамнунлик билан қараб) Энг олий ниятим. Хивада тош босма яратиб, илкида Навоий ҳазратларининг «Чор девон»ини, «Хамса»сини чоп қилдириш! Ҳазратнинг беқидёс гўзал иншоларини Турон заминига тарқатиш, ташвиқу, тарғибдур!

**О г а ҳ и й** Ушбу саодатли савоб ишда Олло мадалкорингиз бўлғай, хон ҳазрат!

**М а т в а ф о** Поҳ-поҳ, лекин, хон ҳазратлари, бир ажойиб гаплар бўлди-дон!

**Ф е р у з** (кулимсираб) Бир ҳиргойилиғ бўлдимиз?

**М а т в а ф о** Дим аласа!

**Ф е р у з** Қани, ҳазрат Навоийнинг ушбу ғазали ўқилса:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,

Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

**К о м и л** (Огаҳийга ишора қилиб) Устозимиз ҳазратнинг бу ғазалиға ажойиб таҳмис бойлағанлар, маъна, позачи уни «Катта суворий»ға қўйиб, авж билан ўқиб юрубди.

**О г а ҳ и й** Баракат топсун! Позачининг нафаси кўп ўткурлиғи баробарида ширали ҳамдур!

**Ф е р у з** (Матвафога) Қани бўлмасам, танбурни олинг, ҳофиз!

**М а т в а ф о** Ажаб бўлғай, лекин, хон ҳазратлари, (андак эрқаланиб) Бу сафар сиз танбурни олинг, мен дуторни олай. (Комил Хоразмийга қарайди)

**К о м и л** Валекин, кўнглумиздағини топиб айтдинг. Матвафо.

**Ф е р у з** (Огаҳийга) Нима ҳам деймиз, буларнинг бу янглиғ инжиқлиқлариға тўзим берсун! (кулишадилар ва Феруз танбурни олади-да, Матвафонинг дуторига созлайди.)

**М а т в а ф о** (салдом билан «Катта суворий»ни бошлайди)

Фалакким яхшилар базмида қадримни баянд этмас,

Даме йўқким ёмонлар мажмаида мустаманд этмас,

Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,

Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Фигонким, даҳри дун ичра рафиқе топмадим огаҳ,

Қасн борсам бўлурлар ғуливашлар ҳамламу ҳамраҳ,

Тиларлар баҳра мандин, ман тилаб топман биридин раҳ,

На бахра топғаман ондинки мандин истағай бахра,  
Ўзи ҳам бахраманд ўлмас, мани ҳам бахраманд этмас.

Кўзи захри эса ҳар нечаким мойил мамотимға,  
Лаби шахди эди роғиб ўлумдин ҳам нажотимға,  
Бу дам восил эмон ул қотили Исо сифотимға,  
Нетай ҳуру пари базминки қатлим ё ҳаётимға,  
Аён ул захри чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Чиқо олмай кўнгул ҳайрондур усру шоми фурқатдин,  
Тўкар ашқини кўз ҳам интизори субҳу васлатдин,  
Иложи бўлмаса ул моҳваш хуршиди талъатдин,  
Керакмас ой била кун шакликим ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Букун чобуклар ичра йўқ эди ул шаҳсуворимким,  
Бирини қилмади манзур чашми ашқборимким,  
Ғуборосо не тонг гар қолмаса сабру қароримким,  
Керак ўз чобуку қотилвашу мажнун шиоримким,  
Бузуқ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгулни айлаб, эй солик тааллуқ чиркидин тоҳир,  
Фано мулкиға азм эт, беҳовотир айлабон хотир,  
Нечаким берса коминг айлабон меҳру вафо зоҳир,  
Кўнглу ўз чарх золидин фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнуғға каманд этмас.

Саводи зулфини кўргач юмор Оғаҳий тун деб кўз,  
Юзиға нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,  
Кўнгул ҳайратда қолма кўрмас они не учун деб кўз,  
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасун деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

**Ф е р у з** (ашула тугагач, сокин жимликни бузиб, ўйчан)

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасун деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

**О г а ҳ и й** Хон ҳазрат, устознинг бул ғазалиға бекор меҳринғиз тушмагон эркан. Устознинг усталиғига қарангки, биринчи мисрадаги «Ул ой ўтлуғ юз»ға ўзга эмас, тухуми, уруғи фақат муҳаббат тилсимли исвандни сепиш учун иккинчи мисрада «ул ўт узра» деб ишлатади.

**М а т в а ф о** Вой-бўй! Шу гапларни эшитгандан кейин нишатиб бу дунёга сиғиб бўлади?

Ф е р у з (кулиб) Муҳаббат қўйиб, соз чалиб, қўшиқ айтиб,  
хофиз!

*(Ҳаммалари очилишиб кулишади)*

О г а ҳ и й (ўрнидан туриб, сал оқсаганча саҳна олдига келади.  
Феруз, Комил Матвафолар ҳам аста саҳна олдига кела бошлайдилар)  
Мен фақир негиб дил қувончимни изҳор этай!

Мулку миллатга эмин ўлса агар огоҳлар,  
Икки олам обрўйин ҳосил эткай шоҳлар.

Ваҳ нечук маҳкам бўлур ул шаҳга давлат қасриким,  
Бўлмаса аркони онинг кўҳна давлатхоҳлар.

Паст ҳиммат жоҳили навъ давлат ўлмас дастёр,  
Шаҳга лозимдур неча доноий олий жоҳлар.

Мулк умурининг низомин билғуси асли сипоҳ,  
Не билур ассорлар, атторлар, жўлоҳлар.

Истама арзолдин ашрофнинг афъолини,  
Ким қила олмас ҳузбар эткан ишин рубоҳлар.

Жоҳилу худбин кўра олмас ўзидин ўзгани,  
Лойиқи давлат эмастур ҳар назар кўтоҳлар.

Сарф этиб эл молин, ўз нафси учун килғой мудом,  
Зийнату току, турнубу, суффау, бингоҳлар.

Ўйла давлатхонада турғай нечук номуским,  
Бўлса соҳиб ихтиёр онда ғулому доҳлар.

Қолмағай амният осори агар топса ривож,  
Шаҳр аро авбошлар, бебоклар, бериоҳлар.

Фофил ўлса шаҳ агар мулку сипоҳ аҳволидин,  
Бошға иш тушканда суд эмас фиғону оҳлар.

Огоҳий, қил шоҳи огоҳинг дуои давлатин  
Ки, онга аркони давлатдур ҳама огоҳлар...

Ф е р у з (аста мусиқа бошланади) Ташаккур, устоз! Маъвизаи  
ўғитларингиз, таъвиз янглиғ бир умр ҳамроҳимиздур! Дуоийи  
ниятларингиз Яратган ҳузурда мустажоб бўлғай! Сизга русти  
қавийлик, узун умр тилайман!

О г а ҳ и й Минг бор ташаккур, хон ҳазрат! Бу дояруқли элнинг сиздайин улуғ фарзанди, Феруз мулаққаблиғ нозиктаъб, илмли, назму, навосоз, фуқаропарвар одил подшоҳни ёмон кўздан асрасин Тангримнинг ўзи. Омин!

*(Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортади, мусиқа кучаяди.)*

Парда  
ТАМОМ

*07.01.2007 й.*



# Гулиравза

(2 қисм 11 кўринишли мусиқий драма)

## Қатнашувчилар:

- Г у л и р а в з а – тадбиркор аёл, 40 ёшларида.  
Т ў х т а с и н – Гулиравзанинг эри, 45 ёшларида.  
М у ҳ а й ё – Гулиравзанинг қизи, 18 ёшларида.  
Г у л с у м – Гулиравзанинг синглиси, 38 ёшларида.  
С о б и р – Гулиравзанинг муовини.  
Қ у д р а т – Гулиравзанинг курсдоши.  
С а р д о р – тадбиркор.  
Қ у м р и – бўлғувси тадбиркор, 30 ёшларида.  
З а м и р а х о л а – 55 ёшларида.  
Л о л а , С а л и м а – Гулиравзанинг дугоналари.  
Д и л б а р – котиба, 24-25 ёшларида.  
Р и ч а р д – Англиялик бизнесмен  
Қ о б и л ж о н – эшик посбони

## 1 - Кўриниш

*Тонг чоғи. Саҳнада Гулиравзанинг офиси. Бизга асосан икки хона кўринади. Бу каттагина қабулхона ва Гулиравзанинг кабинети. Қабулхонада иккита эшик жойлашган. Бири асосан ходимлар ҳамда қабулга келувчилар учун, иккинчиси котиба юмушлари учун. Кабинетда ҳам худди шундай-биттаси дам олиш хонаси учун, иккинчиси келганларни қабул қилиш учун. Фира-широ нурда хоналар замонавий оврупа мебеллари билан жиҳозланган. Столлар устида компьютер, катта экранли монитор, принтер, факс ва ўзга техник анжомлар билан жиҳозланган. Ҳар икки хонада катта экранли телевизорлар ҳам бор. Кабинетнинг тўри бутун девор бўйлаб замонавий шторлар билан безанган ойнаванд дераза. Жалюза шторалар бекиғлиги кўришиб туради. Қабулхона эшиги очилади. Кўринишидан шу корхонанинг эшик посбони елкасида аёллар сумкаси, бежирим юк халталари осиглиқ, қўлларида иккита катта импорт жомадонларни гилдиратиб кириб келади ва хона чироғини ёқади. Унинг изидан ялангоёқ Гулиравза кўлида кузги плашч ва оёқ кийими билан кириб келади. Эшик посбони кабинет эшиги қулфини очиб, ҳамма нарсаларни ичкари дам олиш хонасига олиб кириб кетади. Гулиравза кабинетга кириб, чироғини ёқади ва стол устидаги қоғозларни варақлаб, факс ёнларини кўздан кечиради. Чарчаган оёқларини узатиб креслосига ўтиради-да, бошини кресло тепасига хорғин қўйиб кўзларини юмади. Стол устида томошабин кўрадиган ҳолатда Тўхтасин, икки боласи билан Гулиравза тушган сурат турибди.*

**Э ш и к п о с б о н и** (ичкаридан чиқиб) Чой дамлаб берайми, опа.

**Г у л и р а в з а** (бошини кўтармай) Раҳмат. Қобилжон, илтимос, келганимни ҳеч кимга айтманг. Бироз дам олай. Иложи бўлса эшикларни қулфлаб кетинг.

**Қ о б и л ж о н** Хўп бўлади.

*(Қобилжон шошлмасдан чироғни ўчириб, эшикларни қулфлаб чиқиб кетади. Гулиравза столдаги электрон телефон рақамларини теради. Кўнгироқ товуши келади.)*

**Э р к а к о в о з и** Гули, эшитаман.

**Г у л и р а в з а** (бошини кўтармай телефонга гапирди) Азизим, етиб келдим... тўғри ишга келдим...

**Э р к а к о в о з и** Факс келибдими?

**Г у л и р а в з а** Йўқ. Кўрқаяпман. Бор булимни илунга тикканман.

**Э р к а к о в о з и** Бизнес таваккалсиз бўлмайди.

**Г у л и р а в з а** Мен таваккал қилишга ҳаққим йўқ. Ахир орқамда қанчадан-қанча одамлар турибди. Бир нима бўлса, уларнинг ҳоли не кечади?

**Э р к а к о в о з и** Ваҳима қилманг. Уларда иш куни бошланди. Сабр қилиб кутинг. Лозим бўлган ҳужжатларни зудлик билан бериш керак.

Гулиравза Шунинг учун ҳам уйга бормаи ишда утирибман-ку.

Эркак овози Маъкул. Мен ҳам улар билан боғланаман.  
Гулиравза Яхши. (телефонни ўчирди).

*(Шу пайт телефакс ишга тушиб, 4 варақ қоғоз чиқади. Гулиравза ҳар бир варақни хушкўшлик билан ўқиб борадию охириги варақни олиб, дам олиш хонасига кириб кетади. Бирмунча вақт ўтгандан сўнг хоналар ёришади, эшик қулфи очилиб Дилбар кириб келади. Унинг қўйнида бир даста гул, қўлида уч-тўртта ичи тўла пакетлар. Котиба шошилганча гулларни вазаларга, пакетдаги нарсаларни ичкари хонасига жойлаштира бошлайди. Шу орада шоша-пиша Собиржон, Сардор ва бошқа ходимлар хонага кириб уни шарлар ва ҳар хил байроқчалар билан безай бошлашади. Котиба ичкаридан чиқади.)*

Дилбар Йигитлар, ёрдамлашиб юборинглар, улгурмаяпман.  
Собиржон Меҳнати бизга, роҳати ўзгаларга-а! (маъноли кулганча уни қўлтиғидан ушлаб, ичкарига олиб кета бошлайди)

Дилбар Ёмонсиз-а, Собиржон ака, ёмонсиз! (Собиржон билан кириб кетади)

*(Саҳнага куп-қуруқ ҳалда Тўхтасин кириб, индамай Гулиравзанинг кабинетига креслосига ўтиради.)*

Тўхтасин (Сардорга) Котибани чақир! Йиғиштир бу ишларингни!

*(Сардор эҳсаси қотганча, индамай котиба хонасига кириб кетади ва салдан кейин Собиржон билан чиқиб, кетмоқчи бўлишади. Собиржон Тўхтасин олдида кирмоқчи бўлади, лекин Сардор уни қўлидан ушлаб «Хайф унга» дегандай олиб чиқиб кетади. Тўхтасин котибани кутади.*

*Котиба чиқавермагач, керилиб телефон рақамларини теради. Қабулхонадаги телефон жириглайди. Котиба чиқиб телефон гўшагини кўтаради.)*

Котиба Алло!

Тўхтасин Чақирсак ҳам келмайсиз...

Котиба (ним қаҳр, истехзо билан) Кўнгил номардга эмас, одамга берилади! (телефон гўшагини шартга қўйиб, ичкари хонага кириб кетади)

Тўхтасин (Телефонни ўчириб) Дилбар! Дилбар! (орқасидан ичкарига киради)

*(Дам олиш хонасидан Гулиравза чиқиб келади. Гулиравза эрталвқи хорғин Гулиравза эмас, аксинча ўзига оро берган, сочларини турмаклар, бежирим ажнабий костюм-юбкадаги париваш ҳолатида пайдо бўлади ва вальс оҳангида куйлаб, рақсга тушади.)*

Олам гўзал, кўнглим тошқинли дарё,  
Кучоқ очсам кучоғимда бу дунё.  
Юрт тупроғи кўзларимга тўтиё,  
Кўрганларим нечоғ кучруй, туш гўё.

Умидларим, орзуларим, ассалом,  
Ҳамюртларим, кўз нурларим, ассалом.

Қани сиз эй, меҳрибон, қора кўзлар,  
Қани топсам дилимга лойиқ сўзлар,  
Келини босай бағримга ширмой юзлар.  
Бунча ширин юрт нафаси, жон қизлар.

Умидларим, орзуларим, ассалом,  
Ҳамюртларим, куз нурларим, ассалом.

*(Гулиравза жойига ўтириб котибани чақирадиган кўнғироқни босади. Қабулхонадаги кўнғироқ жиринглайди. Дилбар шошилганча, сочларини, эгни-бошини тузатиб, қабулхонага киради. Шу пайт ичкаридан отилиб Тўхтасин чиқади. Кўнғироқ яна авжга чиқиб жиринглайди. Дилбар билан Тўхтасин ўзларини йўқотиб қўйишади. Улар кўнғироқ қилган одам кимлигини англолмай гарангсиб туришади-да, Тўхтасин, қўлини силтаб, жаҳл билан кабинетга киради.)*

**Т ў х т а с и н** Бу қандай майнавозчилик?! (У Гулиравзани кўриб котиб қолади) Мен, йигитларни бирови ҳазиллашаяптими деб...

*(Тўхтасин орқасидан бўйинини чўзиб, шаҳд билан Дилбар киради).*

**Д и л б а р** Тўхта ака! Ким у?!

**Г у л и р а в з а** (Дилбарнинг ҳолатидан ҳайрона) И-е, тинчликми?

**Д и л б а р** Вой, опа! Қаердан келиб қолдингиз?

**Т ў х т а с и н** Дайдиб келдингми? Қачонгача бу ерга келиб сендан хабар топаман? Қачонгача?!

**Г у л и р а в з а** (ним истеҳзоли табассум билан) Уни уйда гаплашамиз.

*(Шу пайт эшикдан кўнғироқ овозини эшитиб Собиржон билан Сардор ва бошқа ходимлар шитоб билан кириб келишади ва ҳаммалари Гулиравзани ўраб олишади. Тўхтасин билан Дилбар иккалаови бир чеккада қолиб кетишади. Бу хайр-хўшнинг устига катта гулдасталар билан Муҳаббат.*

*Лола, Салима, Гулсумлар табриклаб кириб келишади. Шампанлар понгғиллаб очилган, телефонлар икки хонадаям тинимсиз жиринглаган, уяли телефонлар ҳам турфа овозларда, қуйларда жиринглайди.*

*фужерлар жсарангги сахнани тутади. Ўзига келиб олган Дилбар ичкаридан ўзи олиб келган таомларни олиб чиқабошлайди. Чироқ аста сўнади. Юқорида аста бошланган мусиқа кучаяди.)*

## Парда

### 2-Куриниш

*Парда («тановар» куйида) «Адолатингман» билан очилади. 1-Кўринишдаги сахна. Қабулхонада тунчироқ ёқилган. Кабинетнинг чироғи ёришади. Кабинетдаги стол атрофида ўз-ўзидан табиий равишда ҳосил бўлган аёллар давраси, «қиз ўтириш» бўлаяпти. Булар-Гулиравза, Лола, Гулсум, Салима. Ултиришнинг ярмидан кўпи ўтган. Столда ичимликларнинг турли хиллари, уларнинг аксарияти бўшаган, газаклар, мева-чева сероб. Тўрталови юракдан, дардли мунг билан, «Адолатингман»ни айтишяпти.*

*Ҳо, ўзим айлонайин шахло кўзингдан-ей,  
Ман гирифторингман-ей.  
Қора сочим ўсиб, қошимга тушди-ей,  
Ман адолатингман-ей.*

*Гулсум (тарелкани чертиб ашулани авжлантиради)*

*Не савдолар менинг бошимга тушди-ей.  
Ман гирифторингман-ей.*

*Лола (аста туриб ноз билан муқом қилиб рақсга тушади)*

*Сани ишқинг менга, вой-ей, қайдин ёпишиди,  
Ман гирифторингман-ей.  
Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди,  
Ман адолатингман-ей.*

*Лола (келиб Гулиравзани тортади. Гулиравза хушхиром қилади. Салима ўтирган жойида Гулсумнинг ноласига қўшилади)*

*Сан айрилма манам сандан айрилмай,  
Ман гирифторингман-ей.*

*(рақс давомида ўзаро гурунг давом этади).*

*Салима (Гулиравзага) Гули, эшитдингизми, Гулпарӣ 500 милёнлик тендерни ютди.*

*Гулиравза Лолахон, ростми?*

Л о л а Меҳнат қилсангиз бўлавераркан, дугонажон!

*(Салима билан Гулсум қийқириб кулишади.)*

С а л и м а Катта акамиз омон бўлсинлар, Гулихон...

Л о л а (рақсдан биррав тўхтаб) Наинки акаларимиз, укаларимиз ҳам омон бўлсинлар, Салимахон!

С а л и м а (нозик табассум билан) Э,э, у укалар олишни билади, акалар яхши, беради...

Г у л с у м Бизга акалардан ҳам, укалардан ҳам nasib қилмаган.

С а л и м а Унақа деманг, Гулсумхон, Гули опангиз акаларсиз ҳам, укаларсиз ҳам ишини эплаяпти-ку. (Гулиравзага) Хориждаги янги лойиҳанинг қанчалигиниям айтмадингиз-а...

*(Лола рақсдан тўхтаб, аста жойига бориб ўтиради.)*

Л о л а Уйига бормай шу ерда ўтирганидан ҳам тушунмаяпсанми? Каттагина. Поччамдан ҳам зарурроқда у, жигардан бўлган!.. («танавор» куйида рақсни давом эттириб, очиқ кўнгилда) Ҳа, дугонажонлар, рақамини айтолмайман-у, аммо маблағи талайгина.

С а л и м а Гулсумхон, аслида сиз бахтлисиз, уйингиз тинч, ҳаётингиз равон. Бизни Кўрган кунимиз курсин! Бир иш қиламан деб не ахволларга тушамиз. (йиғламсираб) Сизни бир кунги тинч ҳаётингизни бор будимга алмашардим, наилож. Пешона-да!

Г у л с у м Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, Салимахон!

Л о л а Нолиманг, Гулсумхон! (Салимага биррав қараб олиб) Аммо баъзилар бировникини еб нолийди.

С а л и м а Сиз, Гулсумхон, меҳнатингиз билан оқибат кўряпсиз. Мен меҳнат қилиб беоқибат бўлдим.

Л о л а (Салимага) На бунча сасийсан?! Итни қорни тўйса, этасини қопади дейдилар! Уйли қилсам, ишга жойлашгирсам, яна санайверайми?.. Онангни ҳақи қолдимми менда?!

*(Гулиравза рақсдан тўхтади, мусиқа шу ерда узилади.)*

Г у л и р а в з а Дугонажонлар...

Л о л а (унинг сўзини бўлиб) Сен аралашма! (Салимани кўрсатиб) Мана бу фар ўзини йўқотиб қўйибди. (Салимага) Кимсан ўзи, ит ялоқ?!

Г у л с у м (ўрнидан туриб, Гулиравзага) Опа, мен кетай...

С а л и м а (Гулсумга) Бошладингми, чидаб ўтир! (Лолага қарайди)

Л о л а (Салимага) Гапинг бўлса ўзимга айтавер! Ё қўрқасанми, айт?!

Г у л и р а в з а (Салимага) Тўғри-да, на бунча нолийсан? Ё камчилигинг борми? Айт, ёрдамлашаман.

С а л и м а (йиғи аралаш жазавада) Сенлар фақат ўзим бўлай дейсанлар. Мен-ку, майли, аммо синг-линг Гулсумга нима қилиб қўйибсан?! Менга нима қилардинг? Терговчима-терговчи юриб бир йилдан бери қийналаман. Ким учун? (Лолани курсатиб) Мана бу, мени ғар деган шаллақи учун!

*(Гулиравза жойинга ўтириб қолади)*

Л о л а Еганингдан кейин қусасан-да!

С а л и м а Бўлса қусаман-да! Энди бир ўзим қусмайман! Сеңиям кустираман!

Г у л и р а в з а Нега келдингизлар? Мен ёшлиқдан бери дугона бўлган дўстларим бор деб ўйлардим. Демак, сизларда ҳусумат бор экан. Агарда мен сизларга ёрдам қилсам, керакман-у, ёрдам қилмасам ҳечкимманми? Сизларга Гулиравза керак эмас экан-да?! Сизларга мени мансабим, пулим, имкониятим керак экан-да! Агарда шулар бўлмаганда мени дугоналарим мени ташлаб кетар экан-да! Гулиравзанинг ўзи ҳеч кимга керак эмасми? (пауза. Салимага) Сени айтишингча, мен синглим Гулсумга ёрдам берсам опаман-у, ёрдам бермасам ҳеч кимманми?

Л о л а (Гулиравзага) Сен нима деб ўйлагандинг?

С а л и м а Мен бирга бўлишни нафи тегса тан оламан, бўлмаса, бундан не фойда?

Г у л и р а в з а Лола тўғри айтди, ғарсан, маънавий ғарсан! Мен бундай бўлишни истамайман! Агарда Гулиравза сизларга керак бўлса, уйимни тўри сизларники... Йўқса...

*(Шу ерда мусиқа бошланади тўртовчи бараварига хар қайси ўзича дардини тўкиб қўшиқ айтади.)*

Л о л а (Салимага)

Бир умр олдим шатакка, не қилай,  
Шоҳи, атлас кийганинг бўлди унуг,  
Бол ейиб, ёнимда лаззатда юриб,  
Сочдинг-ей, захринг юракка, не қилай?

Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?

С а л и м а (Лолага)  
Кўр эканман, кар эканман, не қилай,  
Лақмаи овсар эканман, не қилай?  
Сен касофатга йўлиқиб бир умр,  
Ғамга гирифтор эканман, не қилай?

Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?

Г у л и р а в з а (Лола, Салимага)  
Қандайин хушбахт эдик, ман не қилай?  
Беғубор хушвақт эдик, ман не қилай?  
Беназир учлик дея алқардилар,  
Хуш фикр, хушаҳд эдик, ман не қилай?

Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?

Г у л с у м (Ҳаммасига)  
Бунча дардманд экансиз, ман не қилай?  
Бирга-бирга банд экансиз, ман не қилай?  
Кўрган одам ҳавасини уйғотиб,  
Аё, заҳри нўшханд экансиз, ман не қилай?

Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?

Л о л а (Салимага)  
Дўст учун тўғри деганлар ют заҳар,  
Кўрагинг тутғил деганлар ўқ келса гар,  
Бошима бўлдинг-ку сан кўп дардисар,  
Бор умид чиқди пучакка, не қилай?

Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?

С а л и м а (Гулиравзага)  
Ғар дединг, сан оқмисан, намасан?  
Ҳар кишидан кутмасмисан таъмасан,  
Кераклига ё холасан, аммасан,  
Алдамчига ёр эканман, не қилай?

Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?

Г у л и р а в з а (Лола, Салимага)  
Ғийбатни кони экансиз, найлайин,  
Ғурбатни кони экансиз, найлайин,  
Кулфтни кони экансиз, найлайин,  
Бир тожу бир тахт эдик, ман не қилай?



Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?  
Г у л с у м (Салимага)

Вой, дилингиз бунча вайрон экан-ей,  
Дугонангиз гийбатга кон экан-ей,  
Сўзлари ўқ, заҳри тикон экан-ей,  
Бунча занжирбанд экансиз, ман не қилай?

Т ў р т о в и Ман не қилай, ман не қилай?

*(Кушиқ охирлаганда С а л и м а билан Г у л с у м чиқиб кетади.)*

Муסיқа кучаяди.

Аванпарда тушади

### 3-Куриниш

Лейтмотив муסיқа фонида А в а н п а р д а тушади. Аванпардада «Моно-Лиза»нинг катта репродукцияси, улкан гиламга осилган. Тонг олди, ғира-шира пайт. Саҳнанинг ўнг тарафига диван билан иккита ором курси филдиратиб чиқарилади. Саҳнанинг чап томонида эса, торшер ва катта пальма гул қўйилади. Саҳнанинг ўнг тарафидаги ором курсида Г у л и р а в з а мудраб ўтирибди. Ликопчада бир чашка кофе кўтариб З а м и р а қола киради. Гулиравзани мудраганини кўриб чиқиб кетмоқчи бўлади. Гулиравза уни кирганини сезиб, бошини кўтаради.

З а м и р а Балки, ичармикансиз деб олиб келдим.

Г у л и р а в з а Раҳмат опа, ичаман. Ўзингиз ҳам ўтиринг.

З а м и р а (диванга омонатгина ўтириб Гулиравзани кофе ичишига бироз разм солиб) Анча чарчадингиз, ётоқолинг, Тўхтасинжонни мен ўзим кута қолай.

Г у л и р а в з а Айтгандай, ўғлингизга Англиядан дорилар олиб келдим. Яхши бўлиб қолдими?

З а м и р а Раҳмат, худога шукр. Докторлар операция қилиш керак дейишяпти.

Г у л и р а в з а Қаерда? Шу ердами, Тошкентдами?

З а м и р а Унақа операцияларни ё Германияда, ё Изроилда қилишар экан.

Г у л и р а в з а (ўйланиб) Э, шунақами?.. Хўп десаңгиз, мен юбора қолай.

З а м и р а (юзлари ёришадию сўнади) Шу пайтгача хизматингизни қилиб ёмонлик кўрмадим. Ҳаммасига раҳмат. Аммо мен бу ҳимматингизни қабул қилолмайман. Ахир мен қайторолмайман.

Г у л и р а в з а Худо хоҳласа, ўғлингиз тузалиб кетиб, ўзи қайтаради.

З а м и р а Ўғлим яхши йигит, айтганингиздай тузалиб кетса, қайтаради.

Г у л и р а в з а Мана бу гапингиз яхши. Ўғлингизга ишонаман. Ҳали шундай йигит бўлсинки, роҳатини кўрасиз. Тонг ҳам отаяпти, энди дам олайлик.

З а м и р а Сиз дам ола қолинг. Мен ўзим кутаман.

*(Гулиравза хобхонасига кириб кетади. Замира хола кофе идишларини олиб чиқиб кетади. Саҳнага ширакайф ҳолда Тўхтасин кириб келади, пальма гуллар қўйилган тарафга бориб бир-икки бор эшик қоқади. Жимлик.)*

Т ў х т а с и н (яна эшик қоқиб) Оч эшикни! Эшикни оч, дедим!

Г у л и р а в з а (бироздан кейин) Мени тинч қўйинг.

*(Шу ерда Замира хола киради)*

З а м и р а (Тўхтасинни инсофга келтириш учун елкасини силаб) Тўхтасинжон, сизга жой солиб бераман, юринг.

Т ў х т а с и н Меҳрибонлигингни ўғлингга қил! Нима қилиб ивирсиб юрибсан шу пайтгача уйингга кетмай?!(Замира хола кўёши қилиб чиқиб кетади. Тўхтасин яна қаттиқроқ тақиллатиб Гулиравзага эшикни уриши баробарида гапиради) Сенга, уйга келмасдан кунутун сангиб юриш мумкину менга, улфатларим билан ойда бир марта йиғилнш мумкин эмасми?! Оч, бўлмаса эшикни уриб синдираман!

Г у л и р а в з а Синдиринг!

*(Тўхтасин эшикни қаттиқ ура бошлайди, шовқинга диван тарафдан Муҳайё уйқули кўзларини уқалаб чиқиб келади.)*

М у ҳ а й ё Дада, тинчликми?

*(Тўхтасин индамай бориб диванга ўтиради. Муҳайёнинг овозига Гулиравза эшикни очиб чиқади.)*

Г у л и р а в з а (эрига эътибор бермай, қизига ялтоқланади) Вой, Муҳай! Яхшимисан, қизим? Кеча уйқунгни бузгим келмади.

(қучмоқчи бўлади. Муҳайе ойисига рўйхушлик бермай. ладаси олдига бориб ўтиради) Шунақанги чиройли нарсалар олиб келганман сенга, чойдан кейин бераман. (Бориб қизи ёнига ўтиради) Бирам соғинганманки сани, қизим. (уни бошларини силайди ва бағрига босади. Муҳайё истар-истамас ойсинининг эркалашини қабул қилгандай бўлади).

**Т ў х т а с и н** (кесатиб) Соғинганмишлар!(тескарни ўтрилиб ўтиради)

**Г у л и р а в з а** Асалим бўлади-ю, соғинмайманми. Мен сени бувангга ўхшаб Англиядаги ўқишингни ҳал қилиб келдим. Худо хоҳдаса, тўрт-беш йилдан кейин буванга ўхшаб етти тилни биладиган бўласан. У кишидай дунё билан савдо-сотик қиласан. Келажақда бизни сендан умидимиз катта.

**Т ў х т а с и н** (яна кесатиб) Қизим, кўрдингни, сени ўзига ўхшатмоқчи.

**М у ҳ а й ё** (ялиниб) Мени Англиядаги ўқишимни ўйлайсизу уйга келмай, фақат иш дейсиз, биздан кўра ишингизни яхши кўрасиз.

**Г у л и р а в з а** (ўрнидан туриб) Хўш, қизим, нима истайсан? Ишни ташлаб уйда ўтирсам, ишдаги шунча одамнинг тақдири нима бўлади? Англия билан тузилган янги шартнома нима бўлади? Шунча қариндош-уруғларимиз, маҳалла-кўй, шифохона, болалар уйи, э, қанча-қанча ночорларга ҳомийлик қилиш нима бўлади? Давлат ишониб берган милёнлаб кредитларни ким қайтаради? Ким?

**Т ў х т а с и н** (бирдан ўрнидан туриб) Амакимни тўйига олиб берган наввоста шаъма қиляпсанми? Сенга биров ишлама деяптими?! Уйда бўл, бизларга ҳам вақт ажрат! Мен эрманми, ё эрмасманми?! Сендаям эр бор, фарзанд бор! Еттиёт бегоналарни ўйлайсану бизларни ўйламайсан!

**Г у л и р а в з а** Бу ишларни ҳаммасини сизларни ўйлаб қиляпман-ку! Булар Муҳайёнинг келажаги-ку ахир!

**Т ў х т а с и н** Ёлғон гапиряпсан! Мени билмайди дейсанми? Муҳайё, сен чиқиб тур.

**М у ҳ а й ё** Дада!..

**Т ў х т а с и н** (бақириб) Сенга чиқ дедим!(Муҳайё чиқиб кетади. Гулиравзага) Сен баландпарвоз гапларинг билан болани алдашинг мумкин. Нима қилиб юрганингни биламан-ку!

**Г у л и р а в з а** (ҳайрона) Нима қилибман?

**Т ў х т а с и н** Ўйнашинг билан келганингни биздан яшириш учун тўғри ишхонангга келдинг-а!

**Г у л и р а в з а** Қайси ўйнашим билан?

Тўхтасин (баттар жазавага тушиб) Ўша-а! Қудрат билан-да!  
Менга эрта текканингга алам қилиб, энди ёшлигингни қайтармоқчимисан? Ўшанда у сўтаклик қилганига мен айбдорманми?!  
(Гулиравза гапирмоқчи бўлади, лекин Тўхтасин уни гапиртирмай давом қилади) Ҳаётимни буздинг! Сени деб мен олий маълумотли одам оддий шофер бўлиб юрибман-а! Одамлар менга Гулиравзани эри дейишади. Ҳаммасига чидадим. Аммо бунисига чидамайман!  
Ажрашаман сен билан тамом, вассалом!

Г у л и р а в з а Аввалам бор Қудрат сизни дўстингиз эди. Иккинчидан, агарда мен юргим келса, Сиз билмаям қолардингиз. Менинг ҳалоллигим, поклигим кўр қилсин сизни!

Т ў х т а с и н (ички дард билан, овозини пасайтириб) Муҳайё менинг қизим эканлигига ҳам гумоним бор!

Г у л и р а в з а Мен сизни бу гапларни ароқнинг кучи билан айтаяпти десам, Сиз аблаҳ экансиз!

Т ў х т а с и н Хоҳлаганингни гапир, менга копейка!

(Шу пайт саҳнага Муҳайё кириб келади.)

М у ҳ а й ё Дадам нима деяптилар, ойи?

*(Гулиравза кўзига ёш олиб, бўкириб йиғлаганча ичкарига кириб кетади. Муҳайё дадасига қарайди. Тўхтасин унинг нигоҳига бардош беролмай саҳнадан чиқади. Муҳайё изтироб билан речетатив услубда фарёд қилади.)*

Онамни кутгай эдим мен зор бўлиб,  
Не бўлар қолсам отамдан айрилиб?  
Қай учай икки қанотим қайрилиб,  
Эй фалак, не бунча кўп озорларинг?!

Наҳот чиппакка кетгуси ҳаётим?  
Наҳот бўғзимда қолмиш шод баётим?  
Наҳот тубанликка кетар пок зотим?  
Эй фалак, не бунча кўп озорларинг?!

Бундайин иснодга етмас бардошим,  
Кўр қилар-ов кўзимдан оққан ёшим.  
Тош айланса чидам бер, азиз бошим,  
Эй фалак, не бунча кўп озорларинг?!

*Муסיқа авжланади.*  
Аванпарда кўтарилади.

## 4-Кўриниш

*1-Куринишдаги офис намоён бўлади. Кабинетда Гулиравза билан Собиржон. Қабулхонада котиба ва Гулсум Котиба компьютерда ишляпти. Гулсум Собиржонни чиқишини безовталиқ билан кўтяпти.*

**С о б и р** Опа, бугдой масаламиз ҳал бўлди. 20 вагон эрта-индин келади.

**Г у л и р а в з а** Собиржон, дуруст, раҳмат, лекин ишлаб-чиқаришни ташкил қилмасак узоққа боролмаймиз. Мен хорижда бир нарсани яхши тушундим. Биласизми 1 кило пахта толаси неча сум туради?

**С о б и р** Қиммат бозорида 2000 сўм.

**Г у л и р а в з а** Демак, 2 доллар, шундайми, 1 кило толадан неча дона эркаклар куйлаги ишлаб-чиқарилишини биласизми?

**С о б и р** 3-4 дона чиқади?

**Г у л и р а в з а** Хўш, бир донаси неча сум туради?

**С о б и р** Энг яхшилари 30-40 доллардан кам турмайди.

**Г у л и р а в з а** Тўғри, ана энди ҳисобланг, 1 кило тола ишлаб-чиқарилса камида 100-150 доллар қийматга сотилади. Демак, бор кучимизни ишлаб-чиқаришга қаратишимиз керак. Мен хорижликлар билан шуни ҳал қилиб келдим. Мана бу ҳужжатларни ўрганиб чиқинг. (Шу пайт телефон жиринглайди. Гулиравза телефон гўшагини кўтаради ва Собирга чиқиб кетишга ишора қилади. Собир чиқиб кетади.) Алло, эшитаман. Бўлди-бўлди, кетяпман. (ўрнидан туради ва сумкачасини олиб эшик томон юра болайди. Эшикка яқинлашганда, Гулсум киради.) Э, Гулсум... шошиб турган эдим, банкка зудлик бормасам бўлмайди.

**Г у л с у м** Опажон, ишим жуда зарур-да.

**Г у л и р а в з а** Нима гапинг бор? Юр, йўлда гаплашамиз.

**Г у л с у м** Йўлда гапирадиган гапмас-да...

**Г у л и р а в з а** Кейинроқ гаплашсак бўлмайдими?

**Г у л с у м** Йўқ!

**Г у л и р а в з а** Ахир кечга қолаяпман, наҳотки тушунмасанг. Тинчликми ўзи?

**Г у л с у м** Майли, вақтинг бўлмаса, мен кетдим! (кета бошлайди).

**Г у л и р а в з а** Қайт, кел ўтир.

*(Улар стол олдидаги икки курсига ўтиришади)*

**Г у л с у м** Ойимни олдларига борган эдим, сенга юбордилар...

Г у л и р а в з а ...

К о т и б а (эшикни очиб Гулиравзага) Сизни кутишяпти.  
(эшикни ёпади)

Г у л с у м Хабаринг бор, олмоқчи бўлган жойимизни эгаси  
бутундан қолсаларинг бошқага сотаман деяпти.

Г у л и р а в з а Хўш, мендан нима истайсан?

Г у л с у м Беш минг доллар етмаяпти.

Г у л и р а в з а Қанча тураркан?

Г у л с у м Беш минг.

Г у л и р а в з а Ўзингда ҳеч нима йўқми?

Г у л с у м Бор эди, жиянинг Турғунни бошлаган иши касод  
бўлиб, анчага тушдик.

Г у л и р а в з а Унгаям ўзим ёрдам берган эдим-ку. Унинг  
устига сизларга билдирмай ҳар ўн-ўн беш кунда пулни мендан сўраб  
олиб турибди.

К о т и б а (яна эшикни очиб Гулиравзага) Ҳозир бормасангиз  
кўйилган масала ёпиларкан.

Г у л и р а в з а (сумкачасини олиб чиқмоқчи бўлади. Ўтирган  
Гулсумга, хоргин). Хўш, мен нима қилай?

Г у л с у м Беш минг доллар бермасанг бўлмайди.

Г у л и р а в з а Нима, мен пулни кўчадан супуриб олаяпманми?  
Худди беш сўмдай сўрайсан. Тавба, ҳамма бер дейди.

Г у л с у м Мен ҳамма эмасман, мен синглинган!

Г у л и р а в з а Ўзингда ҳеч вақо йўқ экан, қандай қилиб жой  
олмоқчисан? Ундан кўра, менга жой олиб бер деяқол!

Г у л с у м Мен тиланчилик қилаётганим йўқ! Мен сендан қарз  
сўраяпман.

Г у л и р а в з а (кетмоқчи бўлади) Бу гапларни кейин  
гаплашамиз.

Г у л с у м Кейин бўлса керакмас.

Г у л и р а в з а Хўш, нима истайсан? Ҳозир чиқариб берайми-  
а? Ҳозир менда шу пул йўқ.

Г у л с у м Йўқ эмиш! Бошингга иш тушса дарров беш мингмас,  
юз минг топасан! Менга келганда йўқми?

Г у л и р а в з а Қачонгача менга осиласан? Ўзинг ишлаб  
топишни қачон ўрганасан?

Г у л с у м Ҳали мен сенга боқиманда бўлдимми? Менга ўхшаб  
бешта болани эрсиз ўстирсанг, шунақа демасдинг! Берсанг,  
жиянларингга берибсан, жигарингга берибсан? Биттагина қизинг  
бор, сенга пул нимага керак?

Г у л и р а в з а Гулсум, бўлди қил!

Г у л с у м Шунақами, майли, лекин билиб қўй, минг қўйлини, бир қуйлига ҳам иши тушади. Шунда салом бераман сенга! (жаҳд билан чиқади.)

К о т и б а (қабулхонадан) Опа! Телефонда Англия! Контракт!

Г у л и р а в з а (телефон гўшагини кўтариб) Хелло!.. Ээс... ээс!.. Андерстенд... Сенкю... веримач! Сенкю... Сенкю...

*Муסיқа кучаяди.*

*Аванпарда тушади.*

## 5-Кўриниш

*Аванпардада савдо-сотиқ дўконининг кўриниши. Унда турли хил кийим-кечаклар нусхаси осиглиқ турибди. Саҳнанинг ўнг томонида стол ортида Гулсум ўтирибди. Саҳнанинг чап томонидан бир неча харидорлар ўқтин-ўқтин кириб-чиқиб туради. Харидорлар қаторида дўконга Салима киради.*

Г у л с у м Келинг, Салимахон, яхшимисиз?

С а л и м а Худога шукур. Шунча йил опангиз билан ўртоқман. Барибир сиз яхшисиз, Гулсумхон!

Г у л с у м Опамга ит ўхшасин.

С а л и м а Ҳа, тинчликми?

Г у л с у м Етти ёт бегона хизматкорга 10 минг доллар ҳаражат қилади-ю, туғишган синглисига бир сўм ҳам бермайди. Ўзим ўлиб-тирилиб ҳаракат қиламан.

С а л и м а Э, сиз энли тўқнашяпсизми, мен бу казолардан аллақачон қўлимни ювиб, қўлтигимга урганман.

Г у л с у м Буларни адабини бериш керак. Сиздай дугонани, мендек сингилни билмадими, кўр бўлишсин.

С а л и м а Бойларга балоям урмайди. Бой бойга боқар. сув сойга оқар.

Г у л с у м Қаловини топсак қор ёнади. Хўп десангиз, буларни тумшуғини ерга боглаб ишқаймиз.

С а л и м а Кўлимдан келса, мен ҳам бир аламимдан чиқардим.

Г у л с у м Поччани ишга солиш керак, аёлга бесуяк!

С а л и м а Эҳ, ёшим ўтиб қолган-да! Йўқса, билардим!  
Гулсумхон, ўзларичи?

Г у л с у м У менга қайрилиб боқмайди. У ёшларга ўч. Аммо,  
Лолахонни эри сиздан кўзини узмайди. Сиз, Лолахонни эрини,  
мен поччамга онаси ўлмаганни толаман, нима дейсиз?

С а л и м а Гапингизда жон бор. Шундай қилсак. уларни уйи  
куяди.

*(Шу пайт харидорлардан бири — Қ у м р и Гулсумга мурожаат  
қилади)*

Қ у м р и (пештоқдаги бир бола кийимини кўрсатиб) Ана шу  
қизча кийимини кўрсатсангиз. Неча ёшга тўғри келади?

Г у л с у м Мана, қизчангизга боғлиқ.

Қ у м р и (кийимни у ёқ-бу ёғини айлантириб кўради) Неча  
ёшга тўғри келади?

Г у л с у м (Салима билан гаплари бўлинганидан норо-зиланиб)  
Уч-тўрт. Қизчангизни олиб кела қолмабсиз-да.

С а л и м а Гулсумхон, мен кетдим, қолганини шанба куни  
бизникида гаплашамиз. (Салима чиқиб кетади)

Қ у м р и Жиянимга, туғилган кунига олаяпман.

Г у л с у м Жуда яхши! Айтганингиздай жуда бежирим, пухта,  
фарангники. Совғага жудаям арзийди.

*(Гулсум Қумрининг чиройига маҳлиё бўлиб, унга бошқача назар қила  
бошлайди)*

Қ у м р и Пулим етармикан, қанча туради?

Г у л с у м Жуда арзон-ўн беш минг.

Қ у м р и Ўн беш минг?!

Г у л с у м Пулингиз етмаса хавотирланманг, етмаганини кейин  
келтириб берарсиз.

Қ у м р и Йўғ-е, танимай-билмай туриб қандай берасиз?

Г у л с у м Юзингиздаги фариштангиз айтаяпти. Сиз алдамайсиз!

Қ у м р и (пулини санаб узатади) Мана, опагон, раҳмат, пулим  
ҳам етар экан. (кийимни тўр халтасига сола бош-лайди)

Г у л с у м Мана, янги олиб келишди. Олинг болаларингизга,  
кийгизиб кўринг, тўғри келмаса, қайтариб олиб келарсиз.

*(Гулсум болаларнинг бежирим, чиройли-чиройли кийимларини Қумри  
олдига тахлаб ташлайди. Қумри кийимларга суқланиб қараб, сиб-  
синалайди)*



Қ у м р и Йўқ-йўқ, раҳмат... (жимлик) Ҳозирча зарурати йўқ.  
 Гу л с у м (ҳайрона) Айтдим-ку, синглим, топганда бераверасиз.  
 Қ у м р и Йўқ, зарурати йўқ... (кўзида сии айланади)  
 Гу л с у м Йўқчилик қийин, куюнманг, синглим?  
 Қ у м р и Худо мени фарзанддан қистан...  
 Гу л с у м Турмушингиз бўлмадими?  
 Қ у м р и 10 йил яшадик, бўлмали.  
 Гу л с у м Балки куёвингиз...  
 Қ у м р и Йўқ, айб менда экан.  
 Гу л с у м Даволанмадингизми?  
 Қ у м р и Даволандим, бўлмади. На чора, тақдир экан, ажрашдик.  
 Гу л с у м Унда, ўзингизни ҳеч синаб кўрмадингизми?  
 Қ у м р и (тушунмай) Қандай қилиб?  
 Гу л с у м Бегона билан-да...  
 Қ у м р и (рангги ўзгариб) Бегонангиз нимаси? Қизиқ экансиз-ку.  
 Гу л с у м (хўрсиниб) Ўзингизни аниқлаб олардингиз-да...  
 Куйинманг, ҳали эрга тегмаган қиздайсиз, Худо берса ажабмас!  
 Қ у м р и Ким билсин. Майли, опагон, мен борай.  
 Гу л с у м Майли, лекин мен сизга айтсам, сираям кўнглингизни  
 чуктирманг! Менга телефонингизни қолдириг, бир таниш табибим  
 бор, хўп десангиз, сизни кўрсатаман!  
 Қ у м р и Қандай бўлар экан...  
 Гу л с у м Биздан иродат, Оллоҳдан ижобат! (қоғоз билан ручка  
 узатади.)  
 Қ у м р и (жилмайиб, ёзиб беради) Мана, опагон, раҳмат,  
 опагон. (чиқиб кетади)  
 Гу л с у м (уяли телефони рақамларини тиради) Алло! Салимагон!  
 Илмоқни Худонинг ўзи етказди, жонгинам, сиз табиб бўласиз!  
 Кейин тушунтираман, ҳа-ҳа! Илмоқ бўлгандаям, зўр илмоқ (уяли  
 телефон қопқоғини ёпади, аста мусиқа бошланади)

*Мусиқа кучаяди.*

*Аванпарда кўтарилади.*

## 6-Кўриниш

Шу мусиқа фонида Аванпарда кўтарилади. Салиманинг уйи. Ўртада хонтахта. Дастурхон ноз неъматга тўла. Салима жуда очилиб кетган. У Гулсумга бўйнидаги тилло занжирни кўз-кўз қилаяпти.

С а л и м а Мана, Гулсумхон, яхшими?

Г у л с у м Вақтим ўтган деб нолийсиз, ўзингизни камситаверманг! Акангиз берган соягани хурлиқолар ҳам кўролмайдди!

С а л и м а Зар қадрини заргар билади! Энди бошқа ҳеч кимга қиё боқмайман! (Тилло занжирни кўрсатиб) Мен однолюбман! (очилишиб кулишади)

Г у л с у м (кулганча) Однолюбимдан ўргилай! Ана энди. Лолахон адо бўлсин!

С а л и м а Адо бўлсин, адо бўлсин-ей.

*(Муסיқа бошланади. Иккови куйлаб рақсга тушади.)*

С а л и м а  
Адо, адо, адоман,  
Яхши сўзга гадоман.  
Меҳрга акс-садоман!  
Акс-садо, акс-садо,  
Акс-садоман, ваҳ-ей!

Г у л с у м  
Ваҳ-ей, ваҳ-ей, ваҳ-ей!  
Чаккангга гуллар тақ-ей,  
Биз томонга бир боқ-ей,  
Боқишингга адоман,  
Меҳрга акс-садоман!  
Акс-садо, акс-садо,  
Акс-садоман, ваҳ-ей!

И к к а л о в и  
Боқишингга адоман,  
Меҳрга акс-садоман!  
Акс-садо, акс-садо.  
Акс-садоман. ваҳ-ей!

С а л и м а (қўшиқ тамом бўлгач) Илмоғингиз келмаяпти-ку?

Г у л с у м (девордаги соатга қараб) Илжини бор, келади. (Шу пайт эшик қўнғироғи жаранглайди.) Келди! (Гулсум чиқиб, Кумрини бошлаб киради.)

С а л и м а Келинг, ўргилай! (Кумри кўришиб ўтиради) Худойим бир тирноқ ато этса, бахтингиз очилиб кетади, иншооллоҳ.

Қ у м р и Раҳмат, илойим айтганингиз келсин.

С а л и м а Биз воситачимиз холос, шифо Оллоҳдан ўргилай. (Гулсум чой қўтариб киради. Шу пайт эшик қўнғироғи жаранглайди.)

Салима чиқиб Тўхтасинни бошлаб киради) Вой, акагинам, айланиб кетай сиздан! (Қумри ҳайрон. Гулсум ҳам жўрттага ҳайрон боқиб туради) Қани, тўрга ўтинг! (Тўхтасин сал ноз қилиб ўтиб ўтиради.) Омин! Қадам етди, бало етмасин! Аллоҳу Акбар!

Т ў х т а с и н (Ҳаммаларига бир-бир қараб, бир нимага тушунсаям сал анқовланиб) Бемаврид келибман шекилли?

С а л и м а Ҳеч ҳам!

Т ў х т а с и н Раҳмат анча тузалиб қолдим. Дори тайёр бўлса, берсангиз, шошиб турибман...

С а л и м а Майли, андак сабр қилинг, Тўхтасин ака, (Қумрини кўрсатиб) Бу киши сиздан олдин келдилар. Аввал бу кишини кўрай, кейин сизга қарайман.

Т ў х т а с и н Иштиёрингиз.

С а л и м а (Қумрига) Юринг. (Қумрини ичкарига олиб кириб кетади)

Т ў х т а с и н Сен нима қилиб юрибсан бу ерда?

Г у л с у м Салима опамда юмушим бор эди, почча!

Т ў х т а с и н Мени сотмайсанми?

Г у л с у м Боҳудо олсин, сизни билмайманми, почча!

Т ў х т а с и н Билсанг, ҳаммасини ичинга ют!

Г у л с у м Ютиб юрибман-ку. Сизни опамдан ҳам яхши кўраман. Қийналиб қолдим. Қўлингиздан келади. Опамни кўндиринг, ёрдам берсин.

Т ў х т а с и н (бир даста пул узатиб) Мана буни ол, унисиниям ҳал қиламиз!

Г у л с у м (пулни олиб) Ўзимни поччагинамдан ўргилай!(Шу вақт Салима ичкаридан чиқади. Гулсум) Мен чойга қарай. (чиқади)

С а л и м а (шивирлаб) Дори бердим, Қумрихон тайёр.

Т ў х т а с и н На бунча тез?

С а л и м а (дори шишачасини кўрсатиб) Бизни дори арслонни йўлга солади.

Т ў х т а с и н Ухлаб қолдими? Менга керакмас!

С а л и м а Ухлашга ухламайди, аммо раъингизга йўрғалайди! (кулади)

Т ў х т а с и н Э, маладес! Буёғига сизу мен бормиз! (ичкарига кириб кетади)

(Шу пайт патнисда кабоб, ичимиклар кўтариб Гулсум киради.)

Г у л с у м Поччагинамдан ўргилай! Ҳаммасини кўтариб келибдилар. Улар ўзиникини, биз ўзимизни маишатимизни қилайлик!

С а л и м а Иш битди! Ақлингиздан ўргилай, Гулсумхон!

Г у л с у м (Гулсум қушиқ бошлайди)

Ойдин оқшом Ойга қараб  
Шовуллаган сойга қараб,  
Юзлари ширмойга қараб,

*(Салимани ўйинга тортади)*

Қалбим тулар наволарга,  
Ўйим учар ҳаволарга!

Нақорат

Қалбим тўлар наволарга,  
Ўйим учар ҳаволарга!

С а л и м а

Ой дедингиз, сой дедингиз,  
Юзлари ширмой дедингиз,  
На бунча хушрўй дедингиз!  
Қалбим тулар наволарга,  
Ўйим учар ҳаволарга!

Нақорат

Г у л с у м

Ой ҳам гапми, сой ҳам гапми,  
Юзингиз ширмой ҳам гапми,  
Юрагимга малҳам гапим!  
Қалбим тўлар наволарга,  
Ўйим учар ҳаволарга!

Нақорат

Иккови

Ман сизга, сиз манга кераксиз,  
Бошқалари бари кераксиз.  
Айро ташлаб кетманг дараксиз,  
Қалбим тўлар наволарга,  
Ўйим учар ҳаволарга!

Нақорат

Г у л с у м Аризани тайёрланг! (пиёлаларга ароқ қуяди)

С а л и м а (Қумрини номидан кўзёши қилиб гапирди) Тўхтасин ака мендек пок аёлга зўравонлик қилдилар. (Ўз овозида) деб-а?

Г у л с у м Буёғини энди ўзингиз болайсиз! (Улар пиёлаларни уриштириб ичишади.)

*Муסיқа кучаяди.*

## Парда

### 7-Кўриниш

*Гулиравзанинг офиси. Кабинетда Гулиравза иш билан машғул. Қабулхонада Дилбар тушлик учун патнисга таом йиғаяпти. Дилбар патнис устига оқ салфетка ёниб Гулиравза олдига олиб киради. Шу пайт қабулхонага Қудрат кириб, тўғри кабинетга ўтади.*

Г у л и р а в з а (Дилбарга патнисга ишора қилиб) Буларни ичкарига олиб киргин. Келинг, Қудрат. (Дилбар патнисни олиб Қудратга маъноли назар ташлайди ва ичкарига киради. Гулиравза Қудратга кўзи билан «Нима қилиб кўйдинг», дегандай қарайди).

Д и л б а р (ичкаридан чиқиб) Мен тушликка чиқиб келсам, майлими, опа?

Г у л и р а в з а Майли. (Дилбар кабинет эшигини маъно-ли ёпади. Котиба чиқиб кетгач, Қудратга) Тинчликми? Нега келдингиз?

Қ у д р а т Узр, зарур бўлиб қолди.

Г у л и р а в з а Қанчалик зарур бўлса ҳам келманг, оилам бузилади. Дўстингиз мени сизга рашк қияпти.

Қ у д р а т Аҳмоқлигини қўймапти-да.

Г у л и р а в з а Нима бўлгандаям у менинг эрим. Оила эса, менга муқаддас.

Қ у д р а т Агарда аҳмоқлик қилмаганимда...

Г у л и р а в з а Керакмас. Бизни ёшликдаги меҳримиз ўзимиз билан қолсин. (пауза. Гулиравза дераза томонга қарайди. Қийналиб) Келинг, ишга кўчайлик.

Қ у д р а т Англиядаги шартноманинг тасдиғига Шоди Шодмонович имзо қўймапти. Бериш керак.

Г у л и р а в з а Қудрат, мен бу ўйинга уйнамайман.

Қ у д р а т Унда ишингиз қуяди.

Г у л и р а в з а Куймайди. У ҳали мени билмайди. Жигимга тегса, онасини кўрсатаман у хезалакни! Ўроқда йўқ, мошоқда йўқ, хирмонда ҳозир! Нима қилгани учун олиши керак?! Битта имзогами?

А бу унинг иши, вазифаси! Биз бу ерда кон ютиб пул толамиз-да, қандек қилиб ўраб унга олиб бориб бераманми? Ширингинасидан ебди у аблаҳ! Ҳеч нима бермайман!

Қ у д р а т (ўрнидан туриб, Гулиравзани орқа тарафидан келиб, елкасидан кучади) Ўғ илонсан, Гули! ( Шу ерда М у ҳ а й ё ойисининг ишига халақит бермаслик учун аста кириб, Қудратнинг ҳаракатини кўради-да, туриб қолади) Сиполигинг ҳам бир, лаҳшатинг ҳам бир! Қойилман!

Г у л и р а в з а (Муҳайёни кўриб) Кел, қизим, мана Қудрат аканг келибдилар.

Қ у д р а т Муҳий қизим, кел, кап-катта бўлиб қолибсан-ку. (Гулиравзага) Худди бувангизни ўзи-я.

М у ҳ а й ё (эшитилар-эшитилмас) Яхшимисиз?

Қ у д р а т Қизим! (Муҳайёга яқин бориб бағрига олмоқчи бўлади, Муҳайё ўзини четга тортади)

Г у л и р а в з а Дўстингиз унга сизни отанг деган...

М у ҳ а й ё Ойи!

Қ у д р а т Тўғри, отаси бўлмай, кимман?

Г у л и р а в з а Сиз нотўғри тушундингиз, дадаси ўзини эмас, ҳақиқий отаси деб сизни айтяпти.

*(М у ҳ а й ё шу ерда чиқиб кетмоқчи бўлади Қ у д р а т уни ушлаб қолади)*

М у ҳ а й ё Қўйворинг.

Қ у д р а т Энди тўхта, қизим. Бу масала ҳал бўлмагунча ҳеч қаерга кетмайсан. Биз, ойинг, даданг учовимиз бир институтда бир гуруҳда ўқиганмиз. Тўғри, мен ойингни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўрганман. Аммо, даданга турмушга чиққанидан кейин биздан қалин дўст йўқ. Бу рост гап. Қолганлари дадангни ранки ва туҳмат.

М у ҳ а й ё (паст товушда) Ишонмайман гапингизга.

Г у л и р а в з а Қизим, сенга савол, буни исботлаб бўладими?

М у ҳ а й ё (ўйлаб) Йўқ.

Г у л и р а в з а Кўрдингми, туҳматни кучини. Туҳматни фош қилиш мумкин, унинг учун ишонч керак. Агарда сен ишонмасанг, қандай қилиб исботлаб бўлади.

Қ у д р а т Муҳайё, мени қораланганим майли, онангга ишонмайсанми?

М у ҳ а й ё Дадамгаям ишонмайми?

Г у л и р а в з а Агар ундай бўлса, икковимизгаям ишонма. Ўзинг, ақлинг билан ҳал қил, шунда ҳақиқат кўзингга кўринади.

*(Шу пайт кабинетнт эшигини очиб С о б и р ҳам С а р д о р кириб келади)*

**С о б и р** Мумкинми?

**Қ у д р а т** Мумкин, келинглар. Менимча, бизнинг масаламиз ҳал. Тўғрими. Муҳайё?

**М у ҳ а й ё** Ҳа.

**Г у л и р а в з а** Раҳмат қизим. (эшикда турганларга) Кираверинглар.

*(Қудрат билан Муҳайё чиқиб кетади, Собирлар киришади. Саҳнадаги чироқ секин сўнади)*

*Муסיқа кучайиб, пасаяди*

**Аванпарда тушади**

## 8-Кўриниш

*Аванпарда олди. Хиёбон. Чинор тағдаги ҳовуз лабида скамейка. Скамейкада Қумри ҳаёлга чўмиб ўтирган ҳолда қўшиқ куйляпти.*

Вафо қилдим бериб меҳрим кўрдим кўп бевафолиғ,  
Бу не бошимда кўргулук, бу не юзи қаролиғ?!

Ёраб бу не ажаб ҳолдир, бахтсиз этса кутганим,  
Фарёд этиб кўролмаган неча истаб даволиғ!

Бўлгум эди бундан ахир бахтиёрдан бахтиёр  
Нетай айланди чархи дун энди йўқдир рўшнолиғ!

Бу не сирри фалак эрур, топсанг зулм одамлардин,  
Душманлиғ не қадар, бўлса зулми бисёр ошнолиғ?

Тўйдим бари хушомаддан, ки жонимдан-да, тўйдим,  
Бу ҳаёт не учун даркор бўлмасам хуш наволиғ?

*(Ашула тамом бўлгач, Г у л с у м кириб кириб келади)*

**Г у л с у м** Нега бу ерга чақирдинг?

**Қ у м р и** (қийналиб) Мажбур бўлдим.

**Г у л с у м** (хайрихоҳлик билан) Нега?

**Қ у м р и** (ийманиб) Асли мен бадбахтман! Мен, гумроҳ алдов тўрига тушармидим!... Ўша кун... бўйимда қолди...

Гул сум Тўхтасинданми?

Қумри Ҳа!

Гул сум Сен болани йиллаб кутгансан-ку!

Қумри Ҳа, кутганман, лекин ҳаромдан эмас! Мен бахти қарони шу куйга сиз солдингиз!

Гул сум И-е! Бахт куши қўлингда-ку, ахир! Гаҳ десанг, Тўхтасин аканг қўнади!

Қумри Ундай бахтга тупураман!

Гул сум Мақсадинг нима?

Қумри Билсам чақирармидим.

Гул сум Бунинг сабабчиси бор! Ўша жавоб берсин! (қўлидаги уяли телефони орқали қўнғироқ қилади) Алло! Тўхтасин ака! Тез етиб келмасангиз аҳвол чатоқ! Тўққиз теракдаман! Тез келинг!

Қумри (ҳаяжонланганча, норозиланиб) Нима қилмоқчисиз? Ахир у кишида айб йўқ!

Гул сум Айб бор! Қилғиликни қилган одам шу!

Қумри (сирни тагига етиб) Мени бадном қилган табиб билан сиз экансиз-да?! Синалмаган одамларга ем бўлган мен аҳмоқ, мен гумроҳ, мен шўрпешона, нималар қилиб қуйдим!

*(Шу ерда Қумри билан Гулсумнинг дуети бошланади)*

Қумри

Куксим ёнар, фириблар дастидан дод!

Яхшилик борми бетаъма беғараз?

Нечун бешафқат-а бунча одамзод?

Кулиб бағринг тилар қай қотил, мараз!

Гул сум

Яхшилик этдим ёмона дўнди-ей,

Кўзингни оч, бошингга бахт қўнди-ей!

Қумри

Сўнди, сўнди, бахт юлдузим сунди-ей,

Аё, Тангрим! Кундузум шом бўлди-ей.

Ол жонимни паймонам ҳам тўлди-ей.

Онажоним, Қумрижонинг сўлди-ей!

Гул сум

Яхшилик этдим ёмона дўнди-ей,

Кўзингни оч, бошингга бахт қўнди-ей!

*(Қушиқ тамом бўлгач, Тўхтасин кириб келади)*



Тўхтасин (бир Гулсумга, бир Қумрига қараб) Нима гап? Тинчликми?

Гулсум (оғир жимликдан сўнг) Қумрихонни ўша куни... бўйида қолибди!

Тўхтасин (сал тўхтаб) Йўғ-е! Шунақа денг?

Гулсум Ҳа!

Тўхтасин Яхши!

Қумри (қаттиқ ҳаяжонланиб) Нимаси яхши? Иснод-нинг нимаси яхши?! Қандай чидайман! Ота-онам қандай чидайди бу юзи қароликқа?! Ундан ўлим афзал!

Тўхтасин Болани олдириб ташлаш керак!

Қумри Йўқ! Бўлмайди! Барибир сир очилади! Ундан кўра ўлганим яхши!

Гулсум Сиринг ўлсанг ҳам очилади. Ахир, тафтиш кўрсатади-ку!

Қумри Шундай қиламанки, ўлигимниям топишолмайди.

Гулсум Йў-ўқ! Сени ўлимингни бўйнимга ололмайман! Сен деб жавобгар бўлайми? Ундан кўра ҳозироқ бориб айтаман!

Тўхтасин (Гулсумга) Нима қил дейсан? Мен бўйнимга олмаман.

Гулсум (Тўхтасинга) Керак бўлса олдираман! Мени криминалга аралаштирманлар!

Қумри Эй, Худо! Кўрган азобларим озмили? Бу ҳаётда тўйдим, жонимни ўзинг ол! (йиғлаб чиқиб кетади)

Тўхтасин (Гулсумга ўқрайиб қараб) Сен аблаҳ, нима қилмоқчисан ўзи?!

Гулсум Нима қилардим. У Қудрат ака билан дон олишса, шунга сиз жавоб берганингиз яхшимасми?

Тўхтасин Хўш?..

Гулсум (бир лаҳза Тўхтасинга қараганча) Ўзи пиширган ошни ўзи ичсин! Сизни қадрингизни шунда биледи.

Тўхтасин У мендан ажрашади. Унда мени ҳолим не кечади?!

Гулсум Опамни билмас экансиз. У ўқ илон! Ўлсаям сизни кўлдан чиқармайди. Билмайсизми, у депутат бўлмоқчи, ҳоким бўлмоқчи. Анкетасини булғаламайди. Сиз унга ширмасиз! Бу вазият сизга уни синдириб беради. Кўрибсизки ошигингиз олчи! Маъқулми?

Тўхтасин Қайинсингилжон, бало экансану сен ҳам.

Гулсум (хандон отиб) Бир қориндан тушганмиз-да!

*Муסיқа кучаяди*

**Аванпарда кўтарилади**

## 9-Кўриниш

Муסיқа фонида А в а н п а р д а кўтарилади. Гулиравзанинг офиси. Асаблари таранг Гулиравза киради.

Гулиравза (котибага) Англиядан факс келдими?

Котиба Йўқ.

Гулиравза Шоди Шодмоновичдан-чи?

Котиба Йўқ.

Гулиравза Олдимга ҳеч кимни қўйма, телефонни ҳам улама! (хонасига киради, сумкачасини очиб, дастрўмолини олади-да, сумкачасини стол устига қўяди, овозли телефон рақамини теради)

Замира (овози) Алло!

Гулиравза Хола, Муҳайё келдими?

Замира (овози) Келмали. Ҳамма танишларига телефон қилиб чиқдим. Ҳеч ким уни қаердалигини билмайди.

Гулиравза Келиши билан мента хабар қилинг. (Гулиравза телефонни ўчиради.)

*(Шу пайт қабулхонага Гулсум билан Тўхтасин кириб келади ва котибанинг «ҳай-ҳай»ига қарамай Гулсум ичкарига кириб кетади.*

*Тўхтасин котибага хиралик қилиб қабулхонада қолади)*

Гулсум (қўлидаги хатни бериб) Ма, устларингдан мелисага тушган хат. Кумри деган аёл ёзибди.

Гулиравза (хатга кўз югуртириб) Бошқа нима гапинг бор?

Гулсум Оиланг барбод бўлди!

Гулиравза Барбод бўлган бўлса, менинг оилам барбод бўлибди. Унда сенга нима?

Гулсум Матонатли бўлиб қолдингми? Бутун шаҳарга доврўнинг кетгандан кейин ахволингни кўраман.

Гулиравза Мени тушунмайди дейсанми? Бу ишни сен ташкил қилгансан.

Гулсум Нима қилган бўлсам, қилгандирман. Сен ўзингни ўйла. (қабулхона томонга, чақиради) Тўхтасин ака!

*(Тўхтасин кириб келади)*

Тўхтасин Хўш, энди нима қиламиз?..

Гулиравза Сиз оиламизни барбод қилиш учун қилганингизни қилиб бўлдингиз. (Столдаги телефон жиринглайди. Гулиравза телефон гўшагини кўтиради) Эшитаман.

Т е л е ф о н д а Шоди Шодмоновичнинг овози: Шартномангиз тасдиқдан ўтмади. Англияга телефон қилиб, мен рад жавобини бердим. Суянган суянчигинг, Қудрат-ингниям ишдан олишди. (заҳархандалик билан кулади) Энди қўлингдан келганини қил! (Телефон узук-узук товуш эшитилади. Хуружли мусиқа бошланади)

Г у л с у м Оиланг бузилди, шартноманг йўқ бўлди. Энди бор-бутингдан айрилдинг! Қизинг уйни ташлаб чиқиб кетди. Кундошинг бўғоз! Кимсан энди?! Ҳеч кимсан! Кеча сенинг оёгингга патак бўлган одамлар бутун сенга тупуришади. Гулиравзанинг ўзи ҳеч кимга керак эмас! Энди ўзингни ос!

*(Гулиравза юрагини ушлаб ўтириб қолади. Чироқ ўчади ва кейин сахна кўкиш рангга киради. Мусиқа бошланади Гулиравза юрак оғриғи билан ўрқидан туриб фарёд чекади. Қушиқ пайтида пиеса иштирокчилари Гулиравзанинг атрофида вазоҳатли ҳолда парвона бўлишади. Гулиравза кўшиқ пайтида улардан сахна бўйлаб қутулмоқчи бўлиб ҳаракат қилади. Қўшиқнинг мусиқий паузаларида қолган иштирокчилар навбатма-навбат унга хуруж қилишади)*

### Г у л и р а в з а

Беададдур бунчалар зулми фалакнинг, кел эй, сабот!  
Бағрим эзмиш ким алдову турфа фириб, минг фарёд!

*(Мусиқа паузасида оҳанг насайиб биринчи байтда Салима билан Гулсум, қолган байтларда бошқа иштирокчилар речитатив услубда пластик рақс билан айтимчилик қилишади)*

С а л и м а Деб эдинг ким сан мани ғару бузиқи нотавон,  
Г у л с у м Ютадурсан эндилардан қилмишингга лаҳча қон!

### Г у л и р а в з а

Кима айтиб, кима йиғлай, бошимда беаёв уюр,  
Отар алам ўқини кўксингга бирдай яқин ҳам ёт!

Т ў х т а с и н Аввали айбни ўзингдан излаю сўнг йиғлагил,  
Д и л б а р Ишқ-вафо гар истасанг бевафолиғ ҳам қилмағил!

### Г у л и р а в з а

Қани менга беринг оқил, майли айланг таънаи лутф,  
Қаю фасл қилдим хато, нечун озорли бу ҳаёт?

Л о л а Узилиб ердан оёгинг, жонгинам кетдинг баланд,  
С о б и р Токай олғайсиз опа, ҳар яхшиликдан кони панд?  
Г у л и р а в з а

Не қилай, айтинг азиэлар, қолсам кучимдан айрилиб.  
Ўзни қўлга олайн қай, қандай этай кўнглимни шод?

З а м и р а Пок ҳаётинг тонгдаги биллурдайин мусаффо.  
Қ у д р а т Сиздан ўргансин аҳли ишқ не меҳр, недур вафо.

Г у л и р а в з а

Бир синов балки бу кунлар юки кўпдан кўпдир оғир,  
Бер ўзинг нусрат Эгам, қўлла ўзинг, этгил имлод!

М у ҳ а й ё Наҳот нопоклик чулғаса сабот етарми ҳайҳот?!

*(Қушиқнинг охирги аккордларида кўк чироқ ўчади ва сахна ёришади.*

*Сахна ўртасида турган Гулиравза юрагини чангалаганча аста  
йиқилади. Сахнада қолган Тўхтасин, Гулсум ва Дилбар унга ёрдам учун  
ёпирилиб устига келишади. Мушиқа кучаяди, чироқ сўнади.)*

## Аванпарда тушади

### 10-Кўриниш

*Мушиқаси фониди ё оқ харир матодан тикилган А в а н п а р д а  
тушади. Аванпарда орқасида ним қоронғиликда шифохона намоён бўлади.  
Аванпарда олдидан уёқдан-буёққа шифохона ходимлар чопқилаб ўтиб  
туришади. Улар Гулиравзани қутқариши, муолажа ҳолатлари билан банд.  
Реанимация олдиди турган М у ҳ а й ё йиғлаб туриб қўшиқ айтяпти.*

М у ҳ а й ё

Меҳрибоним, жоним онам,  
Кўзим боғланди, боғланди.  
Ҳар лаҳзада тиғлар алам,  
Кўксим доғланди, доғланди.

Нақорат

Кўзим боғланди, боғланди.  
Кўксим доғланди, доғланди.

Ўтга солиб, бағрим тилиб,  
Онажонимни ранжитдим.  
Ашдовлардан гумон қилиб,  
Жонажонимни ранжитдим.

## Нақорат

Сиз учун мен берайин жон,  
Борлигим, қоним онам.  
Дилу жоним сизга қурбон,  
Авф эдинг, жоним онам.

## Нақорат

*(Саҳна аста ёришади ва аванпарда олди Гули-равзанипалатасига айланади. Гулиравзани ҳамширалар гилдиракли махсус кроватда олиб киришади. Кроват ёнида Муҳайё онасини қўлидан ушлаганча бирга киради. Ҳамширалар Гулиравза ётган кроватни бош тарафдаги палласини ярим ўтириш ҳолатига кўтаришади ва чиқиб кетишади. Муҳайё кроват четига ўтириб олади. У онаси эшитмайпти деб ўйлаб дардини тўжади)*

М у ҳ а й ё Кеча мен Тошкентга бордим. Қудрат акам билан сизнинг курсдошларингиз йиғилишига бордим... Ажойиб, дилкаш курсдошларингиз бор экан. Мен ҳамма-сини билдим. Дадам ёзги таътилда Қудрат акам уйланди деб сизни аллаган. Қудрат акамни уйларида бўлдим, оиласини кўрдим. Улар менга жуда ёқди. Мен Қудрат акамга ишондим. Мени кечиринг, ойижон... Бошиқа сизни ҳеч қийнамайман. (У ойисини меҳр билан оҳиста кучади)

Г у л и р а в з а (хаста овозда) Қизлари, адашимни кўрдингми? Қандай ёқимтой қиз-а!..

М у ҳ а й ё (хурсанд бўлиб) Худди келинойимни узлари-я.

Г у л и р а в з а Даланг мени қаттиқ яхши кўрарди. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Тузалиб кетсам, ишимни йиғиштираман, қизим, уйда ўтираман, сенга, далангга қарайман. Худди олдингидай яшаймиз. Шунини хоҳлайсанми?

М у ҳ а й ё Қандай яхши, ойижон, дадам ҳам аявалги-дай яхши бўлардилар.

Г у л и р а в з а Англиядаги ўқишинг ҳам энди йўқ бўлди. Кечир мени, қизим.

М у ҳ а й ё Сиз тузалсангиз бас.

*(Палатага қўлларида пакет кўтариб Замира хола билан Қумри кириб келишади)*

З а м и р а Равзахон, тузукмисиз, қизим?

М у ҳ а й ё Яхши бўлиб қолдилар. Мана ойижонимни палатага олишди.

Г у л и р а в з а Раҳмат.

З а м и р а Қўшним Қумрихон билан келавердик!

Г у л и р а в з а (Қумрига қараб қўйиб) Муҳайё, пастга тушиб менга минерал сув олиб кел.

М у ҳ а й ё (ҳайрон бўлиб) Хўп, ойижон. (чиқиб кетади)

З а м и р а (кровать ёнидаги курсига ўтириб) Равзахон, номавруд бўлсаям Қумрихонни ола келдим. Сиз ақлли аёлсиз. Ўзингиз гаплашсангиз яхшироқ бўлармиди дегандим. (жимлик)

Қ у м р и (Замира хола орқасида тик турганча) Мени даволайман деб оғу беришди. Мен эрингизни танимайман. Нима бўлганиниям билмайман. Ҳеч қанақа ариза ёзганим йўқ. Ҳеч кимга ҳеч қандай даъвом йўқ. Ҳаммасига ўзим айбдорман.

З а м и р а Қумрихон яхши аёл, бундай ишга қодир эмас. Энди бу жабрдийда номусдан боласини олдиarmoқчи.

Г у л и р а в з а (Қумрига) Ундай қилманг. Болани айби йўқ.

Қ у м р и Болани олдириб ташлатмасам, бу ерларда бош кўтариб юролмайман!

Г у л и р а в з а Нотўғри ўйлабсиз. Аёлнинг бахти оналикда. Туғинг, болангиз ойижон деганда, ҳаммаси унут бўлиб кетади.

Қ у м р и (Йиғлаб) Опажон, мен болани шунча йиллар кутдим... Онамни, аklarимни юзини ерга қаратолмайман!.. Болалик бўлиш менга буюрмаган!..

Г у л и р а в з а (ўз касаллигидан қийналиб) Тошкентда курсдошларим бор. Шуларникига борасиз. Ҳаммаси босди-босди бўлганидан кейин уёғига Худо раззоқ.

З а м и р а Бизга руҳсат, Равзахон, оппоқ бўлиб кетинг, қизим. (улар кетмоқчи бўлишади)

Г у л и р а в з а Қумрихон, келишдикми? (Қумрини ўйланганини кўриб) Ўзингизнимас, болангизни ўйланг.

Қ у м р и Болам. болам учун...

Г у л и р а в з а Тўғри қиласиз. Болангиз учун яшаш керак.

Қ у м р и Раҳмат, опажон!

*(Замира билан Қумри чиқиб кетади. Гулиравза беҳоллик билан ястиги тагидан кичкина кузгусини олиб ўзига оро бера бошлайди, палатага гулдаста билан Лола киради)*

Л о л а Пардоз қиялсанми, демак эртага чиқасан, дугонажон!  
(Гулдастани Гулиравзанинг тиззасига қўйиб, уни икки чеккасидан ўпади ва кроват ёнидаги курсига ўтиради) Кўриб турибман ахволинг анча яхши.

Г у л и р а в з а Худога шукр. Яхшиман. Ўзинг яхшимисан?

Л о л а Отдайман. Сен тезроқ тузалсанг ундан ҳам яхши бўламан. Ҳаммасидан хабарим бор. Чиққанингдан сўнг ўзим сени ишга оламан.

Г у л и р а в з а Раҳмат.

Л о л а Тушунмадим сани, дугонажон, менку сени ишга оламан, лекин курашувчан, ҳамма нарсани енгадиган Гулиравза қани? Таслим бўлдингми?

Г у л и р а в з а Чарчадим. Дам олмоқчиман.

Л о л а Ҳа бўлди, тушуларли. Фанимларини мақсадига эришибди.

Г у л и р а в з а Йўқ. Бизнес аёл кишининг иши эмас экан.

Л о л а Бизнесга аёлликни нима алоқаси бор? Бу Гулсум билан Салиманинг кирдикорлари. Шу мегажинлар сени йиқитди. Уйда ўтирсанг, ўтиравер, ўзинг биласан. Сени ожизлигингдан фойдаланиб улар ғалаба қилиб юра беришади. Салима эримни бошини айлантириб ўзиники қилиб олмоқчи бўлди. Мен қуяманми, йиртиб ташлайман-ку! Мен оиламни бировга бериб қўяманми?

Г у л и р а в з а (кўзига ёш келиб) Энди мени саломатлигим кутармайди.

(Аста мусиқа бошланади)

Л о л а Йиқилганни тепиб ўт дейдилар. Равза, сен ботмаган ойсан, унутма!.. Ҳай, майли, аввалам бор соғайиб кет, кейин бир гап бўлар. Менга рухсат.

Г у л и р а в з а ...

Л о л а Хайр, эртага келарман.

Г у л и р а в з а ...

(Лола Гулиравзани сочларини силаб, чеккасидан ўпиб чиқиб кетади)

Г у л и р а в з а (бир мунча паузадан кейин ўзига-ўзи ўйланиб) Ботмаган ой... Қуёш ҳам Ой ҳам ботмайди. Узининг меҳвариди айланаверади. Умр боқий айланади!

Яхшилик қилким, ёмонлиғни ёритгай худ Қуёш,  
Ким Қуёш кўкла ҳукмрон, асло Ой ҳам ботмагай...

*Мусиқа кучаяди, чироқ сунати.*

Аванпарда қўтарилади

## 11-Кўриниш.

Муסיқа фонида Аванпарда кўтарилади. Гулиравзанинг офиси. Саҳнада ходимларнинг ташвишли ҳаракатлари. Қабулхона диванида Гулсум. Тухтасин, Муҳайёлар, ором курсиларда Лола билан Салима ўтирибди. Котиба кабинетда бўладиган мажлисга тайёргарлик кўряпти. Са р д о р турли хил ҳужжатларни олиб кириб стол устига жойлаштиряпти. Қабулхона эшиги чеккасида Эшик посбони Қобилжон турибди.

Л о л а (Тухтасинга) Гули, шифохонадан кейин кетганига ҳам бир ойдан ошди. Нималар қилиб юрган экан, қаерда у?

Т ў х т а с и н (терслик билан) Билмайман.

С а л и м а (Гулсумга ҳамма эшитадиган қилиб) Марказдан комиссия келиб, фирмани ёпармиш.

Г у л с у м (тилёғламалик билан) Ёпилса, ҳаммага жавр бўлади-да. Дилбархон! (ичкаридан Дилбар чиқади) Бизни нега чақиринди?

Д и л б а р Билмадим, бизга буюришади, биз айтамыз.

Қ о б и л ж о н Келишяпти.

*(Саҳнага Гулиравза кириб келади ва шиддат билан кабинетига ўтади сўнгра дам олиш хонасига кириб кетади. Ҳаммалар ҳангу-манг қараб қолишади)*

С а л и м а (Гулиравзани орқасидан қараб) Айтдим-ку, ёпишади деб.

*(Салиманинг гапига ҳеч ким эътибор қилмайди)*

Қ о б и л ж о н Ёпишса, мен нима қиламан.

*(Қудрат билан Собир кириб келади ва кабинетга ўтади. Дам олиш хонасидан Гулиравза чиқади)*

Г у л и р а в з а Бошлаймизми?

Қ у д р а т Бошладик.

С о б и р Дилбархон, чақиринг ҳаммани!

*(Ҳамма кабинетга киради ва жоилаштишади)*

Г у л и р а в з а (вазминлик билан) Ҳаммангизни тўплаганимдан мақсад, миннатдорчилик билдирмоқчиман. Аввалам бор оиламга, елкама-елка туриб ишлаган ходимларимга, менга меҳрибончилик қилган Дилбархонга, қолаверса, ёмонлик тилаб яхшилик қилган Салимахон билан Гулсумга, оғир пайтимда йўл кўрсатган дугонам



Лолахонга, лавозими кичик бўлсаям ҳамиша ширинсўзлик билан қўллаб-қувватлаган Қобилжонга мингдан-мин раҳмат. (ўтиради)

*(Ҳамма жим.)*

С о б и р Сўз, марказдан келган, Кабминнинг янги бўлим бошлиғи Қудрат Қаюмовичга.

*(Бу янгиликдан ўтирганлар бир гувраниб олишади)*

Қ у д р а т Давлат ташкилотлари Гулиравза Нодиров-нани Англия билан тузган шартномасини ўрганиб чиқди. (жимлик) Қисқаси, бу ташаббусни... раҳбарларимиз тўғри деб топишди ва Гулиравза Нодировнага қатта ишонч билдиришди. (ўтирганлар бир лаҳза ҳангуманг бўлиб, кейин хурсандчиликдан қарсақ чалиб юборишди) Ундан ташқари давлат сизнинг фирмангизга катта миқёсда кредит ажратди. (қарсақлар уланиб кетади) Бу ишларга жонкуярлик қилган Собиржон бош директорнинг муовини тайинланди. Давлат қарорида шу корхона ходимларининг ойлик маошлари икки барабар оширилди. (яна қарсақлар) Қолаверса, бу ташаббус оқибатида шаҳар ва вилоят инфраструктурасига каттагина маблағ ажратилади. Юзлаб янги ишчи ўринлари очилади. Дарвоқе, мени ишдан олинган деб, сизларни ишингизга тўсиқлик қилган Шоди Шодмонович ишдан олинди. Э, бўлдимми? (Гулиравзага) ҳеч нима қолиб кетмадимми?

Г у л и р а в з а Етмаган жойлари бор-у, уни ишда ҳал қиламиз.

*(Ҳамма ўрндан туради. Ҳаммалари Гулиравза олдига бориб табрикляшади. Салима билан Гулсум чиқиб кетади. Тўхтасин чиқиб кетмоқчи бўлади Қудрат уни қайтаради.)*

Г у л и р а в з а (Тўхтасин олдига бориб) Ўтган ишга саловат. (ҳазиломуз, ним табассум билан) Ҳали ажрашганимиз йўғу, ерлингизни тан олмай-сизми?

Т ў х т а с и н Агар кечиролсанг, кечир.

*(Шу ерда М у ҳ а й ё келиб دادаси билан онасини қучоқлайди)*

Қ у д р а т (Тўхтасинга ҳазилона) Хотинингизни қўлида ишлашга қаршилиқ қилмасангиз, сизга ҳам иш бор.

Т ў х т а с и н Қийнама дўстим, иш бўлса, ишлайвераман.

М у ҳ а й ё (хурсандчиликдан чапак чалиб) Яшасин, энди уйимизда ҳар кеч чироқ ёнадиган бўлди!

*(Мушиқа янграйди Лола қўшиқ айтиб Гулиравзани рақсга тортади)*

Л о л а

Жоним дедим, жон дединг,  
Ўйимласан ҳар он дединг,

Муҳаббатда ен дединг,  
Ёндим-ёндим, ёнаман.

Ҳ а м м а , нақорат

Ёндим-ёндим, ёнаман,  
Сиз-чун ёна-ёна ман,

Г у л и р а в з а  
Ўйнанг жоним, ўргилай,  
Меҳрибоним, ўргилай.  
Ёна-ёна, ёна ман,  
Жоним бериб, жона ман,

Ҳ а м м а , нақорат

Л о л а  
Сочим ўйнар саболар,  
Пардоз бериб зеболар,  
Қулоқ беринг Зеболар,  
Ёндим-ёндим, ёнаман.

Ҳ а м м а , нақорат

Г у л и р а в з а  
Сиз биландир сафолар,  
Сиз билан хуш раволар,  
Дилда ўйнар наволар,  
Ёндим-ёндим, ёнаман.

Ҳ а м м а , нақорат

*(қўшиқ тамом бўлагач, чироқ сўнади. Ўртада қолган нурда Қобилжон турибди)*

Қ о б и л ж о н Бир киши отга минади, минг киши бахтга  
минади, дейишали. (томошабинларга қараб) А, тўғрими, азизлар?

Мусиқа кучаяди.

Парда  
ТАМОМ

2004 й.

# Жавлон журра

(2 қисмли мусиқий комедия)

## Қатнашувчилар:

**Ж а в л о н** — ветеринар, 40 ёшларида,  
**Б а д а л** — кичик тижоратчи, 40 ёшларида,  
**П ў л а т** — ҳайдовчи (хусусий киракаш), 40 ёшларида  
**Д а в р о н** — қурилишда прораб, 40 ёшларида,  
**З и ё д а** — Бадалнинг хотини, уй бекаси, 35 ёшларида,  
**Ч а р о с** — Жавлоннинг хотини, ҳамшира. 35 ёшларида,  
**Р а ж а б Р а й х о н** — чойхона эгаси, 60 ёшларида,

**Чойхўрлар, ашулачилар, раққоса қизлар**

## I - Куриниш

*Саҳнанинг чап тарафида маҳалла идорасининг эшиги кўриниб турибди. Эшик пештоқида маҳалланинг номи ёзилган. Саҳнанинг ўнг тарафида сўрилар қўйилган чойхона. ўртада муъжазгина фонтан Саҳнанинг тўри турфа рангли гуллар, асосан райхон ва дароҳтлар билан безатилган. Парда шўх мусиқа билан очилади. Чойхона эгаси Ражаб Райхон бир сўрида чақчақлашиб ўтирган Даврон ва Бадал олдига чой кўтариб келади. Бишқа сўрилардагилар чойхоначининг шўхшанг сўзларига табассум ила қулоқ қўйишади.*

**Р а ж а б** Эҳ-ҳе, дўстлар! Бу чойни ичмабсиз, дунёга келмабсиз. Иссиқда совутади, совуқда иситади. Бай-бай-бай! Ана шу телевизорда реклам қилинаётган кўк чой бу!

**Д а в р о н** Ражаб ака! Сиз асли худо берган одамсиз, чойхонангиз ҳар куни гавжум, тумонат одам. Мана бугун ҳам сарви санамлар ташириф буюришибди, бир ёнда концерт, бир ёнда гурунг!

**Б а д а л** Жуда тўғри айтдинг, Даврон! Ражаб акага Райхон лақаби беҳуда берилган эмас. Қаранг ҳаммаёқ райхон гуллар. Булбуллар ҳам райхон ишқида. (баланд руҳ ила бир байт ғазал ўқийди)

**Гулни севмас кимки азал нодондур,  
Одам умрин ҳусни ғазал, райхондур!**

*(турли томондан қарсақлар)*

**Р а ж а б** Ҳа! Бизни чойхонада ҳикмат кўп, ҳикмат! (мусиқа чалинади) Ҳов! Концерт қўйишга келган қизларим-ов! Келинлар буёққа!

*(Қизлар чиқади ва рақсга тушишади)*

Чойхонада ҳикмат кўп-ей, ҳикмат кўп,  
Бизни чойда хислат кўп-ей, хислат кўп-  
Бари дори-дармон жамлур бу чойда,  
Ҳикмат кўпдир, ҳикмат кўпдир бу жойда.  
Чой, чой, чой, ёзу қишда ичинг чой!  
Маладкордир ҳар ишда, ичинг чой!

**Ҳ а м м а л а р**  
Чой, чой, чой, ёзу қишда ичинг чой!  
Мадалкордир ҳар ишда, ичинг чой!

*(Шу пайт Пулат кулиб, ўйинга тушиб кириб келади)*

**Р а ж а б   р а й х о н**  
Белга дармон керакми? Ичинг чой,

*(Секин, ишора билан)*

Хушрўй хотин керакми? Ичинг чой!  
Бари дори дармон жамдур бу чойда,  
Ҳикмат кўпдир, ҳикмат кўпдир бу жойда.  
Чой, чой, чой, ёзу қишда ичинг чой!  
Мададкордир ҳар ишда, ичинг чой!

**Ҳ а м м а л а р и**  
Чой, чой, чой, ёзу қишда ичинг чой!  
Мададкордир ҳар ишда, ичинг чой!

*(Пулат муқом этиб ўйинга Давронни тортади)*

**Р а ж а б   р а й х о н**  
Оқшомларни файзли этар Чин чойи,  
Давраларни хазли этар Чин чойи!  
Бари дори дармон жамдур бу чойда,  
Ҳикмат кўпдир, ҳикмат кўпдир бу жойда.  
Чой, чой, чой, ёзу қишда ичинг чой!  
Мададкордир ҳар ишда, ичинг чой!

**Ҳ а м м а л а р и**  
Чой, чой, чой, ёзу қишда ичинг чой!  
Мададкордир ҳар ишда, ичинг чой!  
(кўшиқ тамом бўлади, кулги)

**Б а д а л** Шу ерда чой ичиб уйга борсам, ҳайрон қоламан,  
тавба, хотиним негадир қочқилайверали!

**Д а в р о н** Кувват кўп-да, кувват! Бу чойдан кейин хотинларга  
тўзим берсин! (кулги)

**П ў л а т** (тик турганча Бадалга) Яхшиям бахтинга Ражаб  
акани чойи бор экан, бўлмасам...

**Д а в р о н** Бўлмасам, Бадални ҳолига маймунлар йиғлайди  
десанга!

**Б а д а л** Поҳ-поҳ! Бу чойхонага югуришингизга қараганда  
сизлар ҳам ой эмассизлар-ов!

**Р а ж а б** Э, Бадалжон, хазилларингиз бор бўлсин, ҳаммангга  
раҳмаг, минг-минг тасанно! Сиздай гулирайхон шайдолари борки,  
Ражаб Райхонни ҳамиша руҳи баланд, пичоғи мой устида! Яланглар!  
Хуш кайфият сизларга ёр бўлсин! (кетеди)

**Ҳаммалар** Раҳмат, раҳмат!

**Даврон** Қани, Пўлатжон, хуш кўрдик ўтиринг, тўрға ўтинг. (ўтиришади) Хўш, дунёда нима гаплар бор?

**Пўлат** Мендан сўрасангиз (бошини кўрсатиб) ина бу ерда балиқнинг ўғилдириқидай гап кўп. (кулги) Э, ўзимиз билмай юрган эканмиз-а! (ҳаммага бир-бир қараб) Икки ҳассага суяниб зўрға келган одамни, ҳассасиз, ўз оёғи билан юриб кетганини кўрганмисиз? (жимлик)

**Даврон** Тушунтириб сўзла, нима гап?

**Пўлат** Э, нимасини тушунтирай. Неча йилдан бери ҳиққичоқ касалига мубтало бўлган одам бир нафас билан дарддан халос бўлганини эшитганмисиз? (ҳамма ҳайрон) Йў-ўқ! Ошқозон дардидан адои тамом бўлган одамни дарддан халос бўлиб, кетганини кўрганмисиз? (улар бадтар ҳайрон) Йў-ўқ, кўрмагансиз! Теракзордаги Салима деган шаппотдай қизнинг нафасидан одамлар дардига даво топаётган эмиш!

**Бадал** Йўғ-е!

**Даврон** Қўйсанг-чи, Пўлат, сенинг ҳам миянг ачиган кўринади. Ахир ҳассада зўрға келган одам ҳассасини ташлаб бирдан юриб кетармикан?

**Пўлат** Кетган. Ненга ишонмайсан? Ҳозир ўзим Теракзордан келяпман. Эшигини олди тумонат одам. Салимани олдига кириш амри маҳол. Қашқадарёнинг узоқ қишлоғидан келган бир ошнамининг минг бир илтимос билан ялиниб эртанги навбатга қўйиб келдим.

**Бадал** Вой-бўй! Навбатга қўйиб келдим?

**Даврон** Э, қўйсанг-чи! Ана Кашпировский дунёни оғзига қаратди, нима бўлди? Кейин яна биттаси бор эди-ку...ҳе,оти нима эди... ҳаммага сув ичирган...

**Бадал** Уша-да. Биз ҳам ичавериб, алкаш бўлишимизга сал қолган, айтавер, ўша-да.

**Даврон** Ўзингиз биласиз, бизнинг оилада одам кўп. 3 литрлик 20 дона шиша банка етмаган. Хотин бечора кўшнилардан тополмай, қариндошларникидан олиб келган. Ҳаммамиз шиша банкаларни сувга тўлдириб, икки кўзимиз телевизорда. Эртасига қайси банка кимга тегишли эканини тополмай жанжални кўрсангиз. Э, тавба, соддаликка қаранг-а! Ҳаммаси чўпчак экан, лақма эканмиш!... (кўлини силтайди)

**Пўлат** Тўғри айтдинг, дунё лақмасиз бўлмайди. Ишонувчанлик одамнинг табиатига хос нарса...

**Бадал** Нима демоқчисан?

**Пўлат** Қулоқларингга танбур чалайпманми? Айтаяпман-ку сенларга ҳозиргина Теракзордан келяпман тумонат олам. Ҳатто бозорда ҳам шунча оломон йўқ! Кўшнилари айтмайсанми, ким сув сотиб юрган, ким айрон сотиб юрган. Нечтаси уйлари ижарага берган.

тандирларда нонлар ёпиляпти, қозонларда мошхўрдлар қайнаяпти. кабоб ҳидидан-ку бошинг айланади...

**Д а в р о н** Унга бизнинг нима алоқамиз бор?

**П ў л а т** Гапни бўлма! Ана бизнес, ана пул, ана бойлик! Ҳеч қанақа меҳнатсиз, азобсиз жарақ-жарақ пул. Беморни қоронғу уйга киритармиш ва қўлини теккизиб-теккизмай юритар эмиш, тамом вассалом, тузалармиш, кетармиш!

**Д а в р о н** (қўлини силтаб) Э, тушунсанг-чи, ҳали айтдим-ку, бунингни бари чўпчак. Ахир не-не дўхтирлар...

**П ў л а т** Тўхта-тўхта! Узинг айтдинг-ку, дунёда на кўп. содда одам кўп. Қолаверса, иқтисоди одам даволаниб ҳам кетавериши мумкин. Масалан мен сени ишонтиролсам, бемалол даволаниб кетаверишинг мумкин.

**Б а д а л** Демак, бундан чиқди, ўзлари...даволамоқчилар, шундайми? Ўргилдим сендай табибдан. Сенга келган соғ одам ҳам бемор бўлиб кетади-ю...

**Д а в р о н** Ҳали гап бу ёқда де?

**П ў л а т** Хомқаллаларингизни озгина ишлатинг! Мен бир киракаш шопир бўлсам ҳам сенлардан ўн чанлон ақиллироқман. Бу ишни биласизларми ким уддалайди? (жимлик, ҳар қайси ўзини гумон этиб Даврон ҳам Бадал ҳам кўкракларини кериб, қошларини силаб кўядилар) Бу ишни... Жавлон уддалайди!.. (Даврон билан Бадал «бўлиши мумкин» қабилида сал бошларни тебратадилар) Унда сизу бизга хос бўлмаган бир хислат бор...(улар аста маъқуллаб бош қимирлатишади) Энг асосий гап рекламада! Тутзорлик Жавлон журранинг нафасидан нур ёғилади, любой касални йўқ қилади, ҳатто ракни ҳам давосини топган, оғриқ тишнику омбурсиз қўли билан олармиш, наркоманку унинг учун чепуха дейилса, қарабсизки, одам оқиб келаверади.

**Б а д а л** Одамлар қуруқ сафсатага оқиб келавермайди, ишонтириш керак, тушундингми, ишонтириш!

**Д а в р о н** Э, кўйсанг-чи, ҳозир одамлар бошқача бўлиб кетган. Бу ишинг амалга ошмайди!

**П ў л а т** Нега ошмас экан? Ошади! Мен айтдимми ошади! Ахир унда киши билмас ажиб бир хислат бор...

**Б а д а л** Тўғри айтдинг, унда одамларни ишонтирадиган кароматли бир хислат бор. Айтсак, кўнармикан?

**П ў л а т** Мен уни кўндираман, сенлар поддёрржка этсангиз бўлди. Пулни арра қиламиз. Эҳ, дўстлар! Қарабсизки, ҳамма бизнес бизнинг кўчага кўчади. Ҳамма банд. Кўча чангитиб юрган не-не ишсиз одамлар ишли бўлади, уйлар ижарага берилади...

**Б а д а л** Мияннга қойил! Эҳ, бизнинг уй сал четроқда-да, йўқса, хоналаримиз кўп, ўзимиз ташқарида ётсак ҳам уйни ижарага берардик.

Д а в р о н Эй, каллаварамлар, пулнику топармиз, лекин налоги нима бўлади? Налог нима эканлигини биласанларми? Топганингни ярми налогга кетади. Яна уларни тўйғизиш ҳам керак.

П ў л а т (бирдан сергакланиб) Налог?! (кейин ўзига келиб) Налогчилар ҳам одам, иссиқ жон, улар касал бўлмайди дейсанми? Кейин бирисининг отаси, бирисининг онаси, бирисининг аммаси... Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам (жимлик) Нима қилдик? Кўндираимизми?

Б а д а л Кўндираимиз!

Д а в р о н Майли, уриниб кўраимиз.

П ў л а т (Давронга) Ундай бўлса, сенинг уйингда чойхона очамиз, ейим-ичим сеникида бўлади. Мени қиракашлигим авж олади. Бадал, бари кирим-чиқимни бошқаради. Бу сал саводли. Лекин, бошда айтганимдай пулни тўртовимизга тенг бўламиз. Келишдикми?

Ҳ а м м а Келишдик!

*(Муסיқа чалиниб, қўшиқ бошланади. Чойхоначи чиқиб, маҳалла идорасидан раққоса қизларни айтиб чиқади)*

### У ч о в и

Бел оғримай пулни келишин кўринг,  
Жарақ-жарақ ўртамизда елишин кўринг.  
Бадалбойни чўтлаб-чўтлаб теришин кўринг,  
Қолмас армон, тўлар кармон, жон оға,  
Пулга қурбон дилу жоним садаға.

### П ў л а т

Беш тзликда тиндирмайман машинни,  
Кеча-кундуз синдирмайман машинни,  
Журрибойга индиргайман машинни,  
Қолмас армон, тўлар кармон, жон оға,  
Пулга қурбон дилу жоним садаға.

### У ч о в и

Қолмас армон, тўлар кармон, жон оға,  
Пулга қурбон дилу жоним садаға.

### Д а в р о н

Келганларга доим очиқ қопулар,  
Тандир-тандир кулча нонлар ёпилар,



Ичмакка ҳам қиттай-қиттай топилар,  
Қолмас армон, тўлар кармон, жон оға,  
Пулга қурбон дилу жоним садаға.

У ч о в и

Қолмас армон, тўлар кармон, жон оға,  
Пулга қурбон дилу жоним садаға.

Б а д а л

Ҳамма пулни гийин-тийингача чўтлайман,  
Йўлин топиб солғит аҳлин четлайман,  
Бўлмаса мен унда ишлаб нетгайман,  
Қолмас армон, тўлар кармон, жон оға,  
Пулга қурбон дилу жоним садаға.

У ч о в и

Қолмас армон, тўлар кармон, жон оға,  
Пулга қурбон дилу жоним садаға.

*(Қушиқ тамом бўлиши билан саҳнага жилмайиб Ж а в л о н кириб келади)*

Ж а в л о н Ҳорманглар, ҳорманглар! Кайфиятларингиз зўр-ку!  
Нима гап, тинчликми?

П ў л а т (жиддий) Тўхта Жавлон! Олти одим орқанга қайтиб,  
қайтадан кир!

Ж а в л о н Эсинг жойидами, нега қайтишим керак?

Д а в р о н Қайт дегандан кейин қайтда!

Б а д а л Қайтаверсанг-чи!

Ж а в л о н Яхши! (қайтиб қадамини санайди) 1,2,3,4,5,6...(тек  
қотиб аста орқасига боши билан ўтрилади) Бўлдими?

П ў л а т Нима қилиб турибсан? Бўлди, қайт!

Ж а в л о н (орқасига қайтиб келади-да, аста бошини чайқаб,  
сўрига ўтиради. Ҳаммалари ўтириб юзларига фотиҳа тортишади)  
Хўш, нима гап? Хойнаҳой мени гийбат қилаётган бўлсангиз керак-ов.

П ў л а т Тўғри топдинг, гап именно сенинг устингда эди.

*(ҳаммалари бир-бирларига қараб кулишади.)*

Ж а в л о н (бошдан-оёқ ўзига разм солиб) Нега куласизлар?

П ў л а т Менга қара оғайни, қачонгача пиёда юрасан? Мен сени  
бир миндираман текин, икки марта минарсан. Лекин, ўзингда бўлса,  
олам гулистон!

Ж а в л о н Машинани айтаяпсанми? Менга-я?!

Пўлат Именно сенга!

Даврон Йўқ дема!

Бадал Ол дегандан кейин олавермайсанми!

Жавлон Машинаними? (Шу ерда Жавлон ўрнидан даст туриб уларнинг ҳазилларига мос, худди олдида «гижинглаб» турган от мисоли машинага ҳаёлан тикилиб қолади) Мана шумини?!

*(Дўстлар ҳайрат ила бир-бирларига боқишади)*

Бариси (бирин-кетин) Ҳа, ҳовва, ина-шуни...рангига қара, рангига...

Жавлон Буни маркаси нима экан-а, Пўлат?

Пўлат Саводинг йўқ эмас, ўқи!

Жавлон (йўқ машинанинг орқасига ўтиб, енгини учи билан машина маркаси ёзилган жойини артади) Нехия...

Бадал Вой, ўқимаган-ей! «Нексиё»

Жавлон Шундай дегин! Қани бўлмаса, мининглар, бир айлантириб келаман! (Барчалари унинг ўйинига қўшилишади ва авайлабгина «машинанинг» тўрт тарафдан минишади) Эшикни остонроқ бекитсанг бўлмайдимиз, Даврон!

Даврон Бай-бай, дағ-даға этдинг-дон! Ҳозир тушиб қоламан-ку, машинангдан!

Жавлон Яхши! Бу сафар майли! Қани, маҳкамроқ ўтиринглар!

*(Бешови саҳнани айланиб чопишади. Бир-икки айланганларидан кейин, Жавлон «ҳай-ҳай»лаб тормоз беради, бариси бир-бирларининг устларига ағанаб йиқилишади)*

Бадал Ҳе, машина ҳайдамай ҳар бало бўл! Ўлишимизга сал қолди-я!

*(Барилари кулишганларича уст-бошларини қоқишиб, ўринларидан турадилар)*

Жавлон (жиддий, кулимсираб) Машина олгин дейсизлар-а, нима жинни-пинни бўлганларингиз йўқми? Автобустга пулни хотиндан ит азобида олман-у, сиз машина дейсиз. Ҳазилниям чегараси бўлади!

Пўлат Ҳазил-пазили йўқ. Сенда ўзинг ҳам сезмайдиган ноёб хислат, қобилият бор, сеҳр бор, калла! (дўстларига маъноли қарайди) Ҳў бирда, тоғангни йиғлоқи ўғлини бир қарашда ухлатганман деб айтгандинг, эсингдами?

Ж а в л о н (юзига аста қизиллик югуради) Хўш, нима демоқчисан?

Д а в р о н Ухлатганмисан ахир?

Ж а в л о н Ухлатганман...

Б а д а л Ана! Кароматга қара!

Д а в р о н Кароматли деб айтдинг, қўйдинг! Бу йўқолган сигирни қаердалгини топган. Ҳатто анови куча бошидаги Санамгулнинг йўқолган узугини топиб берган. (Жавлонга) Тўғрими ахир?

Ж а в л о н Тўғрилиқка тўғри-куя... ахир... лекин...

П ў л а т Гапни айлантирма. Гарантия бераман сенда кучли биоток бор...

Д а в р о н Кучли биоток бор деб секин айтасанми, Пўлат! Жавлонбойда бечегара биоток бор!

Б а д а л Жуда тўғри! Жавлонбойнинг кўзларида ажиб бир нур бор!

П ў л а т Жўра, биз сен йўқ пайтингда келишдик. Одамларга нафойнинг тегиши керак. Шундай кучли биотокнинг беҳудага зое бўлиб кетаверадими?

Ҳунарни асрабон нетгумдир ахир,

Тупроққами олиб кетгумдир ахир,—

деб қайси бир шоир топиб айтган-да. Худо берган хислатни шамолга учирма. Ана, Теракзордаги жимжилоқдай табиб қиз балодай даволаяпти. У ким бўпти сенинг олдингда. Чепуха! Сен зўрсан! Одамларни даволашинг керак!

Ж а в л о н Қўлимдан келмайди...

Д а в р о н Келади, қинғирлик қилма. Эртага газитда эълон берамиз. Мана, Бадал телевизорга ҳам чиқиб гапирди. Тижорат, телевизорда-гилар ҳам жон дейди эълон берсанг. Ҳозир улар учун цензура-пензура деган нарсга йўқ.

Ж а в л о н Йўқ, тушунсангиз-чи, ахир...

П ў л а т Ахир-пахирингни қўй, сенинг шахсий шопиринг бўламан. Автобус-пав-тобус деб юрмайсан. Даврон уйини чойхона қилали, даволанувчиларга уйини ижарага беради. Пуллар дарёдай оқиб келаверади. Барча ҳисоб-китобни Бадал олиб боради.

Ж а в л о н Йўқ ахир... Мен қилолмайман. Йўқ нарсага фотиҳа ўқиманг...

П ў л а т Нимага қилолмас экансан. *(Бирдан кўзига тикилиб)*  
Сен менга ундай қарама, юрагимни ўйнатиб юбординг. Бадал тўғри  
айтди, сенинг кўзингда ажиб бир нур бор, аниқроғи сенини жавҳаринг  
бор. Даврон! Бадал! Бунинг кўзида жавҳари борми, йўқми?

Д а в р о н , Б а д а л Бор! Бор! Вой-буй!

Ж а в л о н *(иккиланиб)* Йўғ-е...

П ў л а т Ана, кўзига қаранглар буни, ёниб турибди. Тўғрими  
Даврон?

Д а в р о н *(Жавлоннинг кўзига яқинроқ тикилиб)* Мен нега  
аввал сезмаган эканман-а, худди 1000 лик лампочка ёниб тургандай!

Б а д а л *(узоқроқ тикилиб қарайди)* Одамнинг кўзини  
қамаштирадия! Қарайверма!

Ж а в л о н *(ҳайрат аралаш ишона бошайди)* Мен... айтмай  
юрган эдим сизларга... Хотинимнинг буйракидан *(кўрсатади)* мана  
шунча тошини туширдим... Укамни бош оғриқини бирдан тўхтатдим.

Б а д а л Бор экансану, қара-я. Бўпти Пўлат, газитга ҳам  
ёзамиз, телевизорда ҳам чиқиш қиламиз. Элга ҳам ёямиз.

П ў л а т *(Жавлонга)* Розимисан?

Ж а в л о н *(секингина)* Рози-и-ман...

*(муסיқа чалинади тўртови кўшиқ айтиб рақсга тушади)*

### Ҳ а м м а с и

Келаберсин танида не дарди борлар,  
Халос бўлсин дарддан келган беморлар,  
Раҳмат айтсин узоқ-яқин дўст-ёрлар,  
Жавлонбойнинг нафасиннан айланин,  
Ҳақ неъматин барчасиннан айланин.

### П ў л а т

Машҳур табиб дўстиман деб керилай,  
Шу иш учун майли ўлиб, тирилай,  
Жавлонбойга машинни фидо айлай,  
Жавлонбойнинг нафасиннан айланин,  
Ҳақ неъматин барчасиннан айланин.

### Ҳ а м м а с и

Жавлонбойнинг нафасиннан айланин,  
Ҳақ неъматин барчасиннан айланин.

### Д а в р о н

Ҳавуз қазиб, кароватлар қўяман,  
Ҳар кун нечта кўй-қўзилар сўяман.

Хизматимни айлантирай тўя ман,  
Жавлонбойнинг нафасиннан айланин,  
Ҳақ неъматин барчасиннан айланин.

Ҳ а м м а с и

Жавлонбойнинг нафасиннан айланин,  
Ҳақ неъматин барчасиннан айланин.

*(Муסיқа сал пасаяди, Бадал Жавлонки аста қўлтигидан олиб саҳна  
четига олиб келади)*

Бадал Жавлон, шу илк тажрибангни бизни хотиндан, Зиёдалан  
бошласанг, а, шу десанг бечора кечаси билан ухлолмай инграниб  
чиқади. Тошим бор дейдим-ей, бошим дейдим-ей, юрагим дейдими-  
ей, хуллас ичи тўла дард. Нима дейсан?.. Хуп де, эртага бизникидан  
бошта!

Жавлон (елкаларини кериб) Бўпти, бошласак, бошлайверамиз.  
Олло таоло йўл берса берса, шифо топса ажабмас.

*(Муסיқа кучаяди ашула давом этади)*

Бадал

Замон обод, жоҳиллар кўз этмасин,  
Жавлонбойнинг дами зое кетмасин,  
Ҳисоб-китобларга дафтар етмасин,  
Жавлонбойнинг нафасиннан айланин,  
Ҳақ неъматин барчасиннан айланин.

Ҳ а м м а с и

Жавлонбойнинг нафасиннан айланин,  
Ҳақ неъматин барчасиннан айланин.

*(Жавлон ҳар қайси дўсти қўшиқ айтганда анойи жилмайиб, қуллуқ  
қилиб туради, муסיқа пасаяди)*

Пўлат Омин! Ишимиз бароридан келсин!  
Ҳ а м м а с и Омин! Оллоҳу Акбар!

*(муסיқа кучаяди)*

Парда

## 2- Кўриниш

*Бадалнинг уйи. Унг томонда дераза. Дераза олдида вазада чирошли гуллар. Деразадан сўлим боғ кўриниб турибди. Ён деворга гилам осилган. Гилам устида Бадал билан Зиёданинг суврати. Чап томонда, диван, сўроғида иккита оромкурси. ўртасида журнал столиги. Шу томонда кирадиган парда осиглик эшик. З и ё д а оромкурси, устал устларини артиб юрганча хазин куйда ашула хиргойи қияпти.*

Хасталиғ эди дилимни қувватим ҳам қолмади,  
Не-не дўхтирлар кўрдию мен кўрмаган гам қолмади.

Фастумгелу илон ёғи, яна неча дорулар,  
Бу жаҳонда мен қилмаган шифои малҳам қолмади.

Култалаб исриқ тутатдим, уйлар тўлди тутуна,  
Гаҳи қайтди нафасим, бўғзимда гоҳ дам қолмади.

Кўп табиблар куф-суфида бошим айланди неча бор,  
Шу акамдан ўзга энди бошқа ҳақим қолмади.

З и ё д а (кўшиқ тамом бўлгач) Бадал акам дўхтир-пўхтирингни кўй, овора бўлиб юрма, дори деганинг ҳам фойда, ҳам зарар, ҳозир ҳамма ўз билганича дорихона очиб, дориларни хоҳлаган баҳода сотаяпти, ундан ҳам даҳшатлиси кўп дорилар брак эмиш. Мана, Жавлон аканг бинойидек табиб, одамларни дарддан халос этаяпти, даволаяпти. Мен Жавлон аканг билан гаплашдим, у рози, ўзим олиб келаман деганди. Пешин ҳам бўлди, нега келишмаяпти? Одамларнинг гапига қараганда Жавлон аканинг қўли енгил эмиш. Эшигида тумонат одам дейишади. Шояд карим дардларимдан қутулсам. Эй, худо ўзинг шифо бергайсан! (Шу пайт эшик қўнғироғи жаранглайди, Зиёда бориб очади) Келинг, Жавлон ака, ассалому алайкум!

Ж а в л о н Ваалайкум ассалом! (уёқ-буёқларга аланглаб қарайди)  
Хўш, хўжайин қанилар?

З и ё д а Вой, Бадал акам сиз билан бирга келаман дегандай бўлувдилар.

Ж а в л о н Мен тутилиб қолдим. Кеб қолар, қани ўлтиринг.

З и ё д а Мен ҳозир дастурхон, чой...

Ж а в л о н Ҳеч нарса керакмас, шошиб турибман, иш кўп.  
Хўш. Зиёдахон нимадан нолийсиз?

З и ё д а Сўраманг, қайси бирини айтай, бошим гувлайди. қулоғим ҳамиша жаранглайди, белим оғрийди, тиззам

букилмайди, оёқларим қақшаб оғрийди, юрагим безовта, икки тўхтаб бир уради...

**Ж а в л о н** (унинг сўзини бўлиб) Вой-бўй касал қўймай йиққан экансиз.

**З и ё д а** Бу ҳали ҳолва, кечалари мижжа қоқмай чиқаман.

**Ж а в л о н** Қачондан бери?

**З и ё д а** Нима қачондан бери?

**Ж а в л о н** Қоқмайсиз?

**З и ё д а** Нимани қоқмайман?!

**Ж а в л о н** Мижжани? Кирпикни? Қачондан бери кечалари ухлолмаяпсиз?

**З и ё д а** (ўнғайсизланиб) Э, ҳа... Бир йилдан ошди.

**Ж а в л о н** Яхши...

**З и ё д а** Нимаси яхши? Кўрсатмаган дўхтирларим, ичмаган дорим қолмади. Ҳамиша гарангман.

**Ж а в л о н** Қўлингизни беринг! (Зиёда ийманиб қўлини узатади) Уялманг! Сиз бемор, мен табиб. Икковимиз бир бўлсак энгамиз.

**З и ё д а** (ҳайратланиб) Нимани энгамиз?

**Ж а в л о н** Касални энгамиз, лекин менга ихлос қилмасангиз дардан халос бўлиш қийин.

**З и ё д а** Ҳа-а...

**Ж а в л о н** (Зиёданинг қўл оялари синчиклаб қарайди, сўнгра пульсини санайди) Хўш, тўғри, юрагингиз сал безовта ураяпти. Давлениянгиз нормалний. Бошингизни беринг! (икки қўли билан унинг бошини тўрт тарафидан сиқади. Зиёда енгил инграйди) Жим туринг! Ҳаяжонланманг! Ўзингизни тинч тугинг, безовта бўлманг! Демак... бир йилдан бери... уйқунгиз йўқ... бир йилдан бери... Хўш... Туринг! (Зиёда ўрнидан туради, Жавлон уни оддинроққа тортади ва оромкурсини ҳам девордан оддинроққа тортиб қўяди) Ўтиринг! (Зиёда аста ўтиради. Жавлон унинг орқасига ўтиб боши орқасини массаж қила бошлайди)

**З и ё д а** (инграниб) Вой! вой бошим, вой!

**Ж а в л о н** Чиланг! (массажни давом қилиб) Вақтни ўтказибсиз.

**З и ё д а** Вой!

**Ж а в л о н** Войламанг! (яна массажни давом эттирди, кейин бурчақда турган курсини олади-да, Зиёданинг рўпарисига ўтиради ва унинг кўзига йитти тикилади) Менга қаранг! Кўзимга қаранг! Кўзимга қаранг деяпман сизга! (Зиёда Жавлоннинг кўзига биррав қарайди-да, дарҳол кўзини олиб қочади) Нима деяпман сизга! Менинг кўзимга қаранг! 1...2...3...4!... Кўзингизни олиб қочманг! 5!...

**З и ё д а** Мана, олиб қочаётганим йўқ.

**Ж а в л о н** Гапирманг! (пауза) 6... 7... Қалай енгиллашдингизми? (Зиёда жавоб бермайди) Нега индамайсиз?

З и ё да Ўзингиз гапирма дедингиз-ку!

Ж а в л о н Саволга жавоб бериш керак, энгиллашдингизми?

З и ё да Барака топинг, энгиллашдим.

Ж а в л о н Энди чидайсиз.

З и ё да Нимага... чидашим керак?...

Ж а в л о н Лечениега-да. Қани, ўрнингиздан туринг.  
Куйлагингизни ечинг!

З и ё да (хайратланганча сал ноз билан) Йўғ-е...

Ж а в л о н Ечининг деяпман сизга! (Зиёда тараддулланиб турганида) Э, гўхтанг! Аввал, иккита чойшаб келтиринг!

З и ё да Чойшаб?!

Ж а в л о н Ҳа! Иккита.

З и ё да (чайшаб келтириб) Нима қилай?

Ж а в л о н Биттасини диванга тўшанг! Биттасини менга беринг!

З и ё да (бағтар хайратланиб) Нима қилмоқчисиз?

Ж а в л о н Қани энди ечининг!

З и ё да Нима деяпсиз? Керак эмас.

Ж а в л о н Даволанмоқчимисиз ахир?!

З и ё да Ҳа...лекин...

Ж а в л о н Лекинингиз нимаси! Мени айтганимни қилинг!

З и ё да Йўқ!

Ж а в л о н Мен сизни массаж қилишим керак! Асаб нуқталарини массаж қилишим керак, тушунсангиз-чи!

З и ё да Йўқ! Куйлагим устидан қилаверинг.

Ж а в л о н (Зиёданинг сўзини хуноблиқ ила бўлиб) Қизиқ гапирасиз, куйлак устидан қилиб бўлмайди! Ахир бутун дунёда ечинтириб даволайдилар, фақат мен эмас!

З и ё да Йўқ! Менинг бутун дунё билан ишим йўқ, қилсангиз куйлагимни устидан қилинг, бўлмаса йўқ! Керак эмас.

Ж а в л о н Майли, бу сафар шундай бўла қолсин. Лекин уялманг, мен табибман! Қани, диванга ётинг! (Зиёдани тикка турганидан яна хуноби ошади) Нега тик турибсиз? Ётинг! (Зиёда қандай ётишни чамалайди) Ерга қараб ётинг!

З и ё да (ётиб) Шундайми?

Ж а в л о н Ҳа. Энди чиданг, оғриқли бўлади. (қироат билан) Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим! Менинг қўлим эмас, Луқмони ҳакимнинг қўли! Шифо берсин Оллоҳнинг ўзи! (эза бошлайди, Зиёда долдай бошлайди) Чиданг! Чиданг дедим сизга (эзаверади, Зиёда долдайверади. Жавлон бирпас қадрини ростлаб пешонасидан терини артади ва диваннинг оёқ томонига ўтади)

З и ё да Уф-ф! (турмоқчи бўлади)

Ж а в л о н Кузгалманг! Энди икки қўлингиз билан диван тутқичидан маҳкам ушланг! (Жавлон энгашиб Зиёданинг икки



оёғидан маҳкам ушлайди ва сал юқори кўтариб, бор кучи билан торта бошлайди)

**З и ё л а** (бу сафар қаттиқ додлайди.) Вой, дод! Вой, дод! Ўлдим! Бас қилинг! (ва ниҳоят оғриққа чидолмай қўлларини кўйиб юборади, Жавлон каттиқ тортиб тургани боис бирдан Зиёдани ҳам тортиб орқасига йиқилади, Зиёда унинг устига ағанайди. Зиёданинг рўмоллари бошидан тушиб кетган, сочлари тўзгиган, куйлақларини этаклари бесаранжом очилиб, ёқалари очиқ ҳолатда инграб ётибди. Жавлон аста туради, аммо Зиёда туropolмайди) Вой Худо! Нима қилиб кўйдингиз? Ҳаммаёғим синди, кул лушоқ бўлди (зўрға юзидаги терни артади)

**Ж а в л о н** (пешонасидаги терни артиб) Туринг... туриб ўтиринг!

**З и ё л а** Кўйинг, кўзғалишга ҳолим йўқ...

**Ж а в л о н** Менга суянинг! (Зиёда қўлини кўтармоқчи бўлади, лекин мадори етмайди. Жавлон бирдан шаҳд билан унинг орқасидан ушлаб туркишиб ўтказди.)

**З и ё л а** Оҳ! (этакларини уёқ-буёғини ёпган бўлади)

**Ж а в л о н** Тинчланинг! Сеанс совумасин! Энди менинг кўзимга қаранг! Жиддий қаранг! Кўзингизни олиб қочманг! (Икки қўли билан Зиёдани бошларини, елкаларини сийпалай бошлайди) Ҳозир уйкуга кетасиз... Аъзои баданингиз бўшаган... 1...2...3... уйкуга кетяпсиз... 4... копоғингиз оғирлашган... 5... қузур қияпсиз... 6... дунёнинг ташвишлари сиздан олисда... 7... уйкуга кетдингиз... 8... ухляпсиз... 9... (ўша мунгли овозда) Уйкуга кетдингиз... 10 (соатнинг чиққиллаши аста эшитила бошлайди) мазза қилиб ухляпсиз... 11... мазза қилиб, мазза қилиб (секин) ухляпсиз... (жимлик) ухлади... (соатнинг чиққиллаши баландлашади. Жавлон уй ичида секин уёқдан-буёққа аста юриб, Зиёданинг оромкурсида ёмон ҳолатда ётганини кўриб) Боши ёмон қолибди. Яхшиси диванга ўтказай. (аста турғизмоқчи бўлади) Зиёда, Зиёдахон, диванга ўтинг... (Зиёда мутлақо бекфарқ) Зиёдахон! Демак, қаттиқ ухлабди. (қаддини кериб) Кароматинга балли Жавлонбой, жавҳарингга балли! Жавлон ур Жавлонбой, жавлон! (Зиёдани даст кўтаради-да, уни аста авайлаб диванга ётқизади ва куйлагини, рўмолини тўғрилайди. Жавлон яна бир-икки бориб келади, соат чиққиллаши аста пасаяди) Сеанс тамом... Кўзингизни очинг, Зиёда-хон... (Зиёда сас бермайди) Зиёдахон туринг... (энгашиб Зиёданинг юзини секин шаппотлайди) Кузингизни очинг... И-е! Нега кўзингизни очмаяпсиз? Турсангиз-чи! (Зиёда мутлақо бекфарқ, Жавлон безояталана бошлайди ва Зиёданинг елкасидан қаттиқроқ туртиб, силкитади) Кўзингизни очинг, Зиёдахон! (Зиёда ўлиқдай қимир этмайди. Жавлон бу сафар кўрқиб ўрнидан туриб кетади) Энди нима қилдим, а?! (яна диван олдига чўккалаб Зиёданинг пулсини ушлаб кўради, бошини

чайқайли) Пулси секин уряпти... (Жавлон қулогини Зиёданинг кўкрагига қўйиб эшита бошлайди, ранглари ўчиб) Энди нима қилдим? Уйғонмай кетса-я! (ўзининг сўзидан ўзи хавотирланади, уёқ-буёққа аланглаб қарайди ва қаттиқ кўрққанидан Зиёданинг қўлларини ҳаракатлантира бошлайди. Кўкрагини қўллари билан босали, Зиёдада барибир ҳаракат йўқ. Сатола аста “Чоргоҳ” куйи чалиниб, Жавлон речетатив услубда Зиёданинг устида айтимчилик айта бошлайди)

Шўрим қуриди, каромат қилмай мен адо бўлай,  
Уйғон, уйғон, сен уёнгин, мен хато бўлай..

Нега рози бўлдим, бу қалтис ишга?  
Бундан бой бўлгунча, мен гадо бўлай...  
(Зиёданинг устида садр уриб айтади)

Сен ўлгунча, мен ўлсам бўлмасмиди жигарим!  
Сен кетгунча сўниб қолса бўлмасмиди жавҳарим!..  
(додлаб)

Уйғон, уйғон, сен уйғонгин, мен хато бўлай!  
Сен адо бўлгунча, мен адо бўлай!...

*(Айтимчилик тамом бўлгач, Жавлон ҳаялиқиб Зиёданинг оғзига оғзини қўяди-да нуфлай бошлайди. Шу пайт Бадал кириб келади. Жавлон билан Зиёдага кўзи тушганча қотиб қолади)*

**Б а д а л** (Жаҳл аралаш) Бу не гап?! (мусиқа бошланади, Жавлон ҳеч нимага эътибор бермай худди Зиёдани ўпаётгандай ҳаракат қилмоқда) Бу не шармандалик?! (Жавлонни куч билан силтаб орқасига тортали. Зиёданинг устига энгашади) Зиёда! Зиёд! Кўзингни очсанг-чи Зиёд! (Жавлонга) Нима қилиб қўйдинг?! Сендан сураяпман, эй журра?! Нима қиляпсан, гапир?! Гапир деяпман сенга, эй сўтак! Хотинимни авраб, рўзғоримни бузишга нима ҳаққинг бор, ҳайвон!

**Ж а в л о н** Ҳеч ким рўзғорингни бузмоқчи эмас, оғзингга қараб гапир! Ўзинг илтимос қилдинг, келдим (яна Зиёданинг оғзига уфлаш учун энгашади)

**Б а д а л** Қоч деяпман! Тегма хотинга! (тезлик билан бориб унинг орқа ёқасидан зарб билан тортали. Мусиқа кучаяди ва аста йўқолади)

**Жавлон** (қайрилиб) Сеансга халақит берма! (силтаниб унинг кўлидан чиқади-да, яна Зиёданинг оғзига уфлашга энгашади)

**Бадал** Тупурдим сенинг сеансингга, эй муттаҳам, фирибгар! Тегма деяпман! Дуст деган шунақа бўладими?! Тупурдим сенинг дўстлигингга! Қоч! Ўт буюққа! Қоч деяпман сенга! Ҳозир гўштингни қийма-қийма қилиб сихдан ўтказаман! (қаттиқ тортиб, уриб юборади, Жавлон йиқилиб тушади ва ўрнидан туриб, Бадалга ташланади. Шу вақтда Жавлоннинг хотини Чарос ҳовлиқиб кириб келади ва уларни бу аҳволда кўриб ҳайратдан тили калимага келмай қолади)

**Чарос** Жавлон ака! Бадал ака! Нима қилаяпсизлар! Вой ўлмасам, Зиёдахонга нима қилди?! Нега кўзини очмаяпти?

**Бадал** Буни эрингдан сўра?!

**Чарос** (Жавлонга) Нима бўлди? Гапирсангиз-чи, нега кўзини очмаяпти?

**Жавлон** Қоч! Сен ҳам халақит берма! Ўзимни бўларим бўлиб турибди! Йўқол-ларинг! (Чаросга) Сен ҳам, (Бадалга) сен ҳам йўқол!

**Чарос** Нега йўқолар эканмиз?

**Бадал** Хотин меники бўлса, нега йўқолишим керак?!

**Чарос** (Зиёданинг турғизмоқчи бўлади) Зиёда! Зиёда! Кўзингизни очсангиз-чи! (кўкрагига қулоқ қўйиб) Вой ўлмасам, нафас олмаяпти! (Жавлонга) Нима қилдик?! Бу ерда бу, уйда биттаси ўлар ҳолда, кўчада жанжал! Қачон адо бўлади бу, қачон?! (йиғлайди) Нахотки Зиёдадан айрилиб қолсак?!

**Жавлон** (бирдан сергақланади) Нима?! Нима деяпсан, Чарос?!

**Бадал** (йиғламсираб) Йўқ! Бўлиши мумкин эмас! Болаларни нима қиламан, эй хотинжон! Ҳаммасига мен ландовур айбдорман! Ўз қўлим билан мана бу жаллодга топшириб ўтирибман-а!

**Чарос** Ҳаммасига сизлар айбдорсизлар! Пўлат акаям, Даврон акаям, сиз ҳам Агар сизлар Жавлон акамни йўлдан урмаганларингизда тинчгина ҳаётимиз бузилмасди. Топган ҳаром пулларингизга ўт тушсин, ўт!

**Бадал** Машмашангни уйингизда қил! Ёлғоданкам жанжалинг бу ерда кетмайди?! Шаллақилик қилма! Эрингни ўлдираман дедимми, ўлдираман! Тириқлай терилан чиқараман! Қонини ичаман!

**Чарос** Ўлдираман эмиш! Ҳаққингиз йўқ!

**Бадал** Ҳаққим бор! Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Хотиним устида ётга-нини кўрдим! Хотиним устида... бу эшик! Мен буни дўст деб уйимни тўрини берсаму бу муттаҳам даволаш баҳонасида Зиёдахонни юзидан ўпса, слкасида қучоқлаб оғзига оғзини қўйса, бунга қандай чидаш мумкин?! Бу атайлаб қилди. Ўзининг бузуклигини яшириш учун Зиёданинг жонига қасд қилган бу аблаҳ!

**Ч а р о с** (Жавлонга) Мен сизни бир авлиё, покиза, иймонли одам деб юрсам, ҳали шунақами?! Касалларни менга ташлаб, ўз хузурингиз-да юрибсизми?! Майишатда юрибсизми?! Мен аҳмоқ бўлмасам, уйда кўзимни олдида, қўлингиздан ҳеч бало келмасаям аёлларни кўкрагини силаганингиза, елкасини сийпалаганингиза чидаб ўлтирармидим!

**Ж а в л о н** Бас қил Чарос! Бас қил!

**Б а д а л** Бу не бетамизлик?! Одаммисизлар?! Йўқ! Ҳайвонсизлар! Ўртада бу ётса-ю, сиз ўзингизни беайб, овсар қилиб кўрсатмоқчи бўласизлар?! (кўлига чаққонлик билан пичоқ олади) Сўяман дедимми, сўяман!

**Ж а в л о н** Сўйсанг сўй! Ўзи асли лақабингга лойиқ одам эмас экансан! Ботмонмиш-а!

**Б а д а л** Ботмон — ота мерос! Бу лақабга осилма! Ўлимнинг олдидан калимангни қайтар! Калимангни қайтар деяпман сенга! (ташланмоқчи бўлади, Чарос уларнинг ўртасига кирди)

**Ч а р о с** Тўхтанглар! Тўхтанглар деяпман сизларга! Вой ўлай! Бадал ака! Жав-лон ака! Бас қилларинг!

(Шу пайт Пўлат кирди)

**П ў л а т** Бу не шовқин! Миянг ишлайдими ўзи Жавлон?! Эшигинг олдида жан-жал, навбат кутиб ётган одамлар жанжал қилишаяпти. Ў калла! Ҳар қайси фалон пул!

**Б а д а л** Дамингни ўчир! Пул, пул! (Зиёдани кўрсатиб) Мана буни кўрсанг-чи!

*(Пўлат ҳайратдан қотиб қолади)*

**П ў л а т** Нима бўлди бунга?

**Б а д а л** (Жавлонни кўрсатиб) Мана бу аблаҳ жонига қасд қилган!

**П ў л а т** Нега? Нега жонига қасд қилади?

**Ч а р о с** Тухмат! Тухмат қилманглар!

**П ў л а т** Шошманглар! Нега ўлдиради?!

**Б а д а л** Ўзининг қотиллигини йўқотиш учун! Зиёданинг устида ётиб бўгаёт-ганини ўз кўзим билан кўрдим! Ўлдираман, тамом, вассалом!

**П ў л а т** Шошма ботмон! Оғирроқ бўл! Ташла пичоқни! Ташла деяпман!

**Б а д а л** Йўқ!

**П ў л а т** Бу ишни яхшилик билан тугамаслигини сезувдим-а! Мен аҳмоқ, нодон бўлмасам шу йўлга кирармидим! Сизларни ҳам йўлдан урдим. Нималар қилиб қўйдим! Шўр пешона бўлмасам кўзим боғланармиди. Шу ойда ўғлимни уйлантирмоқчи эдим-а! Орзуларим сароб бўлди, Эй худо!

*(Ийглайди. Шу пайт Зиёда оғирроқ, нафас олгандай бўлади.*

*Ҳаммалари жим қулоқларини динг қилишади. Зиёда аста эснаб керишади. Чарос тезда бориб Зиёданинг қўлларини ушлаб, юз-кўзларидан ўпа бошлайди)*

**Ч а р о с** Зиёда! Зиёда! Кўзингни очдингми жоним! Э, худога шукур! Бор экан-сан-ку, Парвардигоро!

*(Зиёда тамом ўзига келиб, аста ўрnidан туриб ўтиради, этакларини тўғрилайди, сочларини тузатади ва ҳар кимга ҳайратомуз бир-бир тикилади)*

**З и ё д а** Келинглар, нега тик турибсизлар?

**Б а д а л** Э, бормисан хотин! «Келинглар» деган ширин тилларингдан айланин. Бахтимиз бор экан.

**З и ё д а** Нима гап, нима бўлди ўзи?

**Б а д а л** (Зиёдани уёқ-буёғини ушлаб кўриб) Э, худога шукур!

**З и ё д а** Нималар бўлаяпти, тинчликми?

**Б а д а л** Тинчлик қайда хотин, сени жанозангни ўқимоқчи эдик.

**З и ё д а** Нега? Тирик одамгаям жаноза ўқишалими?

**Б а д а л** Ҳаммасига мана бу журра сабабчи! Сени бўғаётганида кириб қолдим.

**З и ё д а** Нега бўғали, аксинча бу одамнинг қўли енгил экан. Ўзимни яхши сезаяпман, қушдай енгил бўлдим!

**П ў л а т** (Бадалга) Э, каллаварам хотинингни қушдай енгил қилган одамга шунақа туҳмат қиласанми?

**Б а д а л** Пўлат!...

**Ж а в л о н** Зиёдахон, билмас эканман эрингиз гирт Отелло экан-ку! Сал бўл-маса, мени сўймоқчи эди!

**Ч а р о с** (Бадалга) Рашк ҳам эви билан-да.

**З и ё д а** Жавлон акага мени рашк қилишга ҳеч ҳам ўрин йўқ. Фақат... санадилар... уёғини билмайман, ухлаб қолибман...

**Б а д а л** (яна жаҳлга миниб) Нимани санайди?!

**П ў л а т** Ваҳима қилма! Табибни ўзи билади. Э, тавба! Оғзига оғзини қўйди дейсан, бўғаётганди дейсан.

**Б а д а л** Кўрмасам айтаманми! Кўрдим ахир!

**Ж а в л о н** Агар оғзидан уфламасам, балки уйғонмасли. Ана унда ҳақиқий фожеанинг гувоҳи бўлардиларинг. Бутун дунёда шунақа қилишали, нафасни ростлаш учун оғзидан уфлашади!

**П ў л а т** Ана кўрдингми, ботмон! Бутун дунёда оғзидан уфлар эканла, э, ўқимаган, нодон!

Ч а р о с Мен лақмаям чиппа-чин ишониб ўтирибман-а. Қуйинг-ей Бадал ака, жудаям ваҳимачи экансиз.

Б а д а л Нега ишонмайсизлар?!

П ў л а т (Бадалга) Бас қил маш-машангни! Тил теккизма табибга! Тезроқ уйига борсин бу!

Ч а р о с Тўғри айтдингиз, одамларнинг жанжалига чидолмай, бу кишимни олиб кетгани келувдим-а. (Зиёлага) Энди тузукмисиз, жоним?

З и ё д а Мана, кўриб турибсиз-ку, ўргилай. (Шу вақт ҳовлиққанча рангги-рўйи ўчган Даврон кириб келади) Келинг Даврон ака!

Д а в р о н Э, Даврон аканг келмай ўлсин!

П ў л а т Нима гап? Илон қувалаган одамдай рангги-рўйинг йўқ?

Д а в р о н Одам кўрдим, аммо, сизлардай беғам, ландовур одам кўрмадим! Юрдан беҳабар одам экансизлар!

Ж а в л о н Ҳовлиқмай гапир! Нима бўлди?

Д а в р о н Шўримиз қуриди табиб! Ҳаммасига сен айбдорсан! Бир эди шанггилим, икки бўлди ҳанггилим!

П ў л а т Сапо сайракдин оғзингдан мақол тушмийди, нима бўлди ўзи?

Д а в р о н Бало бўлди! Дард бўлди! Айтдим-ку, хонавайрон бўлдик! (муסיқа бошланади) Корупсиё босди! (оғир жимлик) Солиқчилар, врачлар, мелисалар... катта... комиссиё иш бошлади! Шўримизга шўрва тўкилди!

Б а д а л Ваҳима қилаверма!

Д а в р о н Ваҳима дейсан! Бу ишдан турмани иси келиб турибди. Тушуна-япсанми, турма! Ҳужжат сўрашаяпти! Менинг уйимдаги 2 беморнинг ҳам аҳволи оғирлашганидан «скорий» чақиришди!

Ч а р о с Бу ишларингизни охири вой вой деб айтдим-а! Кулоқ бермадиларинг! Мана оқибати! Хонавайрон бўлдик! (йиғлайди)

Ж а в л о н Овозингни ўчир! Йиғини бас қил!

П ў л а т (саросимада) Энди нима қилдик?!

*(муסיқа кучаяди)*

П а р д а

### 3-Кўриниш

*1-Кўринишдаги сахна. Сўриларда чойхўрлар чақчақлашиб ўтиришибди. 1 сўрида Пўлат, Даврон, Жавлон, Бадаллар. Парда бошқа сўрида ўтирган ҳофизнинг кўшиги билан очилади.*

Ўргилай юртим жамолингдан сани токим абад,  
Айланар гулта туробингда мани хоким абад.

Саждағоҳимдур табаррук бешигим остонаси,  
Кулгим ҳам сен бирладур, сен бирладур оҳим абад.

Тоабадким кўрмагин ранжу ано машҳаргача,  
Кимки қазса чоҳ сенга, бўлғай анго чоҳким абад.

Сен дея тепгай юрагим доимо, ҳар соние,  
Мен учун иймон эрурким муглақи ҳоким абад.

Сендайин жаннат макон фарзандлиги туйғусидан,  
Юксалар Комил Авазнинг садри худ тоғким абад.

**П ў л а т** (ашула тугагач жилмайиб) Жавлон, ҳофизнинг овози қалай?

**Ж а в л о н** Яхши, зўр!

**Д а в р о н** (Пўлатнинг шаъмасига жавобан) Манимча, ҳофизнинг овози хастароғми-ей...

**П ў л а т** Мана, Жавлон дарров даволайди. Кўз жавҳари билан ҳофизнинг томоғига бир нигоҳ ташласа, тамом-вассалом, жаранглайди! Нима дединг, Жавлон, даволайсанми?

**Д а в р о н** Яхши айтдинг, Пўлат! Қарабсанки, нима кўп юрда овози хаста созанда кўп! Айниқса, тўй сезоннда! Яна жарақ-жарақ пул, яна тумонат одам. яна шов-шув! Яна реклама! Нима дединг, Бадал! Жавлоннинг пичоғи яна мой устида!

**П ў л а т** Келиб турган сонсиз ашулачилар: «Жавлон ака, эртага тўйим бор. мени навбатсиз кўриб юборинг, яхшилигингизни тагида қолмайман», «Мени кўриб юборинг, жуда узоқдан келдим, жон Жавлонбой ака, йўқ деманг, яхшилигингизни унутмайман. Болачақангизни роҳатини кўринг. Агар овозим очилиб кетса, от опкеламан!»...

**Д а в р о н** (образга кириб гапирётган Пўлатнинг гапини бўлади) Тўхта, Пўлат, отни ким боқади, сенми?

**П ў л а т** Боқсам, боқавераман! Бензин сўрамайди, топса ейди, топмаса йўқ. (яна эҳтирос билан) Аслида ўзи ишни аввал бошдан

нотўғри бошладик. Даволанувчи касаллардан эмас, ашулачилардан бошлаш керак эди. Нима кўп,саёқ овозсиз ашулачи кўп...

**Д а в р о н** Тўғри айтдинг, улар ҳам пул кабоби! (муסיқа чалинади, Даврон куйлайди)

Пул, пул, пул, жарақ-жарақ саси бор,  
Саёқ созандаларнинг сира тўлмас киссаси бор.

Бир қараса, Жавлонбой жаранглайди овозлар,  
Қарабсизки аканглари бу ерда ҳам ҳиссаси бор.

**Д а в р о н , П ў л а т**  
Пул, пул, пул, жарақ-жарақ саси бор,  
Саёқ созандаларнинг сира тўлмас киссаси бор.

**Б а д а л** Тўхтатинг бу мажорони! Ўзи зўрға қутилдик экстрасенс балосидан. Агар Зиёда билан анови Давронни уйидаги 2 бемор ўзита келмаганда, кўрардингиз! Ҳар биримизнинг гарданимизда 10 йилдан кам бўлмас эди. Мана бу (4 та бармоғи билан турма панжарасини кўрсатиб) кўрсатганинг дарров эсингдан чиқдими Даврон? Бир марта бойиймиз деб бўлганимиз етар! Кўздан келмаган ишга нима қиламиз овра бўлиб.

**Ж а в л о н** Сизларга ҳайронман, тутруқингиз йўқ экан! Ухлатдимми ахир?! Ухлатдим!

**Б а д а л** Ухлатдинг! Ухлатгандаям, уёққа кетадиган қилиб ухлатдинг. Агар дўхтир бўлмаганда, ҳали айтганимдай кўрардинг! (яна кўли билан панжара ишорасини кўрсатади) Жарима тўлаб зўрға қутилдик! (лабида четга «чирт» этиб) Ухлатдим эмиш! Мақтанишинга бало борми журра! Уни ухлатдим, буни ухлатдим, акамни ухлатдим, тоғамни ўғлини ухлатдим, хотинимни ундай қилдим, хотинимни бундай қилдим, тавба! Буни кўзида нур бор, оёғида биоток бор деб ким айтди ўзи? Кимдан чиқди бу гап?

**П ў л а т** Ўзинг айтдинг, Бадал, ўзинг айтдинг!

**Б а д а л** Агар мен айтган бўлсам, фирт аҳмоқ эканман!

**П ў л а т** Ҳали энди билдингми?

**Ж а в л о н** Нима деб жавраяписизлар?! Ҳозир шу ерда ҳаммангни, ҳаммангни ухлатиб ташлайми?!

*(Бир лаҳза жимлик, ҳаммалари ҳайрон)*

**Б а д а л** Ҳаммани?

**Д а в р о н** Ҳаммамизни айтаяпсанми?

**Ж а в л о н** Ҳа! Ҳаммангни!

**П ў л а т** Бўпти, биз розимиз, бош! Сени «кароматинг» гуфайли органга тўлаган жаримани тополмай кеча-кундуз машин қуваман.



киракашлик қиламан. Э, барака топ, бир ухлат, уйғонмасам ҳам розиман!

Д а в р о н Чиранма, ухлатолмайсан! Агар ухлатсанг, мана мен отимни бошқа кўйиб эмас, маҳалладан кучиб кетаман! Ухлатолмайсан!

Ж а в л о н Сизларни бу нервингизда, бу жириллашингизда мен-ку, мен, ҳатто устозим Кашпировский ҳам ухлатолмайди. Мени айтганимга, ҳаракатимга бўйсунингиз керак, любойингни ухлатаман!

Д а в р о н Кўй, сен бошқаларни лақиллат, бизларни эмас, кўй! Эй калла, органга берган тилхатимиз нима бўлади? Энди тушсак, онамизни учқўрғондан кўрсатишадди!

Б а д а л (Жавлонга таъкидлаб) Сен ҳам ўзингни бос, оёгинг ерга тегсин, табибман деб ҳеч ерда оғзингга олма! Эссизгина рекламага кетган пуллар!

(Шу пайт мусиқа чалинади чойхоначи Ражаб ака кўшиқ айтиб кириб келади)

Р а ж а б Чой, чой, чой! Чойда ҳикмат кўп,  
Ҳикмат кўп-ей, ҳикмат кўп!  
Ражаб райхонни чойинда хислат кўп-ей,  
Хислат кўп-ей, хислат кўп!

П ў л а т Яшанг Райхон ака! Яхшиям маҳалламизда сиздай бағри кенг, ажойиб акамиз бор! Бу ерга келсак дунёнининг ташвишларини унутамиз, дилларимиз яйрайди, яшанг, умрингиз узоқ бўлсин!

Р а ж а б Ў, ҳофиз ука! Жуфт бўлсин! Одамлар илтимос қилишяпти, "Хоразм лазгиси" бўлсин дейшяпти!

Ҳ о ф и з «Лазги»ми?

Р а ж а б Ҳа! «Лазги»! «Хоразм лазгиси»! Оёқ-кўлларни бир ёзайлик!

Ҳ о ф и з Майли ака! (бошлайди Ражаб ака муқом этиб ўйнай бошлайди ва кўшиқ давомида Пўлат билан Давронни ҳам ўйинга тортади)

Омон, омон, омон, омон-ей, омон!  
Нечоғ хушрўй бўлди замон-ей, омон!  
Ҳо-ой! Дўст-ёронлар! Дўст-ёронлар!  
Ўйнайдиган замон бўлди!  
Кулиб боқмиш хуш имконлар,  
Ёрим қоши камон бўлди!  
Омон, омон, омон-ей, омон!  
Ҳе-е!

Бунча муқом айларсан, жозиба кўп рақсингда  
Бунча илҳом найларсан, бармоғингла, қарсингда!  
Омон, омон, омон-ей,  
Нечоғ хушрўй замон-ей!

Дурмиши файз чор тараф, очилмиш гул, гунчалар,  
Тўймоқ йўқ сизга қараб, хушқоматсиз бунчалар!  
Омон, омон, омон-ей,  
Нечоғ хушрўй замон-ей!

**Р а ж а б** (Кўшиқ ва рақс тугагач) Ҳар бир жой одам билан  
файзли! Маҳалламининг обрўйи яхши одамлар билан, уларнинг меҳру-  
муруватлари билан файзли! (Пўлат, Даврон, Бадал, Жавлонларнинг  
бошлари эгик) Бошингизни эгманг! Хатолиғ кимдан ўтмайди! От  
сунникмагунча, одам унникмагунча кўзи очилмайди! Жавлонбой  
кўнгли пок йигит! У одамларни алдайман деб ўйламаган ҳам! Ҳар  
қайсингизни ажойиб ҳунарингиз бор, касбингизни хор қилманг!

**П ў л а т** Ражаб ака! Бизни ҳижолат қилманг, ўзимиздан ўтгани  
ўзимиз биламиз. Яхшиям кечириши!

**Д а в р о н** Ражаб ака! Ҳаммаси ҳазилдан бошланган эди.  
Айтганингиздай ўзимизнинг касбимиз ўзимизга омад келтирсин, омад!

*(Тўртови кўшилиб кўшиқ айтади, Ражаб ака улар билан бирга  
ўйинга тушади. Сўрилардаги одамлар давра олиб уларни олқишлашади)*

#### **Т ў р т о в и**

Касбимиздан омадимиз ёр бўлсин,  
Ёр бўлсино, ёр бўлсино, ёр бўлсин,  
Оллоҳ бизга доим мадакор бўлсин,  
Доим мадакор бўлсин!

#### **П ў л а т**

Каромат кўп машинада билсангиз,  
Дилим яйрар ёнгинамга минсангиз.  
Етар неки кўнглингиздан берсангиз,  
Басдур менга фақат раҳмат десангиз

#### **Т ў р т о в и**

Касбимиздан омадимиз ёр бўлсин,  
Ёр бўлсино, ёр бўлсино, ёр бўлсин,  
Оллоҳ бизга доим мадакор бўлсин,  
Доим мадакор бўлсин!

#### **Д а в р о н**

Уй қураман, меҳрим билан сувайман,  
Борлиқ имкон, зеҳним билан сувайман.  
То тирикман, обод уйлар қурай ман  
Аямасман қанча хизмат десангиз!

Т ў р т о в и

Қасбимиздан омадимиз ёр бўлсин,  
Ёр бўлсино, ёр бўлсино, ёр бўлсин,  
Оллоҳ бизга доим маладкор бўлсин,  
Доим маладкор бўлсин!

Б а д а л

Бизнес деган иборалар жонланди,  
Қўшма-қўшма идоралар жонланди.  
Бадалбойдек ишкоралар жонланди,  
Бизда бўлғай қанча ҳиммат десангиз!

Т ў р т о в и

Қасбимиздан омадимиз ёр бўлсин,  
Ёр бўлсино, ёр бўлсино, ёр бўлсин,  
Оллоҳ бизга доим маладкор бўлсин,  
Доим маладкор бўлсин!

Ж а в л о н

Беморларга шифо айлай, эй дўстлар,  
Жонимни ҳам фидо айлай, эй дўстлар,  
Ҳалоллик муддао айлай, эй дўстлар,  
Сиз-чун чекай қанча заҳмат, эй дўстлар!

Т ў р т о в и

Қасбимиздан омадимиз ёр бўлсин,  
Ёр бўлсино, ёр бўлсино, ёр бўлсин,  
Оллоҳ бизга доим маладкор бўлсин,  
Доим маладкор бўлсин!

*Ҳаммалар қарсақ чалиб олқишлайди, мусиқа кучаяди*

П а р д а

ТАМОМ

25.07.99 й.

# Тандир

(2 қисмли муסיқий комедия)

## Қатнашувчилар

Дурдибой - тандир қурадиган йигит

Сетти - Дурдибойнинг қўшниси.

Барди - Дурдибойнинг дўсти.

Қуромбой - Дурдибойнинг дўсти.

Шомурод - қўшни.

Саражон - Шомуроднинг хотини.

Гулжон - Дурдибойнинг хотини.

Ражаббой - Дурдибойнинг ўғли.

Ойжамол - Шомуродни қизи.

Реймажон - Сеттининг хотини.

Шерпажон - Бардининг хотини.

Қурвонгул - Қуромбойнинг хотини.

Хушнуд - Дурдибойнинг ўғли.

Раққосалар, ўт ўчирувчилар, кўча кўйда нарса сотувчи  
ва олувчилар иштирок этадилар

# I Қисм

## I-Кўриниш

Парда пиесанинг лейтмотиви «оҳ-а, оҳ-а, оҳ-ей»—«Лазги»си билан очилади. Қоронғи сахнанинг ўнг бурчагида Сетти билан Реймажон, чап бурчагида Шомурод билан Саражон ўтирибди. Пистолет нури сахнанинг ўртасида кўрпа тикаётган Гулжонга тушади.

**Гулжон** (Кўрпача тикишдан тўхтаб) Ҳей, тандирни қачон олиб келасиз?! Қачоң тандир қурасиз?!

**Дурдибой** Учир! Учир делим, ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим дастингдан! И-и, поҳ, «Дастингдан» (сал нарироқда қараб турган ўғлига) Қани, болам бари гал, шу «Дастингдан»ни айтиб, юрагимни қуртини бир ўлдири!

**Ражаббой** (қўлига рубобни олиб) Дада, нериннан айтин?

**Дурдибой** Авжиннан ол!

**Ражаббой** Дада, авжиннан ола билмийман, икки кун бўлди нон емадим!

**Дурдибой** Эртага тандир олиб келаман! Қани, авжиннан ол!

*(Жўр овозда Маширабнинг «Дастингдан» ғазали билан айтиладиган «Сувора» авжини гани оғзида қолган Гулжон тепасида турганларича ярим-бутун куйлашади)*

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,  
Киман ҳар қайга борсам, дод этарман дод дастингдан!

**Гулжон** «Дастингдан»игиздан дод! (кетди. Чироқ ўчади)

(Пистолет нури энди сахнанинг чап бурчагини ёритади)

**Шомурод** (чўт қоқаяпти) Беш минг олти юзга қўшамиз уч минг тўрт юз элликни, бўлади-тўққиз минг элик...

**Саражон** Бир қоп унни ҳам қиринг.

**Шомурод** Ина. (чўтга қиради) Ун уч минг. Жами йигирма бир минг элик! Ўҳ-ҳў!

**Саражон** Оқ ёғни қирдингизми?

**Шомурод** Йўқ ҳали. У ҳам бор-ов!

*(Шу пайт қўлида аёл кўйлаги билан Ойжамол қиради)*

**Ойжамол** Ойи, кўйлагингизни енги чиқмади.

**Саражон** Нега чиқмайди?

**Ойжамол** Материал кам экан-да!

**Саражон** (эрига) Қанча олган эдингиз?

**Шомурод** Қанчаси на?

С а р а ж о н Куйлаклик материални-да?

Ш о м у р о д Бир ярим метр.

С а р а ж о н Менга куйлак икки ярим метрдан чиқишини билмаган қандай эрсиз?!

Ш о м у р о д Ман сани ҳали ҳам ушоққина деб юрсам...

*(Ойжамол кулгакича чиқиб кетади)*

С а р а ж о н (енгсиз куйлакни у ёқ-бу ёққа айлантирганча) Сиз буни олган пайтда бошқа бир ушоқроқни ўйлагандирсиз! Энди бу енгсиз куйлакни қандай кияман?!

Ш о м у р о д Олдинг ёз, кияверасан, хотин...

*(Чироқ ўчади, пистолет нури энди саҳнанинг чап бурчагига-Сетти билан Гулжонларни ёритади. Сетти темирчилиги билан машғул. «Тақур-туқур» эттириб болга уряпти.*

Р е й м а ж о н Ҳой, дадаси! Сиз ҳам ота бўлиб, ўглингизни бирор ўқишга киргизишни ўйланг!

С е т т и Шу ўтиришимда қандай қилиб киргизаман, хотин! Ўйлаб гапирсанг-чи! Отам темирчи, отамни отаси темирчи, отамни бобоси темирчи ўтган, ўзим темирчиман! Ўғлимиз ҳам темирчи бўлади. Бор овқатга қара!

Р е й м а ж о н Мактабда яхши ўқиган боламиз ахир, ўқисин дейман-да! Ҳозир ҳамма тест билан кириб юрибмиш!

С е т т и Бор ана кирди ҳам дейлик. Кейин қандай ўқийди. Мени берадиган ҳеч вақом бўлмаса!

Р е й м а ж о н Унга вақо нимага керак? Кирса ўқийверади.

С е т т и Ҳамма имтиҳонлари фалон пул бўлса...

Р е й м а ж о н Бизни боламиз аълочи! Бир тийин ҳам бермай ўқийди!

С е т т и Ўқий олмайди! Эшитиб юрибман, Афлотун бўлсаям пулсиз баҳо ололмайди!

Р е й м а ж о н Бекорларни айтибсиз! Сиз киргизинг, уёғи билан ишингиз бўлмасин.

С е т т и Уёғини... ўзинг эплайсанми?..

Р е й м а ж о н (эрининг нозик шаъмасига тушуниб) Э, ўлинг бир сиз! Сиз нима дарддаю мен нима дардда!

С е т т и Э, сенинг ҳам дардинг шу, хотин!

*(Чироқ ўчади. Саҳнани яна ўртаси ёришади. Ён томондан Қуромбой хотини Қурвоңгул билан гапириб чиқишади)*

Қ у р в о н г у л Ҳей, эржон, тўхтанг! Тўхтасангиза бир. Шу бугун кестирасиз дедимми, кестирасиз! Шу кун ҳам кестирмасангиз кечда яна қийналаман!

Қ у р о м б о й Тушунтириб гапир! Нега қийналасан?

Қ у р в о н г у л Айни овқатга уннаганимда Ибройим кални хотини шланка билан газ тортириб, молларига ем қайнатмоққа қарайди.

Қ у р о м б о й Ҳа, шундин демайсанми! Ҳозир бориб Ибройимникини кестираман! (кетали)

Қ у р в о н г у л Дарров кестиринг! Тез боринг! (Қуромбой йўлига, Қурвонгул орқасига қайтиб, чиқиб кетади)

(Саҳна кўпроқ ёришади. Икки бурчақдагилар ўз ишлари билан машгул. Саҳнага қўлларида катта сумкалар билан нарса сотувчилар, олувчилар бирин-кетин кирадилар. Булар—Барди, Шерпажон, Юнг олувчи ва Баклаш-ка шиша олувчилар.)

Б а р д и Ёғ бор, ёғ! Пахта ёғи! «Тайт», «Барф» порошоклари! Темир чаноқ! Темир крушка! Буханка нон бор!

Ш е р п а ж о н (иккинчи томондан кириб) Сут бор, сут! Қат-и-қ! Кислий моло-ко! Чакка бор, чакка! Су-ут! Қай-моқ!

Б а р д и (хотинига) Анови домлар ёнига борсанга!

Ш е р п а ж о н Ўзим шу ёндан келяпман!

(Иккови икки томонга кетади)

Б а к л а ш - к а о л у в ч и (қопда шиша юкланган аравагани етаклаб) Баклаш-ка шиш-шиша оламан! Бак-лаш-ка шиш-шиша оламан! (кетали)

Ю н г о л у в ч и (орқасига қоп боғланган велосипедда киради) Юнг оламан! Юнг оламан! (Шомурод билан Саражон олдига келиб велосипедидан тушади) Юнг оламан!

С а р а ж о н (сал жимликдан сўнг жаҳл билан) Юнгимни сотдим!

Ю н г о л у в ч и (кўксига туфлаб) Вой-ей! Яхши. (Сетти билан Реймажонлар олдига велосипедини етаклаб келади) Юнг оламан! (Улар индамай Сетти темирини тақирлатавергач, аста кета бошлайди)

С е т т и Ҳў, биродар! Юнг оласизми?

Ю н г о л у в ч и (орқасига қайтиб) Ҳа, оламан!

С е т т и (ўринидан туриб Юнг олувчи олдига келади ва билинар-билинемас хотини томонга ишора қилиб) Бироз эшак юнги бор эди... оласизми?

Ю н г о л у в ч и (Сеттининг хотини томонга кўз қирини ташлаб, жаҳл билан) Юнг оламан дедим! (кета ётиб, Сеттига

Уқарайиб, овоз чиқармасдан оғзини тебратиш билан «Падарингга лаънат!» ёки ундан-да хунуқроқ—«Ҳе, онангни!..»га ўхшаш сўкиш қилиб, чиқиб кетади)

*Чироқ ўчади, пиеса лейтмотиви мусиқаси чалинади.*

Аванпарда тушади.

## 2-Кўриниш

*А в а н п а р д а олди. Ойдин оқишом, баланд теракзор, ариқди шилдираб сув оқиб тургани акс эттирилган. Қахрамонларимиз айтмоқчи бўлган «Лазги»га яқинроқ оҳангли кўшиқининг мусиқаси наст чалиниб туради. Мусиқа фониди чигирткаларнинг чириллаши, ариқдаги сувнинг қалбларга фараҳ баҳшида шилдираши берилади. Р а ж а б б о й билан О й ж а м о л ариқ бўйида ошиқона, хуш кайфиятда, висол оғушида учрашиб дил изҳор этмоқдалар.*

О й ж а м о л Ражаббой оға, Армияга кетиб бораётган экансиз. Ой бориб, омон қайтиб келинг.

Р а ж а б б о й Хова, Ойжамол, бу менинг йигитлик бурчим. Ҳар бир йигитни бошида бор савдо.

О й ж а м о л Тўғри айтасиз, лекин эҳтиёт бўлинг. Агар сизга бир гап бўлса, мен ўли-иб қоламан...

Р а ж а б б о й Қизиқмисан, ҳозир тинчлик замон бўлса, хизмат Ўзбекистонда бўлса.

О й ж а м о л Барибир, кўрқаман, армия, армия-дон. Ҳар хил ёмон гап-сўзлар бўлиб турибди. Ваҳобийлар дейишади, на бир қоронғи-қарсангилар тўғрисида хавотирли миш-мишлар юрибдику, ахир.

Р а ж а б б о й Сен кўрқма, чегараларимиз мустақкам, армиямиз кучли! Самолетлар, танклар бор. Бирди-ярим ғаламислар уерда-буерда портлатанлари билан қўлларидан нимаям келади, қани айт, нимаям келади?

О й ж а м о л Барибир, ўзингизни сақданг. Мен сиздан хавотир оламан. Ахир шунча вақт кетасиз, сизсиз мени куним не кечади.

Р а ж а б б о й Ойжамол, мендан кўнглинг тинч бўлсин... Мени ёдингнан чиқармасанг бўлгани. Ўзим сенга тез-тез хат ёзиб тураман. Суратга тушиб, расмимни юбораман.

О й ж а м о л (кўйнидан сувратини чиқариб) Инанг Ражаббой оға, мени соғинганда расмимга қараб, мени билан сўзлашиб турасиз.

Р а ж а б б о й (расми олгач, узоқ тикилиб) Хушрўйсан, Ойжамол, хушрўйсан! Қани, сира ёнингдан кетмасам. Мана шу узун



қора сочларингни, шахло кўзларингни, қиймириб қарашларингни,  
ноз этиб, қаҳр атишларингни соғинаман! (бағрига босиб) Ажаб бир  
ёқимли ҳидларингни соғиниб юраман, жоним!

О й ж а м о л (ҳаяжонланиб) Ростданми, ростданми?!

Р а ж а б б о й (энтикиб) Рост жоним, рост!

*(Шу ерда икковининг дуэти бошланади)*

Р а ж а б б о й

Ойжамолим, ойжамолимсан,  
Кўз қамашар юзинг нуридан.  
Моҳитобим, танда жонимсан,  
Мастман бахтим суруридан!

О й ж а м о л

Юрагимда қишу-ёз баҳор,  
Чаман гуллар турфа наформан.  
Тонг саҳарлар уйдаман бедор,  
Юрагимга шуми ё фармон?!

Р а ж а б б о й

Севгим билан фаҳр этаман,  
Юксақдаман дилим завқидан.  
Кенг жаҳона сизмай кетаман,  
Муҳаббатим ширин шавқидан.

О й ж а м о л

Бахтимизга тегмасин-да кўз,  
Сизсиз яшай олмасман бир зум!

Р а ж а б б о й

Йўлимизни ишқ айлар афруз,  
Сени бахтли этмақдир орзум!

Р а ж а б б о й , О й ж а м о л  
Йўлимизни ишқ айлар афруз,  
Сени бахтли этмақдир орзум!

*Чироқ ўчади.*

Аванпарда кўтарилади.

### 3-Кўриниш

*А в а н п а р д а олди. Саҳна ортида Саражонларнинг молхонасини ёниш жараёни. Ўт ўчириш машинасининг сирена сигналлари, кўни-кўшилар бесаранжом, челок, бел, паншаҳа кутариб саҳнанинг у ёғидан-бу ёғига чошишиб, «Сув келтир, хо-сув келтир. Дурдибойларникига ўтиб кетмасин», «тупроқ сен, ҳо-тупроқ сен», дея ҳайқирадилар ўт ўчади. Саражонни юраги ёмон бўлиб, саҳна ўртасига йиқилади. Шерпажон, Реймажон, Қурвонгул, Гулжонлар гирди-капалак бўлиб, уни атрофида парвона, уни юзига сув сепадилар, кўнгул берадилар.*

**С а р а ж о н** (хиёл кўзини очиб) Вой ўлдим-ей, ёниб ётган уйни кўриб юрагим ёрилди. Нон ёпмақа етмагай эди.

**Р е й м а ж о н** Яхши ҳам молхонада молларингиз йўқ акан.

**С а р а ж о н** Моллар бўлмагани билан, қанчалик емдан, ўтиндан айрилдик. Шунча оғочлар ёниб кетди!

**Г у л ж о н** Мен билиб этибманми?! Ачиган хамирни ясаб чиқаман даганча на бўлса, бўлгон!

**Ш е р п а ж о н** Асли бўлжақ иш. Моли-жонингиз омон! Нега қисинасизлар. Ёнса тўрт мол ўти, икки-уч қаламча ёнибди.

**С а р а ж о н** (инграб) Қаламчамас, 10 та белимдек-белимдек болар оғоч ёнди! Ҳар қайсисина кучоқинг етмидоғин эди! Бир қишни чиқарадўғин мол ўти, шунча сомон! Ичларим ёниб бораётир-ей, ичларим! На бир меҳнатлар билан учак-томга босган эдик. Бугина қизим Ойжамол ўзи ўрди, ўзи босди! Бир йигитни ишини этди бола фақир!

**Қ у р в о н г у л** Ёш, кучи бор, қуввати бор яна этаваради. Бир молхона даб ён кўшнига тик қарайварманг. Бугунми-эрта боласи армиядан келса, қариндош бўласизлар.

**С а р а ж о н** Қариндош бўлжақ ерим йўқ. Ҳали қариндош бўлмайин молхонамга ўт берса, қариндош бўлгандан кейин ўйимга ўт беради бу шумоёқ! Кечагина эди этагини босиб юргани!

**Р е й м а ж о н** Сал юз кўриб сўзланг, чиқон, қизишаварманг! Буларни ҳаммаси ўтиб кетади, юзи қорачилик сизга қолади.

**С а р а ж о н** Нега юзим қора бўлар экан?! Бу гўрсўхгани айтиб юрган ҳамма гапларини эшитиб юрибман. Ман жимси, майлачи эмишман, зиқна эмишман, бир куйлакни бир йил кияр эмишман, Она-болага бир узик, бир сирғамиш. Ҳа, ер ютқай сани, олтин узик тақиб, олтин трос таққан! Ойдаи қизим бор, ҳали кўлиннан биров тутгани йўқ! (шу вақт ўт ўчирувчилар орасидан бу гапларни эшитиб юрган Ойжамол уялиб аста чиқиб кетади ва ташқарида эшитиб туради)

**Г у л ж о н** (рангги ўчиб) Бу на тухмат? Қаерда айтибман? Қачон айтибман?! Оғзимдан сирагина шундай гап чиққан амас, чиқонжон.

**Қ у р в о н г у л** (Саражонга) Саражон, қўйинг шу гапларни, Гулжон икки дунёда бундин гапларни айтмийди.

**Ш е р п а ж о н** Сизларни қуда бўжақларингизни қўравармаганларни топган гаплари бу!

**Г у л ж о н** Тўғри, чиқонлар, мани кўнглимда сирагина бундин гаплар йўқ. Кечагина Ражаббой армиядан юборган хатида Ойжамолни сўраб-сўраб ёзганини ўқиб, севиниб юрибман.

**С а р а ж о н** (Гулжонга) Бўйнингга олмайсан-а, бўйнингга! Молхонани қуриб бармаслик учун топган баҳонангни қара, ҳей уятсиз! Эринга молхонамни ҳам солдираман! Мол ўтларини ҳам обкелади, ёғочларни ҳам обкелади кўр бўлиб! Ман ўқитувчи, майдачи эмишман. Жимсилик-майдачилик ина бундин бўлади! Тур кўзимга кўринма, йўқол уйимдан! Санга бержақ қизим йўқ!

**Р е й м а ж о н** Кўшнени қувманг!

**Ш е р п а ж о н** Ён кўшни-жон кўшни дейдилар.

**Қ у р в о н г у л** Эрта-индин ярашиб, ҳеч гап кўрмагандин бўлиб кетасизлар. Қўйинг, Саражон!

**С а р а ж о н** Айтасиз-да, Қурвонжон. Молхонамисан, молхона, бир кўшки сарой эди! Бозорбойни этган ҳалол меҳнатларина, Ойжамолни тонгларда туриб этган меҳнатларина ёнаман! Бир касофатни даб уйим кўйди, уйим!

**Г у л ж о н** (чиқиб кетаётиб, Саражонга) Жудаям осмондан келаверманг! Тоғдек ўғлим бор, бўйига минг қиз ошиқ бўлади! Сизни қизингиз бўлмаса, бошқа бириси. Қизингизни бошшингизга ёстиқ этинг! Ноҳақ тухмат этганлар худодон топгай илойим! (чиқиб кетади)

*(Кушнилари чиқиб кетишади. Дунёни сув босса тўпингизга чиқармайдиган Шомурод қўлтиғида бир даста қоғоз билан аста кириб келади.)*

**С а р а ж о н** (бор заҳрини эрига сочади) Қаерларда юрибсиз?!

**Ш о м у р о д** Отчёт! Ҳисоб-китоб...

**С а р а ж о н** Ҳа-а! Отчётингиз ўлсин! Бутун қишлоқ келди, сиздан дарак йўқ! Уйимиз ёнди!

**Ш о м у р о д** Ваҳима қилаварма! Ҳаммасини кўрдим, чепуха! Ўзингиз лекин йўқ ердан чанг чиқарасан! Билмадим лойингни қайси хандақдан олганлар!

**С а р а ж о н** Ҳова! Ўзи лойим шундай, шўр!

Ш о м у р о д Лойинг-қу маълум, лекин тепиб-тепиб пиширмаган эканлар-да, хотин!

С а р а ж о н Ҳа-ҳ! Сизники олтин конидан олинганди! Қаерданам сизга тегдим-а! Жужани бахти булганда товукқа эмчак битар эди! Асли пеллонам шўр!

Ш о м у р о д Куй, хотин, эски ғовғани қайтадан бошлама. Ўзи сан билан мани ким таништирган ади? А, энди бунни фойдаси йўқ, ман бу ишда ҳеч кимни айбламайман... Ахир, ўн бешдан зиёд фермерларни оғчётпчи ишлайман, ҳорийман, ўзинг биласан юрагимни мазаси йўқ. Ай, ман сира ҳаяжонмаслигим керак...

С а р а ж о н Жуда яхши, уй ёниб адо бўлсин! Сиз ҳаяжонланманг! Бир манга керак, уй ҳам, рўзғор ҳам! Ман ўлиб кетаварин!

Ш о м у р о д Ўлмагийсан Саражон, нега ундай дейсан?

*(Шу пайт телефон жиринглайди. Шомурод телефон дастагини кўтаради.)*

Ш о м у р о д Эшитаман! Яхши айтдингиз, бугун унга овқат бермаймиз. (анграйиб турган Саражонга) Итинг! Солайларнинг жўжасини ебди, бугун у бахтиқорага ҳеч нарса берма!

С а р а ж о н Ит ҳам жўжа ейдими? Бир ўғри пишик пайдо бўлди элатда, шу егандир-да.

Ш о м у р о д Ана, Солайни хотини телефон қилиб айтди, ўзинг келишар-сан!

С а р а ж о н Ўзим галишаман у чап жундик, чап ғалтинг билан, кунда бир янги кафин киядўғин бика бир муштдек жўжа деб телефон қилиб юрган у гурги билан ўзим гаплашаман! (Бир нимага сурниқиб йиқилади) Воҳ, оёғим!

Ш о м у р о д Иби, Саражон, қайси осғинг оғриди? Ўзинг ҳам кўзингга қарамай чопқилаверасан! (чўккалаб унинг оёғини, кўлини сийпалай бошлайди) кўшнилар билан яхши бўл, Саражон. Олти тор сомон ёнди деб Гулжонлар билан тарс бўлма. Эрта-индин боласи армиядан келса, қуда бўлаемиз...

С а р а ж о н На қуда?! И? На қуда?! Қуда-пула бўлажак ерим йўқ! Ман ундайларга қизимни бермайман!

Ш о м у р о д Секинроқ, Саражон, секинроқ. Ахир, уларни боласи билан бизларни қизни гаплашиб юрганини бугун элот биледи. Мани шарманда этжакмисан?

С а р а ж о н Ман шарманда бўлсам яхшими?! «Киймасам ўламан»ни кийиб эсирганча, уйна тандир курсин! Қачон қараса лаган кўтариб қўшниларга ёптириб юради.

Ш о м у р о д Ҳай-ҳай, ёптиргани билан нима ишинг бор. Едим оғзимда йўқ, кийдим эгнимда йўқ экан-да, саникиям оз эмас!.. Кечагина холангни бетик тўйида янги куйлак кийдинг-ху, ё у ҳисобмасми?

С а р а ж о н Ҳова кийдим! (йиғламсираб) Жўқрама иссиқда, енгги йўқ кўйлакни устидан костюм билан кийдим. (бирдан жадаллашиб) Тўйларда ҳозир хотинлар уч-тўрт куйнак алмаштирадилар. Ҳа, ман кимдан камман? Оғзим эгрими, оёқим эгрими? И-и! Индамаган сайин... (яна йиғламсираб) Нерданам сизга тегдим. Ўзи сизга тегиб нима орттирдим?..

Ш о м у р о д Зато ман орттирдим! Сани пиширган мазасиз овқатларингни еб ошқозон ярасини орттирдим, язва орттирдим!

С а р а ж о н Сиз язвани қора қондан орттирдингиз! Меъёрингизни билмий ичасиз!

Ш о м у р о д Меъёримни биламан Саражон, меъёримни биламан! Меъёрига етганда... (кулимсираб) Сан манга еқа бошлайсан...

С а р а ж о н (кулимсираб) Ёқмай кетсин.

Ш о м у р о д Ман қаерда ичишни, кимлар билан ичишни биламан. (кулимсираб) Қани, менга қара, ўлчаб олай, санга занжир олиб бержакман.

С а р а ж о н Занжир эмас, трос! Трос денг, трос! Анови Назирани треси икки қарич келади. Манга, (бўйнидан айлантириб кўрсатади) икки айлантириб, (киндики пастини қаричи билан кўрсатиб) ина шу ерга келадиганидан олиб беринг. Яхшими, душманлар ёниб ўлсин!

Ш о м у р о д Яхши, санга уч қарич келалўғининан олиб бераман. Ҳай, Саражон, ман мажлисга боришим керак. Галстук-палстукларни тақиб кетмака келган эдим. Мажлисга ҳокимлар галармиш, қани, ичкарига юр, ёнган тўрт-беш қамишни тузатиш қочмас. (ичкарига кириб кетадилар)

*Муסיқа кучайиб пасаяди.*

Парда

## 4-Кўриниш

*Парда лейтмотив куй билан очилади. Кун ботиш олди. Қишлоқ ҳаёти. Моллар бақиряпти, итлар вовуллаяпти. Учоқ бошида ивирсиб юрган Гулжо саҳна четига келиб, болалар билан кўчада тўполон қилиб уйнаб юрган Хушнудга сас беради.*

**Г у л ж о н** Хушнудбек! Ҳей, Хушнуд! Гарангмисан, Хушнуд?!  
**Х у ш н у д** (овози) Ҳа, опа? Нима дейсиз?

**Г у л ж о н** Уйга кир, итдек югуриб адо бўлгур. Молларга эрталабки ўт солганинг, кеч бўлди, ўт сол!

*(Шу вақт ичкарида қора мушук ўчоқ бошидаги тавоқдан бир бўлак гўшти олиб қочаман деб лавоб косаларни ағдариб юборади. Гулжон жони борича мушукни қарғаб, қўлига илган таёқ билан қувлайди. Хушнуд ойсисгаям қарамай, шошиб-пишиб қўлида бир мол ўти билан югуриб кириб, саҳнанинг нариги томонига ўтиб кетади Гулжон мушукни қувлайман деб сув тўла челақни ағдариб юборади ва йиқилиб тушади ва «ваҳ ўлдим, онажоним, мени бу дардлар учун туққанмидингиз?», деб қичқиради. Бироздан сўнг Дурдибой киради. Дадасининг орқасидан Хушнуд киради. Супа устида бетартиб ҳолда ётган кўрпачаларни Хушнуд тўғрилай бошлайди, сўнг ўчоқ бошидан қумғон билан сулопчани олиб келиб, دادаси қўлига сув қўяди, сочиқни беради.)*

**Д у р д и б о й** Ёмон чарчадим. Бир қўл келмади-да. (анграйиб турган ўлига) Не анграйиб турибсан? Уст-бошингни ит талагандай, хароб? Ҳеч менга ўхшамадинг-менга ўхшамадинг! Кўрмайсанми, овқат вақтида точний уйга келаман. Тартибни мендан ўргансанг бўлмайдеми?

*(Шу пайт бериги эшикдан бошлари тағилган Г у л ж о н оқсоқланиб чиқади. У ҳеч кимга қарамай жавраганча ўчоқ бошига қараб юради.)*

**Г у л ж о н** Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим, воҳ-ей!

**Д у р д и б о й** Ҳа, пари! На бўлди? Азонда тиммитдин эдинг?

**Г у л ж о н** (эрига қарамай кетиб бораркан) Мен ҳам бир куни кетарман! Ҳамманг тинчийсан! Моллар ҳам тўяди, товуклар ҳам донли, уй ҳам нонли бўлади! (Гулжон оқсоқланиб овқатни олиб келгунча дастурхондаги икки бўлак нонни Хушнуд олиб, еб қўяди. Дастурхонда нон қолмайди. Эрига) Ҳамма еримда оғриқ! (дастурхон ёнига чўкади)

**Д у р д и б о й** На ўтирлинг? Нон қани? Нон олиб келмайсанми!

**Г у л ж о н** (терслик билан) Нон йўқ!

**Д у р д и б о й** Ҳа, нега нон йўқ?!

Гулжон Тамом бўлди.

Дурдибой Қўшнилардан сўра, олиб чиқ!

Гулжон Сўрамайман! Неча марта сўрадим. Нон сўраб девоначилик қилиш жонимга тегди.

Дурдибой И-е, қизиқ гапирасан қўшнилар ҳам бизлардан нон оладилар-ку! Эртанг елганда барарсан! Ҳов, аласа бу шалдир-шулдур шўрвангни нима билан ичамиз?

Гулжон Нонсиз ичасиз!

Дурдибой Ҳа, ун йўқми ё? Оқшомгина харосдан бир қоп бугдойни чиқартириб келдим-ку!

Гулжон Уй тўла ун,

Дурдибой Ун бўлса, унда нега ёпмайсан?

Гулжон Нимани?

Дурдибой Нимани, нимани?! Нимани бўларди! Нонни-да!

Гулжон Қаерга ёпаман?

Дурдибой Қаерга бўларди! Тандирга!

Гулжон Қайси тандирга?

Дурдибой Ўзларимизни тандирга!

Гулжон Раҳматлик отам қуриб барган тандирни аварийни ҳолига келганига бир йил бўлади.

Дурдибой Қўшниларникида ёп!

Гулжон Қўшнилар бир ёптиради, икки ёптиради! Қайси қачона эшикма-эшик дийдираб, қўшнитарга ёптириб юраман?!

Дурдибой Агар сан нон ёлган куни Шомуротни молхонасини ўт олмаганда эди, ҳозир амдолливилон, апоқ-чапоқ бўлиб ёлиб юрарардинг.

Гулжон Тандири бошшинда қолсин! Молхонасини ўзи ўтга бериб, менга тухмат солди, сариқ чаён!

Дурдибой Шу куни тандирга ўтни сен ёқдингми? Сен ёқдинг!

Гулжон Ман ёққан билан, мен ўтга баравараманми? Асли, уни нияти бошқа!

Дурдибой Нега?

Гулжон Қизини бизларга бармаяжак, ўзининг тухумига узатжақ! Тухуми мурд бўлгур!

Дурдибой Ҳали. Ражаббой армиядан келсин, бир гап бўлар.

Гулжон Қизини ёлвориб барсам олми-ий-ман! Қизига зор ерим йўқ! Боламни бўйига юз қиз ошиқ! Менга қилган ноҳақ тухматлари (кўксига уриб) ина бу еримда, ина бу! (алам билан кўрсатиб) Ина тугун, эримайди бу хароб! Эримайди, ҳеч қачон!

Дурдибой Энди. Гулжон, қўй, шу бўлиб ўтган гапларни қўй! Ҳа демай боланг ҳам армиядан келади.

Гулжон Шунинг учун ҳам уйла тезроқ тандир қуриш керак, тандир! Билдингизми, ҳай эркак! Ўзингда йўқ, оламда йўқ. Қачонгача, қасрдаги одамларга ёлвориб юраман?! Худ эртага тандир қурмасаниз, овқатни ҳам, чойни ҳам нонсиз еб-ичасиз, нонсиз ўтираварамиз!

Дурдибой Ҳа-а, шундайми?

Гулжон Ҳа, шундин, дамингизни чиқармин ичаваринг.

Дурдибой Яхши-яхши! Ўч! Сайрайварма! Тандир олиб келаман!

Гулжон Қачон? Ман ўлгандан кейинми?

Дурдибой Эртага ладинг-ку, ахир! Эртага!

Гулжон Эртангиз ўлгай илоё! Буни кўп эшитганмиз! Қачон айтган гаппингизни устиннан чиқасиз? Эркак бўлиб сиз ҳам бир айтганингизни бажаринг! Уйга, рўзорга, хотинга бир қаранг! Қачон қараса тўрт бекорчи, арақ ичиб, қўлингиздан карта ўлгур тушмайди! Арақ ўлгай, картаям ўлгай, илойим! Ражаббой боламниям соғиндим! Нима қилиб юрган экан болам бечора?! Воҳ-ей! (йиғлайди)

Дурдибой Бўлди-ей, бўлди-да! Биладан қисиниб юрибсан! Бас қил энди. Эртага тандир обкелиб қурмасам, Дурдибой отимни бошқа қўяман! Гап тамом, вассалом! Энди чакагини ўчир! Яна гингшийдиган бўлсанг, бир уриб иягингни синдираман, манглайи қара! (шўрвани шўриллатиб ичаётган Хушнудга) На бунча шўриллатасан?! (Хушнуд нафас чиқармай ичиб ўтирган косасини кўтариб чиқиб кетади. Дурдибой косасидан чивинми, пашшами бирор қора нарсани қошиги учи билан ерга олиб ташлайди ва оёғидаги шиппагини ечиб, ерга ташлаган нарсани уради. Овақатни нонсиз еб бўлгач, хотинига) Қани, жойни сол, ётаман, чарчадим. (Гулжон индамай дастурхонни йиғиштириб ичкари кириб кетади. Хотиндан дарак бўлавермагач, Дурдибой саҳна тўрида кроватга йиғиб қўйилган пашшахонани туширади-да, ечиниб пашшахонага шўнғийди. Свет пастлаб саҳна анча қоронғилашади. Дурдибой хотинига эшиттириб бир-икки қаттиқ-қаттиқ йуалади. Гулжон нима гап дегандай кроватга яқинлашганда девор ортидан Бардининг овози эшитилади.

Барди Дурди! Дурдибой! Ухладингми?

Дурдибой (бироздан сўнг) Нима дейсан? Нега ухламай юрибсан?

Барди Кўрдинг-ку, қўл келмаганини! Сен қандай чилаб ётибсан?

Дурдибой Нима, энди ютқаздим деб ўзимни осишим керакми? Бой-буй! Борсанга! Ухласанга! (Бардини овози чиқмагач,



яна йўталади. Гулжон кроватга энди яқинлашаман деганда ит вовуллайди. Гулжон қочиб ичкари киради) Ким?! Ким у?! (яна жимлик чўқади. Дурдибойнинг хурраги эшитила бошлайди. Хўроз қичқириб тонг отгани саҳнада акс эттирилади. Дурдибой тонг қоронғиси уйғониб кроват пастида турган қумғон билан юз-қўлини ювади ва апил-тапил кийиниб, Саҳнанинг чап томонидаги Сеттилар эшигини қоқади. Бир-икки тақиллатгач, ичкарида итнинг вовуллагани эшитилади. Орқага тисарилиб, яна қоқади.) Сетти, хо, Сетти!

С е т т и (ичкаридан овоз беради) Ким у?!

Д у р д и б о й Ман Дурдивойман!

(Сетти уйқусираб ташқарига чиқиши билан йўрғалаб физкультура машқи билан саҳнани айлана бошайди. Дурдибойнинг саломга чўзилган қўли муаллақ қолади ва уям унга эргашиб йўрғалай бошлайди)

С е т т и (чопа ётиб) Ҳа, азон билан нишаб юрибсан, уйингдан илон чиқдими? Кунда азонлаб турғизмасанг, еганинг сингмайди сани! Уйқуни ҳам бир тийин этасан! Анови куни тонгда қозик сўраб галдинг. Бир чувиқни учини йўниб, ерга қоқсанг қозик бўлади! Кеча сплилол сўратибсан! Солидолни нишатасан?

Д у р д и б о й (Сеттига мос орқасидан чопганча) Юзимга суртайми деб эдим.

С е т т и (бармоқлари билан кўрсатиб) Солидолни айланадиган жойларга суртадилар, эй, манглайи қора! Бугун на керак?

Д у р д и б о й Ай жўра-ей, дардимни сўрама, ман айтсам, сан ишонмайсан, эшак арава сўраб бормаган эшиким қолмади. Ўзингда йўқ оламда йўқ деганлари тўғри акан, жўра. Жўра, эшак аравангни бариб турмасанг, бўлмайди!

С е т т и Эшак аравани нима қиласан?

Д у р д и б о й Хотин хотин-да, қўшниларникида ёпгин десам, этмийди. Тандир қуриб берасан даб қулоқ миямни ейди. Бир тандир қуриб бариб, оғзини қопилтирмасам бўлмийжақ.

С е т т и (чопишдан тўхтаб) Қизиқ экансан Дурдибой, уларникида ёпмаса, ина, бизникида ёпсин!

Д у р д и б о й Ёпмайди, ўлдир олло, ҳеч кимникида, ёпмайжақ!

С е т т и Ҳа, на бало?

Д у р д и б о й Шу Шоммиларнинг молхонаси ёнғандан бери ўзимникида ёпаман дейди.

С е т т и Ҳа, бизники ёпаварарди-ку!

Д у р д и б о й (Дурдибой тўхтаб) Шунга эшак аравангни бермасанг бўлмийди!

*(шу ерда Сеттининг бўлдамли хотини Реймажон қўлида чалак билан ичкаридан чиқади.)*

**РЕЙМАЖОН** Салом, Дурдибой оға! (эрига) Нима қилиб турибсизлар эшикда? Дурдибой оға ичкарига кириңг, ахир (саҳнанинг иккинчи томонига ўтиб кетади)

**Дурдибой** (Реймажонни орқасидан қараб) Ҳай жўра, саникиндин хотин борми? Поҳ-поҳ!..

**Сетти** Бўлди-бўлди, тўхта шу ерда, санга нима керак ўзи? (Яна чопа бошлайди)

**Дурдибой** (Сеттининг орқасидан югуриклаб) Эшак арава.

**Сетти** Арвани кўчари синди!

**Дурдибой** Кечагина мол ўти ташиб юрган эдинг-ку!

**Сетти** Бугун азонда синди! Сани сасингдан синди.

**Дурдибой** Табриклайман! Кўп яхши иш бўлибди. Майиблиғинг муборак бўлсин! (пауза) Унда эшагингни бериб тур.

**Сетти** Эшакни нишатасан?

**Дурдибой** Тандир олиб келжакман!

**Сетти** Эшакда ҳам тандир олиб келиб бўладими, эй калаварам!

**Дурдибой** (югуришдан тўхтаб) Бермайсанми?!

**Сетти** Ана, эшак, боғли турибди. Ечиб олиб кетабер.

**Дурдибой** Раҳмат жўра! (кета бошлайди)

**Сетти** Тўхта, бери кел! (Дурдибой қайтиб келади) Эшакни...  
А?!

**Дурдибой** Жиннимисан, Сетти? Пой, манглайи қорасан-да!

**Сетти** Уриб, нетиб юрма дейман-да!

**Дурдибой** (ҳайрон бўлиб) Урмайман.

*Лейтмотив мусиқа, чироқ ўчади.*

Парда

## II Қисм

### 1-Кўриниш

*Олдинги кўриниш охирида бошланган муסיқа кучайиб, Эшак хангерайди. Саҳнага Хушнуд бир жўраси билан югуриб киради.*

**Х у ш н у д** Ойи, ойи! Тез чиқинг! Дадам тандир олиб келди! Иссиқ нон ейдиган бўлдик! Чиқинг тез!

*(Тандирдан боши чиқиб турган Дурдибойни «ҳай-ҳай»лашиб Қуромбой, Сетти, Бардилар кўмаклашиб олиб кирадилар. Ичкаридан чиққан чиққан Гулжон парвона бўлади.)*

**Г у л ж о н** Тандир олиб галган эримдан айланай! Ина бера кўйинглар, ина бера! Йўқ, йўқ, ина бу ерга туширинглар!

**Д у р д и б о й** (дўстларига) Секин дедим, хавардон бўлинг! Ина бунга тандир дейдилар! Сал қизлириб ёпаверасан! Дурмуши юнг билан тўзвoқ! Кўзингизга қараб кўтаринг, кўзингизга!

**Қ у р о м б о й** (Дурдибойга) Вағирди атаваргинча, каллангни торт, тандирни ичина бук! Э, ўқимаган!

**Б а р д и** (Дурдибойни жеркиб) Кўёшда қолган кўҳна саночдин тақирдаб, ақл бараваринча, ина буни тут!

**Қ у р о м б о й** Пой, дағдаганг додан ошади сани лекин, Ол туттиқ! Туширжакинг бир мижиликлин, кичкинагина тандир. Аҳ, оёғим соғ бўлганда кўрсатар адим сизлара!

**Д у р д и б о й** (Тандирдан бошини чиқариб) Ким айтди кичкина деб? Сетти санми, Барди санми? Ким айтди?

**Қ у р о м б о й** Ман айтдим. Ҳа, на дижаксан?

**Д у р д и б о й** Оғзинга қараб сўлла! Кимники кичкина, маникими? Улли тандир санда-ку! Бир элота етади! (кулишади)

*(Тандирни авайлаб дастга олиб қўйишаётганида тушиб кетади. Дурдибой «воҳ-воҳлаб, оёғини тандир тагидан тортиб олади.)*

**Қ у р о м б о й** Тагига ёширт қўйинг дедим!

**Б а р д и** (тандир тагига ёширт қўйиб тўғрилашгач, Гулжонга) Муборак бўлсин!

**С е т т и** Энди тандирда иссиқ нонлар, ёғли патирлар ёпаверасиз!

**Г у л ж о н** Қуллуқ! Кели сомсаларни айтинг!

**Д у р д и б о й** (хотинига) Нишатдим, Гулжон? (муסיқа бошланади. Дурдибой куйлайди, дўстлар рақсга монанд ҳаракатлар билан жўр бўлишади)

### Дурдибон

Ўтин-чўпни солиб, аста ёндириг,  
Қутлуғ бўлсин Дурди олган тандиринг.  
Этли патир ёпсин бизни Гулжонгина,  
Қоши қора, гўззи қора санамгина.

### Ҳаммалар

«Оҳ-ай, оҳ-ай», «воҳ-ай, во-ҳай»  
«Оҳ-ай, оҳ-ай», яна бир «во-ҳай»

### Дурдибой

Пастласангиз ёлингини, ўтини,  
Ўлдирмиди юрагимни қуртини.  
Этли патир ёпсин бизни Гулжонгина,  
Қоши қора, гўззи қора санамгина.

### Ҳаммалар

«Оҳ-ай, оҳ-ай», «воҳ-ай, во-ҳай»  
«Оҳ-ай, оҳ-ай», яна бир «во-ҳай»

### Дурдибой

Қутлуғ бўлсин Дурди қурган тандиринг,  
Қуриб барин кўналарни синдиринг.  
Қади сомса ёпсин бизни Гулжонгина,  
Қоши қора, кўзи қора санамгина.

### Ҳаммалар

«Оҳ-ай, оҳ-ай», «воҳ-ай, во-ҳай»  
«Оҳ-ай, оҳ-ай», яна бир «во-ҳай»

*(Гулжон болалар билан ичкари кириб кетади. Қўшни хотинлар  
Қўлларида у-бу ўроғлик нарсалар билан «кўзўйдин»га кириб муборакбод  
этиб ичкарига ўтиб кетишади.)*

Дурдибой (аёлларга хуш мулозамат қилади) Куллуқ,  
куллуқ! (аёллар ўтиб кетишгач) Жўралар, тандирмисан, тандир!  
Охири қолган экан ўзиям!

Барди Дурди, недан олдинг бу ярашиқли тандирни?

Дурдибой Айтмайман, секрет жўра, лекин санга айтаман  
Барди! (қулоғига бир нима деб шивирлайди)

Сетти Дурди, қўйсанга секретингни, тузсанга бу ерни,  
яхшилаб тўз!

Д у р д и б о й Ҳозир жўра, қайсисиннан олиб галин, бўйни узуниннами, калтасиннанми?

Қ у р о м б о й Сани каллангда фақат узуню, калтаси. Қайсидан бўлсаям олиб чиқа бермайсанми!

*(дурдибой ичкарига кириб кетади.)*

С е т т и Қани, энди жўралар, бу кўҳна тандирни нишаб йиқамиз?

Б а р д и Нишаб йиқар эдинг! Бой-буй! Қўлингга кетманни оласан-дон, йиқаварсан. Шуюм проблемами?

С е т т и Шундинми? Аласа, эгасиндан бир сўрағали, Барди жўра. Дурдибой, ҳой Дурди тўра! (Дурдибой бир шиша ароқ газакпазак билан ичкаридан чиқади) бу кўҳна тандирингни йиқаваралими шунда? Розимисан?

Д у р д и б о й Йиқмийин нишатасан, а, йиқавар. Ина ўзим йиқаман (қўлига кетмонни олиб йиқишга ҳозирлик кўради)

Қ у р о м б о й Тўхта-ей, манглайи қара, уй эгаси ўзини тандирини ўзи йиқ-мийди, гуноҳ бўлади.

Д у р д и б о й Аласа, ким йиқади?

С е т т и Ина, улли уста, Барди. Барди йиқади.

Қ у р о м б о й Аввал уй эгасиннан розилик олиш керак! Розимисан, ахир?

С е т т и Сўрадиқ-қу!

Қ у р о м б о й Яна бир сўраш керак!

Д у р д и б о й Розиман, йиқаваринглар!

Қ у р о м б о й Ундин эмас жўра, сизлар бу тандирда неча йил нон ёпиб, бола-чага боққансизлар. Розиман даб айт, розилаш, гуноҳи манга, савоби сизларга деб айт.

Б а р д и Вой-бўй ундай гаплар не керак? Кетмонни ол бу ёққа, кетмонни! Ҳозир тўрт кетмонда онгини оламан бун!

*(Кетмонни олиб келишади.)*

Қ у р о м б о й (қўлини кўтариб) Тўхтанг ҳамманг! (Бардига) Сан тушунмийсан, ким на даса шунни этаверасан манглайи қара. Ҳар нарсани бир йўли бор, йўриғи бор, ота-бувадан қолган қонун бор, қоида бор, удум бор! Бу ерда ҳар қайсинг ўзингча жўнгқ-жўнгқ этасан!

С е т т и Нишатибмиз ҳали жўнгқилдаб?

Д у р д и б о й Сетти сан жўнгқилдама ахир, Қуромбой кўп нарсани билади.

К у р о м б о й Дурди бера кел, бера. (Дурдибой эски тандир олдига келади) Қани, тандирингни йиқтиришга розимисан?

Д у р д и б о й Айтдим-ку! На дадим ҳали! Йиқаваринглар!

К у р о м б о й У гапинг бўлмийди. Тандира қараб, қўлингни кўкрагинга қўйиб, уч марта эгилиб, розиман даб айт.

Ҳ а м м а с и Раз, шундин қондаси бор акан, айт-дон!

Д у р д и б о й (қўлини кўксини қўйиб) Розиман!

Ҳ а м м а с и Уч марта айт.

Д у р д и б о й Розиман, розиман, розиман!

С е т т и Ана, энди, бемалол йиқсак бўлаверди Қани, Барди, бошла!

Б а р д и Бисмилло! Ё пирим! (кетмонни кўтаради)

К у р о м б о й Тўхта! Жониқма, бера гал ҳамманг! (пауза) Ўтир, ўтир, ҳамманг ўтир! (барчаси онга-тонг ўтиришади) Энди бир оят ўқиш керак!

С е т т и Вой-бўй, нишатавардинг-а, бунга оят на керак, оят гужум йиққанда ўқилади.

К у р о м б о й Тандир йиққанда ҳам ўқилади. Бу ҳам жонли жонивор, ичинда ўт ёнади. Ўтир, дамингни чиқарма!

Б а р д и Ҳа, яхши! Кўп бир манглай қара одатларинг бор-дон, ўқи яхши, ўқийвар!

К у р о м б о й (Бардига) Сан аралашима. Куромбой билади, Куромбой кўп нарсани билади. (Куромбойга) Тўғри айтасан, ўқи, ўқийвар, жўра.

К у р о м б о й (гипсли оёқини узатиб, оятни бошлайди) Ангзубиллоҳи мина шайтони рожийим Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳий-им... (оятни ўқиб бўлгач, ҳукм билан) Ана энди йиқаваринг!

*(Эски тандирни йиқиб бўлишгач, дўстлар бир пиёладан ароқ ичишади.)*

К у р о м б о й (қадаҳ сўзи айтади) Дурдибой, қадимдан қолган гап бор—ўзбек бойиса, тандир олиб синдиради дейдилар. Тўп-тўрали тандиринг бор акан, у ёқ-бўёғини шуваштириб ёпаварсанг бўлаварар эди. Лекин даромалинг ошиб, қаторга кирганингни нишонаси бу! Яша, Гулжон ҳам тинмай Туркманга, Қозоққа қатнаб ётибди. Кўп яхши! Илойим пулинг кўпаяваргай, тандир олиб синдиравергийсан! (ҳамма кулади)

Д у р д и б о й Қачонгача санга ёлвориб, саникина ёпамиз? Ўзингда йўқ, оламда йўқ. Э. жўра, ўзингда бўлса, ҳеч кимдан сўрамайсан, хоҳлаган вақтингда ёпаварасан! (кулги)

**С е т т и** Ҳой, Дурди, Куромбойникина ёпилмаганина ҳам бир йилдан ошди. Бу ҳам ҳозир бозорда ёптириб юрибди! (кулги)

**Б а р д и** Энди ёпасимиз галса, бизлар ҳам Дурдивойникина кириб ёпаварамиз! (кулги)

**С е т т и** Лой ҳам дамини олганди. Эрта кунни кеч қилмагали. Қани, туринглар. Ким тандир қуришни билади?

**Қ у р о м б о й** Уни нимасини билмак керак? Тагини сошлаб турасан-да, тандирни кўтариб жойига ўрнатасан. Қани, туринглар, тандирни кўтаринглар! (ҳаммаси тандирни кўтаради) Йўқ, ундай эмас, орқа томонидан сал кўтаринглар. Ина шундин. Кейин юқори лабидан бир касак ташлайсан (қўли билан кўрсатади) Ина, ина шундай, энгсасидан ташлаган касагинг, ошоққи лабига тушиши гарак. (Дурдибой тандирни тагига бошини суқиб қарайди. Шу пайт жўралар тандирни кўйиб юборишади. Боши тандирни тагида қолган Дурдибой «вой-вой»лаб қичқиради) Ҳа, манглайи қора, тандирни тагида нишийсан?!

**Д у р д и б о й** Ўлдиржакмисизлар, гўззингиз борми?

**Б а р д и** Каллангни ҳар ера суқаверасанми?

**Қ у р о м б о й** Кўйинг бўша вағирдини! Ина Барди қуради тандирни! Қачон қарасанг, кўлиннан гилмола тушмайди. Ҳамма ишни тиммитдай қилади.

**Б а р д и** Мендан бошқа этиб билмайдими?

**С е т т и** Сан ўнгайлсан, сани кўлингнан келади. Ичига тушиб шувайсан. Ҳамма вақт этиб юрган ишинг.

**Б а р д и** Сан мани қачон тандир қурганимни кўргансан?

**Д у р д и б о й** Девор шувадинг нимаю тандир шувадинг нима, фарқи нима?

**Қ у р о м б о й** Фишт кўйдинг на, лой қординг на!

**С е т т и** Ўзинг яқинда Қозоқистонга бориб, фалон иш қилиб, келдим, писмадон иш қилиб келдим, ката уста бўлдим, одамларни инплатдим деб мақтанасан. Гапни кўпайтирма, тандирни бош устаси сансан.

**Б а р д и** Қизиқ экансизлар, мани туришимга қаранг, на деган йўғонман тандирни ичига сал нозикроқ одам кирсин.

**Қ у р о м б о й** шу топда йўғон, нозик деб турасанми, кир тандирни ичига, кир дедим санга. Тандирни жойига қуяли.

*(Ҳаммалари «кир-ҳо, кир» дея тўполон қилиб Бардини тандирни ичига киргизадилар ва бирга кўтариб, тандирни тайёрланган жойга кўйиб ўрнатадилар Чироқ ўчиб, ёнади)*

**Б а р д и** (Тандир ичида, қўлида овқат солинган коса билан)  
Ҳой, манам одамга ўхшаб, кўрпачада сизлардай ўтириб ичинла бу заққумни! Сетти, ёрдам бер, чиқай бу тандир ичиннан!

**Қ у р о м б о й** (Бардига) Тўхта, кўзғалма! Тандир қуриш санга лакирдакиштакми? Ўйининг галибди. (қўлида қадаҳ билан) Кулоқ куйинг, ина бу гапни эшитинг! (кулоқ бермаётган Сеттига) Ҳей, Сетти эшит, санга ҳам керак гап бу!

**С е т т и** Ажаб оға, эшитаман айтавер, эшитиб турибман, бор кулоқим санда!

**Қ у р о м б о й** Қадимда бир йигит уйини сотмоқчи бўлибди. Онаси ўглига «Отанта хат ёзиб, розилигини олсанг яхши бўлар эди» даб маслаҳат берибди. Отаси Сибирда сургунда экан. Йигит онасининг гапини қайтармай, отасига хат ёзибди.

**Б а р д и** Қани, қани! Поҳ-поҳ! Ина бу гапга қаранг!

**Қ у р о м б о й** «Ўғлим, уйни сотмоқчи бўлсанг, бир тандир қуриб кейин сот, қиммат бўлади» қабилида отасидан жавоб келибди. Отамни сазаси ўлмасин деб йигит тандир қуришга киришибди. Тандир олиб келмакка на от, на эшак, на арава бор.

**С е т т и** Ўзларимизни Дурдига ўхшаб

**Б а р д и** Гапни бўлма, эй мактаб кўрмаган.

**Д у р д и б о й** Сўзла, Қуромбой, сўзла!

**Қ у р о м б о й** Бир амаллаб тандирни олиб келса, кўча тор, арава сиемайди. Кўтариб келай деса, оғир. Унга ёлбориб-бунга ёлбориб, бир амаллаб эшигини олдига олиб келибди. Қараса, тандир эшикдан ўтмайди, эшик тор.

**Б а р д и** Қуромбой, Дурдини сўзлаб ўтирибмисанг? Буники ҳам тор эди, бузиб киргиздик-а! (кулги)

**Д у р д и б о й** Тор бўлса, бузиб киргизасан, саникидай кенг бўлса, катта тандир ҳам тўғри кириб кетаваради!

**С е т т и** Гапни белита тепмай турсангиз-чи, эшитайлик-да охиригача, вой-бўй!

**Қ у р о м б о й** Ол, эшикниям бузиб, тандирни амаллаб ичона киргизибди. Энци сомон топса, тупроқ йўқ. тупроқ топса, сув йўқ. Бир тандир қуравермай уч кун овора бўлиб, охири: «Ман бир тандир қуравермай юрибман, отам бу жойни қандай қилиб қурган экан», деб жойни сотмийдиган бўлибди.

**Б а р д и** Поҳ, энағар отаси кўп ақлли одам акан-ов!

**Қ у р о м б о й** Киссадан—ҳисса!.. Уй-жой сотаман дасанг, аввал тандир қуриб қур! Йигитни бахти ётмасин, иши қайтмасин! Олинг. ичдик!



С е т т и Оёқи синмасин! (ичадилар)

Б а р д и Дурди! Дуторни олиб чиқ, дуторни! Куромбойни оёқи сингани билан, кўли бутун, кўли!

Д у р д и б о й (дуторни олиб чиқиб, Куромбойга беради.)  
Қани, бир эшиб ташла!

Қ у р о м б о й дуторни виқор билан созлаб, чалади, «Лазги»ни резиди мусиқа оҳангида бошланишини ўқийди, барчаси ўйинга тушадилар,

Жону таннинг лаззати,  
Лаззати тан—лазгидур.  
Шодмонликнинг иззати,  
Иззати тан—лазгидур.  
Созу суҳбат ҳаззати,  
Лаззати тан—лазгидар.  
Лаззати тан,  
Иззати тан,  
Лаззати тан—  
Лазгидур.

### Қ у р о м б о й

Салки «Лазги» бу қизманг,  
Қизишманг бирдан, бирдан.  
«Лазги»ни «Лазги»дин ўйнанг,  
Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

### Н а қ о р а т

«Оҳ»о, «оҳ»о, «оҳ»о!  
«Ваҳ»о, «ваҳ»о, «ваҳ»о

### Б а р д и

Қистанманг, бу бир жоду,  
«Лайлая бурдам» амас бу,  
«Лакирдакиштак» ҳаммас бу,  
Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

### Н а қ о р а т

### С е т т и

«Лазги» лаззат дегани,  
Тана иззат дагани,  
Жоним ҳаззат дегани,  
Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

### Н а қ о р а т

#### Д у р д и б о й

Муқом атинг «Лазги»га,  
Қулоқ беринг лафзига—  
Комил Аваз сўзига,  
Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

### Н а қ о р а т

#### Қ у р о м б о й

Барди буй-буй бомисан?

#### Б а р д и

Боман, тақ—тақ, на дийсан?

#### Қ у р о м б о й

Ная қарсни урмийсан?

#### Б а р д и

Бундан ортиқ бўлами?

#### Қ у р о м б о й

Қарс уриб бирдам, бирдам.

#### Ҳ а м м а л а р и

Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

«Оҳ»о, «оҳ»о, «оҳ»о!

«Ваҳ»о, «ваҳ»о, «ваҳ»о

*Аванпарда тушади*

## 2-Кўриниш

### Аванпарда олди

*Реймажон билан Курвонгул дастурхон кутариб чиқишади.*

**Курвонгул** (ичкарига қараб) Гулжон опа, тезроқ чиқинг! Эр кунни кеч этмаяли! (Гулжон билан Шерпажон ҳам дастурхон кутариб чиқишади.) Бу кунларни ниччали орзиқиб кутдик. Тандир ҳам битди, Раҳжаббой ҳам армиядан галди. Кади сомса, пиёзги патирилар ёғдик, шуқур.

**Шерпажон** (кўз ёшларини артган бўлиб) Ҳовваа! Шу кунни пиёз тўғраб гўзим кўр бўлжақ эди. (Гулжонга) Пиёзингиз дим аччиқ экан, келин бўлиб ҳам кўзимдан бунча ёш чиқмаган эди. (кулги)

**Гулжон** Дурдивой оғангизни экан пиёзи, чиқон, бир пиёз бўлди. Ҳар қайси калламдин. Энди, Дурдивой оғангизни пиёзи йиғлатади-дон!

**Реймажон** Бир кунда бир марта йиғлангангизга чидамай турибсиз, Шерпажон, Гулжонни ўлмаган жони.

**Курвонгул** Ҳа? Начун ундин дейсиз?

**Реймажон** Дурдивой оғангизни калладан пиёзиннан Гулжон ҳар гуни бир ўлиб, бир тирилади экан-да! (кулги)

**Гулжон** Лекин сабзимиз учи қайтган, кичик бўлди, яхши бўлмади!

**Шерпажон** Кичик бўлсаям учи қайрилма сабзи мазали бўлади, яхши бўлмади деманг!.. (кулги)

**Реймажон** Қани, бўлмаса кетдик.

**Гулжон** Ҳай, тўктанглар, Саражонни феълини яхши биласизлар, бўлиб ўтган гаплардан хабардорсизлар. Манда юрак йўқ. Ким биринчи бўлиб бошлайди?

**Шерпажон** Ина, ўзимиз бормиз! Ўзгинамиз битарамиз ҳамма ишини!

**Курвонгул** Қани, бўлмаса, бошланг!

**Шерпажон** (эшигини уч марта тақиллатади) Саражон!

**Реймажон** Саражон уйдамикан?

**Саражон** (ичкаридан) Ким?!

**Шерпажон** (орқага тисарилади) Ҳали ҳоврудан тушмапти-ку! Курвонгул, сиз бошланг, ёши каттароқсиз.

**Курвонгул** Йўқ, кўрқаман, ина Реймажон бошласин!

**Реймажон** (эшикни аста уради ва паст овоз билан) Саражон! Саражон, ху, Саражон!

**Саражон** (ичкаридан овози) Ким у? Эшик очик, хиринг!

*Чироқ ўчади. Мусиқа чалинади.*

*Аванпарда кутарилади.*

## 4-Кўриниш

*Лейтмотив куй билан Авнарда кутарилади. Саражон эшиги олдида совчиларни-Шерпажон, Реймажон, Курвонгул, Гулжонларни кўтяпти.*

Ҳаммалари (бирдан салом беради) Ассалом!

Шерпажон Саражон, биз бутун маҳалла-кўй номидан галдик! Қизингизга қулчиликка галдик!

Реймажон Икки ёшни бошини қонуштирала деб яхши ният билан келдик.

Курвонгул Саражон, биринчи эшикни фаришталар очади дейдилар. Қизингизни бахтини ўйланг!

Гулжон (ялт этиб қараган Саражонга) Саражон, мендан ўтган бўлса кечиринг. Шунча йилдан бери бирга ён қушни бўлиб яшаб келяпмиз. Энди қариндош бўлала. Ўғлим билан Ойжамолни бошини қушала деб келдик Қулчиликка келдик.

*(Шу пайт ичкаридан Шомурод чиқади. Ҳаммалари салом берадилар.)*

Шомурод Ваалайкум ассалом! Қандай шамол учирди?

Ҳаммалари Қулчиликка келдик!

Шомурод Қани, қани, ичкарига киринглар!

*(Салдан кейин аёллар шоду-хуррам чиқшади.)*

Шерпажон Айтмадимми ўзим битираман деб! Энди куйлакнинг асилини ўзимиз киямиз, а Гулжон, келин муборак! Саражон куёв муборак!

Гулжон Қуллуқ, қуллуқ!

Саражон Қуллуқ, қуллуқ!

Реймажон Қани, тўй қачон энди?

Курвонгул Тўйни бошлангани шу. Янаги ҳафта келиб қизни олиб кетамиз!

Шерпажон Ҳаммамизга тўйлар муборак!

Реймажон  
Ошиқ ўлдим сан парига,  
Қаттиқ сўвганим сарига,  
На қарийсан тескарига,  
Мендек ишқ асқарига?  
Ука рам айла, рам айла,<sup>1</sup>  
Ука фам айла, фам айла,<sup>2</sup>  
Оғангни ёнган жонина,

<sup>1</sup>рам-раҳм

<sup>2</sup>фам-фаҳм

Ука рам айла, рам айла,  
Ука фам айла, фам айла.

Қ у р в о н г у л

Гуллаган ийда исиннан,  
Маст бұлған булбул сасиннан,  
Юрак чиқар косасиннан,  
Қутулмам ишқ балосиннан,  
Оға рам айланг, рам айланг,  
Оға фам айланг, фам айланг.  
Уқангиз ёнгган жонина,  
Оға рам айланг, рам айланг,  
Оға фам айланг, фам айланг.

Р е й м а ж о н

Йиғлар эшик алдинда сой,  
Чиқмасанг гар кечда сан Ой,  
Кўрсатмасанг очиб чирой,  
Ўларман ман ҳам хойнахой.  
Ука рам айла, рам айла,  
Ука фам айла, фам айла,  
Оғангни ёнгган жонина,  
Ука рам айла, рам айла,  
Ука фам айла, фам айла.

Қ у р в о н г у л

Оға сизам кўп акс атманг,  
Сўрамин ҳолим касатманг,  
Совчи қўйминам бас атманг,  
Ққсиган кўнглум ўкситманг,  
Оға рам айланг, рам айланг,  
Оға фам айланг, фам айланг.  
Уқангиз ёнгган ҳолина,  
Оға рам айланг, рам айланг,  
Оға фам айланг, фам айланг.

Реймажон  
Ука рам айла, рам айла,

Қурвонгул  
Оға фам айланг, фам айланг.

Реймажон  
Оғангни ёнгган жонина,

Қурвонгул  
Укангиз ёнгган ҳолина,

Реймажон ва Қурвонгул  
(иккови)

Реймажон Ука рам айла, рам айла!  
Қурвонгул Оға фам айланг, фам айланг.

*(Чироқ ўчади ва салдан кейин яна ёниб, саҳна ёришади. “Тўйлар муборак” ашуласи янграйди. Саҳнадан келин-куёв ёшлар иштирокида ўтишади. Орқада Куромбой, Дурдибой, Шомурод, Барди, Сеттилар қолишади.)*

Сетти Дурдибой, Шомурод, тўйлар муборак!  
Ҳаммалар Муборак бўлсин, муборак бўлсин!  
Дурдибой Куллуқ, қуллуқ!  
Шомурод Куллуқ, қуллуқ!  
Қуромбой Шомурод! Ина шундин, яхши қизни элдан  
чиқармийдилар!

Сетти Эндиги тандир қуриш навбати Куромбойникида! (кулги)  
Қуромбой Бу гаппинг Сеттивой бўлмийди! Энди, бир  
ақлли гап! (ҳаммалар жим қулоқ қуйишади) Қадимда бир подшо  
айғоқчиларини бошқа бир юртга юбориб, «Қани, бориб билиб  
келинглар, у юртни одамларининг яшаш тарзи қандай экан, қанча  
тандирлари бор экан», дебди. Айғоқчилар элотларга келиб қарасалар.  
ҳар элотга бир тандир амиш! Бутун бир элот, бир тандирда нон ёпар  
экан! Буни эшитган подшо шундай дебди: «У юрт билан уруш қилиб  
бўлмайди, чунки уларни тандири бир, оғзи бир!» Кўрдингизларми,  
шунини учун бир элотга бир тандир етади! Оғзибирчиликдан қўймасин!  
Тўйлар бўлаверсин! (залга қараб) Қани, ҳаммангизни тўйимизга  
таклиф этамиз!

*Муסיқа кучаяди.*

П а р д а

ТАМОМ

2005 й.

# Ўткинчи булутлар

(2 қисмдан иборат мусиқий драма<sup>1</sup>)

*Маслаҳатчилар: Кўзи Давлетов  
истеъфодаги подполковник,*

*Мирзо Абдуллаев  
майор*

Қатнашувчилар:

Ш а р о ф а т — ўқитувчи, 50 ёшларида,  
С а р в а р — Шарофатнинг ўғли,  
С у л т о н — милиция инспектори  
Г у л с у м — Сарвар севадиган қиз  
А н в а р  
С а р д о р  
З и ё д  
1 -Й и г и т  
2 -Й и г и т

Шунингдек, махсус бўлинмада тайёргарлик кўраётган йигитлар, Шарофатнинг қўни-қўшнилари, раққосалар қатнашади.

---

<sup>1</sup> Ушбу драма Неймат Солаев билан ҳамкорликда битилган.

# I-Қисм

## 1-Кўриниш

*Парда «Жоним-ей» куйи билан очилади. Шарофатникиг уйи. Шарофат афғонда ҳалок бўлган эрининг деворга осиглик суратига қараб қўшиқ айтмоқда*

Йиғларам афғон ерида жони қолган жоним-ей,  
Тонгдайин тоза, муқаддас қони қолган жоним-ей.

Эр йигитлик номусию, юрт олдида бурч учун,  
Элда мангу шухрати ҳам шони қолган жоним-ей.

Тушди бошимга бу офат, қора афғонни қуни,  
Тўймайин васлингга ҳеч ҳижронда қолган жоним-ей.

Жонима пайвастадур ким меҳру ишқинг тоабад,  
Қай суюкли дилларда достони қолган жоним-ей.

Эҳ, адолатсиз савашда тўқдинг азиз қонингни,  
Сенда йўқдир ҳеч гуноҳ, ошённи қолган жоним-ей.

**Ш а р о ф а т** (қўшиқ тугугач, кўз ёшларини артиб) Умр қуш соясидай ўтиб кетаверар экан. Биру боримга минг қатлаъ шукур! Ёлғиз ёдгорингизни кирпигимда асраб вояга етказдим. Ўғлингиз ўқишга шайланмоқда. От изини той босар! Лекин, юрагим бежо! Сиздан айрилдим, ўғлимни сира-сира бағримдан чиқаргим келмайди!

*(Жўшиб, тошиб Сарвар кириб келади)*

**С а р в а р** (кесатиб) Мана, ҳамма хужжатларимни ўзим тахт қилдим!..

**Ш а р о ф а т** (маъюс) Болам... Мени ёлғиз ташлаб кетаверасанми?

**С а р в а р** Яна шу гапми?

**Ш а р о ф а т** Бу ерда ўқисанг ҳам бўлади-ку, болам! Бир эмас уч олийгоҳ бор...

**С а р в а р** Қўйинг, шу олийгоҳларингизни!.. Биласиз-ку!

**Ш а р о ф а т** Ўғлим, кеча отанг тушимга кирди, жуда ҳам хафа...



С а р в а р Туш-пушингизни кўйинг. Кетаман дедимми, кетаман.  
Ана улардан кам ерим йўқ!

Ш а р о ф а т Ахир, болам...

С а р в а р Жонга тегдингиз-ку!

Ш а р о ф а т Майли болам, майли. Қаерда бўлсанг ҳам соғ бўл!  
Биласан, пешонамга битган ёлғизимсан...

С а р в а р Пенсияни олдингизми?

Ш а р о ф а т Олдим болам, олдим. Қани эди ҳозир отанг тирик бўлса...

С а р в а р Уруш бўлгандан кейин... Урушга бормасин эди!

Ш а р о ф а т (уни сўзини бўлиб) Вой болам-ей! Ундай дема!

С а р в а р Дейман! Жаҳон урушига борганлар фашистлар билан жон олиб, жон беришган! (жимлик) Булар-чи?! Бировнинг юртида босқинчилик қилиб...

Ш а р о ф а т (унинг сўзини бўлиб) Сен нимани биласан, болам?!

С а р в а р Мен билмасам, бошқалар билади-ку! Босқинчининг боласи деб кўлини бигиз қиладиганлар ҳам бор!

Ш а р о ф а т Ёв қочса, ботир кўпаяди! Кўлини бигиз қиладиганлар аввал қаерда эди?! Минбарларда биз халоскорлармиз деб бақирган шулар эмасмиди?

С а р в а р Ҳаммаси кўрқоқ! Ёт деса, ётганлар, тур деса, турганлар! Қулдай келдилар, қулдай кетдилар!

Ш а р о ф а т Отанг-ку, болам!

С а р в а р Ундан бизларга нима қолди?! Шу пенсиясими?

Ш а р о ф а т Вой ўлмасам! Бу гапларни биров эшитмагай!

С а р в а р Сиз ҳам ҳалигача кизил империянинг вас-васасидан қутилолмай юрибсиз! Биз озод бўлдик! Бировларнинг соясига салом бериб яшайдиган замонлар ўтиб кетди!

Ш а р о ф а т (беҳолгина ўтиради) Болам...

С а р в а р Дидиёни бас қилинг энди! Кечгача ҳамма нарсам шай бўлсин! (Устал устидаги отасининг орден-медалларини кўриб, уларни кўлига олади) Мана бу ашқол-дашқолларни йўқотинг! (шиддат билан чиқиб кетади)

Ш а р о ф а т Бу кўргуликлар ҳам бормиди бошимда?! (У орден-медалларни қулита олади. Куйлайди. Кўшиқни авжлатгани сайин ўксиб-ўксиб йиғлайди.)

Ёдгорим-ов, ёлғизгина ёдгорим,  
Не истасанг этдим барин муҳайё.

Кимга айтай дилдаги оху-зорим,  
Ёмон кунинг кўрмагайман илоё!

Бу не рўйи сиелиғлар бошимда?  
Кимга тортдинг, ҳайронаман болам-ей!  
Оқарди-ку сочим ўттиз ёшимда,  
Кузи гирён, вайронаман, болам-ей!

*(Кўшиқ تامом бўлганда Султон кириб келади. Шарофат кўз ёшларини артади)*

Ш а р о ф а т Ассалом...

С у л т о н Салом... Сизга нима бўлди, Шарофат?

Ш а р о ф а т (сал жилмайиб) Ҳеч нима, узим шундай.

С у л т о н (Шарофатнинг кўлидаги орден-медалларни кўриб)  
Ҳа, Шермаг деганларича бор эди! Бирга ўқидик, бирга милицияга  
ишга кирдик. Авғонга ҳам бирга кетдик! (хўрсиниб) Насибаси шу  
экан...

Ш а р о ф а т На илож, Султон ака..

С у л т о н Сарварни кўрмоқчи эдим. Ўғишга кетиши аниқ  
бўлдимми?

Ш а р о ф а т Ҳа, аниқ бўлди.

С у л т о н Қачон кетмоқчи?

Ш а р о ф а т Эрталаб.

СУЛТОН (Шарофатнинг кайфияти йўқлигини гушуниб, ўрнидан  
туради) Майли, мен борай. Ўғишга кетгани яхши. Айтиб қўйинг,  
участкага бир келиб кетсин. (чиқиб кетали. Аста мусиқа бошланади)

Ш а р о ф а т (ўйланиб қолади) Ўғишга кетгани яхши?... Нега  
ундай деди?... Ўғишга кетгани яхши... Бунда бир гап бор... (чиқиб  
кетали)

*Мусиқа кучаяди*

Аванпарда тушади

*Аванпарда олди.*

## 2-Кўриниш

*Сарвар безовта бир ҳолатда йўл қараб турибди. Гулсум киради.*

Гулсум Кўп куттирдимми?

Сарвар (очишиб) Кутиш лаҳзалари ажиб бир дунё,  
Ошиқ юракларнинг ғуборин ювар.

Сабр-қалб мулкида бебаҳо кимё,  
Сабр-кўнгиллардан гумонни қувар!

Гулсум Билдирмай юраверибсиз, шоир экансиз-ку!

Сарвар Ер кўкармас, гул очилмас,  
Тушмаса кўк томчиси.

Шеърни шоир қайдин олсин,  
Бўлмаса илҳомчиси!

Гулсум Қаердадир эшитганман...

Сарвар Абдулла Тўқай! Шеър ёдлашни жуда яхши кўраман.

Ҳар нарсага шеър билан жавоб бергим келаверади

Гулсум Ундай бўлса, ўзингиз ҳам ёзинг!

Сарвар Кўйсангиз-чи! Бори бозор. Ҳозир фикри-зикрим  
ўқишда.

Гулсум Парвозга қанот боғлаб турибсизми?

Сарвар Дилимдагини айтдингиз, Гулсумхон! Сиз ҳам ўйлаб  
кўринг, ҳали вақт бор.

Гулсум Демак, қарорингиз қатъий?

Сарвар Албатта, гап бўлиши мумкин эмас! Юксак парвозларга  
юксак чўққилар керак! Бу ерда нима бор?! Иш, иш, иш! (бирдан  
ҳаяжонланиб) Дискотека, базм давралари, клублар! Телевизорни  
кўринг-даври-даврон, кайфу-сафо!.. Одамдай яшамоқ керак! Ҳақиқий  
жаёт у ёқда!

*Эстрада йўлида мусиқа чалинади Сарвар муқом қилиб куйлай  
бошлайди, Гулсум лирик оҳангда жавоб айтади*

Сарвар

Таманнолар ҳаволанди,  
Қанот қоҳар самоларда,  
Куйга чўмиб наволанди,  
Субҳи содиқ саболарда!

у л с у м  
Жоним дединг, ишондим-а,  
Сўзлар айтдинг жимжима,  
Ваъдаларинг энди нима,  
Совриларми шамолларда?!

С а р в а р  
Кел эй, дардим давоси бул,  
Орзуим муттакоси бул,  
Ишқимиз мубталоси бул,  
Куйлансин авж наволарда!

Г у л с у м  
Дилинг бўлсин мусаффо,  
Туғинг бўлсин ишқ, вафо.  
Аҳдинг бузма борсан то,  
Ишқ ояги вафоларда!

С а р в а р  
Кўрайлик ҳаз, мўл ақча, ҳей  
Кўрмаган шу ёшқача, ҳей,  
Чўққиларда бошқача, ҳей,  
Ҳаёт гулгун қаболарда!

Г у л с у м (қўшиқ тамом бўлгач, кулимсираб) Шундай денг?  
Даладан, қадрдлн қишлоқдан безибсиз-да!

С а р в а р Ҳа! Бездим десам ҳам бўлаверди!

Г у л с у м Сиз бундай эмасдингиз-ку?

С а р в а р Шундайман, Гулсумхон, шундайман! Янги дўстлар  
орттирдим, кўзимни мошдек очиб қўйдилар! Кўрасиз, ҳали сизни  
ҳам олиб кетаман! Маликалардай яшайсиз!

Г у л с у м Маликалардай?!

С а р в а р Ҳа, Гулсумхон! Ҳаёт бутунлай ўзгариб кетди! Жонини  
жаббори а бериб, туну-кун ер тирмалаб юрганлар нима кўрди?

Г у л с у м Қишлоқдан бутунлай кетмоқчимисиз?

С а р в а р Ҳа, бутунлай! Бахтимизни улуғ шаҳарлардан излаймиз!

Г у л с у м Ота-онамиз, қариндош-туққанлар...

С а р в а р Кўйинг шу бўша гапларни! Қай бир донишманд:  
«Парвоз қил, қанотинг бўлмаса, бировникини ўғирла», деган экан!  
Зўр айтган-а!

(Шу пайт Шарофатнинг овози келади)  
Ш а р о ф а т (овози) Сарвар! Сарварбек!

(Шарофатнинг овозини эшитган заҳоти Гулсум шошиб чиқиб кетади)

С а р в а р Тўхтанг Гулсум, шошманг! (Гулсумнинг орқасидан югуриб чиқади.)

Ш а р о ф а т (саҳнанинг иккинчи тарафидан безовта ҳолатда кириб келади) Бу тинмагур бола қаеққа кетдийкин-а?

С а р в а р (паришонхотир қайтиб кираётиб) Бу билан чиқишиб бўлмаса керак, қайсар! (ойисига кузи тушади) Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Ш а р о ф а т (чўчиб ёқасига туфлайди) Сени изламаган жойим қолмади? Ахир эрталаб Тошкентга кетадиган бўлсанг!

С а р в а р (кўрслик билан) Кетсам нима қилибди?! Из қувлаб юраверасизми?!

Ш а р о ф а т Ахир, болам...

С а р в а р Оёғимни кесиб, бешикка қўндоқланг-да, «Аллаё»нгизни бошланг!

Ш а р о ф а т Жоним болам!..

С а р в а р Ҳозироқ уйга кетинг!

Ш а р о ф а т Участковой Султон ақанг келди сени сўраб. Ёнига бораркансан.

С а р в а р Менинг участкавойлик ишим йўқ! Нега у тумшугини тикаверади?! Қачон кўрсам пешонангизда!

Ш а р о ф а т Ҳой болам! Элнинг тинчлиги деб тиним билмайди! Отангнинг дўсти-я!

С а р в а р Отамнинг дўсти! Сизнинг кимингиз у?! (оғир жимлик) Элдаги шов-шувларни эшитмайсиз, қулоғингиз кар, кўзингиз кўр! Нега?!

Ш а р о ф а т (ҳангу-манг бўлиб анграйиб туради-да, Сарварни бир тарсаки туширади) Жувонмарг! Тўғри айтган эканлар: «Болачингдан чиққан ола илон!»

С а р в а р (чеккасини тутиб) Сиз?! Сиз?! Ҳа! Тўғри гап ёқмайли-да!

Ш а р о ф а т (беҳолгина ўтириб, ўксиб-ўксиб йиғлайди) Бир кун келар, бу қилмишинг учун қон йиғлайсан! (жимлик) Мени кўмиш сенга насиб этса, номаҳрамга тегмаган сочимни тароғим билан, ҳаромга тегмаган тирноқларимни қайчим билан қўшиб қўмарсан! (оғир жимлик)

С а р в а р (додлаб) Она!..

Ш а р о ф а т Афсу!.. Юрагимда бир армон кетмаса эди... Бир бошингни икки қилмоқчи эдим.

С а р в а р (бўшашиб) Тушунсангиз-чи, ахир мен ўлмакка кетаётганим йўқ. Ўқишга кетяпман-ку. (жимлик) Гулсумни танийсизми?

Ш а р о ф а т Вали аканинг қизи Гулсумними?

С а р в а р Шу...

Ш а р о ф а т Сухсурдай қиз! Адабли, икромли...

С а р в а р (бирдан унинг сўзини бўлиб) Айтгандай, ўша участкавой бирор гап айтдимиз сизга?

*(Аста хавотирли мусиқа бошланади)*

Ш а р о ф а т Йўқ, ҳеч нима демади. Фақат кўрмоқчи эдим деди.

С а р в а р Тошкентга кетишимни сўрадимиз?

Ш а р о ф а т Сўради. Негадир кетгани яхши деди. Ҳайронман, нега шундай деди экан-а?

С а р в а р Энди борақолинг, нарсаларимни тахтланг! Мен уйга тезда бораман.

Ш а р о ф а т Хўп болам, хўп... (кетади)

С а р в а р (уёқ-буёққа аланглаб) Демак, шошилиш керак!  
(Иккинчи томонга кетади)

*Мусиқа кучаяди*

Аванпарда кўтарилади

### 3-Кўриниш

*Гулсум хиёбонда ғамгин куйламоқда*

Г у л с у м

Хайр энди тубсиз хаел дунёси,  
Кўнглимда гумонлар қилар тўполон.

Наҳот сохта бўлса меҳр кимёси,

Рўёларга дўнса ишқ деган жаҳон.

*(Шарофат киради ва унга сездирмай қўшиқ тинглайди)*

Бу сўзлар қалбимнинг қаҳримас зинҳор,

Ёниқ ҳисларимдан сочилган учқун.

Тилагим умрингда сўлмасин баҳор,

Истагим юрагинг бўлмасин тутқун...

Ш а р о ф а т Гулсумхон!

Г у л с у м (чўчиб) Бу сизмисиз?..

Ш а р о ф а т Шу хиёбонга кўнглим тортаверади. Сарварни қачон изласам шу ердан топардим... (жимлик)

Г у л с у м (қизариб) Ҳа, у бу ерни яхши кўрар эди...

Ш а р о ф а т Қизим, турли гап-сўзлар юрибди. Дом-дараксиз... Олти ой бўлди...

Г у л с у м Хорижга ўқишга кетаман деган гапи бор эди. Сиқилманг. Бир ердан хабари чиқиб қолар.

Ш а р о ф а т Хорижга?!

Г у л с у м Ҳа, биласиз-ку, ўглингиз кўп хаёлий ишларни ўйлаб юради. (жимлик) Бахтимизни хориждан топамиз деган гаплари ҳам бор эди. Мен ҳазил деб қўяқолардим.

Ш а р о ф а т Менга кўнгили беряпсанми?. Ўзинг ҳам бир ҳолда юрибсан. Ҳар на бўлса ҳам ёмонларга қушилмаган бўлсин!

Г у л с у м Ундай деманг... (аста кўзёшларини артади)

Ш а р о ф а т Нега йиғлайсан? (гумонсираб) Бир гапни биласан-а. Айт, айтақол, қизим. Мени аяб ўтирма!

Г у л с у м Ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Сўзларингиз юрагимни ўртаб юборди.

*(Шу пайт ўзгача кийинган С а р в а р кўрилади.)*

С а р в а р Гулсум!

Ш а р о ф а т (ҳайрона боқиб) Болам! Болажоним!.. (унга талпинади)

С а р в а р Дол-вой солаверманг!

Ш а р о ф а т (бағрига босиб) Эҳ, болам-ей!

С а р в а р (совуққина) Ҳозиргина самолётдан тушдим. (ойисига) Сиз тезда уйга боринг! Меҳмонлар келди!

Ш а р о ф а т (тарадудланиб) Ҳозир!.. Меҳмон деган тилингдан айланай! (бирдан ўйланиб) Меҳмонлар дедингми, кимлар?

С а р в а р (сал ҳаҳл билан) Уйга боринг тезроқ!

Ш а р о ф а т (бир ноҳушликни сезгандай) Хўп, хўп... (аста чиқиб кетади)

С а р в а р (муғрайиб турган Гулсумга) Гулсум!..

Г у л с у м Соғ-омон келдингизми?

С а р в а р Оллоҳга шукур!

Г у л с у м Дом-дараксиз..

С а р в а р Олти ой олти кунча бўлмади!

Г у л с у м Икки энлик хат ҳам ёзмадингиз! Шарофат онам...

С а р в а р Ўқиш билан бўлиб...

Г у л с у м У қандай ўқиш эканки, хат ёзишгаям имкон бўлмаса!

С а р в а р Менинг ўқишим шундайроқ, Гулсумхон!

Гулсум Ислом университетига кирдингизми? Эскидан саводингиз йўқ эди-ку!

Сарвар Улуғ бир пирдан қиблангиз қаёқда деб сўраганларида қиблам қалбимда деб жавоб берган эканлар. Сиз ҳали бу гапларга тушунмайсиз! Ақлу зеҳнимизни шунчалик заҳарлаб ташлаганларки, бўлаётган нохуш воқеалар, адолатсизлик, бузғунчиликларнинг сабаби нимада? Буни ўйламаймиз! Ўйлашга қўймайдилар ҳам! Бизни шу куйларга солган нарса ахлоқсизлик, беҳаёлик! Қизлар кўчада киндикни очиб юрибдилар! Ҳеч ким уларнинг мушугини пишт демайди! Ақлимиз аъмо! Куфр ботқоғига ботиб кетдик! Олам Оллоҳни таниганники!

Гулсум (анграйиб) Сиз!.. Ахир бу ваҳҳобийларнинг гапи-ку!

Сарвар Гулсумхон! Ақдингизни чалғитманг! Ваҳҳобийми, «Ҳизбу таҳрир»ми барида бир ҳақиқат—биз дини исломни ҳазрат Рисолат ҳукми билан тушунмоғимиз керак! Билсангиз, иймонни поклаш замони бошланди!

Гулсум Сарвар!..

Сарвар Гапни калта қилайлик! Сизни разолат ботқоғидан олиб чиқиш учун атайин келдим! Аниқ гапни айтдим. Мен билан кетасизми?

Гулсум (ажиб ҳолатда) Билмадим...

Сарвар Сиз билан биз ўзимизни Ҳақ йўлига бахш этмоғимиз шарт!

Гулсум Демак сиз?!

Сарвар Ҳа десангиз, бугун тунда жўнаймиз!

Гулсум (андак ғазабнок) Бор гапингиз шуми?

Сарвар Шу.

Гулсум Адашган эканман!

Сарвар Мен ҳам шуни айтаяпман-да! Гумроҳликдан қутилиб Ҳақ йўлига кирмоқ керак! Ҳа, денг Гулсумхон, ҳа денг! Кетайлик бу ерлардан!

Гулсум (кесатиб) Кетамизми?!

Сарвар (кесатишга бепарво) Ана энди тушундингиз! Биз фақат ўзимизнигина эмас, эл-юртни, ҳамқишлоқларни...ҳеч кимни аяб ўтирмаймиз! Тез ора буюк Ислом давлати барпо бўлади!

Гулсум Сиз!.. Сизга нима бўлди ўзи, Сарвар ака?!

Сарвар Менгами?! (жимлик, ялиниб) Кетайлик, Гулсумхон! Бундай имконият кейин бўлмаслиги мумкин!

Гулсум Сиз... Сиз!.. Нақадар қабоҳат!

Сарвар Ўзингизни босинг! (Гулсумни қўлидан ушлайди)

Гулсум (қўлини тортиб) Қўлингизни тортинг! (У айтмоқчи кўшиқ мусиқаши бошланади)

Сарвар (ғазабли) Шундайми?! Бормайсанми?! Баттар бул! Ўзим кетаман!



Г у л с у м Сарвар ака. тўхтанг! Ёмон йўлга кирганларнинг  
аҳволини кўриб турибсиз-ку, ахир! Қон йиғлаб юрибдилар!

С а р в а р (яқорли) Кур одам қуёшга талпинмайди! Афсус!..  
(шиддат билан чиқиб кетади)

*Гулсум (фигон билан куйлайди)*

Ойдин йўлим охир терс айланди-ей?  
Сени севиб бахтим ғамга бойланди-ей?  
Не кулфатлар бошга тушди билолмадим,  
Зилол сувим қон ёшларда лойланди-ей?

Ҳақ гап экан ўз сўзида мардлар қолар,  
Номардлардан алам тула дардлар қолар.

Хуркиб турган оху дердинг кўрганингда,  
Яшнар эдинг кулиб хаёл сурганингда.  
Шабнам мисол тоза эди қора кўзинг,  
Севгинг айтиб розилигим сурганингда.

Ўйлар эдим мен бахтиёр ёр бўлдим-ей,  
Соддалиқдан бир гумроҳга хор бўлдим-ей!

*Чироқ ўчади.*

Парда

## II-Қ и с м

### I-Кўриниш

*Тоғ ёнбағри. Машъал ёниб турибди. Сарвар бир чеккада ҳайрон бир ҳолатда утирибди. Аста-секин «Алла» қушинги кучая бошлайди. Сарвар атрофга аланглаб қарайди. Саҳно тепасида ёруғлик пайдо бўлади. Бешик тебратиб «Алла» айтаётган Шарофат кўринади. Бу ҳаёлий воқеа экани сезилиб туриши керак.*

#### Ш а р о ф а т

Тонгларим отар бедор,

Аллаё, алла.

Ёлвориб Оллоҳга зор.

Аллаё, алла.

Бахтингни Оллоҳ очсин,

Аллаё, алла.

Шафоат нурин сочсин.

Аллаё, алла.

Асрагай ёмон кўздан,

Аллаё, алла.

Тухмат, хиёнат сўздан

Аллаё, алла.

Тонгларим отар бедор,

Аллаё, алла.

Ёлвориб Оллоҳга зор.

Аллаё, алла.

Ёлғизим ўсиб, улғай,

Аллаё, алла.

Тахтинг бахтлардан бўлғай,

Аллаё, алла.

Адашмагин йўлингдан,

Аллаё, алла.

Хизир тутсин қўлингдан,

Аллаё, алла.

С а р в а р Она!.. Онажоним!..

Ш а р о ф а т (аста ўрнидан турали) Она дедингми?! Ё Оллоҳ!..  
Бунчалар ёт, ваҳший бу овоз!

С а р в а р Она!.. Онажоним!.. Мени танимадингизми?!

Ш а р о ф а т Сен... сен..

С а р в а р Онажон!.. Ахир мен Сарварман-ку!

Ш а р о ф а т Сарвар?! Йүк!.. Йүк!.. Онасини оқ сутини оқламаган, кўрнамак, отасини пок рухини чирқиратиб, наслимиз шаънини бадном қилган оқпадар! Она юртига қўл кўтарган сотқин!.. Хиёнаткор, қочқин! Мана сен кимсан! Қотилсан!

С а р в а р (бўғилиб бақиради) Мен қотил эмасман! Қотил эмасман! Қотил эмасман!

*(Унинг фарёдли моласи ичида Шарофатнинг «Қотил!», «Қотил!» деган овозининг акс садоси эшитилади ва кўздан ғойиб бўлади. Сарвар ўксиб-ўксиб йиғлайди. Унинг овозидан уйғонган Анвар керишиб, уёқ-буёққа қарайди)*

А н в а р (Сарварга ҳайратомуз қараб) Нима бало илон чақдим?  
Бунча бақирасан?

С а р в а р Мени ўлдиринг, илтимос!

А н в а р Ҳай-ҳай! Секинроқ гапир! Оғзингдан отиласан-ку!

С а р в а р Отса, отсин! Буларнинг ҳамма гаплари ёлғон экан!

А н в а р Сенга айтаяпман, секинроқ гапир!

С а р в а р Жонимдан тўйиб кетдим!..

А н в а р Қийналган бир сен эмас! Оқ деса оғзидан ўт чиқадиганлар кўп! Аммо буларнинг тўридан чиқиб кетиш қийин...

С а р в а р Йўлни билмайман-да! Билсам қочардим!

А н в а р Секин! Бир-икки кун чида, бу ердан кўчирадилар деган гап бор. Тахминим тўғри чиқса!.. (унга кескин ўгирилиб) Айтгандай, кўркмайсанми?

С а р в а р Кўрқиб бўлдим!..

А н в а р Тушунмадинг! У ёқда ҳам бизларни омон қўйишмайди!  
Булар шунга орқайин!

С а р в а р Чопадим, ёқадими, барисига розиман! Фақат, онажонимни биргина кўриб ўлсам армоним йўқ!

А н в а р Бўлди, гап тамом! Қизиққонлик қилиб ишни бузиб қўйма! Урсалар ҳам, сўксалар ҳам чида! Энди бироз ухла... ҳали замон Сардор келиб қолади. Кеча жуда тажанг кўриңди. Бир балоларни бошламоқчига ўхшайди. Гапини қайтарма! Нима дедим?!

*(Анвар горга кириб кетади. Тепадан нур тушади, Сарвар хаёлида Гулсум намоён бўлади. Гулсум «Қайдасан» кўшигини айтади)*

Эй гирифтори балолар маҳзани ғам, қайласан?

Йиғламоқдан кўзларимда қолмади нам, қайдасан?

Шаҳсуворим, хону-моним, меҳрибоним, бер хабар,  
Олами ишқ бўлса қайғу, розидурман қайдасан?

Тоабал бадном этар, бир ножуя, қалтис қадам.  
Хам қилар қалдингни мажруҳ, менга ҳамдам, қайдасан?!

*(Сарвар изтиробда ўрнидан туриб, Гулсум тарафга қараб юра бошлайди. Нур ўчиб Гулсум гойиб бўлади. Сарвар бошини чанггаллаганча горга кириб кетади. «Қайдасан» кўшиғининг мусиқаси пасаяди. Оғир сукунат. Саҳнага Сардор билан Зиёд кириб келади)*

С а р д о р Булардан ҳам оласанми?

З и ё д Ҳа, сайлаб оламан!

С а р д о р Бўладигани борми ўзи?

З и ё д Ҳар қалай...

С а р д о р Сафга туз!

З и ё д (қаттиқ ҳукм билан қичқиради) Ҳамма сафга! (Фор ичидан шошиб йигитлар чиқади. Охирида Сарвар чиқади. Сарварга) Лапашанг! (уни уриб йиқитади. Сарвар сапчиб ўрнидан туриб, сафга тизилади)

С а р д о р Кимда гап бор? (ҳамма жим) Демак гап йўқ!

1-Й и г и т Писиб ётавериш ҳам жонга тегди-ку!

З и ё д (1-Йигитга) Жим бўл!

1-Й и г и т Нега жим бўламан! Ейишга ҳам ҳеч вақо йўқ!

С а р д о р Ким бу?! (Зиёд Сардорнинг қулогига бир нима дейди.

1-Йигитга) Уч қадам олдинга чиқ!

1-Й и г и т (уч қадам олдинга чиқади) Берган ваъдаларингиз бари пуч, ёлғон!

*(Оғир жимлик)*

С а р д о р Яна кимда гап бор? (Сарвар гапирмоқчи бўлади Анвар уни туртиб тўхтатади) Оч қолдингларми?! (ҳамма жим. Сардор тўппончани чиқариб Зиёдга қаратади. Зиёд довдираб қолади. Сардор яшин тезлигида тўппончани 1-Йигитга қаратиб уни пешонасидан отиб ташлайди)

З и ё д Сиз...

С а р д о р Жим! Бизга ақл-авваллар эмас, ҳукмни бажарадиганлар керак! (2-Йигитга қараб) Олдинга чиқ! (2-Йигит олдинга чиқади) Мақсадинг нима?!

2-Й и г и т (кўтаринки руҳда) Буюк Ислому давлатини барпо этиш!

*(Сардор йигитларга қарайди)*

Ҳамма Буюк Ислом давлатини барпо этиш!  
Сардор (2-Йигитга) Шиоринг?!  
2-Йигит Жиҳод! Жиҳод! Жиҳод!

*(Сардор йигитларга қарайди)*

Ҳамма Жиҳод! Жиҳод! Жиҳод!  
Сардор (2-Йигитга) Матлабинг?!  
2-Йигит Иймон!

*(Сардор йигитларга қарайди)*

Ҳамма Иймон!  
Сардор (2-Йигитга) Шафқат?!  
2-Йигит Оллоҳдан!

*(Сардор йигитларга қарайди)*

Ҳамма Оллоҳдан!

Сардор (2-Йигитга мамнун) Сафга тур! (ҳаммага қараб)  
Эътиқод билан орзу қилган чоғлар келди. Сафар олдидан ўзларингни  
яна бир бор тафтиш қилиб олинглар! (Зиёдга) Рухсат бер!

Зиёд (ҳукм билан) Жой-жойингизга тарқалинг! (Ҳамма ғорга  
кириб кетади)

Сардор (Зиёдга хайрихоҳлик билан) Курқдингми, Зиёд?  
(Зиёд жим бошини эгади) Буларни ана шундай кўрқувда тутиш  
керак! (жимлик) Кузатиб тур (1-Йигитнинг жасадига ишора қилиб)  
Бунинг жасади ёнига биринчи ким келса, отиб ташла!

Зиёд (1-Йигит жасадига ишора қилиб) Ҳеч ким келмаса-чи...  
Уни кўмаиликми?

Сардор Ҳозир эмас! (жимлик) Демак, келишдик, ярим  
тунда йўлга чиқамиз! Хабар кут!

Зиёд Қаерга?

Сардор Куп гапирсанг, бир кун оғзингдан отиласан!

*(Муסיқа бошланади. Зиёд 1-Йигит жасади ёнига боради. Оғир бир  
ҳолатда ғорга кириб кетади. Муסיқа кучаяди)*

## Парда

## 2-Кўриниш

*Шарофат уйида ғамгин, радиода Хилола Ҳамидова ижросида  
берилаётган «Юрагимда бир тош» кўшиғини тинглайти.*

**Ш а р о ф а т** (кўшиқ тугагач, хорғин) Оҳ! Ёлғизим деб фидо бўлдим, адо бўлдим! (эшиқ тақиллайди) Эшиқ очиқ!

( шу пайт **С у л т о н** киради)

**С у л т о н** Салом Шарофат.

**Ш а р о ф а т** Ассалом, келинг.

**С у л т о н** Ҳеч хабар йўқми?

**Ш а р о ф а т** Йўқ! (жимлик) Ишонмайман, Султон ака, ишонмайман! Яна бир текшириб кўринг! Сарваржон бироз эрка эди, лекин хиёнат йўлига киришига сира-сира ишонмайман!

**С у л т о н** Қани эди шундай бўлса! Кеча яна суриштирдим! Қирғиз тоғларидан тушиб, чегарани бузиб ўтганлар орасида Сарвар ҳам бор экан. Улардан саккиз киши қўлга олинган! Қолганлари яшириниб юрибди!

**Ш а р о ф а т** Бахтим қора бўлди! Энди нима қиламан?! Бу кунларни кўрмай ўла қолсам бўлмасмиди?!

**С у л т о н** Энди «оҳ-воҳ»дан фойда йўқ! Агар келиб қолса, ваҳима қилманг, ҳар қалай онасиз. Тавба қилиб борса, кечиршади!

**Ш а р о ф а т** (баттар хавотирланиб) Келмаса?..

**С у л т о н** Келади! Келмай қаерга боради! Қидирув эълон қилинган! Ўзи борса, яхши бўлади! Хўп, мен кетдим! (чиқиб кетади)

**Ш а р о ф а т** (изтироб билан парда очилгандаги «Не қилай» кўшиғини авж билан айтади. Борлиқ ноласини эрининг деворда осиглик суратига қараб куйлади)

Ҳажрида ёндим ёронлар борми нусрат, не қилай?  
Ё адо этгайми ғам, эзгилайми хасрат, не қилай?

Озми ёш бошимга бу навқиронимдан айрилиқ,  
Кетса қўлдан ҳам ўғил, қолса укубат, не қилай!

Доғ туширмай тарбият этдим-ку, қалб кўрим бериб,  
Меҳрибонлиғ иззати қилдимми касрат, не қилай?

Дағи ўтди не хатолиғ, ётдими бахтим иқболи,  
Энди сингаймн бошимда сангги маломат, не қилай?  
Юзи қаролимдин эй, қолмади бир на қурбу дўст,  
Мен ҳам энди сиз каби бежону сурат, не қилай?!

**Ш а р о ф а т** (қўшиқ тугагач, девордаги эрининг суратига қараганча) Азизим, кечиринг мени! Сиздан қолган ёлғиз ёдгоримни асрай олмадим! Муаллимлик шаъним ҳам бадном бўлди! Қани, айтинг, энди не қилай?! Чиққисиз азобларга ташлаб кетган экансиз-а! (саҳна олдига юра бошлайди, орқада Гулсум кўринади) Одамларнинг юзига энди қандай қарайман! Бари тамом! Энди менга яшаш ҳаром!

**Г у л с у м** (ҳовлиқиб) Йўқ-йўқ, ундай деманг!

**Ш а р о ф а т** (унга маъноли қараб) Кел, Гулсумхон... Ана шундай гаплар. Йигирма йил муаллимлик қилдим. Еттидан етмиш ёшгача ҳамма иззатимни тутади. Энди ҳаммаси пуч!

**Г у л с у м** Бутун эл сизга қайишади-ку!

**Ш а р о ф а т** Бидаман! Аммо мен қайишмайман, қайишолмайман!

**Г у л с у м** Ёвуз ишларга қўл урмаган, бу йўлга адашиб кириб қолганларни кечиришмоқда!

**Ш а р о ф а т** (Гулсумга сокинлик билан тикилиб қарайди) Сенинг дардинг ҳам меникидан кам эмас. (жимлик) У сенинг покиза севгинга муносибмас! Унут!.. Унут! (оғир жимлик) Қизим, сен энди ундан умидингни уз! Бундай мудҳиш тамға босилган қисматга тақдирингни боғлама! Умр-умр ўксиб ўтасан. (жимлик)

**Г у л с у м** Озгина сабр қилинг...

**Ш а р о ф а т** (унинг сўзини бўлиб) Сабрим иймонимда, қизим! Бу ҳаётни ўзим яшадим! Қаерда янглишдим-а! (оғир жимлик) Ҳукм ҳам ўзимдан! (Гулсум йиғлаб чиқиб кетади) Мен уни кўришим керак! Кўришим керак!

Муסיқа кучаяди

А в а н п а р д а

### 3-Кўриниш

*Аванпарда олди. Хилват жой. Ваҳимали мусиқа. Сарвар билан Анвар афтодаҳолда кириб келишади.*

**А н в а р** Мен сенга айтган эдим! Қулоқ қўймадинг! (жимлик) Бошқа юртларга қочайлик дедим, қайсарлик қилдинг! Мана бу ёққа қочдик! Нима бўлдик?! Энди ҳолимиз хароб! Тўрт тарафдан ўраб келяптилар, галварс!

**С а р в а р** Дўқ қилма! Энди бефойда! (жимлик) Осмонга учсак оёғимиздан, ерга кирсак, қулогимиздан тортиб оладилар! Қармоқнинг ипи уларнинг қўлида! Ёмон илиндик!

**А н в а р** Эҳ, аввалги ниятлар амалга ошса эди!..

**С а р в а р** (унинг сўзини бўлиб) Яна шуларни қумсаяпсанми?! Наҳот барини унутган бўлсанг?!

**А н в а р** Ҳой сўтак! Менга дашном қилма! Тилинг чиқиб қолибдими? Тилингни суғуриб оламан! Милён-милён долларлар, мартабали амаллар ваъда қилишганда «Жиҳод», «Жиҳод» деб бор овозинг билан қирилиб бақирган ким?! Сен! Сафни олдида туриб гердайиб юрган ким?! Сен! Гапир, ахир!

**С а р в а р** Гапираман! Авраб-алдаб Сардорга, Зиёдга муте қилдинг! Юртдан жудо бўлдим! Меҳрибон онамдан, суюкли Гулсумумдан айрилдим! Тирик мурдаман! Барига сен сабаб! Минг лаънат сенга!

**А н в а р** Нима дединг?! (бирдан «тарс» эттириб уради) Аблах!

**С а р в а р** (йиқилган жойидан сапчиб турали ва ханжарини чиқаради) Ким аблах?! (унга ташланади. Иккови бир лаҳза қаттиқ олишади)

*(Шу пайт ташқаридан овозлар келади. Мусиқа кучаяди. Сарвар бир томонга, Анвар икинчи томонга қараб қочади. Чироқ ўчиб-ёнади)*

Аванпарда кўтарилади.



## 4-Куриниш

*Аванпарда кутарилади Шарофатнинг уш. Ғамгин мусиқа.  
У маънос куйлайди.*

Баҳор, тоғда қизғалдоқлар қон бўлди,  
Ўғиллар хоиндир кўп ёмон бўлди,  
Элга ўқ отарлар не замон бўлди,  
Қалби аъмо, йўлдан озган гумроҳлар.

Кутаман келарсан ёруғ юз билан,  
Элинг кутиб олар нону туз билан,  
Яшармиз сарфароз равшан кўз билан,  
Адо бўлсин йўлдан озган гумроҳлар.

*(Қушиқ тугагач, эшик тақиллайди. Изтироб чекаётган Шарофат  
бирдан сесканиб жим қулоқ қўяди ва эшик олдига боради)*

**Ш а р о ф а т** (астагина, бироқ бор вужуди билан) **Ким?!**

**О в о з Мен?**

**(Шарофат ҳаяжон билан эшикни очади. С а р в а р билан С у л  
т о н киради)**

**С а р в а р** (бирдан унинг бағрига отилиб) **Онажон, онажоним!**

**Ш а р о ф а т** (вазмин, кўзларида ёш билан) **Болам!.. Болажоним!..**

**С у л т о н** Шарофат, кечирдилар Сарварни! (сал жимлик)  
**Шерматнинг ҳурмати, сизнинг ҳурматингиз!.. Кечирдилар!**

**Ш а р о ф а т** **Оллоҳга шукур!** Ҳукуматимизга раҳмат! Минг  
раҳмат! Минг ўлиб, минг тирилдим!..

**С а р в а р** (бир тиззасини ерга қўйиб) **Мени кечиринглар!**  
(жимлик) **Султон ака, мени кечиринг! Мен пасткашлик қилдим!**  
**Сизнинг, онамнинг номига тўхмат қилдим, иснод келтирдим!**

**Ш а р о ф а т** **Болам, шу гумон, шу гумроҳлик сени бу йўлларга  
солди! Энди кўзинг очилди! Эҳтиёт бўл!**

**С у л т о н** **Ҳа, Сарвар, бахтинг бор экан, қўлинг қон эмас  
экан! Сени ҳукуматимиз, халқимиз кечирди! Энди ҳар ташлаган  
қадамнинг эл назарида бўлади. Отангни, онангни обрўсига муносиб  
яшамоғинг керак!**

*(Аста мусиқа бошланади, Гулсум кириб келади. Сарвар оғир  
вазминликда Гулсумга талпинади, лекин бирдан тўхтабди. Сарварнинг  
юрагидан қўшиқ отилиб чиқади, Гулсум жавоб қилади. Қўшиқ даъомида*

*аста-секин қўни-қўшинилар кира бошлайдилар. Қўшинилар орасидаги раққосалар хиром этадилар)*

### С а р в а р

Азиз бошимни қилдим хор,  
Қўп кулфатга бўлдим дучор,  
Шукур, насиб қилди дийдор,  
Ишон, бутундир иймоним,  
Мен гумроҳни кечир жоним.

### Н а қ о р а т

Ўйнаб кулаилик кел жоним,  
Даврон сурайлик кел жоним.

### Г у л с у м

Адашмоқ қисматда бордир,  
Йўл топганга Оллоҳ ёрдир,  
Бевафога дунё тордир,  
Хуш келибсиз меҳрибоним,  
Фидо бўлсин сизга жоним.

### Н а қ о р а т

### И к к о в и

Баҳор келса яшнар дунё,  
Ишқ дилларга меҳригиё,  
Ватан тупроғи тўтиё,  
Ўйнаб кулайлик кел жоним,  
Даврон сурайлик кел жоним.

### Н а қ о р а т

*(Қўшиқ давомига «Дутор лазгиси» уланиб кетади)*

## П а р д а

ТАМОМ

2006 й.

# Сўнган умидлар

(2 парда, 8 кўринишли мусиқа ва рақслар  
муштараклигидаги драма)

## Қатнашувчилар:

С а и д қ о р а — бойвачча, 50 ёшларида

О н а г у л — Саид қоранинг хотини

Р а ф и қ — 40 ёшларида

М и р з о — 25-30 ёшларида, наркоман

С а р д о р — Мирзонинг укаси, 10 ёшларда

Ш а р и ф — Саид қоранинг ўғли, 22-25 ёшларида

Н а ф о с а т — Шарифнинг хотини, 20 ёшларида

С о и б — Саид қоранинг акаси, 60 ёшларида

Раққос ва раққосалар ҳамда милиция ходимлари  
қатнашадилар

## 1-Куриниш

*Парда «Сўнган умидлар»га бағишланган куйга, раққосалар ижросидаги оммавий рақс билан очилади. Кўча олди, хилватгина хибон. Рафиқ. Мирзо ва унинг укаси Сардорлар учрашадилар.*

**М и р з о** (уёқ-буёққа аланглаб, Сардорга) Сен, атрофга кўз-кулоқ бўлиб тур. Бирор нарса сезсанг, дарҳол бизга билдир!

**С а р д о р** Хўп бўлади! Мен кетдим! (кетди)

**М и р з о** (Сардор орқасидан) Бўпти, боравер! Зийрак бўл! Хушингни йўқотма!

**Р а ф и қ** ( Мирзога шипшитиб, бироқ қатъий оҳангда) Четдан янги мол олдим. Тоза мол. Харидор топиш керак! (салафан қоғозга ўраб беради) Мана, бир кўр ва ўзинг баҳосини берарсан!

**М и р з о** (ҳидлаб кўриб) Ў! Ҳақиқатдан ҳам тозасидан экан! Ҳақиқий! Бунақаси ҳали бўлмаган! Ҳақиқий етилган кўкнордан олинган! Бай-бай! Ана ҳазлик! Вой-бўй!

**Р а ф и қ** Билдинг-а, айёр! Сезгирлигинга қойил! Бу поясидан қайнатиб олинганидан эмас, чин кўкнордан чертиб-чертиб олинганидан. (жимлик) Аммо лекин, Мирзо, сен ишончни оқламайсан! Бундай сушт ишлайдиган бўлсанг, сенинг жавобингни беришга тўғри келади!

**М и р з о** Рафиқ ака! Мендан бекорга хафа бўлаяпсиз! Эртаю-кеч итдек югураман, тиним билмайман! Раъматими бу? Бу иш сиз ўйлаганча осон иш эмас. Ҳозир ҳар қадамда мент! Борадиган ҳар бир хонадон уларнинг ҳисобида. Компьютирда кўриб ўтиришади! Бозорда, бозорда иш бўлмаяпти. Борига шукур қилинг, ака! Сабрли кул етади муродига! (кесатиб) Сабрли бўлинг, ака!

**Р а ф и қ** Вой-бўй! Жуда ақлли бўлиб кетибсан-ми?! (фигони чиқиб) Дангасага иш буюрсанг, сенга ақл ўргатади! Хў, ландовур! Ҳалдингдан ошма! Сал пастга туш! Сенинг ишинг сен топган харидорлар сони билан ўлчанади. Буни эрдан чиқарма! (жеркиб) Бозор! Хонадон! Мент! Бу гапларни йиғиштир! Харидор топ, харидор!

**М и р з о** Харидор, харидор топ дейсиз, озми олиб келганларим? Шунча харидор топиб келдим-ку, ахир!

**Р а ф и қ** Оз! Олиб келаётганларинг майда чавақлар! Бизга наҳанглар керак, наҳанглар!

**М и р з о** Қасрдан топаман ўша наҳангларни?

**Р а ф и қ** Ахтар! Узи миянг ишламайди! Уларниям мен топиб берайми? Ана, яқинда, кўчанинг бошидаги, гишдан қурилган Саид

қоранинг икки қаватли ҳашаматли уйида ўғлининг уйлантириш тўйида бўлдингми?

**М и р з о** Ҳа, бўлдим. Жуда антиқа тўй бўлди ўзиям лекин!

**Р а ф и қ** Бўлдим дейсан, лекин ўйламайсан! Бир ўзи ўртада юрадиган (каловланиб) лака-дакка, оти нима эди? Ҳалиги кўлига микрофон олиб ўртала ҳеч кимга гап бермай юрадиган одам-чи?

**М и р з о** Ҳа-а, тўй бошқарувчи-ўртакаш! Диктў-ўр. (кулади)

**Р а ф и қ** Ҳа, ўлма! Ана шунга Саид қора арзимаган хизмати учун 1000 доллар берибди-я! Ўзинг ўйлаб кўр! Икки соатга 1000 доллара-а! Ана бойваччалигу, мана бойваччалик! Ана шунни уйланган ўғли... оти ким эди?... Сенинг жўранг эди шекилли?

**М и р з о** Шариф. Шарифбой! Мактабда бирга ўқигандик.

**Р а ф и қ** Ана шунни кўлга олиб бўлмайдими? Бўлади! Бунинг учун одам ўзини корини яхши бажариши керак! Каллани ишлатиш керак, каллани!

**М и р з о** Уни тушириш қийин. Отаси катта одам! Таниш-билишлари кўп! Казо-казолар билан борди-келди қилади!

**Р а ф и қ** Бекорларни бештасини айтибсан! Буям сенинг нохуналигинг, оvsсарлигинг! Ишни кўзини билмайсан! Ҳўв, хумпар! Айтганимни қил! Тушундингми?!

**М и р з о** Тушундим, лекин оғмаса-чи?

**Р а ф и қ** Эй, калланг борми ўзи?! Қанақа оvsсар одамсан, эй! Оғмайдиган одам борми? Айниқса Саид қорадай маишатчининг ўғли-я? Олма дархтидан узоққа туш-май-ди, агар билсанг! Билдингми? Бизни иш, савоб иш! Савоб бўлгандаям катта савоб!

**М и р з о** Тушунмадим? Нимаси савоб? Фойдаси қаерда, фойдаси?

**Р а ф и қ** Эй, каллаварам! Фирром йўл билан ҳукуматни алдаб йиққан харом пулларини тортиб олиб, муомалага киритамиз, калла, муомалага!

**М и р з о** Ҳа, тушунарли. Демак, Саид қоранинг ўғли, бизнинг мактабдош жўрамиз-Шариф!

**Р а ф и қ** Худди шундай! Эртага кечқурун уйингда қуюқ зиёфатни ҳозирлайсан! Узим бораман! Қанча ҳаражат керак бўлса мендан оласан! (чўнтагидан чиқариб 100 доллар беради)

**М и р з о** (Рафиқдан 100 долларни олиб, уяли телефонида рақамлар тера бошлайди) Алло, (аста «Сўнган умидлар» мусиқаси бошланади) Шарифбой! Ўзингмисан? Кўришмаганимизгаям минг йил бўлди-ёв! Тўйдан кейин иш билан чарчамаяпсанми? Дам олиб ҳам олиб туриш керак! (қаҳқаҳа отиб кулади) Бўлмаса бардош бериш қийин! Бошимиздан ўтган, биламиз! Эртага кечқурун, соат еттида

уйда кутаман! Келасан, албатта, келсан-а? Майли, жўра, кутаман! Сени бир катта акахонимиз билан таништириб кўяман! Керакли одам! Бўпти, кутаман! (телефонда сўзини тамомлаб Рафиққа қараб кўрдингми дегандай кўзини қисади)

(*Муסיқа кучаяди, чироқ ўчади*)

## Парда

### 2-Кўриниш

*Парда лейтмотив—«Сўнган умидлар» кўшиги куйи билан очилади.  
Мирзонинг уйи. Ҳовли ўртасидаги сунада дастурхон безатилиб,  
кўрпачалар тўшалган, болишлар қўйилган. Ёнбошда тиряк чекиш учун  
барча мосламалар тайёр қилиб қўйилган Мирзо билан ёнбошлашиб  
гурунглашяптдилар.*

**Р а ф и қ** Келмади-ку? Аниқ ишонтириб айтганмидинг, ахир?  
**М и р з о** Нима, менга ишонпаясизми, Рафиқ ака! Ёнингизда гаплашгандан кейин яна қўнғироқ қилиб, аниқ тайинлаганман. Келади, дедимми, келади! Рафиқ ака, ҳамма нарсани тайёр қилиб қўйганман. Ана, қаранг! (кўрсатади) Унгача бир тортайлик, хўп денг!

**Р а ф и қ** Йўқ! Аввал у келсин. Кечаям тортдинг! Биласан, мушук текинга офтобга чиқмайди. Бутунги ҳаражатга берганим озми? Тортишга кейин.

**М и р з о** Акажон, мен текинга сўраётганим йўқ! Айтган одамнингизни топиб келаётган бўлсам. Шартингизни бузмаётган бўлсам! Яна нима қилай? Келади дедимми, келади! Ишонаверинг!

**Р а ф и қ** Шошма, аввал у келсин, кейин бирга тортамыз.

(Шу пайт ташқаридан машина овози эшитилади. Ит новуллаяди)

**М и р з о** Ана, келди! Вой-буй, Рафиқ акажоним-ей, нсга ишонмайсиз? Келади дедим-ку, ахир. Мана, келди! Сардор!

**С а р д о р** (овози) Лаббай, ака!

**М и р з о** Тез чиқ! Шариф акангни кутиб ол! Итни овозини ўчир! Меҳмонни уйга бошлаб кир!

*(Мирзо билан Рафиқ меҳмонни кутиб олиш учун ўринларидан  
турадилар. Сардор билан Шариф кириб келишади. Сардор дарҳол  
Шарифни кўлига сув қўйиш учун сулобчани тутаяди)*

**Ш а р и ф** Ассалому алайкум!

**М и р з о** Салом, дўстим! Сени кўрмаганимгаям минг йил бўлди-ёв! Оламни соғинтириб юборасан-да ўзи! (қуюқ кучоқлашиб

кўришадил) Кел, Шарифбой, таниш, Рафиқ акахонимиз, зўр, бообрў, катта одам! (Рафиққа) Бу Шарифбой, менинг яқин дўстим, Саид акамнинг ўғли, бир мактабда ўқиганмиз!

**Р а ф и қ** Ҳа, яхши, яхши! Э, кўп яшанг! Кам бўлманг, Саид акани жуда яхши танийман. Ҳамма танийди, обрўли, бойвачча одам. (Мирзога) Шарифбойни уйлантириш тўйининг овозаси бутун эл оғзида. Бунақанги зўр тўйни умрим бино бўлиб кўрмаганман. Даҳшат! Мингдан зиёд одам қатнашди-ёв, ҳа Шарифбой?!

**Ш а р и ф** Раҳмат, раҳмат! Тўрт кунгача таклифнома ёзганмиз! Бир ҳафта давомида тарқатиб чиққанмиз! Иккимингдан зиёд одам қатнашган!

**Р а ф и қ** Баракалла! Вой-бўй, шунақа денг, баракалла! Саид аканинг бир обрўсига ўн обрў кўшилди. Созандаларнинг ўзлариям 10 га яқин гуруҳ қатнашди-ёв... Нима дедингиз? Э, қандини урсин дадангиз!

**Ш а р и ф** Э, нимасини айтасиз, Рафиқ ака! Кўпчилик яллачилар айтмасак ҳам бировлардан эшитиб ўзлари келишди!

**Р а ф и қ** Э, сиз, Шарифбой, ҳавас қилса арзийдиган йигитсиз. Худди Абдулла Қодирийнинг Отабегидек худо берган йигитсиз. Кўрган қизни эси оғиб қолади.

**М и р з о** (Шарифни талтайганини кўриб, батдар ошириб гапиради) Яшанг Рафиқ ака! Яшанг! Ичимдагини топасиз-ей, ичимдагини! Отабекни ҳайдалиш куйини эсланг, оҳ-оҳ! Уёқда бир сулув қиз бу ёқда бир сулув, ўзи ширакайф ҳужрадаги ҳолатига қаранг Рафиқ акажон! Ўшани компак дискка чиройли қилиб ёзиб қўйибман. Жудаям мириқиб эшитаман. («Ўртар» ашуласидан хиргойи қилади)

Агар ошиқлигим айтсам, куйиб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сирин баён этсам, токи ул хонумон ўртар.

Бу дард бирла хароб бўлдим, келиб ҳолимни сўрмассан,  
Тилим лолу, кўзим гирён, юрагимни фиғон ўртар.

*(хиргойига Сардор рақсга тушади)*

Қалай, зўрми? Зўр! Қани ўтиринглар.

**Р а ф и қ** Зўр, зўр! Любой яллачидан кам жойинг йўқ! Сен ҳам ёнингга Сардорни олиб, бирравга чиқсанг бўлади! Бемалол эплaysан! (қулишадилар) Тўғрими, Шарифбой?

Ш а р и ф б о й Тўғри, тўғри Рафиқ ака! Бунинг ўзи мактабда ўқиб юрган пайтдаям шунақа шух, масхарабоз, артист эди! Ҳаммани куллириб юрар эди!

М и р з о Э, кўйинг бу гапларни! Қани, дастурхонга марҳамат, ўтинг! Ўтиринглар! (Ўтиришади. Фотиҳа қилишади, нон-туз тотишади. Бир пиёла-бир пиёла чой ичишади) Қани, олиб ўлтиринглар, еб ўлтиринглар! Сардор!

С а р д о р (овози) Лаббай ака!

М и р з о Гўмма пишдимми, гўмма?

С а р д о р Ҳа, пишди! Ҳозир олиб бораман!

(Сардор иссиқ гўмма олиб кириб, ўртага қўяди)

М и р з о Оҳ, оҳ! Қани, шу иссиқ гўма билан битта-битта олайлик! Ҳа, Рафиқ ака!

Р а ф и қ Ҳа, албатта, албатта!

М и р з о Шарифбой, сени кутавериш томоқларимиз қурқшаб кетди-ку! Тўғрими, Рафиқ ака? (Шарифга қуйиб узатади) Ма, ол!

Ш а р и ф Менга берма, мен рулдаман.

М и р з о Рулдаман! («хоҳо»лаб кулади) Рафиқ ака, қаранг-а, Шарифбой рулдамиш! Биз бечоралар эса, пиёда! Буни қаранг-а! («хоҳо»лаб кулади) Э, қайси милисанинг юраги иккитаки, сени ушласа. Отангни савлатидан от ҳуркади! Ол, қўрқма, олавер! Сени ҳеч ким тўхтатолмайди!

Ш а р и ф Шундай дейсан-у, лекин барибир милиса, милиса-да. (андак жимлик) Ҳамма ишга отамни аралштиравериш ҳам тўғри келмайди, қолаверса, энди ўзим ҳам ёш бола эмасман!

Р а ф и қ Тўғри, жудаям тўғри! Яшанг, ўгил бола! Кўйинг, ташвиш қилманг, жуда бўлмаса ўзим олиб бораман, машинангизни мени орқамдан ҳайдайсиз! Ҳар қандай милисадан ҳам ўзим олиб ўтаман! Отангиз ҳам безовта бўлмайдилар!

М и р з о Жудаям тўғри-да! Рафиқ акамниям танимайдиган одам йўқ! «Мерс»ларни ҳайдаб ўтгандай любой милиса честь бериб туради!

Р а ф и қ Энди, Шарифбой, тақдири насиб дийдорлашганимиздан кейин, бир отамлашайлик-да! Мирзобек неча кундан бери сизни оғзидан қўймайди, мақтагани мақтаган, мировой йигит, дейди. Сиз учун атайлаб сариқ ёққа, ўрик гулли жужа солинган палов дамлаётир!

М и р з о Эй Шарифбой, Шарифчик! Рафиқ акам кўпдан бери сен билан учрашиш ниятида эдилар, ахир... Мана, бугун, шу ниятига етдилар! Худога минг қатлаъ шукур! Берарини янглишмасин!



**Р а ф и қ** Шарифбой, аниқроғи, доврўғи етти маҳаллага эшитилиб, созандалар саси ҳаммага овоза бўлган тўйини издан бери!

**М и р з о** Тўғри айтасиз, Рафиқ ака! Энди, шу тўйини эслаб, бугун бир яйрайлик! Қани, олдик! Ол, Шарифбой!

**Ш а р и ф** (талтайиб) Қандай бўлар экан? Нокулай бўлмасмикан?

**М и р з о** Қандай бўлар эди, з ўр бўлади! Э, бир йиғилибмиз-да, дўстим Шарифбой! Қани ол, ол!

**Ш а р и ф** Майли, сазангиз ўлмасин. Рафиқ ака. сиз учун озгина оламан.

*(Рафиқ билан Мирзо Шарифбойга ол, олинглар туришади. Шариф бир хўплам ичиб қўяди)*

**Р а ф и қ** Эй, йўқ дўстим, унақаси кетмайди! Мен сизни бир танти, хаработий, нодир йигит деб биламан! Энди билсам, худди ўйлаганимдан ҳам зиёд экансиз! Қани, охиригача олинг! Хафа бўламан-а...

**Ш а р и ф** Майли, Рафиқ ака, нима бўлса, бўлар! Сизни сўзингиз сингунча, шайтоннинг бўйни синсин! (охиригача ичади)

**Р а ф и қ** Ҳа, яшанг, кўп яшанг! Мана бу ўғил бола гап! Гап йўқ! Ота ўғил сиз-да, ўзи, ота ўғил!

**М и р з о** Қани совутмайлик! Гўммадан олинглар! Яна битта қуяй, а, Рафиқ ака?

**Р а ф и қ** Э, Мирзобек, шуниям сўраб ўтирадимиз! Қуйиш керак бўлгандан кейин, қуй-да!

**М и р з о** Мана, ҳозир! (қуйиб Рафиққа узатади, иккинчи қадаъни Шарифга узатади) Мана, мана! Қани, дўстим, ол! Олайлик, олдирмайлик! Тагида қолдирмайлик!

**Ш а р и ф** Қўй, дўстим, Мирзо, сазангиз ўлмасин деб бир олдим, бас, бўлди, раҳмат. Энди менга ортиқчалик қилади. Мен ўзим куп ичолмайман.

**М и р з о** Майли, сен кўп ичмагин! Аммо, Рафиқ акамдан бир сўз эштайлик! Қани, акахон, бир нима денг энди.

**Р а ф и қ** Майли, Мирзобек, сен нима десанг шу! Айтсак-айтибмиз-да! (жимлик) Одам одам билан гўзал! Улфатсиз одам қанотсиз қушга ўхшайди. Улфатинг мард бўлса, ҳеч қачон юкинг ерда қолмайди... Мана, бугун Шарифбой, сиз билан улфатчилик насиб қилди, ниятимга етдим! Мирзобекдек, Сиздек мард йигитлар бор экан, дилимиз ҳамиша равшан, белимиз бақувват бўлади! Қани, олинг! Ошна-оғайничилигимиз абадий бўлсин!

М и р з о Яшанг! Яшанг, Рафиқ акажоним! (Шарифга) Қани. Шарифбой, Рафиқ акамнинг шу ширин гаплари учун бир оқ қилайлик, ол!

Ш а р и ф Майли, Рафиқ акам чин дилдан гапирдилар! Илойим ҳамиша бардам саломат бўлсинлар. Рафиқ ака, омадингиз ёр бўлсин! (ичишали)

М и р з о (Шарифга эшиттирмай) Қалай, Рафиқ ака, мазза қилаясизми? (Шарифга) Шарифбой, зерикмаяпсанми? Ё келин болани дарров соғиниб қолдингми? Очилишиб ўтир! (кулишади) Рафиқ ака, энди бир мусиқий тануффус қиламиз! Сардор!

С а р д о р (овози) Нима гап, ака? Айтаверинг! Ҳаммасини еътибор қиламиз!

М и р з о Анаву нозанин тайёрма?

С а р д о р Тайёр!

М и р з о Олиб кир! (Сардор арабча рақс тушиш учун махсус кийинган раққоса қизни қулидан етаклаб олиб киради. Раққоса таъзим қилади. Сардорга) Музиканг тайёрма?

С а р д о р Ҳа! Тайёр!

М и р з о Бўлмасам, бошла!

С а р д о р Хўп бўлади ака! Мана!

*(Сардор бориб мусиқа центр пултини босади. Арабча куй янграйди.*

*Раққоса қиз белларини, қоринларини нозик қимирлатиб, эркакларни шахвоний ҳиссини уйғотадиган рақсга тушади. Раққоса қиз рақс тушган ҳолда илтифот кўрсатиб Рафиқнинг олдига боради. Сардор қулида патнис ушлаб туради. Рафиқ чўнтагидан бир даста минг сўмлик олиб, ёйганча патнисга ташлайди. Мирзонинг ишораси билан Раққоса қиз Шарифбой олдига келади. Ноз-карашма билан жилваланиб, рақсга тушади. Шариф чўнтагидан бир пачка минг сўмлик олиб, уям Рафиқдай патнисга ёйиб ташлайди-да, иккинчи чўнтагидан минг доллар олиб, унияж ёйиб ташлайди. Раққоса энди қувонганча Мирзонинг олдига келади. Мирзо анча рақс қилдириб, ўзиям бирга ўйнаб, охири бир пачка беш юз сўмликни олиб, яримини патнисга ёймай ташлайди. Рақс тугайди. Раққоса қиз қўлида пул тўла патнис ушлаган Сардор билан чиқиб кетади)*

М и р з о Қалай. Шарифбой, мазза қилиб ўлтирибсанми? Зўр мазза ҳали олдинда! Бундан ҳам зўр ҳазлик бор! Куриб ҳайрон қоласан! Ҳозирча бу сурпиризи! Рафиқ ака, камчилик йўқми, ака?

Р а ф и қ Бор! Қуй ахир, ҳеч қуймаяпсан? Мана шу сенинг камчилигинг, агар билсанг! Қўлинг бир очилсин! Дунёни яримини эгаллаган Искандарниям қўли очик кетган!

М и р з о Э, кечирасиз, Рафиқ ака, рақс билан бўлиб, хаёлимдан кўтарилибди! Мана ҳозир еътибор қиламиз-да! Айн момент!

**Р а ф и қ** Эй, тўхта, тўхта! Кўй бунингни! Шишаси зўр бўлсаям, ўзи чақмас экан! Ўзимизни Ўзбекистон конягидан ол! Борми ахир? Харид қилганмисан?

**М и р з о** Э, бор, бор, ака! Нималар деяпсиз? Уялтирманг! Мана ҳозир! Самарқанд коняги бўладими? (Рафиқ бўлади маъносида бош чайқайди. Мирзо ҳаммасига коняк қуяди.) Қани, Шарифбой, дўстим, ўзинг бир нима де! Менинг жонажон дўстим, қадрдон дўстим, мактабдош дўстим, сен ҳам бир ширин, дил сўзи эшитайлик! Қани, қани!

**Ш а р и ф** Йўғ-е, ахир мен... гапиришни унча билмайман...

**М и р з о** Биласан, дўстим, биласан! Билмасанг, билганингча гапир! Гапир, гапир! Гапи-ир!

**Ш а р и ф** Майли, Мен... Рафиқ акам билан танишганимдан жудаям, жудаям хурсандман! Тўғриси айтсам, Рафиқ ака, гапга сиздайин уста эмасман. Омон бўлайлик! Соғ бўлайлик! Саломат бўлайлик! Касал бўлмайлик! Пулимиз ҳамиша кўп бўлсин, кўролмаганлар кўр бўлсин! Қани, олдик! (Улфатлар «олдик-олдик» деб қувватлаб ичишади. Шарифни оғзига газак тутадилар) Раҳмат, раҳмат! Рафиқ ака, эндиги зиёфат бизникида! Бизникилаям бир ўлтиришайлик! Рафиқ, ака Мирзобой! Шундай оқизиб зиёфат тузиб ташлай. кўрган одам лол қолсин! Қора икра, қизил икра, баклажон икриси, нима дединг, Мирзо! («хоҳолаб кулади»)

**Р а ф и қ** Йўқ, Шарифбой! Эндиги зиёфатни мана, биздан оласиз! Сиз ҳали шошманг! Навбати келганда узимиз айтамыз! Ҳозирча дамнингизни олиб туринг. Тўғрими, Мирзобек?

**М и р з о** Тўғри, жудаям тўғри!

**Ш а р и ф** Майли, (ҳиқичоқ тутиб) Сизлар нима десангиз, шу! Оқ десангиз оқ, қора десангиз қора! Қачон айтсангиз, мана мен тай—ё—рр! (ёстиққа ёнбошлаб уйкуга кетади)

**М и р з о** Ага, тайёр! Хўш, қалай, хурсандмисиз энди, Рафиқ ака?

**Р а ф и қ** Хурсандман! Анову нарсаларингни тайёрла. бошлаймиз!

**М и р з о** Мана, мана! Тортинг, ака!, тортинг! Бир мазза қилинг!

*(Мирзо элетроплиткадан қизиб, чўққа айланган симни олади, тиряк шидирилган иккинчи симни чўғ бўлган симга теккизиб, тирякдан чиққан тутунни тортиб олиш учун оғзига қоғоздан ясалган дудик тутган Рафиққа яқинлаштиради. Рафиқ тирякдан чиққан тутунни атрофга тарқатиб юбормай, оғзидаги дудик орқали бир нафасда тортиб олади ва ичига ютган тутунни оғзидан чиқармай, устига иссиқ чой ҳуллаб, бирпасдан кейин нафасини чиқаради)*

**Р а ф и қ** Ушбу ҳолат уч бора такрорлангандан кейин) Раҳмат, Мирзобой, раҳмат, мазза қилдим! Энди ўзинг торт!

**М и р з о** Раҳмат ака! Ҳозир тортамыз! (икки марта тортади) Бай-бай! Мана ҳазлик, ана ҳазлик! Ана ҳазлик, мана ҳазлик! Ана майишат, мана майишат! Мана шу тантилигингизга беш кетаманда, Рафиқ ака! (ухлаб ётган Шарифга) Шарифбой! Шарифбой! И-е, ўчиб қолибди-ю! Ҳозир боплаймиз! (Оғзини тиряк тутинига тўлдириб, ухлаб ётган Шарифнинг бурнига пуфлайди)

**Ш а р и ф** (тутун ҳидилан уйғониб, уёқ-буёғини ҳидлаб, уйқусираганча) Нима, тутун ҳиди келаяптими? Бирон нарса куйди шекилли?

**М и р з о** Тутун! Рафиқ ака, тутун деяптими? Мана мен куйдим! («хоҳо»лаб кулади, Рафиқ ҳам унга кўшилиб кулади) Уйдан тутун ҳиди чиқса, эркак борлиги билинади, эй ўғил бола! Қани, бир тортиб кўр-чи!

**Ш а р и ф** Йўғ-е, мен чекмайман! Мен ундай нарсаларни чекмаганман.

**Р а ф и қ** Яхши! Чекмаганингиз қандай яхши! Ўрганманг ҳам! Аммо, биз Мирзобек билан бу заққумни ҳар куни тортамыз! Ана шунақа, бизлар ёмон одамлармиз! («хоҳо»лаб кулади) Бузқумиз! Биздан ибрат олманг! («хоҳо»лаб кулади)

**М и р з о** (Шарифга) Қани, Шарифбой, одамни уялтирма! Ўғил боламисан? Нима, бир тортсанг ўлиб қоласанми?

**Ш а р и ф** Йўғ-е, Мирзо, ахир мен ҳеч ҳам чекмаганман!

**Р а ф и қ** Сиз қанақа йигитсиз, ҳеч чекмаганман, чекмаганман дейсиз-а! Нима, биз аҳмоқ, сен доно бўлдингми? Овқатдан кейинги лаззат мана шунда-да! Тортиб кўринг! Агар билсанг, бу нарсани дунёдаги энг улуғ, энг мана-ман деган одамлар тортади. Тутун-тутун дейсан-а! Ахир бу тилло тутун-а! Аҳ-аҳ! Тутунингдан айланиб кетай! Обке Мирзо, ўзим тортаман! (Ўзи тортиб кўсатади) Мазза!

**Ш а р и ф** (кайф билан) Э, нима бўлса, бўлар! Обке Мирзо! Тортганим бўлсин! (қўлини чўзади)

**М и р з о** Йўқ-йўқ, ўзим! Сени ҳали новичоқсан! (унинг оғзига трубкани қуйиб, тиряк тутунини торттиради. Шариф бирдан тортган тутунни боис қаттиқ йўталади) Э, ўтиб кетади, ўғил бола! Бошланашида ўзи шундай бўлади!

**Р а ф и қ** Кўй, Мирзо, нима қиласан азоб бериб! Қийнамагин бола бечорани! Ахир, ҳали у ёш бола бўлса!..

**Ш а р и ф** (янада кайф билан) Ким бечора? Ким ёш бола? Менми?! Э, обке! Нима азоб?! Обке! Менга бер! Тортиш мана бунақа

бўлади! (трубкани ўзи оғзига олиб торта бонлайди. Йўталиш йўқ, аксинча кайфдан лаззатлана боради)

**Р а ф и қ** Кўрдингми, Мирзобек?! Йўтал-пўтал йўқ! (аста мусиқа бошланади) Яша ота ўғил! (костюмининг ички чўнтагидан героин солинган ихчамгина целлофан халтача чиқариб, Шариф томон шумлик нигоҳини ташлаганча, Мирзога ишорали шипшийди) Вақти келди! Ўзи ҳали оқ десангиз оқ, қора десангиз қора, деяётганмиди! **Ма**. ҳиллатиб юбор! (истеҳзоли кулади)

**М и р з о** (бирдан кўзлари севинчдан ола-кула бўлиб кетади) Э, бормисиз, Рафиқжон ака! Э, обкелинг! (героинни шашт билан олганча очиб, ялаб кўради ва тозасидан экан маъносида бошини сарак-сарак қилиб маъқуллайди) Мана бунга асия мол деса бўлади! (у чаққонлик билан кўзларини сузиб лаззатланаётган Шарифга ҳиллатади) Ана, ана, дўстим Шарифжон! Мана бунисининг лаззати оламда йўқ!

*(Нималар бўлаётганини идрок этолмаётган Шариф аввалига ўқчиб-ўқчиб йўталади, кейин аста ҳузурли кайфга мубтало бўлади)*

**Р а ф и қ** (Шарифни мақтаб) Ўғил бола деган мана бундай бўлади! Қани, Мирзобек! Ўрик гулли жужа солинган сариқ ёғли паловни олиб кел, дўстим! Майишат бўлса, бўлсин-да!

**М и р з о** Сардор! Сардор! Паловни об ке! Меҳмонлар жужа паловга мунтазирлар!...

**С а р д о р** Мана, ҳозир! Олиб бораяпман!

*(Сардор паловни олиб киради-да, ўртага қўйиб чиқиб кетади.*

*Учовлари («олинг-олинг» қилиб ) ея бошлайдилар. Шариф бир қўлида трубка ушлаганча, иккинчи қўлида паловни чангаллаб ейди)*

**Мусиқа чалиниб, кучаяди.**

**Парда**

### 3-Кўриниш

*Парда лейтмотив куйи билан очилади. Эрталаб. Саид қорани уйи. Орқада узум ишқоми. Уртадаги сўри устида бежирим хонтахта атрофиға кўрпачалар тўшялган. 7-8 ойлик ҳамиладор келин Нафосат қайнота, қайнонаси чиққунча нонушта тайёрлаб чиқиб кетади. Салдан кейин изинма-кейин Саидқора билан Онагул кириб келади.*

**Онагул** Вой, бошим! Кечаси билан бошим лўқиллаб оғриб, юрагим санчиб чиқди. Бу лард менга қаердан епишди билмайман. Юрагим ҳам тез-тез нотекис ураяпти! Бу касал мени олиб қутилади-ёв! (жимлик) Ойдай, гулдай яшаб ўлтирган эдик! Бизга хойнаҳой ҳасалгўйларнинг кўзи тегди! (жимлик) Бир куни лоп этиб ўлиб қолсам, менсиз қолиб, кунингиз не кечар экан, дадаси.

**Саид** Кўйсанг-чи, хотин, нафасингни иссиқ қил. Нима бало, эр талабдан нафасингдан ажал иси келади! Насиб этса, узоқ яшайсан. Ўзи беради, ўзи олади. Кўнглингни тўқ тут!

**Онагул** Абдол бобога бориб дуо ўқитдим. Ҳаммаси ойдай равшан бўлди, кўйди! Душман уйингда, рўзгорингга аралаши-иб юрибди, деди.

**Саид** Қаердаги ирим-сиримларга ишониб, гумондан бошинг чиқмайди! Гумон иймондан айиради! Худога шак келтирма, Тавба қил! Шукур қилиб яшамоқ керак.

**Онагул** Шундай дейсиз-у, ахир кўз теккани ҳам рост! Душман уйимизлалиги ҳам рост! Мана шу шумоёқ келин келдию, уйимиздан қут-барака учди! Бўлмаса, шунча мол-дунё бир йилга етмай шип-шийдон бўлармиди!

**Саид** Бировнинг бегуноҳ боласини айблаш гуноҳ азимдир! Ҳожи момо, ҳожи бобо деган номимиз бор! Ахир, бирга бориб, Оллоҳимнинг уйини зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлган одамлармиз! Шайтонга ҳай бер! Қиёматни, охиратингни ўйла, эй нодон хотин.

*(Шу пайт Нафосат киради)*

**Нафосат** Ассалому алайкум, отажон! (таъзим қилади)

**Саид** Ваалайкум ассалом! Тузукмисан келин?

**Нафосат** Ассалому алайкум, онажон! (таъзим қилади. Онагул саломга алик олмай юзини буради) Чой қайнади, дамлайвераёми?

**Онагул** Эрини қани? Ҳали ҳам ухлаб ётибдими? Нега уйғотмадинг?

Н а ф о с а т Йўқ, Шарифбой акам кеча уйга келмади...

О н а г у л Нега келмайди? Қаерда юрибди?

Н а ф о с а т Билмайман онажон, менга айтмайди.

О н а г у л Эринг қачон, қаерда ким билан юрибди? Нега билмайсан? Хотинимисан ахир?

С а и д Эй хотин, ахир келинингда нима айб! Ўғлингдан сўра, ўғлингдан! Тўйдан кейин уйга келмай, кўча-кўйда саёқ юрадиган бўлиб қолди. Номард дўстлар орттирди. Мана оқибати! Сен бўлсанг, айбни ўзингдан кўрмай, бировлардан ахтарасан!

О н а г у л Сиз жим ўтиринг! Хотинларни ишига бурнингизни тикманг! Мана, ўтиришингиз! Олдин кимсан Саид қора бойвачча эдингиз, ҳозир эса, ҳеч киммассиз! На бир уй эди бу! Хизматкорлар олдимизда қўл қовуштириб турар эдилар! Сизнинг ишингиз ҳам қасодга учради! Шарифбой ҳам уйдан безор бўлиб кетди! Ҳаммасига мана шу шумоёқ келин сабабчи!

С а и д Э, қўйсанг-чи, хотин. Нима қиласан ҳомиладор келинга азоб бериб! Худо хоҳласа, яқинда набиралик бўламиз! Янги фарзанд дунёга келади! Уйимиз қувончга тўлади! Сен билан мен набирамизни суюб, эркалаб катта қиламиз!

О н а г у л (Нафосатга) Нега анграйиб турибсан? Бор чойни дамлаб кел! Қайнаб-қайнаб қарға бўлмасин!

Н а ф о с а т Хўп бўлади ойижон. (чиқиб кетади)

С а и д Эй хотин, хотин. Бир умрга еттулик мол-дунё тўпладим деб ўйлагандим. Қариган чоғимда қанча сарф қилсак ҳам туғанмас деб ўйлагандим. Ҳаммаси сароб бўлиб чиқди!

О н а г у л Бу келин ўлгурни бир қариндоши келиб, бир қариндоши кетади! Аммаси билан хайрлашсанг, холаси келади! Холасини узатсанг, укаси келади! Солим-солимга туз чидамайди-ю, мол-дунё чидайдим! (жимлик) Тўйда қилган тилло узук, тилло сирга, иккита тилло билакузук, тилло занжир... биронтаси куринмайди! Тақинчоқларинг қани десам, билмайман дейди. Топиб олгани билмайман! Нимани биледи ўзи?!

С а и д Келинингда айб йўқ! Ҳамма бойлигимизни ўғлинг талон-тарож қилди! Машинасини ҳам сотиб юборди! Таниш-билишлариям тайинсиз одамлар! Насиҳатинг бир пул! Келингаям эътибор бермайди, ҳеч нарса билан иши йўқ.

О н а г у л Эр келганда эътибор билан кутиб олиш керак! Қачон қарасанг, бу яшшамагурнинг қовоғидан қор ёғади. Асли эрига кўнгли йўққа ўхшайди! Бу келинни жавобини бериш керак! Ўғлим хотинидан безганлиги учун, уйга келмай, оғайнилариникида тунаб юрибди!

**С а и д** Ҳадеб келинни айблашдан не фойда! Ўғлинг кимлар билан дўст тутиниб, кимлар билан ошно бўлиб юрганини билмайсан-да!

**О н а г у л** (Эрининг гапани бўлиб, бирдан туюқлади) Сиз, билган экансиз, нега тарбиялай қолмадингиз? Ўғлимиз эгри йўлга кирган экан, нега вақтида олдини олмадингиз? Нега йўл кўйдингиз?

**С а и д** Ана энди сен ҳам мени озгимни очирдинг! Шарифжонга бир оғиз танбеҳ берганим учун юрагингни чангталаб, айюҳаннос солдинг! Мендан яшириб, кўлига жарақ-жарақ пул бердинг! Эркалатдинг! Сўзласам озгимга урдинг!

**О н а г у л** Келиб-келиб шу гаплар сиздан чиқаяптими? Сиз у вақтда осмонда учиб юрган эдингиз! Бола тарбияси билан шуғулланиш ўрнига ўз ҳузур-ҳаловатингиз билан бўлдингиз! Олма тагига олма, ўрик тагига ўрик тушади! На ўба-қушнани, на қариндош-уруғни, на оғайларингизни, ҳеч бирини назар-писандга илмадингиз! Оила билан, бола-чақа билан ишингиз бўлмади! Бутун рўзгор ишлари мени бўйнимда эди! Сизнинг хаёлингиз ана у жибалажибон котиба, нозанинларда эди! У вақтда хотин, ўғил кўринармиди кўзингизга! Мени озгимни очирманг! Энди тавбангизга таяниб, ҳожи бобо бўлиб, ҳаммага ақл ўргатасиз!

**С а и д** Сен билан бас келиш қийин! (жимлик) Энди бу гапларни қўй, хотин. Беайб Парвардигор! (жимлик) Энди қандай яшаймиз, шу ҳақда ўйлаш керак... Кеча участкавой келиб кетди. Қарз сўраб келувчиларнинг саноғи йўк! Бошим қотди! Балки, ҳалиям кеч эмасдир. Шарифжонни бу ёмон йўлдан қайтариб, олиб қолиш мумкин дир. Инсофга келса, тоғни талқон қиладиган судури бор! Қариганимизда қўлларимизга ҳасса, белимизга қувват бўлар! Бу ёғи яхши бўлиб кетса ажабмас.

**О н а г у л** Ҳалиям хаёлингизда ўтган давримлагидайман деб ўйлайсиз. Ахир мен фол очтирдим. Бормаган жойим қолмади. Уйимизга шайтон ин қурган! Токи душман уйда экан, бу ерда тинчлик, осойишталик бўлмайди! (оғир жимлик) Қайси молу, давлатингизга ишониб бу гапларни айтаяпсиз?

**С а и д** Иккинчи қаватдаги туркман гиламларни, мебелларни сотамиз! Шарифжонни даволатамиз!

**О н а г у л** («хоҳо»лаб кулади) Иккинчи қаватга чиқмаганингизга не замон бўлди, эй инсон! Чиқиб бир кўринг, ҳаммаси зим-зиё, тап-тақир бўлган!

**С а и д** (оғир ўйга чўмиб) Наҳотки? (жимлик) Демак, машинани, мана бу уйни сотар эканмиз-да! Да, так, Сотамиз!



О н а г у л Йў-ўқ, дадаси, оладиган одам бўлса. мени сотинг, мени!

С а и д (унинг сўзига эътибор бермай, ўйчан) Мол-дунё топилади, аммо, обрў топилмайди!

О н а г у л Нима қилсангиз ҳам, бу шумоёқ келинни бирёқлик қилмагунча, бу уйда тинчлик бўлмайди! Ё Парвардигоро! Фаришталар омин десин илойим! Шу бугун бу келинни жавобини берамиз. Ўғлимиздан сўраб ҳам ўтирмаймиз! Ҳозироқ ўзингиз уйига олиб бориб келасиз! Қани, туринг ўрнингиздан кийининг, тез бўлинг! Туринг, анграйманг, туринг деяпман сизга, туринг! Нонуштаниям келиб қиласиз. Ўзим сизга чой дамлаб бераман! Турақолинг, юринг!

*(Иккалови ётоқхонага кириб кетадилар. Мусиқа кучайиб, пасаяди. Саҳнага уст-боши юпун, сочлари тўзғиган, соқоллари ўсган кўзлари олазарақ, озгин Шариф кириб келади ва гиламу, кўрначалар тагини ағдариб пул излайди излайди, тополмай, ўзини ётоқ бўлмасига кириб кетади. Саҳнанинг бу томондаги ошхонадан чой кўтариб Нафосат кириб келади. У чайни хонтахта устига қўйиб, ётоқхонаси томон юрабошлайди. Шу қариши томондан Шариф чиқиб келади ва Нафосатга урилиб кетади. Уқўрққанидан сўрининг тагига кириб кетади ва ғужанак бўлиб ётади. Нафосат эрига анграйиб, ҳайрона қарайди)*

Ш а р и ф (ўқрайиб) Ҳа, нима гап? Нимага анграйиб турибсан? (секин эмаклаб сўри остидан чиқади)

Н а ф о с а т Шарифжон ака, яна йўқолди! Ойимлар энди баттар ишонмайдиган бўлдилар! Бирин-кетин ҳамма нарсаларим йўқоляпти! Қўйган жойимда йўқ.

Ш а р и ф Нималар йўқоляпти? Нимага шазъма қиляпсан?

Н а ф о с а т Кечадан бери кўрманга берилган тилло билакузагимни то-полмаяпман! Йўқ! Аввал сирға, ундан аввал узук! Ундан аввал пул! Нақотки мен ўз нарсамни ўзим ўғирласам?! Наҳотки мен ўғри бўлсам?!

Ш а р и ф Ким сени ўғри деяпти? Йиғиштир бу гапларни! Сен билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтим йўқ!

Н а ф о с а т Шарифжон ака, ахир йўқолаётган нарсалар муқаддас! Бу нарсалар бизнинг бахтли кунларимиздан нишона-ку ахир! Бошим қотди. Энди бу билакузукни йўқолганини оймга қандай айтаман? Нима дейман? Ёрдам беринг, Шарифжон ака!

Ш а р и ф Сенга қандай ёрдам берай? Нима, сени нарсаларингни мен ўғирлабманми? Вой-бўй! Одамнинг жонимас-ку! Қўй шуни, бекорга бошимни оғритма! Топилиб қолар.

**Н а ф о с а т** Одамнинг жонимас дейсиз, лекин менинг ҳаётим ана шу матоҳларга боғланиб қолди! Оиламиз барбод бўлиши мумкин! Шарифжон ака, нега лоқайдсиз?! Нега тушунмайсиз?! (сукунат) Кейинги пайтларда жудаям ўзгариб қолдингиз. Уйга кеч келадиган, айрим кунлари келмайдиган ҳам бўлиб қолдингиз! Агар ўзим индамасам, мен билан сираям гаплашмайсиз ҳам ҳатто!

**Ш а р и ф** Мени ойна-оғайниларим ўтиришга таклиф қилишса, рад қилишим керакми? Ваҳима қилма! Менда ҳеч қацақа ўзгариш йўқ! Ўзинг ҳам тажангсан!

**Н а ф о с а т** Ахир мен ўғри бўлиб қолаяпман, ўғри! Ўзингиз ўйланг, бу хонадан мен келганга қадар ҳеч нарса йўқолмаган, ўғирлик содир бўлмаган! Тушунсангиз-чи, Шарифбой ака! Ойим ҳақлар! Гумонлари ҳақ! Ҳаммаям шундай ўйлайди ахир! Онанг келгандир, сингилларинг келгандир! Қариндошларинг келгандир дейдилар, шумоёқсан делдилар! Буни устига яна ўғирлик! Ота-онамга нима дейман?! (кўзига ёш олади) Бу кунларни кўрганча, ўлганим яхши! (йиғлайди)

**Ш а р и ф** Йиғини тўхтат! Сени йўқотган нарсаларинг учун бошимни қотириб ўтиришга вақтим йўқ! Сени тақинчоқларинг қаерга йўқолганини мен билмайман! Агар мендан гумон қилаётган бўлсанг, милиса чақир! Мени қаматгин! Тушундингми?! Мен кетдим, зарур ишларим бор.

**Н а ф о с а т** Қандай даҳшат! (хазин мусиқа аста бошланади) Беайблигимни қандай тушунтирсам экан?! Нима дейман?! Беғубор орзуларим чил-парчин бўлса! Наҳотки бизни бахтимизни кўролмайдиган одам бўлса?! Бу қандай бедодлик! Кимга арз қилай, кимга дод дей?! Кўз тегдими, туғилмаган болага исм қўйиб, кун бурундан қаттиқ суюндикми ё?! Майли, мен кетман! Хайр меинг ушалмаган орзуларим! Сўнган бахтим, хайр! (Нафосат сўз бошлаганда кийиниб чиққан Саид қора саҳна четида кўринади ва унинг сўзларини эшитиб туради)

**С а и д** Юр қизим, ўзим сени уйинга олиб бориб келаман. Сен ҳам бу ерда жудаям қийналиб кетдинг... Юр қизим, юр...

*Мусиқа кучаяди*

Аванпарда

## 5-Кўриниш

*Аванпарда олди. Хиёбонда Мирзо ва Сардор турибди.  
Шу пайт шошиб Шариф кириб келади.*

**М и р з о** (Сардорга) Бор, атрофдан кўз-қулоқ бўлиб тур!  
Сергак бўл! Ҳозир аҳвол қалтис! Ўйин қарама! (Шарифга) Олиб  
келдингми?

**Ш а р и ф** Нимани?

**М и р з о** Нимани бўларди?! Пулни-да! Қарзингни, айтаяпман,  
қарзингни?!

**Ш а р и ф** (тилло билакузукни бериб) Мана, бори шу, буниям  
зўра эпладим!

**М и р з о** Эй, нима бу? Қарзингни қанча эканлигини биласанми  
ўзинг? Нима, сен мени мазаҳ қиялпсанми? Эй, галварс, ландавур,  
лапашанг, кўзингни оч! Бўлмаса, ўзим очиб қўяман!

**Ш а р и ф** Бошим қотиб қолди! Ертўладаги бари қимматбаҳо  
нарсаларни сотиб бўлдим, гумдон қилдим! На гилам қолди, на сервиз,  
на магнитафон! Бари сув текин кетди! Хотинимнинг ҳам  
тақинчочқлари қолмади! Ҳеч нарса қолмади! Қарз берадиган одам  
ҳам йўқ! Нима қилиш керак?! Нима?! Қасрдан оламан?!

**М и р з о** Менинг нима ишим бор! Қасрдан олсанг, шу ердан ол!  
Лекин қарзни тўла! Рафиқни биласанку! У билан ҳазиллашма! Йўқ  
қилиб юборади! Тавба! Йўқ—йўқ дейсан! Отангни бойлиги етти  
пуштига етади! Нима деб юрибсан?!

**Ш а р и ф** Гапираверма! Сенга осон! Ахир уйда пул йўқ!  
Ҳаммасини олиб бўлганман! Энди уйдан қочиб юрибман! Хотиним  
бўлса кетиб қолди, бутунлай кетиб қолди! Нима қилишга ақлим  
етмайди, бошим гаранг!

**М и р з о** Демак, йўл топин керак! Йўл топиш керак!

**Ш а р и ф** Қандай йўл?! Нима қилиш керак?

**М и р з о** «Волга!» Отангни «Волга»си сенинг номингда-ку,  
шуни йўқот! Қарздан ҳам қути-ласан, майишатингга ҳам етади!  
Харидорни ўзим топаман!

**Ш а р и ф** Қандай бўларкин? Дадам машинасиз қолса нима  
бўлади?

**М и р з о** Даданг соғ бўлса, машинасиз қолмайди! Яна ўйлаб  
кўр, машина азизми, ё жонингми?! Бошим омон қолсин десанг,  
ҳаракат қил, ҳў, бола!

**Ш а р и ф** Бошқа илож ҳам йўқ! Майли розиман! «Волга»ни  
чиқариб, бозорга бориш керак!

М и р з о Бозорда ҳеч гап йўқ, алданасан! Машинани ҳужжатлари билан шу ерга олиб кел! Уёғини ўзим тўғрилайман!

Ш а р и ф Бўпти... (Мирзога илтижоли боқади)

М и р з о Ҳа! Яна нима гап?!

Ш а р и ф Қарзига... Бир тортмасам ўлиб қоламан! Жон дўстим, кийнама, бер! Машинани олиб келаман ледим-ку!

М и р з о (яна бироз ялинтириб) Майли, бу охиригиси! Қарзга бошқа бермайман!

*(У кичик оқ пакетчада героин узатади. Шу пайт даҳшатли мусиқа янграйди. Милициянинг «Сирена» товуши. Бақирганча С а р д о р киради)*

С а р д о р Мирзо ака! Шариф ака! Қочинг! Атрофни милисалар ўраб олишяпти! Қўлга тушганга ўхшаймиз!

М и л и с а (овози) Қаршилик кўрсатиш бефойда! Қўлларингизни бошингизга қўйиб, ерга ётинглар! Акс ҳолда ўт очишга мажбур бўламыз! Махсус отряд томонидан атроф ўраб олинган! Ерга ётинглар! Ётинглар деяпман!

*Мусиқа кучаяди.*

Аванпарда кўтариллади.

## 6-Кўриниш

*Саид қора хонадони. Онағул бетоб, диванда ётибди. Саид қора курсида гамгин, букчайиб ўтирибди. Уйда кўзга ташланадиган қимматбаҳо нарса йўқ.*

С а и д Нима қилдик хотин? Бу ётишинг бир дард, келинни кетгани бир дард, Шарифнинг қамалани яна бир дард! Ҳамма фарзандим бўлсин деб ният қилади. Агар фарзанд Шарифдек ноқобил бўлса, ундай фарзанднинг боридан йўғи!

О н а г у л (йиглаб) Ҳаммасига мен сабабчи, дадаси! Келинни ўғри тутдим! Шарифбойга сиздан ўғринча пул бердим, эркаладим! Киймадим-кийдирдим! Емадим-едирдим! Мени кечиринг дадаси! Мен ҳар қандай жазога лойиқман!

С а и д Кўйсангчи! Сендан ҳам мендан ҳам ўтди Қачон қўлдан чиқаз-дик? Қачон?! Нима етишмади унга?! Данғиллама участка, импортний машин, сулуздай келин. кўғирчоқдай қиз! Яйраб яшаса бўлмасмиши? Кўзим боғланди! Айб асли сендамас, менда, хотин, менда! Машинани сотди шу оғуни деб! Гулдай хотинидан, фарзандидан айрилди шу оғуни деб! Келиб-келиб шу оғуни деб маъна ҳозир турмада ётибди!

Онагул Биз кимга ёмонлик қилдик, эй Худо! Нега бизни бунча азобларга гирифтор эдинг?! Бунча қаҳринг қагтиқ бўлмаса, эй Тангрим! Не қилмоқ керак? (қагтиқ инграб) Қандай чидаш мумкин?! Аввалингни бергунча, охиригни берсин де тўғри айтади одамлар! (жимлик) Дадаси, ҳой дадаси, кўзим очиқлиғида, шу бегуноҳ келинимиздан кечирим сўрасак, кечирармикан? Бир куним борми, икки куним борми, неварамни бағримга босишдек бахтни туйиб ўлсам армоним йўқ эди! Келиндингизни ўзингиз бориб олиб келинг! Бу мени сиздан энг охириги илтимосим! Беайб келинимдан кечирим сўрамоқчиман! (Секин мусиқа бошланади)

Саид Тушқунлигингни йиғиштир! Майли, келинни ўзим бориб олиб келаман!

Онагул Барака топинг! Бошингиз омон бўлса, нарсаям бўлар, ўғлимиз ҳам келар, невараларга тўй ҳам қиларсиз... Ўзингиз бош бўларсиз... Келинимизни албатта олиб келинг! Набирамиз, Умиджон биз билан бирга бўлсин!

Саид Орзу-ҳавасни бирга қиламиз, Онагул! Бўлти, мен қудаларниқига кетдим! Сен хотиржам ётавер, тушундингми, тагин... (у ўрнидан туриб, эшик томон кета бошлайди)

Онагул Йўқ-йўқ, сиз ҳеч нарсани ўйламанг! Кутаман. Худо хоҳласа, Умиджонимни бағримга босиб, кейин...

*Мусиқа кучаяди.*

## Аванпарда

### 7-Кўриниш

*Саид. Аванпарда олди. Қора кўчада. Секин чап томонга қараб юра бошлайди. Бир чеккада уни кузатиб турган Мирзо бирдан олдига чиқади.*

Мирзо Ассалому алайкум, Саид ака!

Саид Валайкум ассалом! И-е, Мирзо сенмисан?

Мирзо Ҳа, менман! Таниганингизга шукур! Шарифбойдан салом келтирдим!

Саид И-е, шунақами, жуда яхши, қани юр ичкарига кирайлик.

Мирзо Шошманг, аввал бир гаплашиб олайлик, кейин бир гап бўлар.

Саид Тинчликми? Шарифжоннинг аҳволи яхшими, ахир? Соғ-саломатми? Қийналмай юриблими?

Мирзо (чайналиб) Ҳа, бирга эдик... лекин...

Саид Нима, лекин? Нима бўлди?

М и р з о Лекини шуки, Шарифбой у ерда катталарга қиморда ютқазиб кўйди!

С а и д Ютқазди? Нимани ютқазди? Қамоқда-я? Қандай ютқазди? Ё сиз бошқа бировни айтаётган бўлманг?

М и р з о Ўғлингиз билан бирга судланиб, бирга қамалдик-ку! Ҳаммамизни ўша сотди-ку! Жинни бўлганим йўқ! Ўғлингиз Шарифбоини айтаяпман! У картада катта пул ютқазди! Шунини олиб кетишгани келдим! (Оғир жимлик)

С а и д Қанча? Қанча ютқазибди?

М и р з о Ҳеч нарса эмас, битта «Нексия!»—«Донс!»

С а и д «Нексия?!»—«Донс?» Бўлиши мумкин эмас! Сен янглишаяпсан! Йўқ-йўқ, ҳеч ҳам бўлиши мумкин эмас! Алдаяпсан! Шарифжонниям алдаб, йўлдан урган ярамас ҳам сен бўласан, сен!

М и р з о Алдаётганим йўқ! Мана! (битта хатни очиб кўлида кўрсатади ва ўқийди) «Дадажон ушбу борган йигит Мирзожон сўраган ўн беш миллион сўмни бермасангиз аҳволим оғир. Агар мени десангиз ушбу пулни топиб беринг. Ўғлингиз Шарифжон.» Число, ой, йил, соат. Мана, кўринг, ўғлингизни дастхатими, ахир? Яна қандай исбот керак? Ўпкангизни босиб олинг! Мен сиз ҳазиллашадиган одам эмасман!

С а и д (Хатга кўлини чўзади, лекин Мирзо айёрона кўзини ўйнатиб, варақни бермайди) Эй, бадбахт бола! Ў, шўр пешонам! Шўрим курсин! Ойиси бир аҳволда ётганида, бу шум хабар уни тириклайин гўрга тикади! Энди нима қилдим?!

М и р з о Дийдиёнгизни тўхтатинг! Лўлилик қилманг! Муҳлат қисқа! Эртагача топасиз, йўқса!.. Шарифжондан умидингизни узаверинг! Мен сизга айтиб кўяй, қамоқнинг ўз қонун-қоидалари бор, мабодо шартни бажармасангиз, наинки ўғлингиз, ўзингиз ҳам йўқ бўлиб кетишингиз мумкин! Бировларга арз қиламан деб овора бўлманг! Эртага шу пайтда келаман! Ҳали эслатдим, мен сизга олдинги Мирзо эмасман! Шунини ўйлаб иш қилинг. гушундингизми? (кетади)

С а и д (бошини чангаллайди. Мусиқа бошланади. Орқа фонда турма камераси соя орқали берилади. Панжар ортида Шарифнинг изтироблари намоён бўлади) Эй, Худо! Тақдирим курсин. тақдирим! Пешонамда бу қадар оғир мусибатлар бор экан-а! Эй, бола бўлмай, бало бўлган ноқобил фарзанд! Бутун умримга зомин бўлдинг-а! Тириклайин гўрга тикдинг-а! (аста мусиқа бошланади) Эй одамлар! Душманингизни ҳам бошига солмасин бу даҳшатли қора кунларни! Бу оғу вабо билан фарзандларимизни онгини, вужудини

заҳарлаётган, ёвуз ниятли маҳлуқларни нега ер ютмайди. нега?! Нега биз бепарқмиз, лоқайдмиз, эй одамлар? Уларни тухумини қуритиш керак! Битта қолдирмай уйларига ўт қўйиш керак, ўт! Шунда ҳам қалбимда ёнаётган аламли, ҳасратли олов ўчмайди!

*(«Сўнган умидлар» кўшигининг авжи улашиб кетади)*

Аямассан дилбанингдан жонингни,  
Узатгайсан оғзингдаги нонингни,  
Бироқ ичса тириклайин қонингни,  
Бағирни қон этар сўнган умидлар.

Нақорат:

Оёқ-қўлга кишан ўксик умидлар.  
Йиқар тушган кишин сўнган умидлар.

*Муסיқа пасаяди*

Аванпарда кўтарилади

8-Кўриниш

*А в а н н а р д а кўтарилади. 6-қуринишдаги сахна.*

С а и д (бошини чанггалаганча кириб келади беҳолгина чеккада турган телефон рақамларини тиради) Алё, алё! Соиб ака сизмисиз? (ийғламсираб) Тезроқ уйга чиқинг! Тезроқ келмасангиз бўлмайди! Ҳа, жуда зарур гап бор, тез чиқинг! (Телефон дастагини қўяди)

О н а г у л (кўзини очмай) Нима гап, дадаси?

С а и д Ҳеч гап, хотин, тинч ётавер. Менга ҳам шуни тила, жонимдан тўйдим! (жимлик) Адо бўлдим, адо!

О н а г у л Ундай деманг, дадаси!

*(Шу пайт Соиб киради)*

С о и б Ассалому алайкум ука, келин тузукмисиз? Яратганни узи шифо берсин! Омон, Оллоҳу Акбар! (юзига фотиҳа тортади)

О н а г у л Раҳмат... Анча тузукман.

С а и д Валайкум ассалом! Келинг, утиринг ака, анчадан бери биздан хабар ҳам олай демасиз!

С о и б Ҳозир замонни ўзинг биласан, ука! Тирикчилик, болачақа, бозор-ўчар дегандай. Ахир, биз кўпчилик, жўжабирдай жонмиз.

*(Саид қора акаси Соибни чеккароққа тортади)*

**С а и д** Турмадан одам келди! Шарифлан шум хабар олиб келди! Бу ҳайвон қамалиб ҳам одам бўлмади!

**С о и б** Қамокдан! Нима гап? Омонликми? Нима гап? Тушунтириброқ гапир! Бошинга нима ташвишлар тушди? Бу ношуд ўглини яна нима ишлар қилиб қўйибди?

**С а и д** Шунча мол-дунёни совургани етмагандай, турмада шериклари билан карта ўйнаб, катта пул ютқазиб қўйибди!

**С о и б** Шарифинг ҳеч бўлмаса, қамокда одам бўлармикан деб ўйлагандим, минг афсус! (жимлик) Қанча ютқазибди?

**С а и д** Ўн беш милён сўм! Эртага тайёр бўлиши керак! Бўлмаса, Шарифжондан айриламиз!

**О н а г у л** (улар сўзидан илғаб, инграганча) Нима, нима дедингиз? Шарифжонми? Ўн беш милён?! Уф-ф! Ўн беш милён-а?! Вой бошим! Ичим ёниб кетаяпти, дадаси! Сув беринг, сув! Оҳ!

*(Саид қора Онагулни оғзига сув тутиб, тинчлантиради)*

**С о и б** Қандай ютқазибди? Қамокда-я?! Қамок дегани қиморхона экан-да! Шунчаям бало бўладими? Ўн беш милён! Эй, ношуд бола, турмада карта ўйнаб нима қилардинг-а! Ахир, ота-онангни шу ерда куйдирганинг етмасмиди?! (Саидга) Хўш, энди нима қилмоқчисан?

**С а и д** Нима қилардим! Шунинг учун Сизни маслаҳатга чақирдим. Нима қиламиз?

**С о и б** Аввал ўйлаш керак эди, ука! Қандай яхши бола эди-я! Ҳаммасига ўзинг айбдорсан! Болани эркататдинг, қўлига пул бериб, доллар ўйнатиб қўйдинг! Тагида икки-уч машина! Кимлар билан дўст тутинди, кимлар билан борди-келди қилди, эътибор қилмадинг! Лаллайтирдинг, ўелинг наркоман бўлаяпти, бу йўлдан қайтар деганларни ёмонотликқа чиқардинг, ҳатто мениям оғзимга урдинг, ишонмадинг, мана оқибати! Энди ука, ўзингдан кўр! Пичоқни авнал ўзингга, оғримаса бировга ур!

**С а и д** Мен сиздан ақл эмас, маслаҳат сўраяпман, маслаҳат!

**С о и б** Келиб-келиб энди мендан маслаҳат сўраяпсанми? Пулинг сандиққа сигмаётганида маслаҳатгўйларинг кўп эди-ку! Мендан маслаҳат, пул сўрамоқчи бўлсанг, менинг ўнта болам бор! Беролмайман!

**О н а г у л** («ух» тортиб) Жаңжаллашманг, эй дадаси!... Акамни хафа қилманг. урушманг! Пул ўлсин илойим! Вой-вой жоним!.. Боламини йўлдан урганларни уйи куйсин ило-йи-и-м... Вой-вой!



Мендан рози бўлинг да...да.....си-и-и... «уф!» («шилқ» этиб боши бир томонга осилиб қолади)

**С а и д** Онагул! Тўхта! Мени ташлаб кетма! Мени ёлғиз ташлаб кетма, Онагул! Онагул, Онагул! Афсус, неки умидларинг сўнди, умидларинг сўнди, оҳ, Онагул!..

**С о и б** Келин! Келин! Ука! Ука, энди бардам бўл, сенга тўзим берсин!...

*(Музиқа кучаяди. Олисдан лейтмотив «Сўнган умидлар» кўшиғи эшитилади. Хаёлдаги фаришталар рақсга тушиб, Онагул, Саид, Соиблар атрофида айланадилар. Саид қора Онагулни кўзини юмади, иягини боғлайди. Соиб майитнинг қўлини туғрилаб, оёғини жуфтлаб боғлайди.*

*Кимларгадир телефон қилади. Бошларини эгиб ўтирадилар. Кўшиқ авжиди саҳна аста қоронғулаша бошлайди. Кўшиқ давомида парда аста-секин ёпилади)*

Дилни вайрон этар сўнган умидлар,  
Хуни гирён этар сўнган умидлар,  
Зори нолон этар сўнган умидлар,  
Бағирни қон этар сўнган умидлар.

Нақорат:

Оёқ-қўлга кишан сўнган умидлар,  
Йиқар тушган кишин сўнган умидлар.

Аямассан дилбанингдан жонингни,  
Узатгайсан оғзингдаги нонингни,  
Бироқ ичса тириклайин қонингни,  
Бағирни қон этар сўнган умидлар.

Нақорат:

Оёқ-қўлга кишан ўксик умидлар,  
Йиқар тушган кишин сўнган умидлар.

Парда

ТАМОМ

2001-2007 йй.

# Филм сенарийлари

---

## Довдир

(музиқий киносценарий)

Қатнашувчилар:

Ш а ҳ р и ё р — талаба  
Г у л з о д а — талаба  
Ж а м ш и д — талаба  
Ҳ а м и д — талаба  
С а р в и н о з — талаба  
Х о с и я т - талаба  
Н о т а н и ш қ и з — жабрланувчи  
Ч о в г у м л и қ и з — талаба  
1-в а 2- Й и г и т — йўлтўсарлар  
Ш о ҳ и с т а а я — Шаҳриёрнинг ойиси  
Д о м л а — Университет ўқитувчиси

Шунингдек, яна бошқа талабалар, эстрада кўшиқчилари, тансоқчилар, бозордаги арқон сотувчилар, тиббиёт ходимлари, қишлоқ одамлари, муллаю оқсоқоллар қатнашадилар.

1. Университет ётоқхоналари. Экранда: Лирик, юракка нафислик туйғусини бахшида этадиган куй фониди катта шаҳарнинг қад кўтармиш серҳашам бинолари, катта кўчалари, ости-устидан машиналар ўтиб турган кўприкли йўллари. бодом, ўрик гулларига бурганган баҳорий боғлари, илк баҳор нафасидан баҳраманд одамларнинг хуш кайфиятда юрганлари. чойхоналарда қаҳқаҳа отиб кулишиб ўтирганларнинг жўшқин ҳолатлари намоеън бўлиб, камера талабаларнинг кўп қабатли, деразалари бир-бирларига қараб турган қатор ётоқхоналарини кўрсатади.

2. Экранда: Ётоқхонанинг юқорги қабат деразаларидан бири олдида рўпарасидаги бошқа ётоқхонанинг деразасига термулиб хаёл суриб турган йигитни олади. Йигитнинг исми Шаҳриёр. Дастлаб уни деразадан кўриниб турган, яъни гавдасининг юқори қисми кўрсатилади. Узун бўйнига оғирлик қилиб тургандай катта боши хиёл бир томонга қийшайган. Тўмтоқ бурни устиди қадимги пенснега ўхшаш кўзойнак, узунчоқроқ юзига мос эмас. Юз-кўзларида одамни раҳмини келтирадиган ёлворишнишинлик баробарида ажиб бир сокинлик мавжудлиги кўзга ташланади. Елкари осилган, эгнидаги уй кийими ночоргина эмас, бироқ андак беўхшов.

3. Ётоқхона. Камера Ш а ҳ р и ё р қараб турган рўпарадаги бинога ўтади. Қарама-қарши деразда бир қиз пайдо бўлади. Қизнинг исми Г у л з о д а . Қиз бениҳоя гўзал. Катта-катта қора кўзларида бир олам севинч. У бари нарсдан бахтиёр. Эгнидаги кийимлари бежирим, бироқ оппоқ бўйнида маржон, кулоқларида қимматбаҳо тақинчоқлар йўқ. Гулзоданининг Шаҳриёрга қараб кулиб қўйгани кенг планда кўрсатилиши билан камера Шаҳриёрнинг хаёлий кўриниши олади.

4. Чинорлари баланд катта хиёбон. Шаҳриёрнинг хаёли: Хиёбон саҳнида Наврўз шодиёналари бўлмоқда. Катта тош қозонларда сумалақлар қайнапти. Йигит-қизлар шолумонлик ила сумалақларни булайдилар. Ш а ҳ р и ё р баланд супага қўйилган тахтсимон серҳашам курсида, шаҳзодалар кийимида ўтириб, бўлаётган томошани завқ билан қўзатяпти. Ён томонда икки чинор шоҳларига арқон ташланган арғумчоқларда бошларига гуллардан чамбарак

қўндирилган, қулоқларига гуллар қистирилган бир гуруҳ қизлар ипак, харир куйлақларини хилпиратиб шўх-шодон учишмоқда.

5. Экранда: Чинорлари баланд катта хиёбон. Қадди қомати расо, баҳорий либоси бўйига ярашиб турган Гулзода. Гулзода қўшиқ айтиб Ш а ҳ р и ё р томонга кела бошлайди.

Келинг, айтайлик қасида Наврўзга эҳтиромлар,  
Илк баҳор борасида Наврўзга эҳтиромлар.

Ахир қаранг чор тарафга ранг-баранг бўй таратмиш,  
Гуллар қарашмасида Наврўзга эҳтиромлар.

Сарвиқад сарвларнинг розин тоғдан туширмиш,  
Шалолалар сасида Наврўзга эҳтиромлар.

Боғларга файз бахшида гуллар бўйидан сармаст,  
Булбуллар навосида Наврўзга эҳтиромлар.

Хуллаи шодумонлиг кийган гўзал оламнинг  
Мунаввар нафасида Наврўзга эҳтиромлар.

Сархуш бўлиб сабонинг субҳи нашиласидан,  
Битик битмиш иншосида Наврўзга эҳтиромлар.

6. Кадрда: Чинорлари баланд катта хиёбон. Раққоса қизлар қўшиқ ижроси пайтида Гулзодани атрофида ўйнаб Шаҳриёр олдига олиб келадилар. Гулзода маликаларга хос эгилиб, Шаҳриёрни арғумчоқ учишга таклиф қилади. Шаҳриёр тахт ёнида турган йигитларига виқор билан назар ташлайди-да, бир-бир босиб, Гулзода олдига тушади. Энди раққосалар Шаҳриёр билан Гулзода иккови атрофида, аввал алоҳида-алоҳида, кейин икковини бирга ўртага олиб хиром этадилар. Бу қўшиқ вальс куйида бўлгани учун Гулзода билан Шаҳриёр ҳам ҳар ер-ҳар ерда бир-икки айланиб рақсга қўшиладилар. Тахт ёнидаги Шаҳриёрнинг йигитлариям қизлар белидан ушлаб вальсга тушадилар. Ана шундай шодлик кайфиятида улар икковини ҳашаматли безатилган арғумчоққа миндирадилар ва бор кучлари билан улар минган арғумчоқни баландлатиб учирадилар.

7. Ётоқхона. Шаҳриёрнинг деразаси олдида хаёл суриб турган илкки ҳолати кўрсатилади. Шаҳриёр мийғида кулиб. «шаҳзодалигидан» ҳозирги ҳолатига ҳеч қайтгиси йўқ.

8. Ётоқхона. Ўзининг деразаси олдида дарсга кетиш кийимни кийиб олган Гулзода. У Шаҳриёрга қўлини кўтариб, кетяпман маъносидида қўлини силтайди.

9. Ётоқхона. Ш а ҳ р и ё р хомушгина кийиниб, эгнига олмигина сумкасини илдириб, пастга туша бошлайди. Унинг нозик тиззалари худди янги туғилган тойчоқ оёқларидай, тиззалари бири-бирига яқин, одимлашим буўхшов, оқсоқ. Бўйиям букчайганидан хаёлида ҳозиргина тахт устида ўтирган шаҳзодалан катта фарқ қилади. Кўрган одамни раҳми келмай иложи йўқ. Лекин унинг юриш тарзида, ўзини кўрганлар билан қилган муомаласида ачиништалабмас, аксинча ўз кадр-қиммати оёқ ости қиладиганлардан эмас, балки ҳали хаёлларидан фориг бўлолмастганидандир.

10. Университетнинг катта аудиторияси. Ўрла яшар домла талабаларга дарс ўтяпти. Кимлардир ёзаяпти. Кимлардир бировларга ҳалақит этмаган ҳолда аста шивир-шивир қилишяпти. Чеккадаги йигит орқароқ ўриндикда ўтирган қизга кўзини хиёл қисиб қўйди, қиз жавобон қошларини чимирди. Камера йирик планда аввал Гулзодани, сўнг Шаҳриёрни олади. Сўнг Гулзодани олади. У бошини хиёл эгиб, булимсиратанча домлани тинглаб, лекциясини ёзаяпти. Шаҳриёр бошқа бир нуқтага қараб жимгина ўтирибди. Энди экранда гапириб турган домла.

Д о м л а (сўзлашдан тўхтаб, Шаҳриёрга юзланади) Ҳў, йигит! (Шаҳриёр эшитмайди. Домла овозини кўтариб) Ҳў, яхши йигит. (Шаҳриёр мислами ишорасини қилади) Ҳа, сиз. Қани, ўрнингиздан бир тулинг! (Шаҳриёр ўрnidан туради. Талабаларнинг бировлари анграйиб, бировлари уни масҳара қилгандай қарашади) Қани, айтингчи, сизни нега турғизганимни биласизми?

Ш а ҳ р и ё р Албатта!

Д о м л а (қизиқсиниб) Ҳўш, ҳўш?

Ш а ҳ р и ё р Мен нима деяётганимдан беҳабар бу гофил банданимага хаёл суриб ўтирган экан дея ўйлалингиз. Бу болани бир одобини бериб қўйяй дея хато фикрлаганингизни тузатмоқ балки ножоиздир, негаким одобини эмас, таъзирини бериб қўйяй дея фикрлашингиз лозим эди.

Д о м л а Нега энди мен нотўғри фикрлар эканман. Демак, сиз мен айтаётган мавзунини бошиданоқ эшитмабсиз-да.

Ш а ҳ р и ё р Аксинча, бир вақтнинг ўзида, ҳам гапиришиб, ҳам овқатланиб, ҳам бировларга иш буюриб ўтирадиган одамлар ҳаётда оз эмас.

Д о м л а Масалан, Юлий Цезар...

Ш а ҳ р и ё р Нега энди фақат Юлий Цезар? Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Румий ва ҳоказо.

Д о м л а (жаҳли чиқиб) Хўш, тўрт қулоқ биродар, мен айтган охирги жумлани такрорланг-чи!

Ш а ҳ р и ё р Жаҳлингиз чиқмасин, домла. Дуруст, сиз айтаётган «жир» асли туркий сўз бўлиб, менга ўхшаган қоқсуяклар учун айтилса, тўғри маънога эга бўлади. Ўн биринчи асрда Маҳмуд Қошғарийнинг луғатида қайд этилган. «Қутадғу билик» домла, сиз айтгандай, Маҳмуд Қошғарийники эмас, Юсуф Ҳос-Ҳожибники, қолаверса, талаффузда «и»га салгина урғу берилмаса, бу сўз тўполон, ғавғо маъноларини беради, «ж» қаттиқ айтилса, маъноси «ёғ», «мой» бўлгани билан русчага кетиб қолади, сағал юмшоқ айтмоқ лозим бўлади.... (жимлик) Узр...

*Аудитория сув сепгандай жим. Кейин бирдан танаффусга кўнғироқ бўлади ва ҳамма талабалар ола-говур билан ўринларидан кўзғалишади. «Қойил!», «Вой, нисмиқ-ей!», «Бу чўлоқда гап кўп!», деган хитоблар турли жойлардан эшитилади. Домла андак саросималаниб, дафтарларини йиғиштириб, нимлардир дея норозиланиб чиқа бошлайди. Бўшаб қолган аудиторияда ёлғиз Шаҳриёр қолади. Салдан кейин ташқарига чиқиб кетган Гулзода қайтиб, унинг олдига келади.*

Г у л з о д а Нима қилиб ўтирибсиз? Кетдик.

Ш а ҳ р и ё р (узр сўраётгандай) Сал қўполлик қилмадиммикан деб хижолат чекапман.

Г у л з о д а Ҳеч ҳам, қўполлик қилганингиз йўқ. Асли, шу домлага бу жазо ҳалиям кам. Ўзини химиясини ўтиб кетаверса бўлмайдим. Тавба, ҳар гал, билимдонлик қиламан деб, бошқа мавзуларга ўрлаб, чалкаштириб юради.

Ш а ҳ р и ё р Барибир, Гулзода, у кишига таъжим қилиш керак. Лекциям қизиқарли бўлсин деб шунақа қилади. Ўз устида кўп ишлайди.

Г у л з о д а Эҳ, Шаҳриёр-а, жуда доносив-да. (ноз билан) Бунча гапни қаердан биласиз, а? (ўрнидан туриб) Қани, менинг кўнгилчан ғамхўрим, юринг, (ҳазилга буриб) Сизни букк ишлар кутмоқда!

*(Шаҳриёр кулимсираб унга шодангиз боқади ва аста ўрнидан туриб, орқасидан юра бошлайди)*

11. Ётоқхоналарнинг спорт майдончаси. Талаба йигитлар тарафма-тараф волейбол ўйнашяпти. Мусобақа эмас, шунчаки машқ

ўрнида ўйнаётганидан томоша этаётган талабалар гоҳ-гоҳ дакки беришяпти. Кимлар тик турган, кимлар скамейкаларда ўтириб ўйинга аралашади. Шаҳриёр билан Гулзода ёнма-ён ўтириб ниманидир баҳслашш борасида ўйингаъям эътиборларини қаратиб қўядилар. Ўйин бироз давом этади. Шаҳриёрнинг ҳамхоналари Жамшид, Комрон, Ҳамишлар вақти-вақти билан тўпни қабул қилишда ёхуд уриш пайтида кенг, йирик планда олиб кўрсатилали. К о м р о н тўп урганда Гулзоданинг ҳавасли боқиши, Комрониям Гулзодага бефарқ эмаслиги алоҳида бир-икки бор кўрсатилади. Ўйин давом этиши асносида Шаҳриёрга Гулзода унчалик эътибор бермаётганидан Ш а ҳ р и ё р бироз ранжийди. Буни сезган Г у л з о д а уни ўйингоҳдан аста ётоқхона томон бошлайди ва йўл-йўлакай хайрхоҳона боқиб бир нималарни илтимос қилади.

12. Ётоқхона олди. Г у л з о д а Шаҳриёрни ётоқхона олдида қолдириб бирпасга кириб кетади ва тезда қўлида дафтарлари билан қайтиб тушади.

Г у л з о д а (қўлидаги дафтарни бериб) Жо-он Шаҳрижон, илтимосим шудур. Йўқ демасиз, мана шу курс ишим орқага сурилиб боряпти... Тўғриси айтсам, тишим ҳам ўтинкирамаяпти, сиз билан бирга ўтирай десам, зарур ишларим ҳам йўқ эмас...

Ш а ҳ р и ё р (мийғида кулимсираб) Майли. қиз ўртоғим, курс ишингизни бажаришга уриниб кўраман...

Г у л з о д а (навозиш билан) Сизни меҳрибонлигингиз, бағрикенглигингиз олдида Хотами той ҳам ўтаверсин, раҳмат... Эртаиндин обормасам...

Ш а ҳ р и ё р Хотиржам бўлинг, ҳаракат қиламан.

Г у л з о д а Яхшиликларингиз мендан қайтмаса, худодан қайтсин.

Ш а ҳ р и ё р Кўйинг-ей, шуюм яхшиликми. Майли, эртагача.

*(Ш а ҳ р и ё р ётоқхонаси томон кетади, Г у л з о д а у зикидан киргунча жойидан қўзғалмайди. У кириб кетгач, чаққонлик билан волейбол майдончаси томон кетади)*

13. Яна волейбол майдончаси. Ўйин охирлаб қолган. К о м р о н Гулзодани келганини кўриб у томонга қараб юради.

К о м р о н (қувноқлик билан) Муҳаббатингизни қаёққа олиб кетдингиз?

Г у л з о д а (унинг оғангида) Ижодига, халқига!

К о м р о н (киноя билан) Охири бахайр бўлсин ишқилиб.

Гулзода Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Унинг дили поку ўзи поку сўзи пок!

*(Комрон кийимларини сумкасига жойлаб, елкасига ташлайди ва ётоқхона томон юра бошлайди. Гулзода аста унга эргашади.)*

Гулзода Яхшиям бахтимизга Шаҳриёр бор, курсовўйларимга қарашиб юборади.

Комрон Барисини ёзиб, чизиб беради денг.

Гулзода Бошқа ким ҳам қарашарди. Сизлар ҳам унга буюрасизлар.

Комрон Бечорагинангизга!

Гулзода Киноя этманг!

Комрон Қаттиқроқ боғланиб қолманг, дейман-да, Гули.

Гулзода Вой, олсин! Қаердаги қизиқ гапларни топасиз-а Комрон, одамни кулгисини қистаб.

Комрон Лекин унинг қадам олишлари бежо. Сизни биздан қизғанади!

Гулзода (енгил ҳазил билан) Худога шукр! Менинг ҳам ҳимоячим бор экан-у!

Комрон (жиддий) Кинога тушмаймизми, Гули?

Гулзода Қачон?

Комрон Бугун-да! Понорамада «Муҳаббатимсан», экан.

Гулзода (ноз билан) Ҳимоячимдан сўранг.

Комрон Демак, тушамиз. Кийиниб, хув муюлишда кутаман.

14. Ётоқхона. Шаҳриёр ётоқхонада устар устидаги чироқ ёруғида Гулзоданинг курс ишларини муккасидан кетиб ишлаб ўтирибди. Ҳамхоналари ухлаб ётибди. Комроннинг ўрни бўш.

15. Сўлим хиёбон. Кеч оқшом. Комрон билан Гулзода кино таассуротларини гапиришиб, сайр қилиб юришибди. Сўлим хиёбонда Комрон аста Гулзодани аста қўлларини ушлашга ҳаракат қилади, бироқ Гулзода рўйхушлик бермайди, уни хафаям қилмайди, бироқ, олоб билан унихафаям қилмайди.

16. Ётоқхона. Камера диққат билан ишлаб ўтирган Шаҳриёрни олади. У бир зум бошини кўтариб, аввал бир китобни, сўнг бошқа китобларни титкилаб, керакли жойини топиб ўқишди ва ёза бошлайди. Бироздан кейин Комрон кириб келади. Шаҳриёр бошини кўтармайди. Комрон тумбочкани тимирсикилаб емиш излайди.



К о м р о н (қўлига бир бурда нон олиб) Ишляяпсанми, ука чалиш! (Шаҳриёр жавоб бермайди. Комрон чойгумдан бир пиелага сув қуюди) Индамийсан?

Ш а ҳ р и ё р Қиздириб есанг, кострюлда мастава бор.

К о м р о н Қиздириб нима қилдим, маставани совуғиям ширин бўлади.

Ш а ҳ р и ё р (ўйчан) Билганингизни қилингиз...

17. Истироҳат боғи. Боғ ичидаги қўлда Г у л з о д а дутоналари билан қайиқ миниб сайр қилиб юрибди. Бу сайр унинг айтадиган қўшиғи фонида бошланади. Қўшиқ бошланишидан олдин кўк майса устига тўшалган одеялада қўлида китоб билан ўтирган Шаҳриёр кўрсатилали. У Гулзодалар минган қайиққа ўйчан боққача хаёлга берилади.

Шаҳриёрнинг хаёли: Ҳалиям Г у л з о д а қуйламоқчи қўшиқ мусиқаси кетиб туради. Улкан тоғ ёнбағрида Ш а ҳ р и ё р шаҳзода кийимида йигитлари (Комрон, Жамшид, Ҳамид ва бошқалар) билан от устида ов қиляпти. Мусиқа танбур, сато, карнай, сурнай, ноғора, дойралар жўрлигида жанговар оҳангга айланади. Ш а ҳ р и ё р йигитларини ортла қолдириб, бир кийикни қувиб кетали. Кийик бир кўл ёқаси бўйлаб қоча бошлайди. Кўлда Гулзода малика кийимида канизаклари (ҳамхона қизлар) билан қайиқда қўшиқ айтиб сайр қиляпти. Шаҳриёр отдан тушиб, уларни томоша қила бошлайди. Бу пайтда йигитлари ҳам етиб келишади. Гулзоданинг қўшиғи:

Таъзим гулбаҳорларга, зеб бермиш маъволарга,  
Тўлдириб садоларга, соз айтгум саболарга.

Бўлди фараҳбахш боғлар, нозланиб гул, япроғлар,  
Қалбларни ишққа чоғлар, чулғаб шўх наволарга.

Ушшоқа қанот еллар, айтар юракка нелар.  
Ҳаяжондан бу диллар сиғмас ер, самоларга.

Келди дилимга қуйлар, келсанг бўлмасми сен ҳам,  
Айтсак бўлмасми биз ҳам авж бериб ҳаволарга.

*Қўшиқ тамом бўлгач, қизлар қийқиришиб, қирғоққа яқинлашадилар.  
Шаҳриёр йигитлари қуршовида («Елғиз» куйига монанд оҳангда)  
қўлайди, қизлар аста хиромон қиладилар:*

Оразин гулгунлигидин бормикан армони ҳеч,  
Толеъи юксаклигидин кетмагай дармони ҳеч.

Кўз қамашувси нигоҳидин, ажаб тилсим зрур,  
Кўрмадим умрим биноким, бул қалар иншони ҳеч.

Қиймириб боққанида нурланар мардумлари,  
Тоабад шўх кўзлари кўрмагай гирёни ҳеч.

Нурли ҳам олам мунаввар сарвиқадлар бор учун,  
Ае, тангрим этмасун тарк гулчирой дунёни ҳеч.

Бир париким дилрабо, ўшамас маҳвашлара,  
Ўзи якто, сўзи якто, йўқдурур шоёни ҳеч.

Беададурким таҳайюр, бир назар этса малак,  
Бўлмагай бахти кулганнинг шодлигин поёни ҳеч.

Кўшиқ тамом бўлгач Г у л з о д а , маликаларга хос назокатли карашма билан Шаҳриёрга яқинлашади. Шаҳриёр шаҳзодаларга хос виқорли қараш билан севгилиси томон юра бошлайди. Шаҳриёр уни қўлидан ушлаб отга минишга илтимос қилади. Гулзода негадир олоб билан рад жавобини беради. Шаҳриёр бу ҳолга тушункирамай йигитлари томон алаңг-салаңг қарайди. Орқароқда отини жиловидан ушлаб бошини қуйи эгиб турган Комронга кўзи тушади ва бирдан сесканиб кетади. Отининг жиловини маҳкам қисади. Кўзини очса...

Ш а ҳ р и ё р кўзини очса, одеяли устида китобини қўллари билан маҳкам қисиб, хаёл суриб ўтирибли. Кўл ўртасида ҳалиям Гулзода дугоналари билан кема сайрида шоду-ҳуррам. Гулзода Шаҳриёрга қўл силтаб, ҳозир қирғоққа чиқамиз ишорасини қилади.

18. Ётоқхона. Ш а ҳ р и ё р хонасида ёлғиз ўзи мутоала қиляпти. Бироздан кейин ҳавлиқиб Жамшид киради.

Ж а м ш и д Ў, дўстим Исаағжон Ньютонбой! Дарс қиляяпсанми? Яшавор! Бошинг ачиб кетмаганига бутун университет ҳайрон! Компьютерсан, аммо лекин ўзинг ҳам! (Шаҳриёр индамай, унга хаёлчан боқиб ўтиради) Нега индамайсан?

Ш а ҳ р и ё р Курсовўйингга қарашиворайми?

Ж а м ш и д Нега энци? Анови кунги ёзиб берганингга ҳали яна бир ой мақтов эшитсам керак! Раҳматимни қабул қилгайсиз...

Ш а ҳ р и ё р Бўлмаса, нима керак?

Ж а м ш и д Андак хижолатдаман...

Ш а ҳ р и ё р Айтавер, хижолатинг нимаси.

Ж а м ш и д (ялиниб) Анови Гулзоданинг ҳамхонаси бор-ку... Сарвиноз... Шунитугилган куни экан. Стипендиягача минг сўм бериб турсанг яхши бўларди. (Шаҳриёрни бироз жим қолганини эйтиборга олиб) Олдинги олганларимниям қўшиб шу сафар қайтараман. Йўқ демагин. (Шаҳриёр индамай, киссасини ковлаб, сўраган пулини узатади.) Йўқ демаслигингни билардим, раҳмат! Гул олиб қираман! Биласан, уни кўзим остига олиб юрибман!

Ш а ҳ р и ё р У-чи?

Ж а м ш и д (энди дағдаға билан) Кўр эмассан-ку! Ихлосидан бохабарсан! Яна сўрашингга ўлайми! (Жамшид чиқиб кетади.)

*(Хонага салдан кейин, Шаҳриёр олдига Ҳамид кириб келади)*

Ҳ а м и д Хўш, ака мулло Шаҳриёрбой, тинчгина ишляапсизму? Баракалло, баракалло! (шкафдан тоза куйлагини олиб кия бошлайди.) Ўзинг ҳам лекин тирик бўлганида Арастуга дарс берардинг-да!

Ш а ҳ р и ё р Сенгаям пул керакми?

Ҳ а м и д Айни юрагимдурсен! Одамни кўзига боқуб борлиқ фикрини бир зумда ўқишингга қойил қоладурмен! Топдинг, Жамшиднинг кунгли кетиб юрган анаву...

Ш а ҳ р и ё р Гулзоданинг ҳамхонаси, Сарвиноз.

Ҳ а м и д Ўлманг, Ньютонбой, ўлманг! Ана шул паризод учун бўлмаса ҳам, ҳамхонамиз Жамшиднинг ҳурматига бормасак бўлмас... йўқса, унинг тугилган куни менга зарил келибдирму.

Ш а ҳ р и ё р Қанча?

Ҳ а м и д Нимадур қанча?.. Ҳа, пулму? Кўпмас, беш юз бўлса етур, ўзимдаям пича бор. Стипендияда албатта қайтараман. (Шаҳриёр бир нима демоқчи эди, уни гапиртирмайди) Иннонавер бу сафар юз фойиз қайтарурмен, гап тамом, вассалом. (Шаҳриёр бироз ҳаяллаб, сўраган пулини чўнтагидан чиқариб беради. Ҳамид пулни олгач унинг бу ҳаяллашига бироз жеркади) Худди бир милён бераётган одамдай керидурсен, на мунча?!

Ш а ҳ р и ё р Керилганим йўқ... Ўзимдаям қолмади ҳисоб. Ҳали Комрон ҳам келар, ахир уям Жамшид учун қайишмаса бўлмас.

Ҳ а м и д Кесатмагин, мавлоно, кесатманг. Сизга бу янглиг кесатиғ ярашмайдур. Хохласанг сен ҳам юр.

Ш а ҳ р и ё р Сенга айтишга тили борган Жамшиднинг менга қараганда...

Ҳ а м и д Ҳеч ҳам-де, мавлоно, мен ўзим, ўз инсиятивим билан борилман. Бўпти, дарсингдан қолма, сен биз учун қўп ўқишинг лозимдур! ( чиқиб кетади)

*Шаҳриёр аста ўрнидан туриб дераза олдига келади. У рўпарадаги ётоқхона деразасига энди қарайман деганда, юзига қувноқ тус бериб, Комрон спорт кийимида, қўлида сумкаси билан кириб келади. Шкафдан кийимларини ола бошлайди.*

Ш а ҳ р и ё р Туғилган кунгами?

К о м р о н Ким айтди, Гулзодами?

Ш а ҳ р и ё р Йўқ, Жамшид билан Ҳамид кийиниб кетишди.

К о м р о н Сенга айтишмадимми?

Ш а ҳ р и ё р Расмиятчилик юзасиданми, Ҳамид шунчаки юргин деди.

К о м р о н Борвермабсан-да. Мен бормоқчи эмас эдим, Гулзода келасизми, дегандай гап қилди. Иккинчи томондан Жамшид билан ҳамшаҳармиз. Хўш, сендан бир нарса илтимос қилмоқчи эдим...

Ш а ҳ р и ё р Яна пулми?

К о м р о н Шу берган минг сўмингни ўлгунимча юзимга соласан шекилли! Э, айтмайман, тўртгина қатор чиройли шёр топиб бер демоқчи эдим, қўявер, ўзим бир бало қилиб эплайман. Миннатинг курсин! (хийиниб чиқиб кетади)

19. Гулзодалар хонаси. Қизлар ясан-тусанган, хонада шодумонлик. дастурхон байрамона безатилган. Лекин ҳали ҳеч ким ўтирмаган. Қизлар охирги тараддудларини қилишяпти. Хонага биринкетин совға-саломлар билан Комрон, Жамшид, Ҳамидлар киришади. Сарвинозни туғилган куни билан қизгин табриклашади.

Г у л з о д а (Йигитларга қараб) Шаҳриёр қани?

К о м р о н Зарур ишим бор деди. Бирон жойга кетмоқчи чоғи.

Г у л з о д а Вой! Менинг курсовўйим нима бўлади!

*(Шу пайт Юлдуз Усмонова ижро этган «Санамгина» қўшиғини кимдир магнитофонда қўйиб юборади)*

20. Ётоқхона. Камера пастдан юқорига қараб, Шаҳриёрлар ётоқхонасини олади ва аста—секин кутарилиб экранда қоронғу хонадан рўпарага тикилиб турган Ш а ҳ р и ё р намоён бўлади. Хазин мусиқа фонида унинг ёлғизлик ҳолати, ботиний ғамнишинлиги ҳар тарафидан аста-аста қўрсатилади.

*Камера энди рўпарадаги, Гулзодалар деразасига ўтади. Нурли деразада қиз-йигитларнинг шўх-шодон рақсга тушаётганлари, уларни навбатма-навбат дераза олдига гоҳ яқин, гоҳ узоқлашиб хиромон этишлари кенг, йирик планда намойиш қилинади.*

*Экранда яна қоронгу хона деразасида Шаҳриёр Аста хаёл аралаш «Чапандози гулёр» куйида ушбу кўшиқни хазин овозда хиргойи қйлади. Хиргойи аста-секин авжланиб ҳақиқий ижрога айланади.*

Сани ишқинг мани олам аро девонавор қилди,  
Дамо-дам фикри ёдинг бу ғаму озора ёр қилди.

Берай десамки хуш ишқининг чигал сиртмоғида жонни,  
Бу не ғамза бўйим етмас, олис юксакда дор қилди.

Ҳажр васлида эй дилбар, риёзат ҳикматин туйдим,  
Нигоҳингга гадо кўнглум сабрни ихтиёр қилди.

Сабрда эотиқод илми жам эрса ҳамки, эй ошиғ,  
Ки бардошим назар бирлан отиб ўқ тору-мор қилди.

Кима ким бермади дардни, юпанчға муттако бўлмас,  
Муҳаббат завқидан они суво, лаззатга зор қилди.

Санинг меҳринг бида кўзим очилғай олама ҳар тонг,  
Дилим ишқ зикрини такрор нетайки бешумор қилди.

Дегум, гулгун санам, кетмас бесамар нолаи арзим,  
Фақат ёлғиз сани ёдинг кўйингда барқарор қилди.

21. Шаҳриёрнинг қишлоқдаги уйи. Кўшиқ давомида ёнидан бир қадам жилмайдиган кичкинагина кучукчаси, ойисининг тандирда баркашдек-баркашдек ноғларни ёпиши. Ҳавлисининг ўртасидан шилдираб оқиб турган ариқча ёнида икки ўрик дарахти шоҳига арқон билан тўқилган тўр беланчакда (гамашда) ёшгина Шаҳриёр мўъжазгина кўзойнагини бурни устига қўндириб, катта китобни варақлаб ётгани. Боғ эшигидан подадан қайтган ола сигирни «моо»лаб кириб келиши, кучукчани уни олдига бориб, йўл бошлагани... Шаҳриёр анча улғайган, мактаб ўқувчиси. Мактабдан суқсурдай, жамалак сочли қиз билан қишлоқ йўлида суҳбатлашиб келиши. Ойисини эшик олдига чиқиб, уларга ҳавас билан қараб туриши ва ёнидаги қиз бирдан Гулзодага айланиб, уялганидан чопиб қочаётиб, бирдан осмонга кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлиши акс этади. Кўшиқ тамом бўлганда экранда хаёл суриб турган Шаҳриёр намоён бўлади. Энди унинг хаёли ўзгариб кетгани кўрсатилади.

Шаҳриёр хаёли. У оқ куйлак, қора капалак галстук, қора костюм-шимда, келишган ҳолатда ўзини ҳозиргина давом этаётган Гулзодалар хонадонидаги таваллуд кунга эстрада кўшиқчиси Феруза Жуманиёзова (ёхуд бошқа) кўлида гулдаста, ёнида қора костюм, кўзларида қора кўзойнакли икки барзанги тансоқчилар билан кириб келади. Ҳаммалари ҳангу-манг бўлиб, лол қотиб қолади ва севинганларидан уларни ўтиришларига муносиб жой тополмайдилар. Кўшиқчи кўлидаги гулдастани Гулзодага тақдим қилади. Гулзода машҳур хонандани танимасаям, туғилган кун уники бўлмасаям, гулдаста тақдим қилинишидан беҳад хурсанд бўлиши баробарива қаттиқ ҳайратланади, сўнгра дугонасига беради. Дугонаси «Йўқ, йўқ, бу сизга аталган. дугонажон, мен сира хафа бўлмайман», деган илтофотни билдиради. Шаҳриёр стол тўрига ўтиб, ёнидан машҳур хонандага жой беради ва сиполик билан давра қатнашчилари мурожаатига бир-бир илиқ муносабат билдиради. Бари қатнашчилар унинг ишорасига мунгазир. Хонанда яна кўшиқ айтиб берсин дея илтижолу боқишади, Шаҳриёр майли дегандай хонондага рухсат беради. Хонанда ўзининг машҳур «Ёрни гули галди, ўзи галмади» кўшиғини ижро қилади, қизлар рақсга тушади. Хонанда нозу-карашма ила ўйинга тушаётиб, Шаҳриёрни рақсга таклиф қилади. Шаҳриёр рақсга тушганда ҳамма давра олиб, уни қарсақлар билан олқишлаб турадилар. Гулзода бу ҳолатга ҳасад билан қарайди, сўнг кўз қирини Комронга ташлайди. У ҳам «вой, писмиқ, чалишвой-ей, қойил», дегандай Гулзодага жавоб қайтаради. Кўшиқ тамом бўлгач, хононда дастхат ёзиб берсин дея қўлларида қоғоз, қалам билан Шаҳриёрдан илтимос қилишади, айниқса туғилган куни нишонланаётган Сарвиноз кўлида дафтарча билан «ахир мен дастхат ололмай қолдим—ку», деяётгандай барчага бир-бир анойи қилиб қарайди. Ва ниҳоят барчанинг ҳай-ҳайига қарамай Шаҳриёр хонандани тансоқчилари кузатувида виқор билан олиб чиқиб кетади.

22. Ётоқхона. Шаҳриёр ҳамон дераза олдида хаёл суриб турибди. У хаёлларидан чарчаб, деразадан узоқлашади. У хўрсинганча аста кийиниб, ташқарига чиқади ва хиёбон бўйлаб кета бошлайди. Камера унинг билан ёнма-ён одимлайди. Ётоқхонадан бироз узоқлашади.

23. Хиёбон. Хиёбоннинг овлоқ жойида икки барзанги йигит бир қизни йўлини тўсиб, кўлидан сумкачасини тортиб олаётгани, қулоғидаги зираги, қулларидаги олтин узукларни тортиб олаётгани, қиз қаршилиқ кўрсатётгани, йигитларнинг унга нисбатан куч

ишлатиб, кўполлик билан қилаётган ҳаракатлари йирик планда кўрсатилади. Қизни чинқирмаслиги учун уни оғзини бекитиб, қоронғуликка, йўлакча чеккасидаги деворгул орқасига судраб, ечинтра бошлайдилар. Қиз уларни кўлидан юлқиниб, «дод» сола бошлайди.

Йўлакда кетиб бораётган Шаҳриёр шу пайт Гулзоланинг овозига ўхшаш «Ёрдам беринглар!», деган чинқириқни эшитади. Шаҳриёр овоз чиққан ерга одимини тезлаб етиб боради. Икки йигит бир қизни зўрлашга уриняпти. Шаҳриёрни кўзига булар Гулзолани ечинтираётгандай бўлиб кўринади. Шаҳриёр ўзига хос бўлмаган куч-ғайрат билан, бутун жон-жаҳди билан йигитларга ташланади. Бировининг билагидан маҳкам тишлаб, торта бошлайди. Жон оғриғи билан ҳалиги йигит Шаҳриёрни қайириб, улоқтириб юборади. Шаҳриёр ўрнидан туриб, яна буларга ёпишади. Йигитлар энди чинакамига Шаҳриёрни дўппослайдилар. Йигитлар «бас», дегандай бир-бирига қараб, қизга «бировга айтсанг, ўласан», дегандай пўписа қилиб, кетиб қоладилар. Қийимлари йиртилган нотаниш кўркүвдан дағ-дағ қалтираб, Шаҳриёрни ўрнидан турғазини учун ҳаракат қилади. Оғзидан қон оқаётган Шаҳриёр юмуқ кўзларини очолмай Гулзолани номини бир-икки такрорлайди. Қиз ҳаракатлари билан «кўзингизни очинг, сизга нима бўлди? Каттиқ лат емадингизми?» демоқчидай бўлиб Шаҳриёрга ёрдам кўрсатади. Шаҳриёр қийинлик ила кўзини очса, қиз Гулзола эмас, ҳайратдан ҳангу-манг ҳолатда ўрнидан турмоқчи бўлади, лекин оғрингандан инграб, кўзғололмайди. Қиз уни суяб зўрга ўрнидан турғизади. «Қаерда турасиз?», дегандай қиз қўлтиғидан ушлайди. Шаҳриёр ётоқхона томонни кўрсатади ва қиз ёрдамида юра бошлайди. Қиз ётоқхонага яқинлашганда тўхтаб, Шаҳриёрни орқасидан қараб қолади.

24. Ётоқхона. Гулзолалар ётоқхонасининг деразасидан туғилган кун шодийнаси баравж давом этмоқда. Йигит-қизлар қий-чув билан рақс тушаяптилар.

25. Ётоқхона. Юз-кўзлари кўкарган, лаб-лунжлари шишган Шаҳриёр хонасида кўрпага ўраниб ётибди. Ярим кечада ширакайф ҳолда Комрон, Жамшид, Ҳамидлар чақ-чақлашиб кириб келишали.

К о м р о н (ҳазилнамо кесатиб) Исаакжон Ньютонбой ширин уйқудалар...

Ж а м ш и д Ахир курсовўйларни ишлаб чарчагундурлар.

Ҳ а м и д Уни тинч қўларинг. У бизни мия марказимиз, кўп дам олиши лозимдур.

Ж а м ш и д Гулзодаям рақсни росаям эшиб ташлади-да, энағар.

Ҳ а м и д Тугилгон кун Сарвинозникию Гулзодабону лавранинг гули бўлдилар.

Ж а м ш и д Гулиям гапми, эй ҳазрат Ҳўқандий, тожиси де, тожиси! Сунбулларнинг сарвари, замонанинг хуру париси!

*(Шу найт Шаҳриёр кўрна остида инқиллайди. Йигитлар бепарвогина унга гап ташлашади)*

К о м р о н И-е, Исаағжон Ньютонбой, уйғоқмисиз?

Ж а м ш и д Биз сизни аллақачон еттинчи осмонда туш кўриб, Сулаймондай фалакда сайр қили-иб юрибди деб ўйлабмиз. Узр, узур.

Ҳ а м и д Тушида бир игранганига шунчаму! Билҳақ, шул фақирга тегмасаларини еганларинг сингмайдирму? Ахир шугинанинг тангаи ақчосига баримиз аслзода бўлиб таваллуди тараблиқга борғонимиз ёлгон эрмасдур! Ё нодурустму дегоним?

К о м р о н (Ҳамидни жеркиб, унинг оҳангида) Андак нодурустдур, бўлса-бўлмаса қироат келтиравературғон эй, хушёр Ҳўқандий! Мен ундин ақчо олғоним йўқдур.

Ҳ а м и д Зато, унга чизмангни чиздирадурсен! Ишим битди, эшагим лойдан ўтди, кўзингга чўп тегмасун экан-да, а?

*(Шу ерда Шаҳриёр яна инграйди)*

Ж а м ш и д Исаақжон Ньютонбой, алахсирашни қўй, тур, турақол, физика қонунлари асосида газни ёқи-иб, бир чой қўй. Чанқаб кетдик, бир отамялашиб, чой ичайлик. Тур, турақол энди. (кўрпани кўтариб уни юзини очади. Ҳайратдан қотиб қолади) И-е! Шаҳрибой, сенга нима бўлди?

*(Комрон билан Ҳамид Шаҳриёрнинг юз-кўзларига қараб даҳшатга тушишади)*

26 Ётоқхонасининг вестюбили. Кираверишдаги почта бурчагида стол устидаги хатларни талабалар кўздан кечирипти. Ҳамид Шаҳриёрга тегишли хатни топиб олади.



**Ҳ а м и д** (ўзига-ўзи, хатни уёқ-буёғини кўриб) «Ўҳ-ҳў! Бизни мавлоно Ньюгонбойга ҳам хат келибдур. Хўш, кимдан эрқандур бу? Маъшуқасиданми, ёхуд таниш-билишиданмикин? Э, ҳа-а! узр, узр, муҳтарамми зот, модари бедорларидан эрқан...

*(Шу пайт вестюбилга Гулзода кириб қўлида хат, ўзи билан ўзи гапиришиб турган Ҳамид олдига келади)*

**Г у л з о д а** Мавлоно Ҳамидбей, ўзингиз билан ўзингиз андармонсиз? Хат кимдан?

**Ҳ а м и д** Э, Гулзодахон, келинг, келинг, бул хати лурдона бирлан калтак зарбидин азоб тортиб ётгон ул фақиру ғарибни андак хурсанд қилурмиз! Бул хати зар дардига шифо бўлса ажаб эрмас.

**Г у л з о д а** Қанақа фақир, қанақа камбағал, кимни айтаяпсиз? (Ҳамид гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Гулзода уни кўп сўзлигидан қутилиш учун) Мен шошиб турибман. Шаҳриёр хонасидамикан? Курсовўйимни олиб кетишим керак. Икки- уч кун бўлди дарсгаям чиқмаяпти.

**Ҳ а м и д** Э, ҳали хабарингиз йўқму? Арслонингиз Ньютонбой анча қаҳрамонлик кўрсатиб, андак у ер- бу ерларидан жароҳатланиб, ҳозирги пайтда азоб тортиб ётмоқдаурлар...

**Г у л з о д а** (унинг сўзини бўлиб) Ҳазилингизни қўйинг, Ҳамидбей! Менинг курсовўйим нима бўлади?

**Ҳ а м и д** Курсовўйингиз қапуд бўлди! Исаақжонингиз яхши кўрган қизини безорилардан ҳимоя қиламан деб роса калтакланибдур, бечора.

**Г у л з о д а** Нималар деяпсиз? Шаҳриёрни яхши кўрган қизи! Қанақа яхши кўрган қиз?

**Ҳ а м и д** Сарвинознинг туғилган куни ишим бор деб қолгон эрди. Биз кетгач, у писмиқ ҳам учрашувга кетибдур. Юринг, бирга кириб хатни берурмиз, арслонингиз бир хурсанд бўлсун!

**Г у л з о д а** Боринг-с, нега менинг арслоним бўлар экан. Мен кетдим, кейинроқ хабар оларман... (кетади)

**Ҳ а м и д** (унинг орқасидан) Э, қаёққа шошадурсиз, тўхтанг, ранг кўр, ҳол сўр демушлар ровийлар, бекам. Эҳ, аттанг қаландар қилдию кетди. Қассобга ёғ, эчкига жон, бекам курсовўйининг ташвишдаурлар, эҳ, аттанг, ҳа майли, қани, бораверайлик-чи. (кетади)

**27. Етоқхона.** Ш а ҳ р и ё р қишлоқдан, ойсидан келган хатни ўқияпти. Хат ўқилиши асносида иккинчи планда Шаҳриёнинг

хокисор ойиси ҳар вақт-ҳар вақт бир кўриниб кетади. Хат ойисининг овозида берилади.

«Жоним болам, тани жонинг соғми? Эсон-омон юрибсанми? Ўғишларинг яхшими? Биздан ҳол-аҳвол сўрасанг, шу ўзинг кўрганингдай, аста-аста қимирлаб, тирикчилик қилиб юрибмиз. Шукр пенсимга ун, ёғ беришди, жуда яхши, лекин сенга пул жўнатолмаётганимиздан хафа бўлма, буям ўтгунчи бир гап. Келаси бозор икки хўроз, тўрт ўрдакни сотаман, албатта беш-ўн сўм юбораман, ҳозирча ўнгишиб тур. Ўзинг биласан, тўйга ҳам тайёргарлик кўришимиз керак. Ўғишинг ҳам битай деб қолди. Сенга бир сухсурлай қиз топиб кўидим. Танийсан, Болтабой этикчини қизи...» Ш а ҳ р и ё р хатдан кўзини олиб, хаёлга берилади.

Ш а ҳ р и ё р н и н г хаёли. Шоҳона тўй. Келин либосидаги Г у л з о д а усти очиқ оқ кабриолет-мерседесда қишлоқ кўчасига кириб келади. Кабриолет олди ва орқасида кузатувчи «Нексия», «Матиз» ва бошқа машиналар. Ш а ҳ р и ё р дўстлари Комрон, Жамшид, Ҳамид ва бошқалар безатилаган отларда келин машинаси атрофини бир неча бор айланишади. Ш а ҳ р и ё р гижинглаб турган оқ отда, Комрон ва бошқалар, қора, сарғиш отларда. «Тўйлар муборак» авж билан ижро қилинади. Ш а ҳ р и ё р ойисининг кўзларида севинч ёшларини кўрганидан юраги ҳаприқиб кетади...

28. Ётоқхона олдидаги хиёбон. Бежирим кийинган бир қиз келиб Ҳамидга мурожаат қилади. Ҳ а м и д билан унинг ҳатти-ҳаракатлари тасвирга овозсиз олинади. Яъни, жабрланувчи Нотаниш қиз кўлида пакет билан Шаҳриёрдан хабар олгани келганлиги, Ҳамиднинг шу ётоқхонадан эканлиги, Шаҳриёр олдида ҳозир бошлаб боришлиги кўрсатилади. Йўл-йўлакай овозсиз гапиришиб, юқори қабатдаги Шаҳриёр ётган хона олдига етиб келишади.

29. Ётоқхона. Шаҳриёр хатга тикилиб хаёл суриб ётган пайти. Эшик аста таққиллайди. Ичкаридан жавоб бўлмагач, энди қаттиқроқ таққиллайди. Шаҳриёр овоз беради: «Ким? Кириг!» Эшик очилиб, олдинда Ҳамид, орқасидан йўлда икки йигит томонидан таланган Нотаниш қиз киради.

Н о т а н и ш қ и з Ассалом, кечирасиз, исмингизниям билмайман. Суриштириб келавердим.

Ш а ҳ р и ё р (ўмганини сал кўтариб) Келинг, келинг синглим, ваалакум ассалом, бекор овора бўлибсиз.

*(Ҳамид қизни Шаҳриёрга яна бир бор маъноли, муғомбирона ишора билан кўз қисиб, тезда орқасига қайтиб, чиқиб кетади.)*

**30. Ётоқхона олди.** Ҳамиднинг ётоқхонадан чиқиб Гулзодалар ётоқхонаси олдига келиб, пастдан Гулзодалар деразасига қараб сўзсиз овоз беради. Деразада Гулзода кўринади. Уям имо-ишора билан «Нима гап?», дея сўрайди. Ҳамид кўли билан «Пастга тезда тушишинг, гап бор», дея ишора қилади. Гулзода пастга тушади. Ҳамид унга имо-ишоралар билан Шаҳриёр олдида яхши бир қиз борлигини, ҳозир улар мазза қилиб суҳбатлашиб ўтирганлигини, Гулзода аввалита рўйхушлик бермай, аста-секин Шаҳриёрлар ётоқхонаси томон юра бошлайли.

**31. Шаҳриёрнинг хонаси.** Шаҳриёр Нотаниш қиз билан суҳбатлашашпти.

**Нотаниш қиз** Ўша кунги бўлган воқеадан хижолатдаман. Эртасигаёқ келиб сиздан хабар ололмадим, узр. Уйимдагилар мелисага арз этдилар. Ўша безориларни Эски бозорда қўлга олишибди. Тақинчоқларимни қайтариб беришди. (жимлик)

**Шаҳриёр** Қайтириб беришгани дуруст бўлибди. Лекин сиздай ёшгина бир қизнинг кўнглига гумон, кўрқув ғулувини солишди, ярамас пасткашлар.

**Нотаниш қиз** Ҳалиям бахтимга сиз бор экансиз.

**Шаҳриёр** (хиёл бошини кутариб) Кучим етганда-ку...

**Нотаниш қиз** Ққсиманг, акажон, юракли экансиз, қойил қолдим. Мана-ман деган баъзи забардаст йигитлар ҳам юрак бетлаб, нотаниш бир қиз учун жонини сизчалик куйдармас деб уйладим. Раҳмат сизга! Акажон, ҳалиям кеч эмас, у ғаламисларни қамалиши учун сизнинг гувоҳлигингиз керак экан.

**Шаҳриёр** (анчайин жимликдан сўнг) Синглим, сингилжоним, танингиз соғ, жонингиз омон, тақинчоқларингизни қайтариб беришибди... У адашган бандалар учун эл ичида бадном бўлгани ҳар недан оғир жазодир. Кўйинг, оллоҳ ҳам кечиримли бандасини суяди. Мен ҳаммага йиқилиб тушдим, ҳеч ким билан уришмадим дедим.

**Нотаниш қиз** (бирдан кўзлари нурланиб) Майли, орган ходимлари не қилса, ўзлари билади. Сизга яна бир бора ташаккур! Омон бўлинг. Тезроқ тузалиб кетинг. Ойим билан даламлар ҳам сиздан миннатдорлар, насиб қилса, яхши бўлганингиздан кейин, уйга таклиф қиламан.

*(Нотаниш қиз кетмоқчи бўлиб ўрнидан турган чоғида эшикдан Гулзода кириб келади. Бирпас хонага оғир жимлик чўкади. Шаҳриёр бирдан ўрнидан қузғалади)*

**Шаҳриёр** Келинг, Гулзода, келинг.

**Нотаниш қиз** (икковигаям мурожаат қилиб) Узр, яхши қолинглар, хайр. (чиқиб кетади.)

**Гулзода** (Нотаниш қизни ҳайрат билан кузатиб, сўнг Шаҳриёрга) Тузукмисиз? Келиб ҳолингиздан хабар оломадим. Айбга буюрманг.

**Шаҳриёр** Ҳечқиси йўқ, хижолат бўлманг. Анча яхшиман. Курсовоўйингиз ҳам битмади...

**Гулзода** Ўзим ҳам билгандим. Учрашув турганда, курсовўй ёзишга зарил кебтими!

**Шаҳриёр** Бекорга ранжияпсиз, воқеа сиз ўйлагандай эмас... Мен у қизни умуман танимайман ҳам, билмайман ҳам.

**Гулзода** Бекорларни бештасини айтибсиз, танимасангиз орқангиздан келиб юрармиди. Дидингиз чакки эмас, табриклайман, хайр! (чиқиб кетади)

**Шаҳриёр** (унинг орқасидан) Сиз тушунмадингиз, тўхтанг Гулзодахон, Гулзодахон!..

**32. Кафе.** **Шаҳриёр** билан **Гулзода** музқаймоқ еб ўтиришибди. Уларнинг бир-бирларига қарашларида, айниқса **Шаҳриёр**нинг сирли нигоҳларида Гулзодага нисбатан чексиз муҳаббат туйғуси акс этади.

**Гулзода** Тушундим, **Шаҳриёр**, тушундим. Сиз меҳрибон, олижаном йигитсиз. Нима қилардингиз бировларнинг ишига аралашиб.

**Шаҳриёр** Биламан, Гулзода, биламан. Ўша куни сизнинг деразангизга боқавериб толдим. Азбаройи ёлғизланиб чарчаганимдан кўча айлангани чиққан эдим. Ўша қиз додлагандаям, Гулзода, худди сизнинг овозингиз келгандай бўлди. Менинг тасаввуримда безорилар сизни талаётгандай туюлди. Чидашга бардошга етмади. Уёғи нима бўлганини билмайман.

**Гулзода** **Шаҳриёр**, ҳар нима бўлган тақдирдаям ўзингизни эҳтиёт қилинг. Ахир мен сизнинг ҳаётингизга, соғлигингизга бефарқ қарай олмайман.

*(Лирик мусиқа чалинади)*

**Ш а ҳ р и ё р** Ташаккур, Гулзода, ташаккур. Сизни яқин дўст эканлигингизга шубҳам йўқ. Қишлоқда ёлғиз онам бор. Яқинда хат олдим. Онам, мана ўқишларинг яқинлашиб қолди, мен ҳам келин олиб, орзу ҳавас кўрсам, набиралар суйсам дейди...

**Г у л з о д а** Ҳамма ота-оналар ҳам фарзандларини бахтли кўришни истайди, орзуси шу. Мен ҳам сизни бахтиёр бўлишингизни дил-дилимдан итайман, Шаҳриёр.

**Ш а ҳ р и ё р** Гулзода, сиз менга жудаям ёқасиз... Мени аҳволимни ўзингиз биласиз... Агар сиз мени чиндан ҳам бахтли бўлишимни хоҳласангиз...

**Г у л з о д а** (унинг сўзини бўлиб) Сиз ўзингизни камситманг, Шаҳриёр. Сиз мана-ман деган йигитдан кам жойингиз йўқ. Ҳар қандай қиз сиздай ақлли, билимдон йигитга вафоли бўлса, бахтли бўлади.

**Ш а ҳ р и ё р** Шундайми?

**Г у л з о д а** Шундай Шаҳрижон, шундай! Курсовўй учун раҳмат, миннатдорман. Энди яна бир жиндак илтимосим бор, чидайсиз-да, энди.

**Ш а ҳ р и ё р** Жоним билан, Гулзода, сиз учун ҳар қандай синов, ҳар қандай шарт бўлса бажаришга мана мен тайёрман.

**Г у л з о д а** Биладан, сиз мен учун жонингизниям аямайсиз, (қошларини чимириб, ноз билан) Жонингизни асранг, жонингиз сиз учун ҳам мен учун ҳам керак, Шаҳрижон! Энди охири илтимосим, сиздан бошқа ҳеч нарса сўрамайман. Ўзингиз биласиз... шу диплом ишимни ҳам битказиб берсангиз.

**Ш а ҳ р и ё р** (хурсандлик билан) Бажонидил, Гулзода, жоним билан! Диплом ишим тайёр бўлди деб ҳисоблайверинг!

**Г у л з о д а** Раҳмат, Шаҳрижон, раҳмат! Келинг, шу деганингизга бир ўпиб кўяй! (чеккасидан ўпади. Мусиқа кучаяди.)

33. Кўча. **Ш а ҳ р и ё р** кўча бўйлаб шодон одимлаб келяпти. Ҳамма нарса чиройли. Дарахтлар худди шўх мусиқа оҳангида рақс қилаётгандай, қушларнинг чуғирида бир олам сеҳр. Хуллас, борлиқ дунё чиройли.

34. **Шаҳриёрлар хонаси.** **Ш а ҳ р и ё р** шодмонлик билан ватман қоғозини ёйиб иш бошлаганда хонага Комрон билан Жамшид иккови кириб келади.

**К о м р о н** Ҳа, Исаағжон Ньютонбой! Ишляпсиз! Ишланг, ишланг, кам бўмайсиз!

Ж а м ш и д Кечаям жуда зўр бўлди-да! Музикалар ҳам даҳшат!  
Тани-баданингни қалтиратиб юборди-я! Сен ҳам бало чиқдинг,  
Комронбей! Ўйинниям қойиллатдинг аммо лекин, тасдиқ!

К о м р о н Чиройли мусиқа бўлганидан кейин чиройли рақсга  
тушасан-да, оғайни, озвучание зўр, озвучание! Бух-биш-тсс! Гуп-  
тсс, гуп тсс!

Ж а м ш и д Вей! Жонон ҳам лекин бўйнингдан осиливолиб,  
роса муқом қилди-да, ўзи! Роса ўзиям етилибди аммо лекин!

К о м р о н А, энди, Гулзодаям қомати келишган қиз-да!  
(ШАХРИЁР қулогини динг қилиб, чизишдан тўхтайти) Шу қизни  
бошини айлантриб ўзимга буткул қаратиб олмасам, Комрон  
номимни бошқа қўяман деб айтган-мидим сента, айтгандим!

Ж а м ш и д Аммо лекин сен ҳам келишган йигитсан-да, вей! А-  
а, қишлоқдаги яхши кўрган қизинг нима бўлади?

К о м р о н Нима бўларди? Униси бўлмаса, буниси. Буниси  
бўлмаса, униси. Гулзодани ўзи «Комронжон, сизни яхши кўраман,  
сизсиз менга бу ҳаёт қоронғу», деб кетимдан соядай эргашиб юрса,  
мен нима қилай?

Ш а ҳ р и ё р (бақириб) Ёлғон!!! Ёлғон гапираяпсан, аблаҳ!

Ж а м ш и д И-е, сента нима бўлди, Ньютонбой? Зарядинг  
кўпайиб кетдими, нега қалтираяпсан?

Ш а ҳ р и ё р Сен аралашма!! Мен манави муттаҳам билан  
гапиришаятман!

К о м р о н Ким муттаҳам, эй чўлоқ?! (Жамшидга) Қара,  
кесақдан ҳам ўт чиқдими?

Ш а ҳ р и ё р (бирдан Комронга ташланиб) Сен аблаҳни  
ўлдираман! Мен билган ҳалол, покиза инсонни номини булғашга  
сента, сен пасткашга йўл қўймайман! Икки қулогинг билан ҳам  
эшитиб қўй. йўл қўймайман!

К о м р о н (қаттиқ итариб ташлайди) Қоч-ей, сўтак! Оғзингдаги  
сўлагингни арт, кўппак!

*(Шаҳриёр қаттиқ йиқилади, ўрнидан туриб яна ташланмоқчи  
бўлади. Жамшид улар ўртасига киради)*

Ж а м ш и д (уларни оралаб) Нима қилаяпсизлар, оғайнилар!  
Қиз талашаяпсизларми? Аммо лекин, бироқ бўлган экансизлар!  
(икковини ажратди)

К о м р о н (Шаҳриёрга) Ай. Сен ўзингни кимман деб юрибсан?  
Икки карра икки, тўртни ёдлаб олиб кекқаяшингга бало борми!  
Ҳазиллашиб Ньютонсан деганимизга ишониб осмондасан! Ерга туш!

**Ш а ҳ р и ё р** Кекирдагингни чўзма! Шилқимлигингни рўкач қилиб, теракдай бўйинга ишонма! Сен ҳам йигитман деб юрибсанми?

**К о м р о н** Ундай бўлса, кел, ўғил бола гап, гаров ўйнаймиз, сен ҳалол, пок деб юрган қизни эртага учрашувга чақириб, кўзинг олдида қучоқлаб, лабига лабимни қўйиб ўпсам, нима ютқизасан?

**Ш а ҳ р и ё р** Қўлингдан келмайди! Икки дунёда ҳам у сенга ўптирмайди! Бўпти келишдик, ўғил бола! (қўлини чўзади. Комрон унинг қўлига қўлини ташлайди) Агар ўполмасанг, сенга ҳаёт йўқ! (Жамшидга) Кес!

**Ж а м ш и д** Аммо лекин, бироқ жинни бўлибсизлар Ҳеч ҳам кераги йўқ-да бун! Комрон, Шаҳриёр...

**Ш а ҳ р и ё р** (кескин) Кес дедим сенга! Кес!

**Ж а м ш и д** Ҳа, аммо лекин бироқ яхши иш бўлмади, Мана, кессак, кесдик!

*(Жамшид уларни қўлини кесади. Мусиқа кучаяди)*

**35. Хиёбон.** Хиёбон йўлакчасидан олдинда **К о м р о н** ва **Г у л з о д а** енгил мусиқа фонида шўхшанглик билан қўл ушлашиб, аста келмоқда.

Камера Шаҳриёрга ўтади. Унинг икки томонида Жамшид билан Ҳамид келяпти. Улар Комрон билан Гулзодани сездирмай кузатиб келишмоқда.

Камера Комрон билан Гулзодага ўтади. Улар бир овлоқроқ жойдаги ўриндиққа бориб ўтиришади. Комрон кўз қири билан атрофни, яъни Шаҳриёрни излаб, уни кузатаётганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг бир қўлини Гулзоданинг елкасидан ўтказиб олади ва яна кузатувчилар томонга кўз қирини ташлайди. Гулзода аввалига Комроннинг қўлини елкасидан олмоқчи бўлади.

Камера яна Шаҳриёрга ўтади. У Гулзоданинг Комронга нисбатан бу янглиғ ҳолатидан мағруруна Жамшид билан Ҳамидга қараб қўяди.

Камера яна Комронлар томонга бурилади. Комроннинг қўлини олиб ташлайман деган Гулзода аста-секин унинг ҳатти-ҳаракатига жавобан эрий бошлайди ва Комрон уни юзини ўзига буриб, бетидан секин ўпич олади.

Камера энди яна биррав Ш а х р и ё р ҳолатини кўрсатади.

Камера яна Комрон билан Гулзодага утади. Гулзоданинг ёноқлари ёниб, кузлари нурланиб, чуқур-чуқур нафас олиши баробарида К о м р о н уни сочларини силаб, лабини лабига қуйиб, эҳтирос билан қаттиқ бўса ола бошлайди.

Камера энди Шаҳриёрга утади. У даст билан ўрнидан туриб Комронлар томонга югурмоқчи бўлади. Лекин Жамшид билан Ҳамид чаққонлик билан уни қўлидан ушлаб қоладилар. Шаҳриёр бирибир жон-жаҳди билан уларни қўлларини тишлаб, бошқа томонга бор кучи билан чопиб кетади. Улар ҳам унинг орқасидан югуриб кетадилар. Мусиқа кучайиб Шаҳриёрни қувлаш асносида уни йўқотиб кўядилар.

*(Мусиқа янада кучаяди)*

36. Ётоқхоналар олди. Шаҳриёр Гулзоданинг диплом ишини олиб, унинг ётоқхонаси томон оғир юриб келяпти. У Гулзодалар хонаси эшигини таққилатаман деганда ётоқхона даҳлизда қўлида човғум билан келаётган талаба қиз ўгаётиб Шаҳриёр билан сўрашади.

Ч о в г у м л и қ и з Ссаломалайкум Шаҳриёр ака, қалай, тузалиб кетдингизми? Яхши бўлиб кетдингизми?

Ш а х р и ё р Раҳмат, синглим, тузукман.

Ч о в г у м л и қ и з Бизни хонагаям киринг, чой дамлаб бераман, меҳмон бўласиз, бир суҳбатингизни олайлик, ака.

Ш а х р и ё р Раҳмат, кейинги сафар.

*Човғумли қиз кетади. Гулзодалар хонасидан қизларнинг овози қаттиқ ва равон хандон отиб, мазаҳ қилиб кулишгани эшитилади. Шаҳриёрнинг эшик қоқмоқчи қўли хавода муаллақ қолади.*

37. Гулзодалар хонаси. Гулзода, Сарвиноз, Хосиятлар чой ичиб, суҳбат қуриб ўлтиришибди. Гулзода охириги модадаги янги кийган куйлагини айланиб-ўтрилиб, қизларга кўз-кўз қиляпти.

Г у л з о д а Қандай, дугонажонлар, куйлагим ярашибдими?

С а р в и н о з Жудаям ярашибди. Очилиб кетдинг.

Х о с и я т Бу куйлак сани белингни жудаям нозик қилиб кўрсатар экан.

С а р в и н о з Асли бу қурғурнинг фигурасиям келишган-да!

Г у л з о д а Комрон туғилган кунингиз киясиз деб, олдиндан совға қилди. Бўлмаса, пул кетиб қолади-да.



Х о с и я т Комрониям дили ёмон эмас экан.

С а р в и н о з Шаҳриёр нима бўлади?

Х о с и я т Уям бирор нарса совға қилар. Уям ҳажрингда куйиб юрганлардан бири-ку!

Г у л з о д а Нима, нималар деяпсан? Мени ким билан тенглаштираяпсан? Оғзингга караб гапир.

Х о с и я т Бўлмаса, нега Шаҳрижон, Шаҳрижон деб ноз қиласан?

Г у л з о д а Шунгаям ақлинг етмайдами? Озгина ноз қилганим билан бирор ерим камайиб қолармиди! Зато, у маймоқни ақлидан фойдаланиб, ишларимни битказиб олаяпман.

Х о с и я т Маймоқ бўлсаям унда Комронга ўшаганларнинг юзтасини ақли, билими бор.

Г у л з о д а Шу ақлли маймоқ керак бўлса, ўтдим сенларга, олинг, олаверинг.

С а р в и н о з Менга бер, дугонажон, менга (ҳазилга буриб, кўлларини кўксига қўйиб, қошларини учуриб)

Новвот солиб чой бераман, келса акам,  
Оқ сийнамдан жой бераман, келса акам.

*Қизлар Сарвинознинг хатти-ҳаракатларига, айтиш услубига қойил қолишиб қаҳқаҳа отиб кулишади.*

38. Гулзодалар эшиги олди. Шаҳриёр қизларнинг ичкарида қилишаётган мазаҳини эшитиб турибди. У девор томонга орқаси билан ўгрилиб, аста полга сирғалиб чўккалайди. Салдомли оғир куй фонида аввалига кўзлари ёшланади, мусиқа бир авжланиб пасаяди. Шаҳриёр аста ўрнидан туриб, бошини осилтирганча секинланган кадрларда бир-бир қадам босиб кета бошлайди.

39. Шаҳриёрлар ётоқхонаси. Шаҳриёр ёлғиз. У Гулзоданинг диплом ишини стол устига қўйиб, ғамнишин ҳолатда ўтирибди. Мусиқа хазин чалиниб туради.

40. Университет. Талабалар уёқдан-буёққа ўтиб туришибди. Бир аудиториядан Шаҳриёр курсдошлари билан чиқиб келади. Икки бир-

уч бир талабалар кимлар сўзлашган, кимлар жимгина кенг даҳлиз бўйлаб вестибюлга чиқишади.

41. Университет вестибюли. Комрон билан Гулзода ичкин ҳолатда ненидир суҳбатлашиб турибди. Шаҳриёр атайлаб улар яқинидан ўтади, бироқ на Комрон, на Гулзода уни пайкашмайди. Шаҳриёр ғариб, мискин ҳолатда ташқарига чиқиб кетади.

42. Анҳор бўйи. Шаҳриёр ойдинда анҳор бўйида, ваҳимали мусиқа фониди анча тентираб юрибди. Олисан ҳофизнинг Машраб ғазали билан айтиладиган машҳур кўшиғи аввалига секинроқ, кейин авж билан эшитила бошлайди.

Манинг рози дилу зорим фаравондур битиб бўлмас,  
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,  
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.

Кўзим тушти юзиға термулиб ҳайрон бўлиб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб шамси анварни тутиб бўлмас.

Хаданги тири мужгонинг, мани сийнамга жо бўлди,  
Кўнгул захмин очиб бедардларга кўрсатиб бўлмас.

Ўшандоғ Мустафони ушбу оламдин фано этти,  
Худоға эй биродар, бу сабабдин баҳс этиб бўлмас.

Узоқ эрмиш ўшал зебо санамни қасри, эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг бу манзилга етиб бўлмас...

*Кўшиқ давомида Шаҳриёрни фожваси ҳолатлари қорайиб оқайтган сувнинг гирдобию, юзини гоҳ булут қоплайтган ой нурида кўзларидаги ёшда акс эттирилади.*

43. Бозор. Дарсга бормай бозор оралаб юрган паришонхотир Шаҳриёр кўринади. Бозорда арқон сотиб турган оламни кўриб, бирдан унинг хаёлига ўзини-ўзи осий фикри келади. У секин бориб арқон сайлай бошлайди. Овозсиз савло қилади. Бир арқончидан имо-ишорада оқ арқоннинг қувватли-лигини сурайди. Арқончи ишора билан арқоннинг пишиқлиғига кафолат беради ва Шаҳриёр арқонни сотиб олади-да, бозордан чиқиб кетади.

*(Мусиқа кучаяди)*

44. Шаҳриёрнинг ётоқхонаси. Шаҳриёр якка ўзи. Олиб келган арқонидан сиртмоқ ясайди, унга совун суртиб, силлиқлигини текшириб кўради. Аста мусиқа фониди у арқонни йиғиштириб сумкасига солиб кўяди. У қоғоз, қалам олганча, столга ўтириб хат ёзади. Хатни ёзиб бўлгач, жойига ётиб, кўрпани устига тортади.

*(Мусиқа кучайиб, насанди)*

45. Шаҳриёрлар ётоқхонаси. Гира-шира тонг оқармоқда. Комрон, Жамшид, Ҳамидлар ухлаб ётишибди. Шаҳриёр ўрнидан аста туриб, кийнади-да, йигитларни бзига бир-бир тикилиб, худди ризолашгандай, лаблари пичирлаб, кеча ёзган хатини устар устига кўяди ва сумкасини олиб секин чиқиб кетади. Камера стол устидаги хатда қолади.

46. Кўча. Шаҳриёр кетиб бормоқда. Унинг кетиб бориши баробарида ўзининг овозида стол устида қолдирган видолашув хати берилади:

«Ушбу битик орқали сизлар билан видолашар эканман, аввалам бор мен ўз ўлимимда ҳеч кимни айбдор деб ҳисобламайман. Чарчадим, ҳаётда кемтиклик, ногиронликда хўрланиб яшаш нақадар оғир эканлигини бутун англаб етдим ва ҳаётим билан хайрлашишга қарор қилдим. Зеро, сиз менга кўп яхшиликлар қилдингиз, оғир дамларимда кўмак этдингиз, раҳмат. Сизлардан энг охириги, энг сўнги утинчим, илтимосим, бор. Гарчанд бу ишни бажариш сизлар учун бироз оғир, мушкулроқ бўлса ҳам ушбу утинчимни охиригача адо этасизлар деган умидман. Сизлардан илтимос, менинг жасадимни, ўз туғилган қишлоғимга олиб бориб, мушфиқ, муштипар онаизоримга далда бўлиб, ўз қавмгоғимга дафн қилишларингизни ялиниб сўрайман.

Комронбек, сен менинг мазорим устида, Жамшид, Ҳамидлар гувоҳлигида Гулзодага уйланиб, унга бир умр вафодор бўлишга, уни севиб асрашга, қадр-қимматини бейиқ тутишга қасамёд қил. У шунга лойиқ қиз.

Жамшид, аммо, лекин, бироқ, ажойиб, дилкаш йигитсан. Сен билан фахр этаман. Сенинг иқболинг ҳамиша билаңд бўлсин. Сарвиноз билан бахтли бўлишингни, бахтиёр ҳаёт кечиришингни истайман.

Ҳамишбей, бу ғалла-ғашли дунёда озурдалиғ кўрмай, гани-жонинг соғ. тенгинг билан кўша қариб, мартабанг мудомо сарбаланд бўлғай.

Азиз дўстларим, бу битигимни Гулзодага ўқитарсизлар деган умиддаман.

Гулзода, сизга бўлган пок муҳаббатим ҳурмати мени кечиринг, мен сизни кечирдим, мен сиздан розиман, сиз ҳам мендан рози бўлинг. Бирор ноўрин ҳатти-ҳаракатим, ортиқча сўзим сизни ранжитган бўлса, айбга санаманг.

Комронбек, Гулзода, Жамшид, Ҳамидбей дўстларим, сизлар мендан рози бўлинглар. Бир умрга хайр. Алвидо, алвидо, алвидо!»

**47. Хилват хиёбон.** Ш а ҳ р и ё р ўзини осишга тайёргарлик кўряпти. У ўнғайлироқ дарахт танлайди. Бир чинорни маъқул шохига чиқиб, чамалаб ўлчайди ва оёғи ерга етмаслигига ишонч ҳосил қилгач, сиртмоқни бўйнига илдириб, ўзини пастга ташлайди. Сиртмоқ бўғилиб, нафаси тингунча оёқ-қўллари типирчилаб, сўнг аста-секин ҳаракатдан тўхтайтиди ва осилганча чайқалиб қолади.

*(Муסיқа кучаяди)*

**48. Ўликхона-морг олди.** Шаҳриёрнинг курсдошлари йиғилган. Бир ён томонда Шаҳриёрнинг ўлигини олиб кетиш учун ўн кишилик «Истана» машинаси турибди. Улар ўликхонадан Шаҳриёрнинг жасадини машинага юклаб, ўртага қўядилар. Кейин ўзлари ҳам минади. Машина ердан қўзғалади.

*(Муסיқа кучаяди)*

**49. Машинанинг ичи.** Шаҳриёрнинг жасади атрофида Комрон, Гулзода, Домла, Жамшид, Ҳамид ва икки-уч курсдош талабалар ўтиришибди. Бироздан кейин уларнинг ички монологи ўзларининг овозида кадр орқасидан берилади.

Д о м л а Шаҳриёр жуда қобилятли йиғит эди. Ундаги етуклик, билимдонлик, бир вақтни ўзида ҳам ўқиб, қам эшитиб, ҳам фикрлаш камдан-кам инсонларда учрайди. Менинг кўпйиллик фаолиятимда бундай толиби илмни қарийб учратмаганман. Уни деб кўп изланардим, кўп нарсани ўргандим. Эҳ, нодон бола-я, ёш жонига жабр қилди, ёш кетди, катта олим бўларди.

К о м р о н Кўп беўрин ранжитдим-а! Эҳ, дўстим, мени кечир. Сен билан гаров ўйнамаслигим керак эди. Оқибати бундай фожеъли тугашини мен аҳмоқ қаёқдан ҳам билибман. Сенинг руҳи покинг олдида Гулзодани бир умр авайлаб асрашга қасамёд қиламан. Мени кечир, дўстим...

**Г у л з о д а** Шаҳрижон, сизни чин, самимий, беғараз, буюк инсоний меҳрингизни, муҳаббатингизни жиддий қабул қилолмадим. Бунинг учун бир умр ўзимни кечиролмайман.. Афсус, бунга кеч бўлсаям энди тушуниб етдим. Агар ҳозир дунё тескари айланиб, сиз қайта тирилиб қолсангиз, ҳеч иккиланмасдан сиздай йилитнинг умр йўлдоши бўлишга рози бўлардим. Афсус...

**Ж а м ш и д** Шундай қалби пок, беғубор, саховатли, Хотами Той. ҳеч кимдан ҳеч нарсасини аямайдиган инсон билан ҳамнафас, ҳамхона бўлиб яшаганимизни аммо, лекин, бироқ, сезмаган эканмиз. Наҳотки, биз шунчалар худбин, нохуна бўлсак! Очиқ кўз билан яхши-ю, ёмонни фарқ қилолмасак! Эҳ, шундай дўстни бевақт бериб қўйдик-а! Ёлғиз фарзандидан айрилиб қолган онаизорининг ҳоли не кечар экан? Бизни кечирармиканлар?..

**Х а м и д** Бул дунё неқадар бешафқат-а! Асли не бўлса тақдири азал-дандур. Яратганнинг ҳукми шул экан, начора, ҳаётни орқага буриб бўлмайди. Шаҳрижоннинг беғараз, самимий яхшиликларига яхшилик қайтаролмадим. Биздан рози бўл, дўстим. Охиратинг обод бўлсин. Омин Аблоху Акбар...

50. Шаҳриёрнинг қишлоқдаги вии олди. Шаҳриёрнинг жасади келган машина унинг уйи олдида тўхтади. Шаҳриёрнинг онаси, кўни-кўшилари ҳали ҳеч нимага тушунмай, саросимада кутиб оладилар. Жасадни уйга олиб кирадилар. Мотам мусиқаси янграб туради.

51. Шаҳриёрнинг қишлоқдаги уйи. Айвон ўртасида ётган ўғлининг устида, уввос солиб, фарёд чекиб йиғлаётган Шаҳриёрнинг онаси аёллар қуршовида, юракни эзувчи мусиқа фонида кўрсатилди. Она айтимчилик айтиб дод солади.

О н а «Ёшгина жонига жабр қилган болам-ей! Ўзи ўлиб, мани тирик-лайн гўрга тиқиб кетган болам-ей! Сан ўлгунча, ман ўлсам бўлмасмиди, болам-ей! Бир қизни кўлини тутмай, армонда кетган болам-ей! Уйлантириб, набиралар кўрмадим, елкаларимда кутариблар боқмадим! Не кунларга солдинг мени Худойим?! На бир ниятларимни ўзи билан қаро ерга олиб кетган болам-ей! Камисликдан кўксинг ўксиб кетдингми?! Тенгим билан тенг бўлмадим деб кўнглинг чўкиб кетдингми?! Сенисиз нетиб яшарман энди, болам-ей! Бор бўлсанг ол жонимни, эй Худойим!..»

52. Шаҳриёрлар қишлоғи. Эшикка йиғилган оломон олдига Шаҳриёрнинг тобутини ҳеч кимга бермай Домла, Комрон, Жамшид,

Ҳамидлар кўтариб чиқишади ва майдон ўтрасига қўйишади. Ҳаммаларини кўзларидан ёшлари сел бўлиб оқмоқда. Жаноза ўқиган имомнинг «Аллоҳу Акбар...», деган овозидан кейин тобутни елкама-елка қабристонга олиб кетадилар. Одамлар елкасида чайқалиб бораётган тобут орқасидан ушбу ғазал баравж нолаланади:

Узоқ эрмиш ўшгал зебо санамни қасри, эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг бу манзилга етиб бўлмас...

Фильм тамом

2001-2004

# Муҳаббатимсан

(музикий киносценарий<sup>1</sup>)

## Ролларда:

Раъно<sup>2</sup> — Хоразмлик, университет талабаси.  
Акмал — Тошкентлик, университет талабаси.  
Машариф — Раънонинг даласи, 45 ёшларида.  
Шухратхўжа — Акмалнинг даласи, 45 ёшларида.  
Отамурод — Шухратхўжанинг дўсти, 45 ёшларида.  
Матлуба — Акмалнинг ойиси, 42 ёшларида.  
Раъно тошкентлик — Матлубанинг синглиси,  
40 ёшларида.

Бахтиёр — Акмалнинг укаси  
Маҳмуд — Машарифнинг ён қўшниси, 45 ёшларида.  
Шукржон — Маҳмуднинг хотини, 42 ёшларида.  
Саъдулла — Маҳмуднинг ўғли, талаба ёшида  
Гуландом — Раънонинг дугонаси, талаба.  
Гулжамол — Отамуроднинг қизи, талаба.  
Тозагул — Отамуроднинг хотини, 42 ёшларида.  
Дилбар — Акмалнинг курсдоши.  
Дурдона — Матлубанинг қариндоши, 42 ёшларида.  
Шарифполвон — Машарифнинг йигити.

## Эпизодларда:

КВН қатнашчилари, университет ректори, домлалари,  
Хоразму Тошкентдаги қўни-қўшнилар, саҳна усталари,  
созандаю ашулачилар, раққосу раққосалар, шоферлар,  
йўловчилар иштирок этадилар.

<sup>1</sup> Ушбу фильм У.Зуфаров билан ҳамкорликда ёзилган.

<sup>2</sup> Раъно—хоразмлик

1. Хива ТОНГ. Тошкентнинг 10 рақамлик катта юк машинаси-«Мерселес» рефрежиратори йўлда илдам кетаяпти. Машина кабинасида норғил, забардаст шофер-Шухратхўжа бўйнига сурп-чорсу ташлаб, катта тезликда «Таманно» қўшиғини хуштак қилиб, ҳайдаб бораяпти. Йқл тепасида улкан панно. Паннода «Хива» деб ёзилган. (Шу ердан аста Хоразм куйи таралади) Камера тепага кўтарилиб, Хива шаҳри паномарасини кўрсатади. Кадр ортида ота билан қизни сўзлари бошланади

М а ш а р и ф Йўқ дедимми, йўқ! Ҳеч ера бормийсан! (қизнинг йиғиси эшитилади) КВН (у бу сўзни ўзбекча таллафузда айтади) КВН миш-а! Бормийсан!

Н а р г и с (дадасининг талаффузини тқғрилайди) КВН мас, Ка.Вэ. эН.

М а ш а р и ф (баттар жаҳлга миниб) Дидиёнгни тўхтат! Тошкан-Пошган даяанни оғзинга олма! Ёзда, каникулингга ўзим оппараман!

*(Кадрда баланд айвонли ўта ҳашамали уй. Баланд шифтли хонада Ота билан қиз баҳслашяпти. ўртада эрталабки нонуштага дастурхон ёзилган)*

Р а ъ н о Ман бормасам бўлмийди!

М а ш а р и ф Гапни қас, Урганчда ўқитиб қўйганима шукр ат!

Р а ъ н о (кесатиб) Ҳовва, ўқитиб қўйибсиз! Икки қоровул ёнимда!

М а ш а р и ф Опанг ўлмаганда бу қалла оғриқлар бўлмас ади...

*(Машариф тесқари қўрилади ва боши эгилади. Наргис дадасининг оҳволидан эзилади.)*

2. Тошкент. Эрталаб. Шухратхўжалар ҳовлиси. Эрталаб соат қнлар. Акмалнинг ойиси Матлуба уй юмушлари билан қовлида юрибди. Кичик ўғли Бахтиёр шу ерда дарс қилаяпти. Акмал ичкарида ҳалигача ухлаб ётибди.

М а т л у б а Акмал! Турмайсанми! Дарсингга кеч қолдинг-ку!

Хона бетартиб, у ер-бу ерда Акмалнинг туфлилари, кийим-кечаклари сочилиб ётибди. Акмал азонга яқин келгани билиниб турибди. Ён томонда бежирим стол устида компьютер, мусиқий техника анжомлари қаторида қалигина чалинган гитара ва чилдирма турибди. У ётган қриндиқнинг бош томонидаги, курси устида пала-



партиш ташланган куйлак, майкалар ёнида омонатгина турган уяли телефон кўнгираги жиринглайди Акмал уйқули куз билан уни ўчириб кўяди.

**М а т л у б а** (овози эшитилади) Қачонгача бетайин юрасан? Ўғишингни қил, бошқа ишларингни йиғиштир! Ҳалиям бозор қилмадинг! Мен барисидан чарчадим, бозорни отанг қиладимиз? Уям одам, йўлдан чарчаб келади-ку, ахир, турсанг-чи!

**Б а х т и ё р** Уф-ф! Ҳар куни шу аҳвол. Бу уйда тинчгина дарс ҳам қилиб бўлмайди! (ўрнидан туриб кетади)

*(Ичкарида яна телефон жиринглайди. Акмал телефонни яна бепарвогина ўчириб кўяди! Бахтиёр кўлида қора мушук билан аста одимлаб Акмал ётган уйга киради ва унинг оёқ томонидан кўрпани кўтариб мушукни кўрпа тагига улоқтириб қочади. Ичкарида эса, Акмал билан мушукнинг ола-ғовури янграйди)*

**М а т л у б а** Ҳай-ҳай! Акангни майиб қилиб кўясан-ку!

**Б а х т и ё р** (қочиб бораётиб) Уйланолмасала, ўзларидан кўрсини!

**А к м а л** (кўлида мушук билан ҳовлига чиқади ва Бахтиёрни орқасидан бақириб) Ушлаволсам «булбулингни» кесаман! (Акмал мушукни Бахтиёр қочган томонга қараб отади. Мушук беҳосдан ҳовлида юрган итнинг олдига тушади. Ит бирдан вовуллаб мушукни қувлаб кетади. Шу пайт ичкарида яна телефон жиринглайди).

**А к м а л** Ҳар куни шу аҳвол! Менга тинчлик борми-йўқми бу уйда?! ( телефонга кета туриб оёқига бақиради) Ойи! Менга чой тайёрланг! (телефонни олиб) Ҳа, Дилбар... Нима? КВН? Бўпти, қозир бораман...

**3. Урганч. Университет. Ректорнинг кабинети. Хонада Машарифдан бошқа ҳеч ким йўқ. Машариф бир нуқтага қараганча, қизишиб гапираяпти.**

**М а ш а р и ф** КВНга қатнашмади деб институтингиздан ҳайдаб билмисиз! Бундин қонун йўқ! (ректор томонга ўтрилса, ректор жойида йўқ.) Иби, недасиз?

**Р е к т о р** (индамасдан кўлида бир даста қоғоз билан стол ортидан, энгашган жойидан аста кўтарилали ва бепарво бир-иккита қоғоз варақлаб) Гапираверинг, қулоғим сизда.

**М а ш а р и ф** Ман айтжақимни айтиб бўлдим! Қизим бормийди!

**Р е к т о р** (бир қоғозни кўрсатиб) Мана буйруқ. Ким бўлса ҳам бажармай кўрсин-чи!

М а ш а р и ф Бажармийлам, бормилам!

Р е к т о р (ачиниб, куйиниб) Бормийми?! Майли, бу сафар ҳам Тошкент ютиб кетаверсин! Сизга жавоб!

М а ш а р и ф (сал тўхтаб) Иби, шу мани қизим борса ютами?

Р е к т о р Ютади...

М а ш а р и ф (жимликдан сўнг) Агар... ёнига икки-уч одам ққшиб юборсам... бўлами?

Р е к т о р (қувониб) Ўн киши юборсангиз ҳам бўлади.

М а ш а р и ф Биза Дўччон дали дидила! Тошкент дийсиз-а, Масков-Макриёни ол данг, олиб галади!

4. Йўл. Шухратхўжа «Мерседес» рефрежираторида кутаринки руқда «Таманно» куйини хуштакда чалиб келаяпти. Тепадага паннода «Самарқанд» ёзувидан ўтгач, уяли телефонда Акмалга кўнғироқ қилади. Кадрда Самарқанд манзаралари кўринади.

Ш у х р а т х ў ж а Э, полвон қалайсан?.. Америкадаги ўқишинг ҳал бўлдими? Америкаям бўп қолар. Ҳа! Акангники, вадаванг!.. Кеча неччида келдинг?! Нега?! Дилбар биланмидинг? Ман санга нима деганмидим! (тутоқиб) Қачонгача кўчда шаталоқ отиб юрасан?! Одамга ўхшаб, уйлансанг бўмайдими? Жарақ-жарақ пулларни ишлатасан! Тошканга бориволай, мошинниям, сотканиям тортиволаман! (жаҳд билан телефонни ўчириб) Э, бетормиз эшшак...

*(Камера машинанинг орқа тарафидан прицепни чапқалиб бораётганини кўрсатади. Муסיқа фониди фигони фаллакка чиққан Шухратхўжани сўкиниб ўтирганини кўрамит. Машина жиловини йўқотган отдай бетартиб елиб бораяпти. Олдидан келаётган машиналар ундан қочиб ҳаракат қилишади. Камера машинамит ортидан кузатиб қолади. Муסיқа кучаяди...)*

5. Хива. Машарифнинг уйи. У қўшниси Маҳмуд ҳамда Маҳмуднинг ўғли Саъдулла билан суҳбатлашаяпти. Баланд шифтли холлнинг биринчи қаватидан иккинчи қаватга олиб чиқадиган икки томонлама чиройли, бежирим ишланган зиналарда сунъий гуллар дид билан чирмаштирилган. Иккинчи қават билан биринчи қават ўртасида узун йўлкачаларда чиройли гиламлар тўшалган. Улар ўтирган жойда Овручача диван креслолар, рангли каттакон экранли телевизор ва ўзга, замонавий жиҳозлар. Машариф диванда, Маҳмуд ва Саъдулла креслоларда ўтиришибди.

М а ҳ м у д Тўғри-да, галин бўладиған нарса, Тошкентда нишиди!

**М а ш а р и ф** Хали галин атмасингдан дуриб дағ-дағанг ерни ўйяди! Гапни кас! Сўз бардим, боради! Манга қара Момит, сани ина бу ўғлинг билан бизни Шариф полвон бирга боради. (Саъдулла эътироз билдирмоқчи бўлади, Машариф уни гапиртирмайди) На дадим, (Саъдуллага) кўз-қулоқ бўласан, Раънони бошидан бир сочи дўкилса, қайтиб галиб юрма!

**М а ҳ м у д** Машилбой, ўйлаб сўзласанг-а! Санга бўй сунмаган, бунга бўй сунами? (Саъдулла отасини қўллагандай «галдасини» сал тиклайди.)

**М а ш а р и ф** Олжақ бўлса, бўй сундириб олсин, и-и! Хаммасиннанам санинг гаппинг қизиқ бўлди-қу, бу!

**М а ҳ м у д** Ҳоя! Бола ўқишдан қолаварами? Ву гаппинг бўлмийди жўра, каллани огритма, қўй! (Саъдулла отасини маҳқуллагандай бошини сарак-сарак қилади.)

**М а ш а р и ф** Э-вой, пой Момит-ей! Дим калта ўйлийсан-ов! Сани боланг маки болам амасми, мани қизим сани қизинг амасми? (чўнтагидан машинанинг калитини чиқаради) Ма, тоза «Тико»ни миниб гетасан! (калитни Саъдулланинг олдига ташлайди)

*(Саъдулла шжсайиб отасига қарайди.)*

**М а ҳ м у д** (огзининг таъоби қочиб) Ина бу мардлинга боман, жўра! Асли Дўччон далини қони бо-дон! (машинанинг калитини пастак стол устидан олиб ўғлига узатади)

6. Тошкент. КВН ўтадиган марказий театр олдида Акмал ўзининг «Нексия» машинасида курсдоши Дилбар билан бирга келади, шошгандай виқор билан ичкарига йўналишади.

(Камера залга кўчади. Томашабинлар ола-ғовури. Команда тарафкашларининг таралдуди, байроқлар, лозункалар билан жойлашяптилар. Кадрларда: примхоналар, қатнашчиларнинг тўс-тўполони. Мусобақа бошланиш олдидаги қизғин жараён. Шу пайт учинчи кўнгироқ янграйди. Хаммалари КВНни бошлаш саросимасида. Бир хонадан Раъно қўлида ишлатиш учун керак бўладиган бир қучоқ атрибутларни кўтариб шошганча чиқиб келади ва йўлакни иккинчи томонидан қўлида машина калитини намойишкорона айлантирганча, ўйнаб Акмал билан Дилбар келади. Эшикдан чиққан Раъно йўлини олдида кетаётган Шариф полвон очиб боради. Полвон мағрур келаётган Акмални четга туртиб юборади. Акмал эпчиллик билан ўзини ўнгламоқчи бўлади ва келаётган Раънони елкасига осилиб қолади. Раъно бу ҳолатдан дабдурустдан чўчиб, қичқириб юборади. Шариф

половон орқасига қайтиб Акмални гирибонидан кўтариб деворга босади. Дилбар бўлаётган бу қолатлардан хангу-ман бўлиб қолади.

Д и л б а р (Шариф полвонга) Кўйворинг уни!

А к м а л (Раънога) Ёввойи! Одам кўрмаганмисан? Нега бақирасан?

Р а ъ н о Сиздай мақлуқни кўриб бақирдим!

Д и л б а р (Раънога) Ким мақлуқ?!

Р а ъ н о Эшитган!

Ш е р и п п о л в о н Қойил! (Акмални кўйиб юборади)

Р а ъ н о (Шариф полвонга) А, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? (уни жавобини кутмай шошиб саҳна тарафга кетади. Шариф полвон Раънони гапига парво қилмай уни орқасидан кетади.)

Кадрларда. Бир хонада кўпчилик ўзлари билан ўзлари овора. Саъдулла девордаги тошойнага ўзини солиб, оро бераяпти. Ўзига-ўзи ёқиб кетади. Ўзига хос «гурурли» мимика қилади ва тошойна ёнига қўйилган ичи тўла пакет ҳамда чиройли гулдаста билан безантак саватни кўтариб кетади.

Залда томошабинлар лозунгларни, байроқларни силкитиб қайқиринаяпти «Хо-ра-зм», «Хо-ра-зм», «Хо-ра-зм», «Тош-кент», «Тош-кент», «Тош-кент».

Жюри қўлларидаги баҳолар қўйилган балларни бирин-кетин кўтаришади. Залнинг бир тарафида ўтирган томошабинлар овози зални ларзага келтиради. Булар Тошкент тарафдорлари. Саҳнада бошловчи умумий балларни эълон қилади.

Б о ш л о в ч и Ўтган уч шартимизга биноан командаларнинг ҳозиргача тўплаган баллари қуйидагича. Хорзам командаси-38 балл (қийқириқ ва қарсақлар) Тошкент командаси—40 балл! (қийқириқ ва қарсақлар) Эндиги шартимиз—Сардорлар беллашуви! Навбатдаги шартимиз бўйича—«Айтишув» (қийқириқ ва қарсақлар).

7. «Саҳна усталари» Бошловчининг биринчи сўзларидан сўнг кадрда Саъдулла билан боғлиқ тасвир намоён бўлади. Саҳна усталари жойлашган хонадаги компьютер пулти ёнидаги мўъжазгина стол устига шинамгина дастурхон ёзилган. Дастурхонда яхна ичимликлар, газак бўладиган емишлар, ва бир шишадан ароқ билан коньяк қўйилган. Саъдулла қадаҳларга ароқ қўйиб ишчиларга узатади.

1-И ш ч и (Бошловчининг сўзлари узилмай пастроқ овозда давом этади. Биринчи планда кадрдаги 1-Ишчининг сўзлари берилади) Ока, иш тамом бўсин.

С а ъ д у л л а Қизиқ акансиз, буни иша на алоқаси бор, олингизлар-а! (Ишчилар бир-бирига қарашади. Каттароғи қўл узатади, қолганлар олишади) Бизни даврда гумбирлатингла! (ичишади. Саъдулла яна қуяди) Оғала! Шу бизни қиз чиққанда ҳамма светни шунга қаратасизла!

2-И ш ч и Гап бўлиши мумкинмас! Ест қиламиз! (ичмоқчи бўлишади. Шу пайт хонадаги махсус кўриш ойнаси орқасида саҳнага Раъно билан Акмал чиқишгани кўринади)

С а ъ д у л л а Ина, ина чиқдила! Светингизни баринг!

2-И ш ч и (1-Ишчига) Бераверайми?

1-И ш ч и (виқор билан) Бос!

2-Ишчи компьютер кнопкасини босади. Саҳнада кутилмаган ўзгаришлар бошланади. Театрнинг олдиндан тайёрлаб қўйилган ваҳимали эртак спектаклининг декорация на овозлари янтрайди.

8. Саҳна ости. Бирдан Акмал билан Раъно турган жой пастга тушиб кетади. Саҳнадаги чироқлар айқаш-уйқаш ўйнай бошлайди. Саҳнадаги декорацияларнинг номавруд на ноўрин ҳаракатидан томошабинлар бошида ҳайратланади, сўнгра ҳамма қаҳ-қаҳха отиб кула бошлашади. Саҳнанинг қоронғи тубига тушиб қолган Раъно кўркувдан бақиради. Акмал тезда Раънони ёнига келади.

А к м а л Кўрқманг! (Раънонинг ҳаракагидан саҳна тубидаги жиҳозлардан бири унинг устига ағнаёйди. Р а ъ н о чўчигандан ўзини Акмал тарафга отади. Акмал Раънони нобоб йиқилиб қолишдан кўрқиб, уни кучоғи билан илиб олади) Ҳеч қаерингиз лат емалими?

Р а ъ н о Билмадим, нима бўлса бўлди!

А к м а л Мен бу ерларни биламан. Ўзим олиб чиқаман. (Р а ъ н о ноқулай алфозда кучоқлашиб турганидан ийманиб, аста ўзини ўнглаб, А к м а л бағридан чиқади). Юринг!

*(Шу пайтда Шариф полвон саҳна бўйлаб югуради ва очиқ люк тепасига келиб уларни чақира бошлайди. Томошабинлар унинг ҳаракатларидан яна ҳам жазавога тушиб ер тепишади.)*

Ш а р и ф п о л в о н Раъно! Раъно! Недасан?! Манга қара, недасан?

Р а ъ н о (овози) Кўлингизни баринг!

*(Шариф полвон аввал Нургисни, сўнгра Акмални тортиб олади. Залда қийқириқ ва қарсақлар)*

9. Дуэт. Кадрда сахна усталари жойлашган хонада ишчилар саросима билан сахнани аввалги ҳолига қайтаришади. Саъдулла ҳосил бўлган вазиятдан қурқиб, хонадан суғрилиб, чиқиб кетади. Аввалги «Қайдан келдинг» қўшиғининг мусиқаси янграйди. Акмал бўлиб ўтган хангомалардан завқланиб «Айтишув»ни бошлайди. Раъно Акмал қўшиқни бошлагандан сахна тубидаги ҳолатга миннатдорлигини рақс орқали нафис эҳтиросли ҳаракатларда изҳор қилади.

#### А к м а л

Бир кўрганда рўй бермаган,  
Суянганда бўй бермаган,  
Ўйламоққа ўй бермаган,  
Сўзла ҳай қиз қайдан келдинг?

(Залда қийқириқ ва қарсақлар. Дилбар ўрнидан туриб Акмални овози борича бақриб олқишлайди. Раъно ўз куплетини айтиши билан Акмал Раънонинг рақсадаги жозибали муқомига жавобан рақсга тушади.)

#### Р аъ н о

Ҳақорат атдим билмайин,  
Аввал назарга илмайин,  
Яна сўраб қон қилмайин.  
Сўзла, йигит, қайдан галдинг?

(Залда қийқириқ ва қарсақлар. Тарафқан томонлардан кимлардир ўртага чиқиб рақсга қўшилишади. Раъно Акмал айтаётган куплет давомида нозик ҳаракатлар билан ёри йўқлигини ҳамда ёр истамаслигини ифода қилади)

#### А к м а л

Қайси тоғларнинг қорисан?  
Қайси боғларнинг норисан?  
Айтгил сан кимни ёрисан?  
Сўзла, ҳай қиз, қайдан келдинг?

*(Залда қийқириқ ва қарсақлар. Залда Шариф полвон билан Саъдулла иккови рақсга тушади. Наргисни куплетиди Акмал ёр висолига етмаклик армонини акс эттирувчи ҳаракатлар билан рақсга тушади)*

#### Р аъ н о

Туғилган жойим Хивадир,  
Яна суровларинг надир,

Етолмассан уриб садр,  
Сўзла, йигиг, қайдан галдинг?

*(Залда қийқириқ ва қарсақлар. Куплет охирида Раъно Акмалдан ўзини олиб, саҳна чеккасига кела бошлайди. Акмалнинг дадил ҳаракатларидан ҳавфланиб Шариф полвон билан Саъдулла саҳнага чиқади ва Раъно билан Акмал икковининг ўртасига кириб туриб олишади. Саъдулла Раънога, Шариф полвон Акмалга юзланиб уларни яқинлашишларига йўл қўймайдилар. Залда яна қийқириқ ва қарсақлар авж олади. Раъно уларни саҳнага чиққанидан фойдаланиб, ўз ёрени йўқотган қушдек муқом қилади. Куплет охирида Раъно ёрени интизор бўлиб кутиши алфозида яқунлайди).*

А к м а л

Манам Тошкантининг нориман,  
Сандай гўзални зориман,  
Сани ахтариб бораман,  
Сўзла, жоним, қайдан келдинг?

*(Залда қийқириқ ва қарсақлар. Саҳна усталари Шариф полвон билан Саъдуллани саҳнадан олиб чиқишади. Дилбар Акмални куллашга купчиликликни ундайди. Акмал билан Раъно бир-бирларига яқинлашиб, жўровозда куйлашади )*

А к м а л ва Р аъ н о

Сўзла, жоним-ей, қайдан галдинг?  
Сўзла, жоним-ей, қайдан галдинг?

*(Залда қийқириқ ва давомли қарсақлар. Дилбар бир қучоқ гул билан Акмални кутлайди ва икки чеккасидан эҳтирос билан ўнади. Акмал ҳам севиниб, уни қучоқлайди. Бунга Раъно ўзгача разм солади)*

Кадрда кулис орти. Шариф полвон билан Саъдуллани милиса тўполон билан олиб чиқиб кетади.

Камера яна залга қайтади. Бошловчи КВН натижалари бўйича голибларни эълон қилади.

Ж ю р и р а и с и  
Жюри ҳайъатининг ҳисоб-китобларига кўра Тошкентнинг «Пойтахт қалдирғочлари» командасига бир овоздан 48 балл берилди! (залда қарсақлар). Хоразмнинг «Чини гужумлари» командасига бир овоздан 50 балл берилди! (залда қийқириқ ва

қарсақлар). Шу билан Хоразмнинг «Чини гужумлари» «Кувноқлар ва зукколар» конкурсимизнинг голиби деб топилди! (залда қийқириқ ва қарсақлар. Дилбарнинг ачиниши ва норозилиги катта планда кўрсатилди)

10. Тошкент. Оқшом. Шуҳратхўжанинг ҳовлиси. Ҳовли ўргасидаги сўрида дастурхон атрофида оила жамул-жам. Кечки овқат еб бўлинган, чойхўрлик пайти.

Ш у ҳ р а т х ў ж а (аёлига биррав назар ташлаб, Акмалга) Қачонгача шаталоқ отиб юрасан? Сани уйлантирмасам бўмийди шекилли, а, онаси.

М а т л у б а Ҳали ўқишини битирмасдан-а?

А к м а л (дадасига) Майли, уйлантиринг.

*Шуҳратхўжа билан онаси Акмалнинг томдан тараша тушгандай,  
айтган гапидан ҳангу-манг бўлади,*

Б а х т и ё р (акасига) Ростданми? (Акмал «Ҳа», дегандай бош иргитади.)

Ш у ҳ р а т х ў ж а (киноя билан) Бир йилдан бери гапга кирмасдинг? Тинчликми?

М а т л у б а (Акмалга) Ҳазиллашаяпсанми?

А к м а л Ҳазили йўқ. Уйланаман, фақат келин Тошканланмас

Б а х т и ё р Америкаданми?

М а т л у б а (беписандлик билан) Ўлсамам қишлоқдан қиз омийман!

Ш у ҳ р а т х ў ж а (хотинини жеркиб) Гаплашгани қўясанми, йўқми? (Акмалга) Нима деб валдиравотсан? Ким экан у?

А к м а л Хоразмдан.

М а т л у б а (гапирмоқчи бўлган эрини тўхтатиб, жазавага тушади) Ҳо! Хоразмдан?! Дилбар-чи?! Хоразмдан олармишсан-а?! Ман унга итимни ялогиниям тозалаттирмийман! Нима девотсан?!

Ш у ҳ р а т х ў ж а (хотинига) Оғзингга қараб гапир! На мунча осмонсан!

А к м а л (ойисига жақл билан) Нима девотсиз?! Аксинча! Улар итини ялогини, сизга тозалаттирмийди!

Б а х т и ё р Яшасин мустақиллик!

М а т л у б а (ўрнидан туриб, кўз ёши қилали ва кетиш олдидан) Бу уйда, мени кумиб, кейин мустақил бўласизлар! (кетади. Акмал ўрнидан туриб пастга тушади ва ойисини тўхтатмоқчи бўлади, лекин она қўл силтаб ичкарига кириб кетади.)



А к м а л (дадасига) Ҳамма нарсани жанжалга айлантирасиз!  
Ш у ҳ р а т х ў ж а И-е! Жиннимисан? (ўрнидан туриб) Ҳа, мен  
нима қилдим?! Хоразм деган сансан! Ман причём?!

А к м а л Уйлантираман деган сизсиз-ку! Манда нима айб?!

Б а х т и е р Ҳамавақт айб манда! (акасига) Бир сафар сизда  
бусин!

А к м а л Яхши кўрганимга уйланаман дисам, тўполон қиласизла!  
Отамисиз?!

Ш у ҳ р а т х ў ж а (кўзлари косасидан чиқиб, Акмалнинг  
олдига тик келади) Отаманми?! Хоразмдан уйланмийсан унда!

А к м а л Уйланаман!

*(Шухратхўжа чидолмай ўғлига тарсаки уради ва орқасига ўгрилади.  
Акмал ноҳақ тарсакига чидолмай шитоб билан ҳрелидан кўчага чиқиб  
кетади. Бахтиер дадасининг вазоҳатидан кўрқиб ичкарига, ўз хонасига  
кириб кетади. Ёлғиз қолган Шухратхўжа қилмишидан изза бўлиб,  
Акмални орқасидан илдам юриб чиқади.)*

11. Ташқари. Шухратхўжалар уйи олдида кенг кўча чекқасида  
«мерс-рефрижиратор» турибди. Шухратхўжа ўғлини излаб кўчанинг  
уёқ-буёғига чопқиллайди. Акмални тополмай машина ёнига келади.  
Машинани сийпалаб, уни гилдирагига суянганча аста ўтиради.

Ш у ҳ р а т х ў ж а (бошини қўлларини орасига олиб, эзилганча)  
Отамсизми деди-я! Булар учун куним йўлда ўтса! Едирсам,  
кийдирсам! Яна ман айбдорман-а! (кўз ёши қилиб, қўлларига  
қарайди) Шу қўлларим билан урдим-а! Синиб кетмайлими бу қўллар!  
Акмал, болагинам, мани кечир!

Камера Шухратхўжадан тепага кўтарилди ва баландда,  
Рефрижиратор тепасида сарилиб ётган Акмални кўрсатади. Дадасининг  
йигисини эшитиб ётган Акмал чидолмайди ва овоз беради.

А к м а л Кечирдим. дада!

*(Шухратхўжа анграйиб тепага қарайди. Тепада ҳеч ким кўринмайди.  
Сал туриб, Акмал машина тепасидан, ётган жойидан дадасига  
қарайди.)*

А к м а л Ада, мени кечиринг-у, барибир Хоразмдан уйланаман!

Ш у ҳ р а т х ў ж а (совиб) Туш буёққа! (Акмал аста тушиб  
дадасини ёнига ўтиради) Ростдан уйланмоқчимисан?

А к м а л ...

Ш у х р а т х ў ж а Нага Хоразмдан?  
А к м а л Сиз уни билмийсиз-де, бир кўринг.  
Ш у х р а т х ў ж а Бўпти. Кўрсат.  
А к м а л Хоразмга бориш керак-де, кетган.  
Ш у х р а т х ў ж а Ҳа, борсак, борибмиз-де, ўғлим.  
А к м а л Опамни нима қиламиз?

Ш у х р а т х ў ж а Униям оборамиз. Сан ҳозир институтингни битир, ўғлим.

А к м а л Гапингиз ростми?

Ш у х р а т х ў ж а (қўлини узатиб) Мана қўлим, ўғлим.

А к м а л Қўйинг-е, ада, ишонаман.

*Шухратхўжа Акмални бағрига босади.*

Матлуба ётоқхонада ухлашга тараддуд кўраётибди. Шухратхўжа киради.

М а т л у б а (эрига) Яна рози бўлгандирсиз? Сотка, машина, энди Хоразм...

Ш у х р а т х ў ж а Ҳи, онангга ўхшаб, синглингни Хоразмга беришмагандай, ўғлингни бахтсиз қилмоқчимисан?

М а т л у б а Тўғри қилган онам. Нима, Наргизни Хоразмга берганларида бахтли бўлармиди?

Ш у х р а т х ў ж а Шу пайтгача, тоқ юргани унинг бахtimi?!

М а т л у б а Онамни бу ишга аралаштирманг, ман ўз боламга Хоразмдан қиз олиб бермайман! Ўлсам, ўламан, бу ишга розилик бер-май-ман!

Ш у х р а т х ў ж а Ўлвормийсанми! (жаҳл билан ёстиқини қўлтиқлаб, ташқарига чиқиб кетади)

*Ҳовлидаги сўрида Акмал ўзига ётишга жой солаяпти. Шухратхўжа унинг ёнига келиб, ўзига ўрин тўшайди.*

А к м а л Ҳа, ада, ичкари иссиқлик қилдимми?

Ш у х р а т х ў ж а Э, қўявер, саҳарлаб йўлга тушамиз.

12. Тошкент-Хоразм йўли. «Мерседес» русумли катта автобус Самарқанд шаҳри ёқалаб кетаяпти. Автобус ичи Хоразмдан КВНга қатнашган иштирокчилар билан тўла. Улар бараварига шодмонлик билан кўшиқ айтишаяпти. Кўшиқ давомида камера Автобус ичидагиларнинг кайфиятларини, атрофдаги шаҳар ва табиат манзараларини, олдинда ва вақти билан орқага ўтиб олаётган «Тико»

машинасини ҳамда унинг ичидаги Саъдулла билан Шариф полвонни тасвирлайди.

Она юртим Ўзбекистона,  
Эрк нур сочди гўзал бўстона,  
Алёр келди жўшиб забона,  
Дил ярар, йўқ ўрин баёна,  
Нечоғ хушрўй бўлди замона.

Кўшиқларнинг парвози авжли,  
Мақом оҳанглари ривожли,  
Бу бир уммон тўлқинли, мавжли,  
Тўймоқ борми баҳру уммона,  
Нечоғ хушрўй бўлди замона.

Кўшиқ охирида «Тико» машинаси Автобус билан ёнма-ён кета бошлайди. Кадрда Автобус ойнаси ёнида хомуш утирган Раъно. Пастда «Тико»ни ҳайдаб кетаётган Саъдулла Раънони кайфиятини кўтармоқчи бўлиб турфа қилиқлар қилади. Автобусдаги йигит-қизлар унинг анойи қилиқларига кулишади. Автобусдаги қизлардан бири— Гуландом сўз отади:

Г у л а н д о м Гуёв тўра галин бизлани машин билан беллашиб,  
бели синмасин яна! (автобус ичида қийқириқ)

Раъно баттар хомушланиб ўриндиқдан туриб, Автобуснинг нариги тарафдаги ойнаси олдига ўтиб олади. Энди «Тико» тезлигини пасайтириб Автобуснинг орқа тарафидан Раъно ўтирган ойна тагига келиб олади. Саъдулла яна ҳам бемаза қилиқларини авжига чиқаради.

Й и г и т л а р д а н б и р и Пой мангли қара-ей! Алдиннан  
галди бўлмади, энди орқадан гўржак! (кулги)

Раъно барисига бепарволик билан ўриндиқ суянчиғига бошини кўйиб, кўзини юмади.

«Тико»даги Шариф полвон Саъдулланинг ҳаракатларидан энсаси қотиб, унинг бошидаги келжасини бурни устигача бостириб туширади. Саъдулла қўрққанидан зудлик билан тормоз беради ва Автобус олдинга шитоб билан илдамлаб кетади...

13. Хоразм. Амударёда кема сайли. Кемада Машариф, Маҳмуд ва созандалар майишат қилишяпти. Кеманинг пастки қисмида

қозонларда турли хил таомлар пиширилаяпти, чой қайнаяпти. Хизматчилар қўли-қўлига тегмай чаққон ҳаракатда. Кеманинг тела қисмида чиройли дастурхон ёзилган, устида бари нарса муҳайё, турли-турли ичимликлар, бўшаган шишалар, дастурхон атрофига қалин-қалин шоҳи кўрпачалар тўйилган, болишлар тақилган. Тўрда болишларга ёстаниб Машариф билан Маҳмуд ётишибди, созандалар ён тарафда ўтириб хониш қилишяпти. Айтилаётган ашула Хоразмнинг қадимий услубидаги Навоий ғазалига Огаҳий ҳамда Девоний мухаммаси билан «Дийралишма»—«Катта суворий» ижро қилинади. Кадрга ашуланинг авжи олинади. Тарафма-тараф айтилаётган ашула ижрочиларининг бировига Машариф, иккинчисига Маҳмуд мухлис.

### 1-А шу л а ч и

Малоҳатли кўзинг қайғусиди бечоравор ўлдим,  
Санго кўнглумни берман дилбарим беқарор ўлдим,  
Иложим йўқ нечук айлай ажаб девонавор ўлдим,  
Ўзимдин паст кишиларга санинг ишқингда зор ўлдим.  
Олай кўз пардаси бирлан қадалса хор оёғингда.

### 2-А шу л а ч и

Бугун чобуклар ичра йўқ эди ул шаҳсуворимким,  
Бирини қилмади манзур чанми ашқи боримким,  
Ғуборосо не тонг гар қилмаса сабру қароримким,  
Керак ўз чобуку қотилвашу мажнун шиоримким,  
Бузуқ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

### 1-А шу л а ч и

Мани мажнун қилан маҳвашим сочинг билан қошинг,  
Нечун оламини бузди савлатинг ўн тўрттадур ёшинг,  
Агар борсам маломат доин отса қавми-қардошинг,  
Аъмолинг кўп қиларсан санга бўлсам якка сирдошинг,  
Олай кўз пардаси бирлан қадалса хор оёғингда.

**М а ш а р и ф** (қўшиқ тамом бўлгач, керилиб) Бу яқин ўртада  
Жумаёза етадигани йўқ!

**М а ҳ м у д** Ўзинг-қу яхши одамсан-дон, лекин ашулаға яхши  
тушунмийсан!

**М а ш а р и ф** (тикланиб ўтириб) Поҳ! Айтдинг-ов, Момит!  
Сан ашулаға тушунидигон бўлдингми? Ўзинг оёқни таяқдан  
ажратавўлмийсан, гап топасан яна!

Маҳмуд (ястаниб ётганча, хотиржам) Сан на дасанг да,  
барибир, Комилжон баланд!

Машариф Новви дадинг?! Тур, йўқол!

Маҳмуд Йўқолжақман-қу, лекин нишаб гетаман, Балиқманми  
санга!

Машариф Аса, индам-и-йин ўтир.

Маҳмуд Индаб нишатдим қали? Бай-бай гап топасан-дон,  
анагар, лекин!

*(Тугилган нохуш вазиятни юмшатиш учун 1-А шулачи «Чапандози  
гулёр»ни бошлаб юборади)*

Сани ишқинг мани олам аро девонавор қилди,

Сани ёдинг фақат ким бу гаму озора ёр қилди..

*(Машариф билан Маҳмуд бир лаҳза ашулага маст бўлиб тинглашади)*

Машариф (ҳеч гап бўлмагандай) Момит, тўйни қачон  
атамиз?

Маҳмуд (писанда билан) Уйланжакмисан?

Машариф Пой, манглайи қара, Момит-ей! Топган гаппинга  
қара! Саъдулла билан Раънони айтиб турибман.

Маҳмуд Ихтиёринг, қачон дасанг шу, жўра.

Машариф Аласа, ўқишлари бошланмин, Августда ўтказа  
кўяли. Ўрталаги пахсани йиқамиз, икки жойни қўшиб улли тўй  
атамиз, на дадинг?

Маҳмуд Яхши жўра, йиқамиз дасанг, йиқамиз. Август дасанг,  
Август! (пауза. ашула авжланали.) Маши.

Машариф На дейсан?

Маҳмуд Ё сани тўйингнам, тезлаштирамизми?

Машариф Бу масалани кўзгамаслиқа галишганмиз-қу сан  
билан, яна на азаварасан? Сорабийни ўрнини ҳеч ким  
босавармижакини биласан-қу!

Маҳмуд Энди, Машипбой, санга ичим ўғишқаннан айтаман-  
дон...

14. Хива. Маҳмуднинг ҳовлиси. Боғда Саъдулла билан ойиси—  
Шукуржон.

Шукуржон Ная имзанмисан? Тайёр машин, данғиллама уй!  
Ная лалаясан?!

Саъдулла У мани ёқтирмаса, нишатин!

Ш у к у р ж о н Қизік сўдлийсан! Парка оппор, саринжоқа миндир, морожний аппарат, тавба, юракингда ўтинг боми?

С а ъ д у л л а (оғзини қийшайтириб) Морожний! Саринжоқ! Саринжоқ, уйинда бо-қу, уни!

Ш у к у р ж о н Авлироқ авра! Алинга қўндир! Ҳамма сан тарапта, яна нишатали? Бор, ҳозир уйинда, гаплаш! (Саъдулла анграйиб турибди) Қани бор, бор энди. Алпомишим!

*(Қадрда Раъно ўз қовлисида гулларни кесиб оляпти. Маҳмуд билан Машариф ҳовлилари ўртасидаги пастроқ паҳса девор орқасидан Саъдулла кўринади.)*

С а ъ д у л л а (астагина) Раъно. Раъно!

Р а ъ н о (гул кесиш билан оввара, Саъдуллага қарамай) Нима дейсан?

С а ъ д у л л а Барироқ гал! Гапим бор!

Р а ъ н о Айтавар, кар амасман.

С а ъ д у л л а Галмийсанми? (иккиланиб, девордан сакраб ўтади ва Раъно олдига боради. Уёқ-буёққа аланглаб Раънони кучоқламоқчи бўлади)

Р а ъ н о (ҳайратланади. Саъдуллани бежо ҳаракати устидан беписандлик билан кулади) Жиллимисан? Санга на бўлди?

С а ъ д у л л а Ўзим... Ёқиб қолдинг!

Р а ъ н о Ёқиб қолсам, ташланаварасанми?

*(Раъно девор ортидан илқис кўришиб кетган Шукуржонни пайқайди)*

С а ъ д у л л а Яхши дасанг, сани оламан!

Р а ъ н о Тоғда тойчоқ кишнабди-ей! (киноя билан) Не савдолар тушмабди-ей! (Саъдуллага анойи қараб, кесатади) Бу юшоқ кўнглингга салламно!

С а ъ д у л л а (хафа бўлиб) Санго ўйин бўлса!

Р а ъ н о Нишатин, бурнингни артийми? Нишатин?

С а ъ д у л л а Э! (қул силтаганча, паҳса устига миниб) Барибир сани оламан! (Паҳсадан ошиб тушмоқчи бўлади. Пастда паҳса ортида яшириниб турган Шукуржон ўғлининг ношудлигидан ёниб, уни тагидан яна паҳсадан Раънолар томонга ошириб ташлайди. Саъдулла ўзини ўнглай олмай Раънолар томон шалоглаб тушади. Раъно қотиб-қотиб кулади. Саъдулла яна паҳса устига чиқади.

С а ъ д у л л а Вуёнда ву, буёнда сиз! Гетсам қутиламанми? (паҳса бўйлаб боғнинг паст томонига кетади)

**Ш у к у р ж о н** (жаҳл билан тик турволиб) Гетсанг дап бўл!  
Чайнаб берганни ютиб билмийсан, Апинг йўқ-беуқув. (Раънога шаъма қилиб) Эгарланган отга миниб билмийсан. Дағ-дағанг ерни ўяди!

**С а ъ д у л л а** (Раънога нолиб, дўқини баралла овоз билан кўшиқ қилиб айтади) Сани ишқинг мани олам аро девонавор қилди! (деганча пахса девор этагида жойлашган товукхона устига оёқ кўйиши билан пастга, товукхона ичига қулайди. Товуклар қичқириви оламни бузади...

**15. Тошкент—Хорзам йўли.** «Мерс-рефрижиратор»ида Шухратхўжа билан Акмал иккови келишаяпти. Шухратхўжа «Таманно» куйини хуштак қилиб чалаяпти. Ижро давомида Акмал унга ҳамоҳанг машина торпедасини чилдирма қилиб чалади. Куй авжланганда Акмал отасига жўр бўлиб, овози ва кўли ҳаракатида гитара чалади. Пайдо бўлган андак хушвақтликдан ва Акмалнинг жазавали усуллари ижросилан иккалови завқланиб кулади.

**А к м а л** (кулги тўхтагач) Ада, ўзи сиз шофёрмас, найчи бўлишингиз керак эди.

**Ш у х р а т х ў ж а** Тўйда сурнайчи қидирмас эдик. (кулишади)

**А к м а л** Ада, ўзингиз ўтил боласиз-да, ойимга ўхшаб юрагингиз тормас.

**Ш у х р а т х ў ж а** Э-э, ўғлим, яхши хотин, ҳали онасини қорнида! Онанг нима қисаям, бахтингни ўйлаб қилади.

**А к м а л** Барибир ойимни яхши кўрасиз.

**Ш у х р а т х ў ж а** Ҳамма инжиқликларимни кўтарганидан кейин ойингни яхши кўрмай, кўшнимизни олапарини яхши кўрайми?!

**16. Шухратхўжа ҳовлиси.** Айвонда Матлуба билан синглиси Раъно кўҳликкиналиги баробарида оддий кийинган. Сочлари узун, ҳаели, камгап, камтарона аёл.

**М а т л у б а** Қайсар поччанг Хоразмга кетди.

**Р а ъ н о** Хоразмни қаеридан экан?

**М а т л у б а** Хоразмдан ҳалиям кўнглинг синмаганми? Сани Хивангданмиш.

**Р а ъ н о** Айб ўзимда, сизларга қулоқ солдим...

**М а т л у б а** Тўғри қилгансан. Ҳозир, жазирамада. далама-дала тупроғни ялаб юрадинг-де.

Раъно (тошкентлик) (бошини ҳам қилиб) Суйганинг билан ўзинг яхши курган ишни қилиб юрсанг, шуни ўзи бахт-ку, опа.

Матлуба (ачиниб) Ким билиб ўтирибди, ажралган эринг бепушглигини.

Раъно Яхши бўлса, рози бўлинг, опа.

Матлуба Санам узи бегонадан баттарсан!

17. Урганч. Шухратхўжа дўсти Отамуроднинг уйини олди. Эшикни олдида ҳозир келиб тўхтаган «Мерс-рефрижиратор» юк машинаси турибди. Машина ичида Акмал ўтирибди. Шухратхўжа эшик қўнгироғини босиб турибди. Ичкаридан

Отамурод (овози) Ким?

Шухратхўжа Оғабей!

Отамурод (эшикдан қулочларини очиб чиқади) Э-э, Шухратхўжон!

Шухратхўжа Қани, машинага қтир! Шошиб турибмиз, қолганини йўлда гапиришамиз!

Отамурод Қаёққа?

Шухратхўжа (машинага ўтира туриб) Хивага

Отамурод Ахир уйга гирмийсизлами?

Шухратхўжа Хивадан қайтганимизда!

18. Хива. Оқшом. Кенг кўчани бурчагида жойлашган Машарифнинг данғиллама уйи. Раъно туғилган кунни шарафига бериластган зиёфатнинг қизгин палласи. Кенг ҳовлида, чиройли безатилган дастурхонлар атрофида Раънонинг дўстлари, ҚВН қатнашчилари. Кимлардир қарсақ чалиб мазза қиляпти. Официантлар елиб-югуриб хизматда. Ёшлар ўртада рақс қилишяпти. Ҳовли саҳнига Машариф қўлида бир даста гул билан, Маҳмуд, Шариф полвонлар қуршовида ичкаридан чиқади.

Давра боши Ина, Машариф акам ҳам чиқдилар. Марҳамат, сўз сиза!

Машариф (гулни Раънога бериб, икки чеккасидан ўпада ва бағрига босади. Чўнтагидан қимматбақо сирғалар жойлаштирилган қутичани олиб очади-да, Раънога беради) Табриклайман, қизим, умринг узоқ бўлсин, бахтли бўл!

*(Даврада қарсақ ва завқли қийқириқлар)*

Маҳмуд (Машарифга шаъма қилиб) Шу билан қутилжақмисан?! Шундин гунда бир очилишсанг-а!



Машариф андак ийманиб, давралан чиқиб кетмоқчи бўлади. Давра иштирокчилари бараварига Машарифни Хоразмнинг қадимий «Лазги» рақсини моҳирона ижро қилишини билганларидан биринкетин илтимос қилишади. Созандалар вазиятдан фойдаланиб, аста «Лазги»ни бошлаб юборишади. Раъно дадасини икки қўлидан ушлаб даврага тортади. Куй кучаяди, Машариф икки кўзини юмиб, чангак ҳолатида аста ўйинга киришади. Рақсни энг қизиган палласида ичкарилан, хотинлар утирган хонадан Раъно ойисининг яқин икки дугонаси чиқиб келишади. Рақс тугагач, Раъно уларни олдига яқинлашади. Машариф ичкаридан чиққан гуруҳи билан кириб кетади.

1-А ё л Раъно, бизла ёна гирмийсанми?

Р а ъ н о Яхши (улар билан аёллар утирган хонага киради.)

Аёллар ўтирган хонада халфа қизлар гармонда шўх кўшиқ ижросида рақсга тушаётган бўладилар. Даврадаги аёллар Раънони ўртага олиб ўйинга тушишади.

19. Машарифнинг уйи. Холлдан кириладиган хонада Машариф, Маҳмуд, университет ректори, декани, режиссер ва бошқалар чиройли безатилган дустурхон атрофида қаҳ-қаҳа отганча кулишиб ўтиришибди. Товуқхонага нобоп йиқилганидан у ер-бу ери лат еган Саъдулла билан Шариф полвон хизматда.

Р е к т о р (қадаҳ сўзининг давоми) Мана, қизингизни туғилган куни билан чин дилимдан муборакбод этаман. Тошкентда ютиб келгани учун биз ҳам бир сюрпириз тайёрлаб қўйдик. Раънони ўқишини Америкада давом эттиришига хужжатларни тайёрлаб жўнатдик. (ҳамма қарсак чалади) Машариф ака! Сизга раҳмат! Сиздай оталар кўпайсин! (ҳамма қадақ кўтарали)

М а ш а р и ф (Ректорнинг сўзлари унга ёқинқирамайди, аммо сир бой бермаслик учун муғойиба қабилда товуқларга тақлид қилиб) Ёшгина бир жонон товук, шарти гетиб, парти қолган қарри товукқа зорланибди: —Вой, кундошжон, тухум қилавериб, чарчадим, қачонгача ман Куланггини азобини тортаман, деса, қарри товук дермиш: —Зорланманг, пари, Куланггини санга қарагани, вун қарригани! (кулги.)

Ш а р и ф п о л в о н (гўё тушунмагандай) Машипбой ога, қарри товукни новви дагани бу? (деб қочиб чиқиб кетади)

**М а ш а р и ф** (Шариф полвоннинг орқасидан) Буни ана,  
Саъдулладан сўра, шу билади товуклани дилини, шуннан сўра! (қаҳ-  
қаҳа кўтарилади)

**М а ҳ м у д** Маши! Саъдуллага деймасанг еганинг сингмийди,  
сани! Кўйсанг-а! (кулги)

*Ҳовлининг ён томонидаги очиқ эшикдан Шухратхўжа, Отамурод,  
Акмал учови кириб келади. Улар кирганда Раъно ўртада хиром этаётган  
бўлади.*

**А к м а л** (Раънони дадасига кўрсатиб) Ада, келинингиз.

(Ичкаридан чиққан йигитлардан бири Отамуродга мулозамат  
қилиб, уларни ичкарига

таклиф қилади. Шариф полвон қайтиб кириб, Машарифни  
имлайди.)

**М а ш а р и ф** На гап?

**Ш а р и ф** п о л в о н Тошкентдан меймонла галди.

**М а ш а р и ф** (сал ҳайрон бўлиб) Айт, гирсинлар, недан  
галганда на.

**Ш а р и ф** п о л в о н Йўқ, сиз чиқамишсиз.

**М а ш а р и ф** Иб-и! Яхши! (ўтирганларга менга рухсат дегандай)  
Аласа! (чиқади)

*Акмални келганини курган Раъно боғ ҳовлидаги зинапоядан иккикчи  
каватга кўтарилади. Рақсга тушаётган Гуландом унинг орқасидан  
эргашади. Улар холл тепасидаги майдончага келиб туришади ва  
пастдаги воқеаларни кузатишади.*

20. Машарифнинг уйи. Холлда диван ва креслоларда Машариф,  
Шухратхўжа, Отамурод, Акмал ўтиришибди.

**О т а м у р о д** Машипбой! Биздан йўл сўранг.

**М а ш а р и ф** Яхши, қани, йўл бўлсин!

**О т а м у р о д** Мани қалин ошнам Шухратхўжа ўгли  
Акмалжонни олиб, сиз билан танишиб гетмака галибди. Акмалжон  
қизингиз билан Тошканда (ўзбекча талаффузла) КВНда танишган  
акан.

*(Меҳмонлар Машарифнинг бир лаҳзада ранги-рўйи ўзгаргани кўриб,  
зийраклашади)*

**М а ш а р и ф** (ичидаги ғалаённи босиб) Дим яхши! Қани,  
аласа, меймонлани ичона бошланг.

*(Ҳаммалари ўринларидан туришади)*

**Ш у х р а т х ў ж а** Қандоғ бўларкин...

**А к м а л** Ада, мен ҳовлига...

**М а ш а р и ф** Меймонла, қани ичона. (Шухратхўжа билан Отамуродни меҳмонхонага ўтказиб, Шариф полвонга «кўз-қулоқ бўлгин» маъносида имо қилиб) Сан ина бу болани, болла ёна опчиқ!

**Ш а р и ф** п о л в о н (фаҳмлаб) Ажаб!

*Тепада буларнинг суҳбатига қулоқ қўйиб турган Раъно билан Гуландом бир-бирларига қарашади.*

**Р а ъ н о** Ақамни авзойини гўрдингми?

**Г у л а н д о м** Ақмалингни мардлигига дурдим! Сани даб Тошқандан галдими, исоб!

**21. Машарифнинг уйи.** Боғда зиёфату мусиқа авжида. Шариф полвон Ақмални дастурхонга ўтқизади. Тепа зинапоядан Раъно билан Гуландом тушиб келаяптилар. Раъно билан Ақмал ошиқона кўзларини бир-бирларидан узмайдилар. Саъдулла пайдо бўлади ва уларни кўз қарашларидан рашки келиб Раънони йўлини тўсмоқчи бўлади. Шариф полвон Ақмалга ароқ қўйиб узатади.

**Ш а р и ф** п о л в о н Бу майишат сизлар КВНда утузганингиз учун ҳам. Қани, бир, олиб юварали!

**А к м а л** Раҳмат ман ичмийман!

**Ш а р и ф** п о л в о н Меймон, олинг! Ичинг, гетади...

**А к м а л** Шунақами? Қани. ичайлик, ютқизсак ҳам бизни ичимиз кетмас! (Бир зарб билан кўтаради)

*(Р а ъ н о билан Гуландом Ақмал олдига келади)*

**Р а ъ н о** Яхши галдингизми?

**А к м а л** (Хоразмча талаффузни салгина бузиб) Гулни хумор атиб галдим!

**Р а ъ н о** Қадамима зор атиб галдим!

Саъдулла уларни ёнига келади. Гуландом Раънони қўлидан ушлаб, рақсга тортади. Шариф полвон пиёлани яна тўлдириб ароқ қуяди. Раъно бу аҳволни кўриб, майин табассум билан Ақмални рақсга тортади. Дастурхон олдида Шариф полвон Саъдулла ноқулай вазиятда туриб қолишади. Созандалар Раъно билан Ақмални ўртага чиққанларини кўриб, янги қўшиқ бошлашади. Ўртада Раъно нафис

ҳаракатлар билан муқом қилади. Уни атрофида Акмал чиройли айланиб рақс қилади. Қўшиқ авжида Акмал Раънони белидан ушлаб гир айлантиради. Бунни кўрган Саъдулла Шариф полвонга юзланади.

**С а ъ д у л л а** Нишаб дурибли бу Тошканти елим?! Ёнина борсанг-а!

**Ш а р и ф** полвон Ўзинг бор, Яго!

*Шу пайт Акмал қўшиқ якунида ҳаракатга мос равишда Раънони бағрига олади. Бунни кўрган Саъдулла билан Шариф полвон энди чидамай ўртага чиқиб, рақс муқомида Акмал билан Раъно орасига киришади ва Шариф полвон Акмални ён куча эшик томонга йўллайди, Саъдулла эса, Раънони моҳирона тескари бурчак томонга олиб кетади.*

## 22. Машарифнинг уйи олди.

**Ш а р и ф** полвон (Акмалга) Ная қучоқдийсан?!

**А к м а л** Ёлғон гапирма!

**Ш а р и ф** полвон Ким кўр?!

**А к м а л** Йўқ нарсани курганингдан кейин ким бўлардинг?!

**Ш а р и ф** полвон На дадинг? Яна бир қайтар?! Ҳе, анангни!..

*(Акмал унга ташланмоқчи бўлади. Ичкаридан чиққан йигитлар уларни «ҳай-ҳайлаб» ажратишади. Шу пайт ичкаридан Раъно, Гуландом, улар ортидан эса, Саъдулла чиқади)*

**Р а ъ н о** Шериппой оға! Уялмисизми? Ичона гиринг!

**Ш а р и ф** полвон Иб-и! (Акмални курсатиб) Бу уялсин!

Саъдулла бирдан отилганча ўртага чиқиб, Акмални ёқасидан ушлайди ва йигитлар ўртасидан уни чекка томонга судрай бошлайди. Ола-говур кўтарилади. Акмал Саъдуллани бир силтаганда Саъдулла ерга йиқилиб тушади. Саъдулла бу шармандали аҳволдан газабланиб, бақирганча Акмалга янгидан ташланади. Акмал чапдастлик билан ўзини четга олганидан Саъдулла ўзи тойиб йиқилади. Бу бўлаётган шовқин-суронга ичкаридан ҳамма зиёфатдагилар ёпирилиб чиқишади. Шариф полвон зудлик билан бориб, Акмални қўлини қайиради.

**А к м а л** (оғриққа чидамай) Қуйвор! Қуйвор дедим!

**Р а ъ н о** (Шариф полвонга қатъият билан) Қуйворинг кетсин!

*(Шариф полвон Акмални қуйворади)*

**А к м а л** Раъно! Ахир мен...

Раъно Етар, бас! Сизга рухсат!

*Шунгача ичкаридан чиқиб бу воқеани кузатиб турган Машариф,  
Шухратхўжа, Отамурод уларга яқинлашишади.*

Ма ш а р и ф (Раънога) Дўғри айтдинг! Меймонлани иззати битди!

*Раъно ичкарига кириб кетади. Акмал унинг изидан юрмоқчи бўлади.  
Шухратхўжа тўхтатиш учун унга юзланади.*

О т а м у р о д Машипбой, аласа, бизлара жавоб барасиз.  
Ма ш а р и ф Жавоб Оллодан!

*Отамурод дўстларини машина томонга бошлайди. Шухратхўжа  
билан Акмал андак мулзам бўлиб унга эргашадилар.*

Ма ш а р и ф (қолганларга) Қани, ичона юринг!

(Ҳамма ичкарига киради)

23. Хива-Урганч йули. Тун. «Мерс-рефрижератори» кабинасида Шухратхўжа рулда, Отамурод уни ёнида, бу чеккада Акмал.

Ш у ҳ р а т х ў ж а (сал жимликдан сўнг) Машрапжон тузук одам экан, локин Тошкентга қизини бермайди.

О т а м у р о д Дўғри айтдингиз, ёлғиз қиз, дишона бармас... Қолаварса, бундин бойлар ўз тенгини қидиради.

Ш у ҳ р а т х ў ж а (ўғлига сал жимликдан сўнг) Ўғлим, Тошкентга кетганимиз маъқул.

А к м а л Сиз кетаверинг, ада, мен қоламан.

*Шухратхўжа ўғлининг бу гапидан қони қайнаб машинани четга олиб  
шаҳд билан тўхтатади. Шартти Акмал томонга ўғрилади.*

Ш у ҳ р а т х ў ж а Сан ўзи қанақа боласан?! Нима бўвотганини тушунвотсанми?! Қизини манга бермайди! (Акмал индамасдан машинадан тушиб, Хива тарафга юриб кетади. Машина ичида Отамурод Шухратхўжага гапирмоқчи бўлади.) Қайт кетвотсан?! Қайт орқангга! (Акмал жавоб бермасдан кета беради)

О т а м у р о д («хотиржам» овозда) Оғабей, бола сўвисин, ҳозир бефойда. Майли, бир-икки кун бизникида бўлсин, ўзим кейин самолётда жўнатаман.

*(Машина шашт билан орқасига бурилиб, Акмал олдига боради)*

Ш у ҳ р а т х ў ж а (Акмалга) Бўпти, ўтир! Урганчда қоламиз.

*(Акмал синчковлик билан уларга қараиди)*

**Отамурод** (хайрихоқлик билан) Бизникида қоласизла.

*Акмал машинага ўтиради. Машина яна Урганч тарафга бурилиб,  
шитоб билан елиб кетади*

**24. Хива. Машарифнинг уйи. Ошхона. Эрталабки ноноушта пайти.**  
**Раъно** дастурхон тайёрляпти.

**Машариф** (кириб келади ва ҳамишаги ўз жойига ўтириб)  
Икки қулоқинг билан ҳам эшит. Августда тўйинг бўлади! Саъдуллага  
бераман! Момитга айтдим.

**Раъно** Ўқишни битирмагинча...

**Машариф** Ҳа, Тошкентлия кўнглинг боми?

**Раъно** Манго иккисам гаракмийди!

**Машариф** (ачиниб) Сани Тошкента ювармайин дадим-а!

**Раъно** Опам бўлганда... (кўз ёш қилади)

**Машариф** Йиғлама! Баҳона топма! Ўзингни оссанг ҳам,  
чопсанг қам Тошкентлия бармийман!

**Раъно** (маъюсгина) Сизни бир ўзингизни ташаб нера бораман!

**Машариф** Ина шу гаппингда дур! (кетади)

**25. Тошкент. Шухратхўжа ҳовлиси. Сўрида Матлуба қошларига**  
**ўсма қўяпти. Бахтиёр** варрак ясапти.

**Бахтиёр** (ясалган варрагини кўз-кўз қилиб) Ойижоним,  
Сизни мана шу варрагимга миндириб, учираман, Хоразмни би-ир  
томоша қиласиз!

**Матлуба** Галди-гатди деган чўлни кўраманми!

**Бахтиёр** Шунақамас-де, ойижон! Хоразмча ашулаларини  
қаранг, зўр-ку!

**Матлуба** Андила! Тошканни тўйи бўлмаса, ҳаммаси оч  
қолади!

**Бахтиёр** Барибир акамни ютиб кетди-ю, хоразмлик  
келинингиз!

**Матлуба** Ҳе, аптинг курсин! Отанг-де, ҳаммасини бузвотган!  
Маҳаллага тандирлай-тандирдай қалпоғларини кийиб келишадими  
энди хоразмликлар?!

**Бахтиёр** Сизла Хоразмга хотинлар билан юбка-шимларни  
кий-й-иб борасиз-ла-ю!

**Матлуба** жавобга гап тополмай Бахтиёрни бир нима билан  
урмоқчи бўлади. Бахтиёр варрагини олиб қочиб кетади. Шу пайт

хонтахта устида турган телефон жиринглайди. Матлуба телефон гўшагини кўтаради.

Калдра: Машина ҳайдаб келаётиб, хотини билан уяли телефон орқали гапиришаётган Шухратхўжа билан галма-гал, телефон гўшагини қулоғига маҳкам босганча бақираётган Матлуба кўринади.

Ш у х р а т х ў ж а (овози) Матлу! Яхши ўтирибсанми?

М а т л у б а (портлаб) Нима қиб санғиб юрибсиз Хоразмда!

Ш у х р а т х ў ж а (овози) Яна нима бўлди?

М а т л у б а Бало бўлди! Дард бўлди! Қачон келасиз?

Ш у х р а т х ў ж а Ўзим борапман!

М а т л у б а Ўғлингиз-чи?

Ш у х р а т х ў ж а У қолди!

М а т л у б а (жон-пони чиқиб) Бегана жойга болани ташлаб келаверасизми?

Ш у х р а т х ў ж а Борганда тушунтираман!

М а т л у б а Болангиз ҳам ўзингиздай ўжар! Ҳеч нимани билмайман, боламни опкелинг! (телефонда калта товушлар эшитилади. Телефон гўшагини ўрнига қўйиб) Йўлла юравериб бу кишиям саҳройи бўлганлар...

26. Урганч. Университет олди. Талабалар яккам-луккам, тўда-тўда бўлиб университет биносига кириб-чиқиб туришибди. Панжаранинг ташқари дарвозаси олдида «Мерседес-600» машинаси ёнида икки бақувват йигит турибди. Уларнинг бири шофёр, иккинчи Шариф полвон. Акмал эса, дарвозанинг бериги томонида панжара олдида турибди. У ўқтин-ўқтин университет эшигига қараб қўяди. Шариф полвон билан Акмал иккови бир лаҳза ёв қараш қилишади. Улар ўртасидан талабалар уёқ-буёққа ўтиб туришибди. Баланд зинапо्याлик университет эшигидан Гуландом, Гулжамол ва бошқа қизлар билан Раъно чиқади. (муסיқа бошланади) Зинапоядан тушиб келаётган Раънонинг нигоҳи Акмалга тушади ва беихтиёр юзида табассум пайдо бўлади. Камера уч кишини—Акмални, Раънони ва Шариф полвон кўзларини, уларнинг муносабатларини калта планда кўрсатади. Акмал ва Раъно ошиқона кўзларини бир-бирларидан узолмай ҳаракат қилишади. Раъно машинага ўтириб ҳам кўзини Акмалдан олмайди. Машина жойдан кўзғалиб кетгунча улар нигоҳларини бир-бирларидан узишмайди. Машина олди ўриндиғида утирган Шариф полвон ғайр билан гоҳ Раънога, гоҳ Акмалга қарайди. Машина аста юриб Акмал олдидан ўтганда Раъно бошини буриб, ўгрилганча қолади. Акмал эса, аста кетаётган машинага монанд

бурилиб, то машина тезлашгунча ёнида юриб, сўнгра югуриб боради. Акмал катта йўлнинг чеккасида ёлғиз қолади. (Мусиқа кучаяди).

27. Хива. Тун. Маъриф ҳовлисининг икки томонлама олд тарафи. Қай бир деразаларда чироқ гоҳ ёнади, гоҳ ўчади. Акмал бир гужум панасила туриб, уйнинг деразаларини кузатаёпти. Кўчадан ўқтин-ўқтин машиналар икки тарафга ўтиб турибди. Шу пайт ён томондаги Маъмурлар уйининг эшиги очилиб, ичкаридан ахлат челагини кўтарганча, Шукуржон чиқади ва Акмални Раънолар уйи томон қараётганини кўриб қолади. (бу ҳолатга лаҳзалик мусиқий урғу берилади)

*Акмалнинг қўлидаги уяли телефон жиринглайди. Шукуржон бир чеккада туриб телефондаги суҳбатни эшитиб туради.*

А к м а л (телефонга жавоб беради) Алло! Дилбар эшитаяпман! Нима гап? Ман сани яхши эшитаяпман, Дилбар, гапиравер! Дилбар! Дилбар! Дилбар! (алоқа яхши бўлмаганидан телефонни ўчириб қўяди)

Ёришиб турган деразада Раънонинг қораси кўринади. Акмал панадан чиқиб, ўша ёруғ дераза томон юради. Акмал Раъно деразасини тақиллатади. Раъно парлани очиб, Акмални кўради ва бирдан ҳаяжонланиб, парлани ёпади. У яна деразани тақиллатади. Шу пайт секингина дарвоза эшиги қия очилади. Ташқарига очилган эшик оралиғидан нур тушади. Акмал эшик томон юради. Шукуржон буни кўриб, апил-тапил қўлидаги челақни қўяди-да, чопқиллаганча уйига кириб кетади.

28. Маъмурнинг уйи. Ток тагидаги шинам сўрида Маъмур ўғли билан нарл ўйнаб ўтирибди.

М а ҳ м у д Ўғлим, йигит киши икки нарсада янглишмаслиги керак. (Тошни ташлаб) Беш-олти. Биринчиси касб танлашда...

*(Шу пайт улар олдига Шукуржон келади)*

Ш у к у р ж о н Ҳа, бемалолхўжалар! Санлар бу ерда нарда ўйнаб ўтираберинглар ана у Тошкентлик келинимизни олиб қочиб кетмоқчи...

М а ҳ м у д На мунча шовқин қиласан? Нима, ичингда музинг борми? Даласи билан гаплашиб қўйганман қиз бизники! Бор, ишингни қил!

С а ъ д у л л а Дада, иккинчиси нима эди, иккинчиси?



Маҳмуд Иккинчисини кейин айтаман.

Шукуржон (Сўри четида ётган телефонни олиб) Алло! Машариф оға, ассалом алайкум. қаердасиз, даладамисиз? Ана у Тошкентлик йигит ўйингиз атрофида ўралишиб юрибди. Ҳа... эҳтиёт бўлинг-а...

Маҳмуд (Шукуржонга, жеркиб) Қўй телефонни! Бор, ичкарига кир, ҳаммаёққа бурнингни тикиб юрасан! (Шукуржон қийпанглаб ичкари кириб кетгач, Саъдуллага) Иккинчиси, хотин танлашда янглишмаслик керак!

Саъдулла (Маъқул тушиб) Ҳа-ҳа!...(тошни завқ билан ташлаб) Шеш-беш! (Улар иккови яна ўйинга машғул бўлишади)

29. Машарифнинг уйи. Акмал эшикдан кириб, Раънога яқинлашади. Вужуди билан титраётган Раънони индамасдан қўларини олиб, уни бағрига тортади. Раъно Акмални бу янглиғ эҳтиросли туйғусини нозиктаблик билан тўхтатади.

Акмал (ички дард, паст овозда) Раъно...

Раъно (ўзини тутиб) Сиз ҳам менга ёқасиз, аммо...

Акмал (бармоғи билан унинг лабларини ёпиб) Сизсиз яшолмайман.

Раъно Ўзингизни қийнаманг. Мени ҳам ўйланг!

Акмал Ўйлаб, туролмаганимдан келдим!

Раъно Маъқул, лекин... Мени шаънимни ҳам ўйланг!

Акмал (ҳайратланиб) Айбим нимада?

Раъно Айбингиз йўқ! Айб... ҳаёда!

Акмал Мен нима қилай?!

Раъно (кўзидан ёш оқиб) Мени беҳаё қилманг! Агар мени десангиз, мени ҳам ўйланг! Энди, кетинг...

Акмал (бошини эгиб) Яхши... ҳозир кетаман... Ўзимни сизга ташлаб кетаман...

*Дафъатан кўчада қаттиқ тормоз билан машина келиб тўхтагани эшитилади. Раънони ранги ўчиб кетади.*

Раъно Дадам!..

Акмал Нима бўлса бўлди!.. Айб менда! Ўзим!..

*(Акмал эшикни очиб, чиқиб кетади.)*

Кўчада Саъдулла, Шариф полвон, шофёр, яна Норғул йигит туришибди. Улар Акмални кўриб, босиқлик билан у томонга яқинлашишади.

**А к м а л** (Уларнинг важоҳатини кўриб) Йигитлар, нима қилсанглар ҳам бу ердасиз.

**Ш а р и ф п о л в о н** (қолганларни тўхтатиб, Акмалга) Машинага ўтир!

*Бариси бирин-кетин машинага утириб кетишади. Шукуржон уйдан югуриб чиқиб машина орқасидан «ҳай-ҳай»лаганча қолади.*

30. Машарифнинг уйи. Ичкарида Раъно эзилиб йиғлаб ўтирибди. Раъно ўтирган хонага Шукуржон киради.

**Ш у к у р ж о н** Қисинма, у бахти қорани олиб гетдила!

**Р а ъ н о** (йиғидан тўхтаб, ўрнидан туради) Нобуд қилишса-я!

**Ш у к у р ж о н** Унга на ичинг ўғишади? У безорини ўлдирсалар ҳам ҳануз ол!

**Р а ъ н о** (дард билан) Ё, Худо! Ная?! На учун?! Уни гуноси новвида?! Айби на?! У ўлинча, ман ўлсам...

*Шукуржон Раънонинг бу гапидан ҳангу-манг бўлиб қолади. Раъно кўшни хонага отилиб чиқиб кетади.*

31. Хива. Дишон қалъа. Машина Хиванинг Дишон қалъаси-Шохимардон дарвоза енидан ўтиб қабристон олдида тўхтади. Акмал тўрт йигит қуршовида пастга тушиб, қабристондан қарши томонга сал юриб тўхтади. Тўрт йигит машина олдида кенгашади.

**Н о р ғ и л й и г и т** Шерипбой, буни уриб, балосина қолганнан, Дашёқни қумина ташағали.

**С а ъ д у л л а** Қума бориб юриймизми, шўда ишини ҳал қилиб ташлағали!

**Ш а р и ф п о л в о н** Садилла қизишма, буни гаппи дўғри! Тонг отинча қумда бўлжақи бўлади ўзи! (Акмалга) Ҳей! Буёна га! (Акмал келмай туради) Га, машинага мин! Гетамиз!

Акмал машина олдида келиб, яна икки йигит ўртасига ўтиради. Машина қум томонга юриб кетади.

*Машина қум ичида тўхтади. Машинадан Норғил йигит, Шариф полвон ва Акмал учови тушади. Акмал машинадан тушгач, устига бостириб келаётган Норғил йигит билан Шариф полвондан ўзини сақлаш учун қум ичкараси талон қочади ва қораси кўринмай кетади. Акмални қочганини кўрган Норғил йигит билан Шариф полвон машинага қайтиб ўтиришади.*

**С а ъ д у л л а** (хурсанд бўлиб) Харом ўладўвин бўлди!

**Ш а р и ф п о л в о н** Галгинди-дон! Қумда адашса, чиқа вармийжагини билмийди!

Ш о ф ё р Нишатин?

С а ъ д у л л а Нишатар адинг! Бос орқага!

Ш а р и ф п о л в о н Кўй-ов! (Норғил йигитга) Бор, қайтар уни! Озонача харом ўлади!

*Машинадан Норғил йигит тушиб, Акмал кетган томонга югуради.*

Акмал Норғил йигитни чопиб келаётганини кўриб, яна ҳам ичкарироққа, кум барханидан ўтиб, яширинади. Норғил йигит «Акмал, Акмал!», дея бақириб, тополмай машина ёнига қайтади.

Н о р ғ и л й и г и т (куйиниб) Энди қидирганни пайдоси йўк! Барибир туттирмийди!

С а ъ д у л л а Аса, нишаб утирибмиз?! Гетдик!

*(Норғил йигит машинага ўтиради. Жимлик.)*

Ш а р и ф п о л в о н (шоферга) Қани, орқага бос!

32. Урганч. Университет олди. Кўшиқ мусиқасининг кириш қисмида университети олдида турган Гулжамол кўринади. Раъно билан Гуландом келади. Гулжамол кечаси Акмални уйга қайтмаганини Раънога айтади. Раъно кеча уйи олдидан Шариф полвонлар Акмални машинага миндириб олиб кетишганини айтади.

Шу ерда Раънони туғёнли кўшиғи бошланали:

Қалқон эрур сийналарми  
Кўпдир жавру-жафоларинг?  
Қийноқларда синаларми,  
Кўрсатмиш ким вафоларинг?

Айрилиқ наҳот юрагим  
Қон этар то умримки бор?  
Ҳолимни сўрар энди ким,  
Кетди мендан эрк, ихтиёр!

Мурувват айла эй, Тангрим,  
Жафоқаш дил хасталарга.  
Қаноат бер-ей. Тангрим,  
Ошиқий вобасталарга.

Кўшиқ жараёнида ва давомидати мусиқаларида қуйидаги ҳаракатлар акс эттирилади: Гулжамол тезда уйига келиб дадаси

Отамуродга айтади. Отамурод тезда «Тико»сини миниб Машарифни кабинетига боради ва Акмални кеча унинг йигитлари машинага миндириб кетишганини ва Акмал бедараклигини гапиреди. Машариф дарҳол Шариф полвонни чақиради ва Акмални суриштиради. Шариф полвон кечаги воқеани гапириб беради. Бариси машиналарга ўтириб, кеча Акмални ташлаб кетилган жойга келишади ва излай бошлайдилар. Уни дом-дараксиз йўқолганини билишгач, Отамурод Машарифнинг уяли телефонидан Матлубага телефон қилади. Телефондаги шум хабарни эшитган Матлубанинг ранги-рўйи ўчиб, Қамчиқ доводнида «Мерседес» рефрижираторида бораётган Шухратхўжа, уяли телефонда Матлубанинг хабаридан ўзгарган ҳолатда машинадан тушиб, орқасида келаётган бошқа шунга ўхшаш рефрижираторни тўхтатиб, машинада ўтирган ҳамкасб икки нафар шофёрларга воқеани тушунтиради.

Кадрда қум, жазирма қуёш. Акмал беҳол, икки бархан орасида сувсаб кетаяпти. Бир баландроқ сазақ тагига бедармон келиб ўтиради. Унинг берирогидан бир илон судралиб ўтади.

Тун. Урганч аэропорти. Самолетдан тушиб келаётган Шухратхўжа билан Матлубани Отамурод кутиб олади. Уларнинг ваҳимасини Отамурод бартараф қилолмайди. Улар учови аэропортда тўғри қумга келишадди.

Бу пайтда гулхан ёқиб, милтиқдан ўқ отиб, машғала билан Акмални қидириб юрганлар қаторига қўшилишадди. Матлуба ўғлини излаб фарёд қилади.

Эрталаб вертолетда Машариф, Шухратхўжа, Матлубалар тепадан қумда Акмални излашади. Вертолетда Матлуба Акмалдан дарак тополмагидан тинмай сочини юлиб йиғлай бошлайди.

Пастда қидирувчилардан баъзилари қўлларида хассисмон таёқлар билан, баъзилар Огда, баъзилар «Нива» машинасида қум ичида излашяпти.

Тепада, вертолетдагилар Акмални бир пастлик жойда чўзилиб ётганини кўриб қолади. Вертолет пастлай бошлайди...

Отамуроднинг уйи. Бирмунча узига келган Акмални ёнида утирган Шуҳратхўжа билан Матлуба Акмалга нимадир дейишади, Акмал уларнинг гапига рўйхушлик билдирмай, девор томонга ўтрилади. Мусиқа тугайди.

33. Хива. Машарифнинг ишхонаси. Кабинетида ишлаб ўтирган Машариф олдига Шуҳратхўжа билан Матлуба қабулхона котибасининг «хай-хай»ига ҳам қарамай киришади. Машариф телефонда гаплашаётиб котибага «майли, кираверишсин» дегандай ишора қилади.

**М а ш а р и ф** (телефонда) Чеқанкани вақтида қиллолмай, пахтани ғовлатдинг! Ўзи сув кам вақтда сувга бостирдинг! Энди кўсақларни қуртлара ем қилаяпсан! Нима?! Ҳар бир кўсақлагни қуртни бирма-бир оласан, маннан қутиласан, йўқса, ўзингдан кўр! (жаҳл билан телефон гўшигини кўйиб, Шуҳратхўжага юзланади) Яхши галдингизми? Гўрмисми, ёшла, ёш-да!

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** Худога шукр топилди. Нима бўлган бўлса, бўлди. (Матлуба эрининг бу гапидан норози бўлиб, унга кўзини чақчайтириб қарайди) Машрабжон, энди болаларни тақдирини ҳал қилайлик...

**М а ш а р и ф** Ман Машрафжонмасман, ман Маширипман! Бу биринчидан. Иккинчидан, ёшларни новвисини ҳал атжаксиз?

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** Энди... Бизни ўғилни ҳаёт-мамоти ҳақида гап кетаяпти. Қизингиздан ўзгани эшитгиси йўқ, Машрафжон, сизни райингизга қараммиз.

**М а т л у б а** (сўзлашга оғиз жуфтлайди) Ўғлим...

**М а ш а р и ф** (Шуҳратхўжага) Мани одим, Маширип! Мани қизим екка, Тошқанта баравалимман! Яна нишаб тулпунтирин! Манам сиза ўқшаган отаман!

**М а т л у б а** (эрига) Ман ўғлимни Хоразмда қолдирмийман!

**М а ш а р и ф** Ина, гқрдинингизми, ман нишатин?

**М а т л у б а** Қизингизни беринг, опкетамиз!

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** (хотинига) Жим ўтирсанг-чи!

**М а т л у б а** Она бўлиб, нега жим ўтирарканман?!

**М а ш а р и ф** Тошкана барадўвин қизим йўқ!

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** Машрафжон, қизингиздан ҳам бир оғиз сўрайлик.

М а ш а р и ф И-и! Қиздан начун сўраш гарак? Ман баримман дадимми, тамом пассалом! Бошқа гаппи-сўзингиз бўлмаса, сизлара жавоб!

М а т л у б а Оламан десак, Тошканда минг қиз.

М а ш а р и ф Ана шу минггингиздан қолманг!

Ш у х р а т х ў ж а Машрафжон, сизни ҳозирги қарорингиз ҳаммамизни бебахт қилади (кўзига ёш олади. Хотинига) Тур, кетлик!

М а ш а р и ф На бўлса, Худодан!

*(Эр-хотин чиқиб кетишади)*

34. Мусиқа мактаби. Машариф мактаб директори билан залда ўтиришибди. Саҳнада иккита ёш болаларни «Дийралишма»си. Улар ижросида суворий услубидаги кўшиқ авжида. Машариф кўзига ёш олиб тинглаяпти.

М а ш а р и ф (кўшиқ тугагач) Болаларингиз яхши! Иқболини барсин. Санъат йўлида мендан нима ёрдам керак бўлса, мен тайёр! Бу боллани Тошкента бориб галиши боми, иссиқ-совуқи боми, на соз гарак бўлса, ҳаммасини аппаратман.

М а к т а б д и Р е к т о р и Раҳмат Сизга, барака топинг. Ҳалиям биз учун кўп иш қилаяпсиз. (ашулачи болаларга) Мана, болаларим, Машарифжон акангиз сизлрга хомийлик қилмоқчи.

М а ш а р и ф Кўйинг, кўйинг домла бу гаплани, яҳици ман гетдим, соғ бўлинглар...

35. Хива. Маҳмуднинг қовлиси. Тўй тараддули. Шукуржон тўй сарполарини сўрига ёйиб, тахлаяпти. Маҳмуд кўлида у-бу нарсалар кўтариб кириб келади.

М а ҳ м у д (кўлилагиларни сўрига кўйиб) Ина, Шукуржон, на даян бўлсанг, ҳаммасини апгалдим!

Ш у к у р ж о н Поҳ! Шуғинами? Ҳали галина дубленка олмадик, адик олмадик, отасинам дубленка олмасақ уят бўлади. Аммалари, дойилари, холалари...

М а ҳ м у д Амма-холаларина ная гарак? Машина дубленкаси бо! Галинни-ку, ҳамма нарсаси проб, мўл!

Ш у к у р ж о н И-и! Ҳамма нарсаси бо даб, тилимизни қисқа атиб ўтираварамизми?

М а ҳ м у д (керилиб) Қизини олганнан кейин ная тилимиз қисқа бўлади?

Ш у к у р ж о н Останроқ сўлланг, биров эшита гўрмасин!

М а ҳ м у д Қўйсанг-а! Машипбой минг йиллик жўрам мани! Ётоқ гарнитуриниям ўзи олади!

Ш у к у р ж о н Ундин бўлса, элда ничик бош гўтариб юриймиз! Саъдулла етиммас-ку, ахир?! Уни отаси бо, онаси бо! Ҳамма гарак-гадикни олиб бармасангиз тўй қилмийман!

М а ҳ м у д Атом бомбаси қимматмиш, шуннан бийинаси бизни боға тушмасмикан?

Ш у к у р ж о н Сизни тилингиза тушсин, шу бомбангиз!

36. Урганч. Отамуроднинг уйи. Отамурод ичкаридаги суҳбатга ҳалақит этмаслик учун ташқарида сигарета чекиб турибди. Отамуроднинг хотини-Тозагул қизи Гулжамол билан ошхонада банд. Шуҳратхўжа, Матлуба, Акмал учови ичкарида. Шуҳратхўжа асабийлашиб хонада у ёқдан-бу ёққа юраятти.

Ш у ҳ р а т х ў ж а Ҳаммаси жонимга тегди! (Акмалга, туюқиб) Қачонгача сени деб онанг билан хор бўлишимиз керак?!

М а т л у б а Мен бошидан қаршиман! Бунга қараб ўтирасизми! Бутуноқ кетайлик!

Ш у ҳ р а т х ў ж а (Акмалга) Нега индамайсан?! (хотинига) Бунингни қара! Индамай ўтиришини қара!

М а т л у б а (Акмалга, хуноб бўлиб) Бир нима дегин энди, болам!

А к м а л Ойижон... Кетолмайман...

Ш у ҳ р а т х ў ж а (портлаб) Ана! Жигар-бағримиз эзилиб кетсаям буни топган гапи битта! Ахир отасини зўрлаб, қизини қўйнингга солиб беролмайман-ку!

А к м а л (дадасига ачиниб) Куйинманг ада, ўзингизни асранг.

Ш у ҳ р а т х ў ж а (Акмални ёнига келиб, силкидилдан паст овозда) Ўғлим, хўп десанг, онаси ўпмаган қизни ўзим обераман. Ана, қара, Отамурод акангни гулдай кизи бор. (Шу пайт беҳосдан чой кўтариб Гулжамол киради. Буларнинг учовиям Гулжамолга қарайди. Гулжамол чойнаки дастурхонга қўйиб, уларнинг қарашидан

ўнғайсизланади. Акмалга бир қараб, чиқиб кетади) Мана, Гулжамолни Раънодан нимаси кам? Буям хоразмлик.

**А к м а л** (Узун сочли Гулжамол ҳақида) Сочи калта.

**М а т л у б а** Ўзимизни Дилбар-чи? Хушфеъл, гаплашсанг гаплашгудай.

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** (Акмалга) Хўш?!

**А к м а л** Майли, кетамиз, фақат Раънони яна бир кўрай.

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** (тутоқиб) Сенга айтадиганимни айтдим! Билганингни қил!

37. Раъно билан Акмалнинг изтиробли дуэти. Кўшиқ давомида тасвирда: уйда хаста ётган Раъно ҳамда Акмалнинг Хива манзараларида изтироб чекиб юрган ҳолатлари.

Раъно куйлаганда уни хоналар бўйлаб, танҳо кезиб юргани, ётоқхоналигида ҳамширанинг муолажага тараддуди, кўшни хонада дугонаси Гуландомнинг ташвишли ҳолатлари, отасининг қизини зимдан кузатаётгани, касал бўлиб, кўрпа-тўшак қилгани, тунлари бедорлиги акс этади.

Акмал куйлаганда уни аввало Урганчдаги университет биноси атрофида юргани, сўнгра Хива, «Хўжа минор»дан «Кўк калта минор»гача аста юриб келаётгани, Арк майдонидан «Ичон қалъа» девори ёқалаб «Боғча дарвоза» орқали «Дишон қалъа»га чиққани ва ойдинда Раънолар ҳовлиси томон йўналгани кўрсатилади.

#### **Р аъ н о**

Ҳижрон эзар, етмас бардошим мани,  
Адо бўлар кўздаги ёшим мани,  
Қотиб қолди аламдан бошим мани,  
Қайдасан, ёрим қайдасан, қайдасан?!

#### **А к м а л**

Жамолинг кўрмакка зор бўлдим, нетай,  
Сўзларингга интизор бўлдим, нетай,  
Аё дилбар, сенга ёр бўлдим, нетай,  
Қайдасан, ёрим қайдасан, қайдасан?!

#### **Р аъ н о**

Муҳаббатнинг юки оғир, бунча-ей,  
Шунданми бағри қон йиғлар, гунча-ей,  
Азоб бўлса, шунча бўлар, шунча-ей,  
Қайдасан, ёрим қайдасан, қайдасан?!



## А к м а л

Кел, эй маҳбуб, юрагим қон айлама,  
Ҳажринг билан дилим вайрон айлама,  
Ўзингни ҳам кўзинг гирён айлама,  
Қайдасан, ёрим қайдасан, қайдасан?!

38. Урганч. Университетнинг ўқиш хоналаридан бири. Аудиторияда Раъно компьютер олдида бир ўзи ўтирибди. Акмал аста келиб, ишлаб турган иккинчи компьютер олдига келиб ўтиради. (Муסיқа паст оҳангда бошланади)

Раъно Акмални келганини кўриб, ўзи ишлаётган компьютерда харф теради, Акмал келиб ўтирган компьютер уни ёзганини ўқийди:

Р а ъ н о (хати) Ҳали ҳам кетмадингизми?

А к м а л (хати) Уриндим, кетолмадим.

Р а ъ н о (хати) Энди нима қилмоқчисиз?

А к м а л (хати) Буёғи сизга боғлиқ. Барибир кетолмайман.

Р а ъ н о (хати) Нега?

А к м а л (хати) Мен сизсиз туролмайман!.. (бирпасдан кейин катта харфлар билан ёзади) С Е В А М А Н!

Р а ъ н о (хати) ...

А к м а л (хати) Нега жимсиз?

Р а ъ н о (хати) Августда тўйим бўлади. Хўп десангиз... К Е Л И Н Г.

А к м а л (хати) А Л В И Д О!

*(Акмал урнидан туриб чиқиб кетади. Раъно утирган жойида бошини столга қўйганча жимиб қотиб қолади)*

39. Урганч. Отамуроднинг уйи. Хонала Шуҳратхўжа, Отамурод, Матлуба, Отамуроднинг хотини Тозагул.

Ш у ҳ р а т х ў ж а Худоба шукр, ўғлимизни топдик. (Матлубага) Яна бир бориб кўрсакмикан?

М а т л у б а Майли...

О т а м у р о л Шунча воқеадан кейин Машарилбой ҳам қайишгандир.

Т о з а г у л Машарип оғани Хоразмда сўзидан қайтмайдиган дейишади.

*(Шу пайт Акмал киради)*

А к м а л Ада, ойи, кетдик.

М а т л у б а (хавотирланиб) Қаёққа, ўғлим?

А к м а л Тошкентга, ойижон, Тошкентга!

Ш у ҳ р а т х ў ж а Эсинг жойидами, тентакмисан?! Биз  
совчиликка борамиз деб ўтирибмиз!

О т а м у р о д Акмал, сан, кўп қизишма. Яна бир бориб кўрсак,  
ёмон бўлмас-ов.

А к м а л Ада, мен Хоразмдан уйланмийман! Кетмайсизми,  
кетмасаларинг, ман ўзим кетавераман!

Ш у ҳ р а т х ў ж а Ҳў! Манга қара беқарор! Нима, биз санга  
ўйинчоқмизми?!

М а т л у б а Вой, даласи, ўғлимиз кўниб турганда тезроқ  
кетиволайлик.

40. Хива. Тун. Машариф уйи олдига «Мерседес-600» орқасидан  
«Жип» машинаси келиб тўхтади. «Мерседес»дан керилиб Машариф  
тушади. Орқалаги машинадан Шариф полвон йигитлар билан пастга  
тунишади. Машариф уларга ўгирилиб, «кетаберинглар» ишорасини  
қилади. Лекин улар Машариф то уйига кириб кетгунча машина  
олдида кутиб туришади.

Машариф уйга киргач, қизини хонама-хона излайди ва йўл-  
йўлакай устки кийимларини еча бошлайди.

М а ш а р и ф Раъно... Раъно... Раъно!..

*Машариф қизини тополмай ошхонага кирса, ёниб турган газ плита  
устида турган чойғум суви тамом бўлиб, чойғум қизиганидан чарсиллай  
бошлаган. Машариф хайрон бўлиб, газни ўчиради ва Раъно ётоқхонасига  
бориб эшикни очади. (хавотирли мусиқа бошланади) Ётоқхона ўртасида  
узун сочлари ёйилган Раъно нотабий ҳолатда ётибди. Ёнбошида дори  
солинадиган бўш шишача ағдарилиб ётибди.*

*(мусиқа кучаяди)*

М а ш а р и ф (дод солиб) Раъно! Қизим!!! (уни елкасидан тутиб  
кўтаради ва бағрига босади) Кўзингни оч, қизим! Мани кўрқитма!  
Момит! Ҳой! Ким бор!

Ўзини сал ўнглаб олиб, Раънни ётқизиб, уяли телефонини олади.  
Қўллари қалтираб рақам тера бошлаганда мусиқа кучайиб қолган  
ҳаракатлар клип ҳолатида кўрсатилади: «Тез ёрдам» диспетчери  
Машарифдан маълумотни қабул қилган, Маҳмуд билан Шўкуржон  
шошилганча апил-тапил, йўл-йўлакай кийиниб келишаётгани, «Тез  
ёрдам» машинаси ҳамма чироқларини ёқиб, сиренасини ишлатиб,  
елиб келаётгани, Машариф, Маҳмуд, Шўкуржон аста, авайлаб  
Раънони кўтариб, каравотига ётқизишгани, «Тез ёрдам» ходимлари

шошилинич уйга-Раъно ётоқхонасига киришгани, Машариф Гуландомга телефон қилади: «Гуландом қизим, дугонанг оғир бетоб бўлиб қолди, тез етиб гал!». Шундан кейин кадрда: Шариф полвон бошчилигидаги «Мерседес-600» орқасидан «Жип» машинаси кетаётган жойидан тезлик билан орқасига бурилиши, Раънонинг ётоқхонаси эшиги олдида ҳаммалари ичкаридаги бўлаётган муолажа натижасини таҳликада кутишаётгани, Раънони ҳаракатсиз ётгани, врач билан ҳамширанинг чаққон қилаётган муолажалари, Машарифнинг унсиз йиғлаётгани, ётоқхона эшиги бир неча бор очилиб, ҳамширанинг кириб-чиққани, кўрсатилади. (муסיқа тинади. Гуландом кириб келади)

**Г у л а н д о м** Машарип ака! Раънога нима қилди?

**М а ш а р и ф** Галсам, хушсиз ётган экан.

**Г у л а н д о м** (ичкарига кириб чиқади ва ўзига-ўзи. хавотирли) Акмални қайтариш керак! (телефон томонга интилмоқчи бўлади. Машарип индамай соткасини беради. Гуландом телефон рақамларини териб) Акмал! Раънони тоби қочиб, оғир бўлиб қолди. Қаерда бўлсангиз ҳам бир келиб кетинг... Машарип акамни ўзлари сўраяптилар...

*Кадрда дадаси, ойиси билан Мерс рефрижаторда кетаётган  
Акмал намоён бўлади.*

**А к м а л** (сал жаҳл аралаш) Машарип акангизга айтинг, Саъдуллани чақирсинлар! (соткасини ўчиради)

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** Нима гап ўғлим?

**А к м а л** (яна бепарвогина, лекин ичини ит таталайди) Раъно оғирлашиб қолибди. (чеккага ўтрилиб аста унсиз йиғлайди)

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** Нима деганинг бу?

**А к м а л** Ада, ҳайданг!

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** Э, қанақа боласан?! Қайтиш керак!

**А к м а л** Ада, қайтиш йўқ.

**М а т л у б а** (ётган жойидан бошини кўтариб) Вой, мунча шалпаясиз! Ўғлим рози бўлиб турганда тезроқ уйимизга етиб олайлик!

**Ш у ҳ р а т х ў ж а** (бироз йўл юриб, кейин орқа-ўнггига қараб олади-да, жаҳл билан) Аблаҳ бола бўлибсан! (машинани шартта орқага буради-да, соткасини беради) Отамурод акагни олиб ўтамиз

**41. Хива.** Машарифнинг уйи. Ётоқхона эшиги олдида Машариф курсида ўтирибди. Эшик очилиб, врач чиқади ва Машарифни ён томондаги хонага олиб киради.

**В р а ч** (отани аяб) Энди, маҳкам бўласиз...

М а ш а р и ф ...

В р а ч Қўрқманг, иншоолло, яхши бўлиб кетади. Ҳозир уни безовта қилиб бўлмайди. Қаттиқ сиқилган шекилли, юраги кутармабди. Уни эҳтиёт қилиш керак. (хўрсиниб) Бўлмаса...

Машариф кўз ёшларини артиб, «хўп дегандай» бошини силкитади ва чидолмай ўз хонасига кириб кетади. У дераза олдида камерага орқа бўлиб, кўча қоронғулигига қараб турибди. Унинг шу алфозда туришича тонг отади. (лардчил мусиқа бошланиб «Дил армони» эпизодидаги кўшиққа ўтилади).

42. Хива. Раънонинг ётоқхонаси. Раъно шифтга қараб, кўзини бир нуқтага қадаб ётибди. Машариф уни ёнида, курсида ўтирибди. (жимлик)

М а ш а р и ф Худоға на ёмонлиқ қилдим... Бу на гўргилик... Опангдан айрилганимиз озми...

Р а ъ н о (ожизгина) Ака, сизда айб йўқ... Мани ўзим...

М а ш а р и ф Айбимни ўзим биламан. Сан мани ҳам ўғлимсан, ҳам қизимсан... Буёндаги умримни сани учун яшийман.

Р а ъ н о Сочингизга оқ тушибди...

М а ш а р и ф Ҳеч гапмас, қизим, сан омон бўлсанг бўлгани.

*Раъно айбдорона, отасига қарай олмаганидан, бошин хиёл девор тарафга ўгиради.*

М а ш а р и ф Сани тўйингни кўрсам... (ним табассум билан) Саъдуллага бераверайми?

Р а ъ н о (маҳюсгина) Ихтиёрингиз...

М а ш а р и ф Новви бўлсаам, бахтингни барсин, қизим... На дасанг, ман розиман. (аста туриб, қизини чаккасидан ўпиб, чиқиб кетади. Гуландом кўлида пакет билан кириб келади.)

43. Хива. Машарифнинг уйи. Шухратхўжа, Отамурод, Акмал учови катта холлга кириб келишади. Уларни Гуландом кутиб олади. Чиқиб келган Машариф улар билан кўришади. Холлдаги диван, креслоларга ўтиришга таклиф қилади. Ўтириб фотиҳа қилишади.

О т а м у р о д Машипбой, омонлиқми?

М а ш а р и ф Шукр худоға, анча яхши...

А к м а л (Машарифга) Уни, кўрсам... майлими?

*Машариф жимгина киё боқиб, «майли» маъносида бош иргайди ва кўли билан Раъно ётган хонани кўрсатади. Акмал туриб, кириб кетади. Ўтирганлар унинг орқасидан қараб қолишади.*

44. Хива. Машарифнинг уйи. Раънонинг ётоқхонаси. Акмал ўша Машариф утирган курсида ўтирибди У аста Раънони қулини авайлаб кафтлари орасига олади. Раъно кўзини очиб. Акмал тарафга аста ўгирилади ва табассум ила уни кўзига боқди.

45. Хива. Машарифнинг уйи. Ошхонада Отамурод билан Гуландом таом тайёрлашаяпти. Отамурод ушбу «Қора кўзим келиб мардум, тонгда айтди шамол отини-ей, ҳей-ҳей, эй-ёр-ей» хиргойини қилиб қозон кавлаяпти.

46. Урганч. Отамуроднинг уйи. Матлуба сингиси Раъно (тошкентлик)билан телефонда гаплашаяпти. Кадрда вақти-вақти билан Раъно (тошкентликнинг) бир хонали ўта содда жиҳозланган, олми уйи кўрсатилади.

М а т л у б а Кўчанинг қоқ ўртасида мени ташлаб кетишди-я!

Раъно тошкентлик Қудалар қанақа оламлар экан?  
Яхши одамлармикан?

М а т л у б а Ошиб-тошиб кетган бойвачча экан. Тошканда ўқиган экан-у, барибир гапга тушунмайди-де! Битта қизим, бермайман дейди. Аёли билан гаплашай десам, уям оламдан ўтган экан. Поччанг бўлмаганда, аллақачон қайтиб кетардим.

Раъно тошкентлик (бир дақиқа сукутдан сўнг)  
Қудани исми ким экан?

М а т л у б а Машрапми-ей, Мамашарипми-ей... Қайсидир қишлоқда ишлар экан.

Раъно тошкентлик Фамилияси Отажоновмасми?

М а т л у б а Ҳа, шунақа. Сан қатдан биласан?

Раъно тошкентлик Бу ўша-ку, опа!..

М а т л у б а Шунга Тошканга қизини бермаётган экан-да!

Раъно тошкентлик Опа... У яхши олам... Мен қадрига етмадим. (жимиб қолади)

М а т л у б а Ўтган ишга саловат, энди куйинишинг бефойда.

Раъно тошкентлик Акмал тўғри қиляпти. Ҳаммани суйганига етказсин! (телефон гўшагини аламига чиқолмай шартга қўяди Матлуба телефонда қисқа-қисқа товушлар бўлишига қарамай гўшакни ушлаганча жимиб қолади...)

47. Хива. Машарифнинг уйи. Катта меҳмонхонадаги ҳайбатли столда Машариф билан Шухратхўжа ичиб қтиришибди. Дастурхонда бу хонадон удумига биноан 24 кишига мўлжалланган тарелкаю салфеткалар, катта-кичик фужерлар қўйилган, ичимлигу мева-чева бисёр, худди катта зиёфатга тайёргарлик кўрилгандай тантилик мавжуд. Отамурод бир-икки бор қабоб кўтариб келганида улар билан

қадақ уруштириб, ичиб чиқиб кетали. Машариф билан Шухратхўжа тикка туриб ичишади ва ўтиришади.

**М а ш а р и ф** (ширакайф) Ўртамизда на ўтган бўлсаам, ўтган иша саловот.

**Ш у х р а т х ў ж а** Гап йўқ, ока! (бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди)

**М а ш а р и ф** (ўмгагини сал кўтариб) Шухратжон, ҳаётимни мазмуни шу яккаю-ягона қизим.

**Ш у х р а т х ў ж а** Тўғри, мен ҳам қизингизни ёқтириб қолдим. Тенгги чиқса, текин бер, деган гап бор, Машрафжон.

**М а ш а р и ф** Узоқлаги доннан, яқиндаги сомон яхши даян гапам ҳам бор, Шухратжон. Агар қизимни узоқроқа барсам, бу уй ман учун гўр бўлади-қу! Дидимиза мос йигит галса, ина бу ҳовли-жой, толган тутганим, ҳаммаси шунга қолади. Ўзим уни алини дунёни любой ерина етадиган қиламан!

**Ш у х р а т х ў ж а** (ширакайф) Қизингизни бермайсизми, ока?

**М а ш а р и ф** (йиғламсираб, кайфда) Бармийман.

**Ш у х р а т х ў ж а** (йиғламсираб) Тўғри қиласиз, мен ҳам бермасдим. (Шу пайт эшикда Акмал кқринади)

**А к м а л** Ада...

**Ш у х р а т х ў ж а** (ўғлига кўл силкаб) Сен аралашма, чиқиб тур. (У чиқиб, эшикни ёпади. Шухратхўжа Машариф билан қадақ сўқиштириб, ичади) Кўрмайсизми, аҳволимиз шу.

**М а ш а р и ф** (ичиб, бошини ослитирганча) Шу, шу...

**Ш у х р а т х ў ж а** (хонанинг шифтларигача биррав кўз ташлаб) Йшингиз яхши шекилли...

**М а ш а р и ф** Ховва, деққонман, минг гектар ерим бо. Сизда на?

**Ш у х р а т х ў ж а** Олти сўтик...

**М а ш а р и ф** Сиздаам кўп акан.

**Ш у х р а т х ў ж а** (кулиб) Борига шуқр. (сал тўхтаб) Ака, ҳали ёшсиз, уйлансангиз бўлади.

**М а ш а р и ф** Сиз билмайсиз-да, раҳматли хотинимдай аёл энди топилмайди. Мана шундай Машариф бўлиб юришимга раҳматли Сорабий сабабчи... (кўзига ёш олади) Қатти сўвар адим. (йиғлаб ўтирган Шухратхўжага) Сиз яхшисиз, хотинигиз яхши, сиз ная йиғлийсиз?

**Ш у х р а т х ў ж а** Ёшлигимда кўп куйганман... Э-эҳ, дардимни сўраманг...

**М а ш а р и ф** Хова... Дарли йўқ кесак, ишқи йўқ эшак...

**Ш у х р а т х ў ж а** (сал жимликдан сқнг кўзёш билан) Ана, ўзингиз ҳам севаркансиз-қу!

**М а ш а р и ф** (сергакланиб) Сўвги бошқа, фарзанд бошқа!

*(Шу ерда Отамурод қўлида таом билан кириб келади)*

**О т а м у р о д** И-е! Ҳалиям галишаврмийн ўтирибмисизла!  
Овқатлар сўвиб қолди-қу!

**Ш у х р а т х ў ж а** Ёшлар келишсаям, бизларни келишишимиз  
оғирроқ,

**М а ш а р и ф** Ҳовва!

*(Отамурод қуйган қадаҳларни уруштириб ичишади. Улар ўртасидаги  
ички келишмовчилик сезилиб туради.)*

48. **Хива.** Маҳмуднинг уйи. Шукуржон билан Саъдулла тарс  
айвонда овқатланишаяпти. Маҳмуд хуноб бўлиб кириб келади.

**М а ҳ м у д** Сизла овқат билан овора, Машина эшикинда  
Тошкентлилани улли машина дурибди. (Саъдуллага) Бу  
Тошкентлидан сани неринг кам?! Оғзингдайини олдириб ўтирган  
сандай (Саъдуллани елка боши узра қўлини сермайди)

**Ш у к у р ж о н** Болада на айб?! Жўрангиз лўвизсиз! Вулани на  
уйина киргизади?!

**М а ҳ м у д** Санам пепси коласан! Кўпирганинг кўпирган! Ҳа,  
Маши қизини икки қўллаб бунингни қўйнина солиб қўйсинми?!

**С а ъ д у л л а** Бунни кичкина, ўзимаам ёқмийн дурвади!

**М а ҳ м у д** Бунни кичкина бўлса, уйи улли, эй калладан  
динган! (ёниб-қуйиб) Машин ҳам гетди! Дўвлат ҳам гетди! Ҳаммаси  
гетди!

**Ш у к у р ж о н** Ҳеч нарса гетмади! Ман ҳали шундин ишлани  
киламанки, киз Саъдуллани алина нишаб тушганини билмийн  
қолади! Ҳар бир тўйбола бо, нафасиннан ўт чиқади! (У гапирганда  
Саъдулла анграйиб тасдиқлайди)

**М а ҳ м у д** Нишатсанг ат, қизни галиштир!

49. **Хива.** Машарифнинг уйи. Раънонинг ётоқхонаси. Раъно ўзига  
анча келиб қолган. Инглизча китоб ўқиб ётибди. Шукуржон қўлида  
бир коса таом билан Раънони кўргани кириб келади.

**Ш у к у р ж о н** Яхши бўлиб қолдингми қизим, бир косагина  
ўрик солиб уноши пишириб галдим, юрагинга дано.

**Р а ъ н о** Раҳмат, Шукуржон опа. овора бўлибсиз.

**Ш у к у р ж о н** Овораси боми, қани гўзимни алдинда иссиғина  
ичиб ол.

Раъно (унинг райъини қайтармай бир-икки қошиқ ҳўплайди)  
Жуда мазали бўлибди.

Шукуржон Ич, ич болам, ич! (Раъно яна бир-икки қошиқ ичишга мажбур бўлади) Қизим, санга ачинаман. Сан юракинга яқин олган одаминг, дирноқинга ҳам арзимийди.

Раъно ...

Шукуржон Тошкентда Дилбар даян бир қиз сани яҳни гўриб юрган йигитдан бўғозмиш...

Раъно (ичишдан тўхтаб) Сиз недан эшитдингиз?

Шукуржон Билмасам айтаманми. Иккиси телефонда шу йўқолган оқшоми, ина шўда, деразангни тейинасинда, сўллашганларини эшитдим.

Раъно (ранги ўзгариб) Туҳмат атиб гуносина қолманг яна.

Шукуржон Худодан яширмагани, баңдадан яшириб бўлмийди. Дапамда Худо бо!

50. Тошкент. Шухратхўжанинг уйи. Меҳмонхонада Матлуба, Матлубанинг холасини қизи Дурдона, Дурдонанинг қизи Дилбар ҳамда Бахтиёр дастурхон атрофида. Улар Матлубаларнинг Хоразмдан қайтишганини йўқлаб келишган.

Дурдона (тусмоллаб) Ишқилиб, Хоразм кўнглингизга ботдими?

Матлуба Худо бир асради. Бо ажаб, одатлари курсин, ҳамма нарсани олдинга опкириб, қўйиб чиқиб кетаркан. На олинг бор, на қўйинг бор. И-е, қизиг-а, чойниям ўзинг қўйиб, ичасан. Келинни узатишни этмайсизми, бизларга ўхшаб ҳурмат, обрў билан, бир дунё нарсани тўйдан олдин олиб келиб, икки-уч хонани тўлдириб кетишмас экан. Ҳамма нарсани йигит томон қиларкан, ҳатто туз, гугуртгача оборишади-я!

Дурдона Ўзимизни Тошкантимиздан ўргилай! Ҳаммаси рисоладагидай, одоб, иззат билан ўтади.

Матлуба Худога шукр, ўғлим инсофга келиб, ўз-ўзидан айниди. Уни устига қиз ҳам хаста экан. (Бахтиёр шу ерда бодомни тиши билан қарсиллатиб, ойисига зимдан норизо бўлиб қарайди. Матлуба унга эътибор бермай) Мана, эгачи, Худо хоқласа, кўнгилдагидай тўй қиламиз!

*Дилбар шу ерда гўё уялиңқираб, бошини эгади ва зимдан Бахтиёрга қарайди. Ўз навбатида Бахтиёр ҳам Дилбарга анойи қараш қилади.*

Дурдона (ёришиб Матлубага) Илойим, айтганингиз келсин.



51. Тошкент. Шухратхўжанинг уйи. Акмал хонаси. Интернет. Акмал компьютерда ҳарф терапти. Бахтиёр билан Дилбар кириб уни ёзувини мониторда кўришади. Акмал уларга эътибор қилмай ишини давом эттиради.

(А к м а л ёзган ёзув Раъно хонасидаги компьютерда чиқади)  
Ё з у в : Раъно, нима бўлди, ахир? Нимага мени қийнайсиз?

*Компьютер олдида утирган Гуландом Раънони ёнига чақиради. Раъно ўқиб, бошини тескари буради.*

(Г у л а н д о м ҳарф теради, Акмал компютерида чиқади)  
Ё з у в : Илтимос, мени тинч кўйинг, ортиқча безовта қилманг.  
(А к м а л ҳарф теради, Раъно компютерида чиқади)  
Ё з у в : Мен розиман, фақат айбимни айтинг.  
(Г у л а н д о м ҳарф теради, Акмал компютерида чиқади)  
Ё з у в : Сиз, Ё Л Ф О Н Ч И С И З!

*Дилбар билан Бахтиёр бир-бирларига маъноли қараб, Дилбар Бахтиёрни ҳовлига «гапим бор», дегандай имлайди. Бахтиёр «ҳозир», дегандай ишора қилади ва Акмални кровати ёнидаги тумбочка устида ётган уяли телефонини олади, сўнг Дилбар орқасидан чиқади.*

Кадрда: Дилбар билан Бахтиёр ҳовлида.

Д и л б а р Бахтиёр, Раънони қандай топсак бўлади?  
Б а х т и ё р Мана, ҳозир-де. (Акмалнинг уяли телефонининг хотирасидан излаб, Раънонинг телефон рақамларини топади ва боғланади)  
Р а ъ н о (овози) Алё, эшитаман.

*(Бахтиёр телефонни Дилбарга узатади)*

Д и л б а р Раъно, бу мен Дилбарман! Сиз билан гаплашиволишим керак (гапирганча ҳовли тўрига қараб юриб кетади)  
Б а х т и ё р Ана, иш пишиди, вассалом!

52. Тошкент. Шухратхўжанинг уйи олди. Тун. Акмал кўчадаги «Мерседес» рефрежиратори устида оёғини пастга осилтириб, гитарада тугёнли хониш қилади. Сал нарида Бахтиёр машина томида осмонга қараб чалқанча ётганча кўшиқ тинглайди. Кўшиқнинг биринчи тўртлигида гоҳ Раънонинг, гоҳ Акмалнинг изтиробли ҳолатлари акс этади. Кўшиқнинг иккинчи тўртлиги ва муқавий фразаларида Гуландомни Тошкент аэропортига келиши, университет аудиторияси олдида Дилбар билан суҳбати, уларнинг дўстона муносабатлари ва аэропортда Дилбар Гуландомни Урганчга кузатётгани кўрсатилади.

Не қилай, оқ, не қилай,  
Ёримдан қолдим айрилиб.  
Ёр жафосин англамай,  
Қолдим қанотдан қайрилиб.

Барибир ишқим баланд.  
Қайтмагайман аҳдимдан.  
Диллари қалбимга банд,  
Кечмагайман бахтимдан.

**Б а х т и ё р** (Акмални ёнига келиб ўтиради, қўлини акасининг елкасига ташлаб) «Кечмагайман бахтимдан!» Зўр этдингиз-да, ака! Мишигингизни оқизе-еб ўтираверасизми?

**А к м а л** (ўрнидан туриб) Ақллилик қилма! Ўзимни бошим қотган!

*Бахтиёр машина томида кетаётган акасини орқасидан маънодор бошини чайқайди.*

**53. Урганч.** Жалолиддин Мангуберди ҳайкали мажмуаси олдида «Мерседес-600»да Машариф келиб тушади ва ичкарига юради. Ичкарида ҳайкал ёнида Тошкентлик Раъно уни кутиб турибди. Машариф яқин келиб қулини узатади. Раъно Машарифни кўзига қаролмай қўл беради. Машариф Раънони қулини куйиб юбормай бирмунча жим қолади. Аста нафис мусиқа бошланади.

**М а ш а р и ф** Наргиз, ўзгармабсиз.

**Р а ъ н о** Сиз тўлишибсиз...

**М а ш а р и ф** Аҳволларингиз яхшими?

**Р а ъ н о** Шукур... Яхши... Агар юзимга солмасангиз, совчи бўлиб келдим.

**М а ш а р и ф** Кимга?..

**Р а ъ н о** Адашимга... Исминни берганингиз учун ташаккур.

**М а ш а р и ф** ...

**Р а ъ н о** Опамни ўғлига.

**М а ш а р и ф** ...

**Р а ъ н о** ... Акмалга...

**М а ш а р и ф** Жуда оғир масала... Юринг-чи...

*(Машариф Наргизни машинаси томон бошлайди. Улар машинага ўтириб кетишади. Мусиқа кучаяди)*

**54. Урганч.** Куз пайти. «Авесто» мажмуи майдони. «Ёшлар учрашуви» Амфитеатр ўриндиқларида турли ўқув юрларининг

талабалари, Камолот ижтимоий ҳаракати ташаббускорларининг сайъ-ҳаракатлари билан тайёрланган транспарантлар, байроқлар хилпирайди. Камера томошабинлардан саҳнага ўтганда, Раънос кўшиқ бошлайди. Бу кўшиқнинг икки сатри ўзбекча ва икки сатри инглизча ижро қилинади. Раъно биринчи тўртликни ижро қилиб бўлганидан сўнг мусиқа фразасида «Мерседес-600» машинаси Урганчнинг ал-Хоразмий катта кўчасида кетаяпти. Машинанинг орқа ўриндиғида Машариф билан Наргиз ўтиришибди. Машарифнинг уяли телефонда гапиришаётгани кўринади.

**М а ш а р и ф** Нима дедингиз? Америка?

**Р е к т о р** (телефонда овози) Табриклайман! Қизингизни магистратураси Америкада ўтиши ҳал бўлди.

**М а ш а р и ф** Э-йўқ-ай...

**Р е к т о р** Энди, қизингизни юборасиз.

**М а ш а р и ф** Ҳа... На илож... Бир ўлимнан қолди. Юбормасак бўлмас...

*Кадрда яна «авесто» мажмуаси. Саҳнада қутилмаганда бирдан Акмал пайдо бўлади. Акмал ҳам кўшиқни Раънодай икки сатрини ўзбекча, икки сатрини инглизча ижро қилади.*

Акмал иккинчи тўртликни ижро қилиб бўлганидан сўнг мусиқа фразасида «Мерседес» рефрижераторида «Таманно»ни хуштак қилиб чалиб бораётган Шухратхўжанинг уяли телефонига кўнқироқ бўлади:

**М а т л у б а** (овози) Суюнчи беринг, адаси. суюнчи!

**Ш у х р а т х ў ж а** Яна нима гап? Яна Акмалми?

**М а т л у б а** (овози) Хушxabар, адаси, хуxabар!

**Ш у х р а т х ў ж а** Гапирсанг-чи!

**М а т л у б а** (овози) Акмалингизни Америкадаги ўқиши ҳал бўпти! Америкага кетаяпти ўглингиз, Америкага!

*Шухратхўжанинг кўзига ёш келади.*

Кўшиқнинг охириги икки сатрини Акмал билан Раъно биргалашиб, бирини ўзбекча, иккинчисини бир-бирига қараб, инглизча: «Ай лав ю», деб тамом қилишади.

55. Тошкент. Аэропортнинг кутиш залининг бир эшигидан Машариф, Шариф полвон йигитлари билан кириб келишади. Аэропортнинг кутиш залининг иккинчи эшигидан Шухратхўжа, Матлуба, Бахтиёрлар кириб келишади. Бу икки гуруҳ чипталарни қайд қилиш жойига яқинлаштишади ва орада масофа сақлаб, улар бу қутилмаган учрашув маънисини англамай, тўхтаб қолишади. Пайдо бўлган ноқулай вазиятни кириб келган бир гуруҳ ёшлар: Акмал,

Раъно, Гуландом, Дилбарлар оталарининг ўргасига кирали. Ёшларнинг юзида табассум ила хурсандчилик акс этмоқда. Биринчи навбатда Раъно билан Гуландом, Машарифлар олдига бориб кўришишади. Бу ёқда Акмал билан Дилбар Шўхратхўжалар олдига бориб кўришишади. Энди икки ёш гуруҳ ўрин алмашиб оталар билан кўришишади.

**Ш у х р а т х ў ж а** И-е, Машрапжон, сизниям қизингиз Америкага кетаяптими?

**М а ш а р и ф** Ховва! Сизнинг ўғлингиз ҳамми?

**Ш у х р а т х ў ж а** Ховва! (кулиб) Келинг, энди, Машрапжон бир кўришайлик!

*(Муסיқа оҳиста бошланади)*

**М а ш а р и ф** Галинг! Насиб акан, гўришсак, гўришали!

Улар иккови кучоқлашиб кўришаётганидан хурсанд бўлган Акмал билан Раъно бир-бирларига меҳр билан яна ҳам яқинлашишади. Барчанинг юзида хурсандчилик, табассум порлайди.

Шу пайт қўлида жомадон билан Наргиз кириб келади. Шариф полвон тезда бориб унинг қўлидан жомадонини олади. Машариф тошкентлик Раънога пешвоз чиқиб илиқлик билан кўришади.

Аэропорт дикторининг овози: «Диққат, диққат! Тошкент—Нью-Йорк» йўналиши бўйича учадиган (фалон № рейс билан учадиган самолётга) чипталарни рўйхатдан ўтказиш бошланди» ушбу сўзлар инглиз тилида ҳам эълон қилинади. (муסיқа кучаяди)

56. Тошкент. Самолетлар учиш майдони. «Ўзбекистон хаво йўллари» ёзувлик «Боинг» самолети пастдан осмонга аста кўтарилиб кетади. Кузатаётган гуруҳлар мамнун бўлиб, қўлларини силкиб қолишади. Аэропорт радиоси орқали Урганч-Тошкент йўналиши бўйича йўловчилар самолётга чиқишини ўзбек, инглиз тилларида эълони эшитилади. Барча Машариф билан тошкентлик Раънони кузатиб қолишади. Бир кадрда «Боинг» самолетида Акмал билан Раънонинг хушнуд учиб боришаётгани, иккинчи кадрда «RJ» самолетида Машариф билан Наргизнинг Урганчга учиб боришаётгани кўрсатилади...

**Филм тугади**

2004

# Лазги

(телефильм сценарийси)

Экранда улкан салақайрағоч. Унинг япроқлари «Тани мақоми Бузрук» куйи фонид аста силкинаяпти.

Бошловчи йигит овози:

Борлиқ нафасидан яралди олам,  
Бу мўъжаз олам ичра яралди одам.

Ижро килинаётган «Тани мақоми Бузрук» аста пасайиб, ибтидо куйи ритмикаси асосида улкан садақайроғочнинг экрандаги иккиланжи кўринишида гуриллаб ёнаётган олов ёнида одамга «жон» кириш лаҳзаларини бир киши ижросида (селуэт) намойиш қилинади. Салақайрағоч-гужум тепасида фарингталар учиб юришибди.

Бошловчи қиз овози:

Жон кирди одамга куй, оҳанг билан,  
Олов кашф этилди сангу санг билан.

Бошловчи йигит овози:

Минг бахтким, не-не даврлар утиб, Тангри таоло инсонга тафаккур этмакни, ҳар сирдан воқиф ўлмак хиссини муяссар этди. Ҳар товуш, ҳар шовқин ҳайратидан одам қалбида тириклик оҳанглари илдиз отди. Япроқлар шивири, олам сокинлиги, оловлар тафти, сувлар саховати, замин қудрати, замонлар силсиласи юракларга дард солди, фикрларга қанот бахшида этди-наволар яралди.

Бошловчи қиз овози:

Соз-покланиш, руҳиятнинг суянчидур оҳанглар,  
Рақсларда мужассамдур яралмиш фалсафаси.  
Наволарда муштамалдур дил ноласи, авжли «ҳанг»лар,  
Муқомларда мушаррафдур мағрурликнинг нафаси...

Бошловчи йигит овози:

Ровийлар ривоят қилурларким, Қаюмарс илонни ўлдираман деб, тошни тошга уриб оловни кашф этган экан. Билҳақ, оловни улуғлаш, унга юкиниш ибтидода яралган. Кўшиқ бўлиб, рақс бўлиб сингиб кетган одамларнинг қалбига. «Оразибон»... «Норим-норим»—«ўт ўйили»лари яратилган қадимдан. «Озар»—олов, «бон»—эга. Норнинг ҳам бир маъноси-ўт, олов. «Авесто»нинг гахтларида тафти баланд меҳрнинг. Одамларнинг ўтга юкиниши, мадҳ этиши, яшаш

мантиқининг асл мағзи кўшиқларда, рақсларда дунё адоғигача сўнмаяжакдир

**Бошловчи қиз овози:**

Ибтидо созида меҳвари жоннинг,  
Озар-ўт, мадҳидир «Оразибон»нинг.

**Бошловчи йигит овози:**

«Нор» ҳам ўт, асрлар шодлиги, «оҳи»,  
«Норим-норим» яралган, рақси илоҳий.

**Бошловчи қиз овози:**

Не-не асрлар давомида яшаш тарзию тириклик ўлчовларининг пасту баландликлари ўлароқ инсон юрагининг уриши ритмикаси асосида куйлар яралиб, оҳанглар ҳаволаниб, наволар жамландилар, жилоланди ажиб рақслар.

**Бошловчи йигит овози:**

Хоразм созининг сеҳри, жозибаси, ижро услуби барчани ҳайратга солиб, қадим-қадимдан ўзига хослиги, миллийлиги билан бу юртнинг қаддини баланд, иқболини маснади маъво этиб келади. Бу мўъжаз санъат илм-фан билан муштарак, ўсиб, улғайиб, сайқалланиб, ривожланиб, дилларга фараҳ бахшидалиги билан кимларни ром этмаган, кимларга қанот бўлмаган дейсиз.

**Бошловчи қиз овози:**

Хоразм санъатида рақснинг ўрни алоҳида эъзозга лойиқ. Бугунги кунда Хоразмда «Лазги»нинг 9 тури мавжуд дейдилар. «Масхарабоз, ёхуд олов лазгиси», «Қайроқ лазгиси», «Дутор лазгиси», «Хива минор лазгиси», «Хонабазм лазгиси», «Чангтак лазгиси», «Гармон лазгиси», «Сурнай лазгиси», «Хоразм ялла лазгиси»дир. Ва яна алоҳида, алоҳида фақат чилдирма билан, тароқ билан шароитга, кайфиятга қараб, усул бериб ўйналадиган «Лазги»лар ҳам мавжуд. Шу сўзлардан кейин «Лазги»нинг сурнайдаги рези фониди

**Бошловчи йигит овози:**

Ҳар «Лазги»нинг муқомлари ўзга бир олам,  
Ундан баҳра олғусидир ўйнаган ҳам, кўрган ҳам.

*Титрда навбати билан тубандаги «Лазги»лар ёзиб борилади:*

## I. «Олов лазгиси»

Сурнай рези фониди тўқай четидаги қамишли чертакдан (чайладан) белларига тери болаган, юзларига ранг суртилган масхарабоз кийимларда Шовот, Гурлан, Янгиариқлик Сотимбой,

«Хоразмрақс» дастаси раққоси Отабеклар чиқиб, тўнкаларга ўтиралилар ва бир-бирларига қараб, доира усулига монанд «Ов»дан кейинги таассуротларини имо-ишоралар билан муқом қила бошлайдилар.

Бошловчи йигит овози: Бу «Олов лазгиси»ни Хоразмда «Масхарабоз лазгиси» ҳам дейдилар. Билҳақ, раққослар, ибтидойи даврларни, ҳайвонлар терисига ёпиниб, одамнинг илк пайдо бўлиши даврларидаги «Овчилик» ва унинг ўлжа гаштини рақс билан акс эттирганлар.

Экранда «Ов» ҳолати, сулгунни отиш, уни теридан чиқариш, хамир қориш, уноши ёзиш, қозонга сулгун гўштини, уношининг жилларини солиш, уни пишириш, тавоққа солиб, дастурхонга қўйиш жарёни моҳирона кўрсатилмоғи дозим. Бу жараён «Лазгининг била неча тактларида моҳирлик билан бажарилади. Аста-секин Сурнайда «Лазги» авжланиб, улар ижросида «тақлид» санъати ўз аксини топа бошлайди, яъни чўлоқ бўлиш, кўр бўлиш ва хоказолар. Тўнкалар ёнидаги чарсиллаб ёнаётган олов баландлайди. Масхарабоз раққослардан бири «Қум пишиги» ўйинини ижро қилади. қолганлари унга монанд муқом қиладилар.

## II. «Қайроқ лазгиси»

Бошловчи қиз овози: Бу «Қайроқ лазгиси» қадимдан мусиқасиз, тошни тошга уриб, темирни темирга уриб, «Савол-жавоб» йўсинида ижро этганлар.

Экранда кенг планда раққосу раққосалар тош билан тошни, сўнг тош билан темир қайроқни уриб доирага жавобан овоз чиқаришларига, кейин тош билан темир қайроқни бир қўлларига олиб «шақа-шақ» овозлар ритмикасида рақсга туша бошлашлари кўрсатилди. Раққос ва раққосалар тош билан темир қайроқни бир қўлига олиб шақирлатганда мақтаниш ғурури уз аксини топади. Шунда қай бир раққос ёхуд раққосанин қўлидан қайроқ тош тушиб кетади. Бир раққос ўзининг оғзига шаппотлаб, «пақо-пақ» овоз чиқариб уни изза қилади. Рақсни доира авжлантириб юборади.

## III. «Дутор лазгиси»

Бошловчи йигит овози: («Дутор лазгиси» рези фониди) Ровийларнинг айтишларича, Зардуштийликдан ҳам кўҳнароқ замонларда қурбонлик учун олинадиган одамлар чиройига, ихлоси, эътиқодига қараб танланган ва сўйилган қурбонликнинг ичагидан дуторларга торлар ясалган эмиш. Шу боисдан ҳам дутор торларининг мунгли дарди ҳар қандай шодликлардаям одамлар қалбини афсурдаи

нолавашликка тортқилайди, бироқ ҳаёт кўркамлиги, зиндалик лаззати раққосу раққосалар муқомининг олий нуқталаридир.

Жону таннинг лаззати,  
Лаззати тан—лазгидур.  
Шодмонликнинг иззати,  
Иззати тан—лазгидур.  
Созу суҳбат ҳаззати,  
Ҳаззати тан-лазгидур.  
Лаззати тан,  
Иззати тан,  
Ҳаззати тан—  
Лазгидур.

Шу ерда «Лазги яллеси» бошланади.

Салки «Лазги» бу қизманг,  
Қизишманг бирдан, бирдан.  
«Лазги»ни, «Лазги»дин уйнанг,  
Қарс уриб бирдам, бирдам.  
Қарс уриб ҳар дам, ҳар дам.  
Нақорат  
«Оҳ»о, «оҳ»о, «оҳ»о!  
«Ваҳ»о, «ваҳ»о, «ваҳ»о

Қистанманг, бу бир жоду,  
«Лайлара бурдам» амас бу,  
«Лакирдикиштак» ҳаммас бу,  
Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

Нақорат  
«Оҳ»о, «оҳ»о, «оҳ»о!  
«Ваҳ»о, «ваҳ»о, «ваҳ»о

«Лазги» лаззат дегани,  
Тана иззат дагани,  
Жоним ҳаззат дегани,  
Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

Нақорат  
«Оҳ»о, «оҳ»о, «оҳ»о!  
«Ваҳ»о, «ваҳ»о, «ваҳ»о



Оҳ, дадим, «Лазги» дадим,  
Чиққан бу бизга дадим,  
Қаранг бир кўзга, дедим  
Қарс уринг бирдам, бирдам.  
Қарс уринг ҳар дам, ҳар дам.

Нақорат  
«Оҳ»о, «оҳ»о, «оҳ»о!  
«Ваҳ»о, «ваҳ»о, «ваҳ»о

Муқом атинг «Лазги»га,  
Қулоқ беринг лафзига-  
Комил Аваз сўзига,  
Қарс уриб бирдам, бирдам.  
Қарс уриб ҳар дам, ҳар дам.

«Оҳ»о, «оҳ»о, «оҳ»о!  
«Ваҳ»о, «ваҳ»о, «ваҳ»о

#### IV. «Хива минор лазгиси»

Ушбу «Лазги» торда чалинади. Бошқа чоғу асбоблари иккинчи овозда иштирок этадилар. Торни Жуманазар Оллаберганов (носий) ижро қилади.

Экранда Хўжа минор, «Калта минор», хон саройи—Арк кўринади. «Лазги» тугагунча иккиланган тасвирда раққоса гоҳ миноралар, гоҳ хон саройида баркаш лаган устида, аркони давлат иштирокида ўйнаётгани кўрсатилади. «Лазги» бошида Бошловчи йигит изоҳ беради.

Бошловчи йигит овози: «Хива минор лазгиси» қадим хонлар саройида баркаш лаган устида туриб ижро қилинган. Раққосанинг кийими ҳам минор янглиғ нақшинкор ва унинг қўл, бармоқлари ҳаракатларида Хива минорининг бўлаклари, уларнинг осмонўпарлиги, маҳобати тасвирланган. Баркаш лаган миноранинг пойдевори рамзи сифатида улуғланган.

#### V. «Хонабазм лазгиси»

Бошловчи йигит овози: Қадимда бу «Хонабазм лазгиси» буломонда ехуд танбур билан дуторда, хонлар, аркони давлат иштирокида ижро қилиниб келинган. «Хонабазм лазгиси» ижрочиларини жалқимиз алоҳида эъзоз билан тилга оладилар. Бу рақсда раққосанинг қошу кўзларини созга мос паст-баланд туширишлари, елкасини чиройли қилиб тебратишлари барчани лол

қолдирган. Саодат Оллаберганова (сиймоб), Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёкубова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ровияхоним Отажонова, Гулчеҳра Мирзоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малоҳат Матчонова, Гулчеҳра Исмоилова ва бошқалар рақсини то бугун эл оғзидан қўймай келади.

Рақс бошланиши билан раққосаларнинг шавкалалари, уларга осилган чап ва ўнг томондаги туморлар, тайхаларидаги пар. дудори, жиғаси кенг шанда тасвирга олиниб, Бошловчи қиз овози бунга изоҳ беради.

Бошловчи қиз овози: Шавкала тақинчоқлари келинлардан-келинларга мерос бўлиб келаётган энг қадимий удумлардир. Шавкалаларга осилган туморлар ичида 7 авлод исмлари ёзилиб, чапдан ўнгга ўтиб боради. қизларга кўз тегмасин деб Хугунинг пари, «Қора бағир» қушининг қора жиғаси, Сулгуннинг икки дона дудорини тайханинг ўнг тарафига чиройли қилиб қадалади. Бугунги кунда бу боқий удум раққосаларимиз кийим-бошларида сақланиб, рақсларга ўзгача жило бахшида этади.

## VI. «Чангтак лазгиси»

Бошловчи йигит овози: Ушбу «Чангтак лазгиси»ни Хоразмда яна «Сўлқим лазги» ҳам дейдилар. Ҳар бир «Лазги»нинг ўз чертим услублари бўлганидай, ҳамма раққосаю раққослар ҳам барисига бирдай шўнғиб кета бермайдилар. Ҳар «Лазги»нинг ўз устаси, ўз мухлисис бор. Томоша қилинг.

## VII. «Гармон лазгиси»

Бошловчи қиз овози: Гармон Хоразмга XVIII аср охири XIX аср бошларида кириб келган. Хоразм созига мос тушганлиги учун созандалар уни соз дея атаганлар. Машҳур устоз санъаткор Мадраҳим Шерозий, Хўжа ота, Жумми оталар гармон билан сувораларни ижро этганлар. Устоз Шерозийнинг гармонда яратган «Лазги»сига бугун ҳам раққосу раққосалар ҳавас билан муқом қиладилар.

## VIII. «Сурнай лазгиси»

Бошловчи йигит овози: Бу «Сурнай лазгиси»ни қадим-қадимдан катта йиғинларда, тўю-томошоларда ижро этишган. Бу рақсда сурнайчилар маҳорати алоҳида ўрин тутиб келади. Бу кунга келиб Маграсул Матёкубовдай ёшлар машҳур Қуромбой сурнайчи нафасини янгротиб келмоқдалар.

Бошловчи қиз овози: Минг йиллар давомида ҳар қандай масхара-лашларни, камситилишларни енгиб, халқимизнинг бебаҳо мулки бўлмиш «Лазги» умрини боқий қилган Канорак бола, Карим бола, Қодир болага ўхшаган моҳир устозларнинг шоғирлари бугунги кунда ҳам «Ўғлон бола лазгиси»ни маромига етказиб ўйнаптилар.

## IX. «Хоразм ялла лазгиси»

Фильм бошидаги кўриниш давомида қуйидаги сахна намоён бўлади.

Катта гулхан атрофида юзларига ниқоб тортилган, қўлларида ёқилган шамлар билан 20 нафар қиз ҳар хил ҳолатда қотиб туришибди.

Бошловчи йигит овози: («Лазги»нинг рези фонида) Ровийлар демушларким, Йлк бор жон одам лошига кир деб буюрилганида, жон танага кирмади. Нечун кирмайсан, дея жондан сўраганларида, жон «қўрқамен», деб жавоб берган.

Бошловчи қиз овози: Шунда самодан бир илоҳий куй таралибди. Бу куйга мафтун шайдо бўлган жон қандай қилиб инсон танасига кирганини сезмай қолибди.

Бошловчи йигит овози: Бу илоҳий куй «Лазги» эди!

Шу ерда устоз Комилжон Отаниёзов ижро этган Комил Хоразмийнинг

«Кимни севар ёрисан?» ялласидан бир байт ижро этилади.

Ғани доғлар, ғани доғлар, қорли бўлар қорсиз бўлмас,  
Йигит боши омон бўлса, молли бўлар, молсиз бўлмас.  
Омон-ей!..

Қайси фалак буржини мсҳри пур анворисан?  
Қайси Хўтан оҳуси, нофаи тоторисан?  
Қайси чаманзорининг нолаи гул норисан?  
Сўлла манго эй санам кимни севар ёрисан?

Қотиб турган қизлар аста-секин ҳаракатга келиб рақсга туша бошлайдилар. Бир қайроқ билан раққос қўшилади. Ашулани давомини ёш ижрочилар куйлайдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матқубова сахналаштирган ушбу 9 «Лазги» жамланган композицион рақ «Хоразм ялла лазгиси»га уланиб кетади.

2003 й.

## МУНДАРИЖА

Драмалар	
Сўз боши.....	3
Меҳр фарзанди («Авесто»).....	6
Олис юлдузлар.....	37
Шоҳ бўлди ишқ ичинда.....	6
Гулиравза.....	8*
Жавлон журра.....	1'
Тандир.....	1
Ўткинчи булутлар.....	175
Сўнган умидлар.....	195
Филм сенарийлари	
Довдир.....	218
Муҳаббатимсан.....	247
Лазги.....	293

---

## Комил Аваз

### Шоҳ бўлди ишқ ичинда

*(драмалар, филм сенарийлари)*

---

Муҳаррир *Ҳайитмат Расул*  
Бадий муҳаррир *Абдухалил Турсунов*  
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*  
*Мусаҳҳиҳ Сайёра Жабборова*

Босишга 14. 04. 2007 йилда рухсат берилди.  
Бичими 60x84 1/16. Адали 100. Шартли босма табоғи 18,75.  
Баҳоси келишилган нархда  
Буюртма №58 Баҳоси келишилган нархда.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бос маҳонаси,  
Тошкент ш. . Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 33.